

Ушбу китобимни қалбимда ўзларига чин инсоний меҳр ва ихлос чўғини яшнатиб кетган икки мўътабар зот: Эшон Қутбиддин Муҳиддин ўғли билан Фузаил Махсум Исом ўғлининг сўнмас хотираларига бағишлайман.

МУАЛЛИФ



ҒАЙБУЛЛА САЛОМОВ

**МЕН СУВ ИЧГАН
ДАРЁЛАР**

**МУЛОҚОТ
МУШОҲАДА ЧЕЧАКЛАРИ
ШИНГИЛ ВОҚЕАЛАР
ОДАМЛАР ВА ТАҚДИРЛАР**

Тошкент

**Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Ёш гвардия» нашриёти**

1990

Саломов Ғайбулла.
С 26 Мен сув ичган дарёлар. Мулоқот. Мушоҳада чечак-
лари. Шингил воқеалар. Одамлар ва тақдирлар. — Т.,
«Ёш гвардия», 1990. — 272 б.

Китобда мураккаб давримизнинг ўз ечимини кутаётган чигал, зид-
диятли масалалари мушоҳада қилинади. Булар: Инсон рухий дунё-
си, унинг ўй-мулоҳазалари, ҳаётнинг оидин ва соя томонлари ҳам-
да ўтмиш, hozirги замон ва келажак ҳақидаги ўйлар... Миллийлик
ва байналмилаллик, тил, адабиёт ва таржима ҳақидаги фикр, муло-
ҳазалар муаллифни ўйлантиради. Ёшлар ташвиши ва тарбияси, кек-
са авлод билан ёш бўғиннинг ўзаро муносабатлари, устодлар билан
шогирдлар, оталар билан болаларнинг ғамхўрлиги ва садокати суҳ-
бат, мулоқот, хотира шаклида таҳлилдан ўтказилади. Оғриқли муам-
моларга жавоб топишга ҳаракат қилинади.

Масалалар давр шашти ва талабига мос ошкоралик руҳида холис
муҳокама қилинади.

Нима бўлгандаям, шуниси аёнки, Сиз китобда илгари сурилган
фикрлар, айтилган гаплар, тасвирланган воқеалар, кечинмалар, из-
тиробларга бефарқ қарамайсиз, лоқайд бўлиб қолмайсиз, фикрларинг-
из жунбўшга келади, деб ўйлаймиз.

Салямов Ғайбулла. Реки, из которых я пью воду.

ББК 66.3 (2)

4702570200 — 128
С $\frac{\quad}{356(04) — 90}$ — 6 — 90

ISBN 5—633—00383—7

© Ғайбулла Саломов. Мен сув ичган дарёлар. 1990.

МУҚАДДИМА ЎРНИДА

Қўлингиздаги ушбу китоб, ҳурматли ўқувчим, жуда қутлуғ бир мужда бўлди. Ўзим учун—қутлуғ, демоқчиман. Чунки қўл-ёзмани бир қадар қиёмига етказганимдан сўнг, камина фавқулодда, сиҳатим йўригидан, эзгу ниятла бошлаган ишим билан салкам бир йил мобайнида айру тушишимга тўғри келиб қолди. Бинобарин, ким билсин, у ҳозир Сизнинг қўлингизда бўлмаслиги, муаллифнинг «чала қолиб кетган» ишлари қаторидан ўрин олиши ҳам мумкин эди. Минг шукрим, Сиз билан юзма-юз учрашишга, дийдор кўришиш бахтига ноил бўлиб турибман.

Гапни бирмунча маҳзун кайфият билан бошлаганим учун узр.

Умр оқар дарё, дейдилар. Бир марта келди киши дунёга. Аммо ўз умрини ҳар ким ҳар хил яшайди. Ўз бахтини бошқаларни бахтли ҳолда кўришда деб билган, шунга интилган, буни ўз ҳаётининг мақсад-муддаосига айлантирган одамнинг йўлларига ҳаммавақт ҳам чечаклардан поёндоз солинавермайди...

«Бу дунёдан ҳеч ким норози бўлиб кетмаслиги керак», деган экан давримиз алломаларидан бири. Норози бўлиб кетмаслик... Бунинг учун нима қилиш керак? Менимча, бунинг учун бошқаларни норози қилмаслик лозим. Ўша алломанинг издошларидан бири, жумҳуриятимиз оқсоқоли, биринчи прези-

дентимиз раҳбарлик лавозимларида ўтирганларга юзланиб мурожаат қилди: — Ҳозир ёши элликдан ошган одамлар ўз халқига яхшилик қилишга шошилиши керак. Бўлма-са кеч бўлади...

Гарчи қандайдир маъмурий раҳбарлик лавозимида бўлмасам-да (ҳеч қачон бунга интилан эмасман), менинг ҳам айни шошиладиган вақтим. Айтишларича, мен энди бўёғига бемалол оёғимни узатиб яшасам ҳам бўлар экан... Лекин «оёқ узатишга» ҳаммавақт ҳам улгурасан киши. Бирон юмушни мендан кўра аълороқ қилиб ўринлатадиган, бирон фикрни мендан кўра чуқурроқ, асослироқ қилиб ифода этадиган доно одамларимиз кам эмас. Бироқ яхшими, ёмонми, жўяли ёхуд баҳслими, майли-да, мен қилишим мумкин бўлган ишни фақат ўзим қиламан.

Ун уч йил жумҳуриятимиз Фанлар академиясида хизматда бўлдим. Оддий муҳаррир, кичик илмий ходимликдан то ўзбек қомуси бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари лавозимигача ишладим. Илк миллий Совет қомусининг қиёфасини белгилаш, мазмуни ва мундарижасини тайин этишда фаоллардан бири бўлдим. Кейинги йигирма йил мобайнида Тошкент дорилфунунининг «тупроғини яладим». Бу ерда камина Иттифоқда биринчи таржима назарияси минбаргоҳи (кафедраси)ни туздим ва ўз сафдошларим билан бирга «ўзбек назарий таржимачилиги мактаби»ни яратишда иштирок этдим. Бахтим шунда эдики, доим атоқли олимлар, олийжаноб инсонларнинг даврасида юрдим. Уларнинг номларини санаб ўтирмайман. Ўз фаолиятим давомида шунга иқрор бўлдимки, илм қанча-

лик илм бўлса, илмий муассасаларни тузиш ҳам шунчалик, балки ундан ҳам мушкулроқ илм экан.

Мени бир нарса ҳайрон-лол қолдиради. Дунёда ёмон ишлар ҳаммавақт ўз-ўзидан содир бўлиб кетаверади. Аммо бирон эзгуликни амалга ошириш, бирон мушкулни осон қилиш гали келганда-чи, уни исботлаш ва амалга ошириш учун курашиш керак бўлади. Баъзан бу ҳаёт-мамот курашига айланиб кетади.

...1967 йил бўлса керак. Юқорида тасдиқдан ўтказиш учун қомус ҳужжатларини вице-президент, академик Иброҳим Мўминовга олиб чиқдим. Дарвоқе, И. Мўминов домланинг одатлари шундай эди-ки, у киши биз ёшларнинг «маҳмаданачилиги»ни кўп-да ёқтирмас, «мен — буюраман, сенлар — фақат бажарасанлар», деб талаб қилардилар. Ўша вақтларда бу гап бизга қанчалик нохуш бўлмасин, ҳозир ўзим бу табаррук зотнинг ёшида турганимда, бундай мантиқ менга тушунарли. Умрининг сўнгги йилларида муҳтарам домла иккита жуда катта савоб ишни амалга ошириб улгуришга ошиққан. Биринчиси — қомус бўлса, иккинчиси — Амир Темур фаолиятига тарихий адолат юзасидан ҳолис ёндашишни барқарорлаштиришга уришиш бўлди. Афсус ва надоматлар бўлсинки, мана шу ҳар иккала соҳадаги фаолияти учун ўша турғунлик муҳити ундан шафқатсизларча ўч олди. Домла уюштирилган фисқ-фужур қурбони бўлди.

Қомуснинг қурилиши, нуфузи, сарф-харажатлари ҳақида тайёрланган қоғозларни Иброҳим Мўминовга узатдим. У киши ҳужжат-

лар билан муфассал танишар экан, қомусий ва изоҳли луғатлар таҳририяти шўъбасини кўриб, даҳшатли бир алфозда пешоналари тиришиб кетди.

— Бу нимаси? Тагин маҳмаданачилик қилибсиз-да!

— ?..

— Ҳозир шунинг маврудими? Бизга луғат эмас, қомус керак. Тушунаяпсизми?

— Мен-ку тушунаяпман. Айнан қомус тузиш учун луғат керак.

— Ҳозироқ бу ердан луғат шўъбасини чиқариб ташланг.

Ҳарчанд уриниб, ялиниб-ёлворсам ҳам иш чиқмади. Баттар дарғазаб бўлди.

Домланинг барҳаёт руҳи мени кечирсин. Умримда атиги бир марта устозни алдаганман: мазкур луғат таҳририяти шўъбасини рўйхатдан чиқармасдан, қандай бўлса шундайлигича ЎзССР Вазирлар Кенгаши қошидаги Давлат план бўлимига олиб бордим. Академиянинг молиявий-иқтисодий фаолиятини бошқарадиган вазифада ўша вақтларда А. Садовский деган одам хизмат қиларкан. Қарангки, у ҳам келиб-келиб худди шу луғат шўъбасига қадалиб қолса бўладими! Мен унга луғат маданияти нималиги, қомусга луғат таҳририяти нима учун кераклиги ҳақида ярим соатлар чамаси ётиги билан тушунтирдим. Қарангки, у ҳеч бир кутилмаганда, менинг узоқни кўзлаган важларимга кўндиқўйди.

Орадан икки-уч кунлар ўтгач, иттифоқо бош муҳаррир мени йўқлаб қолдилар. Хонага кирсам, не кўз билан кўрайки, домланинг чеҳралари очиқ, кайфиятлари чоғ экан.

— Э, Гайбуллавой (менга доим шундай меҳрибонларча мурожаат қилар эдилар), хабарингиз йўқ, мана, ҳамма ҳужжатлар юқоридан тасдиқланиб келди.

— ...

— Буни қарангки, ҳалиги сиз хархаша қилиб юрган нарса...

— Қанақа «хархаша»? — дедим ўзимни ҳеч нарсадан хабарсиз одамдай.

— Қандай бўларди, ўша луғат таҳририяти шўъбасини биз буёқда чиқариб юрибмиз-у, тепадагилар ўзи қўшиб қўйибди денг! Боракалло!

— Йўғ-э!..

— Ҳа, сиз уларни ҳам анойи деманг! — бошларини чап томонга, тепага, узоққа ирғаб ишора қилдилар, — улар ҳам тушунишади...

Бир тарафи, катта мақсаднинг амалга ошиганидан ич-ичимдан хурсанд бўлсам, буёғи, шундай улуғ инсоннинг бу қадар валломатлиги, болалардай беғубор соддалигига ҳайратланиб боқардим.

Афсуски, кейинги йигирма йил орасида, хусусан, Иброҳим Мўминов вафотларидан сўнг, гарчи қомус тамғаси остида бир қанча қурама, кўчирма ишлар, ҳар хил таржима китобларми-ей босилиб чиққан бўлса-да, нафақат луғат, умуман қомус маданияти тубанлашиб кетди. Биз энг оғир йилларда Қомус нашрини бу мақсадда тузмаган эдик.

Хуллас, онгли ҳаётимнинг жуда катта қисми тил, нутқ, таржима, таҳрир, услуб масалаларини таҳлил этишга, муаллимлик ва мураббийликка бағишланди.

Мана, ниҳоят, қўлингиздаги китобнинг чор абзали чоқ бўлди. Масаллиғу ашёлар

тайёр. Аммо уни не тахлитда қуриш керак, китобга қандай ном бериш кераклиги хусусида ўйланиб қолдим.

Дафъатан хаёлимга келган энг мақбул ном — «Мен сув ичган дарёлар» бўлди. Кейинроқ билсам, шоир Маъруф Жалил шу номда шеърий мажмуа тартиб берган. Нима қипти. Ҳассос ва халқчил шоир, моҳир таржимон, энг муҳими, мунису ҳамда мискин инсон Маъруф Жалил руҳи руҳимга яқин ижодкор. Устига устак, у билан дарёмиз ҳам, сувимиз ҳам бир: бир дарёдан сув ичган одамлармиз.

Китобнинг тузилишига келганда, ҳамкасаба дўстлардан бири ғоят жозибали маслаҳат берди: олтмиш ёш китоби олти фаслдан иборат бўлса чиройли чиқаркан. Гарчи ҳар ўн йилликлар орасида қилинган ишларни қатъий даврий доирага сиғдира олмаган бўлсам-да, эҳтимол, ўқувчининг ўзи ёрдамга келар. (Еритилган масалаларни фикран фаслдан-фаслга кўчириб идрок этади, деган умид-даман.)

Сўнгги ғаразим: ишни танқидий руҳда назардан ўтказган киши ўйламасинки, мен айтаётган гаплар асло «сўнгги», «тугал» ва «узил-кесил» ҳақиқат эмас. Ҳақиқатни фақат ўзимнинг шахсий мулким қилиб олишга маънавий ҳаққим йўқ. Шуниси борки, ўзим кўрган, билган, бошимдан ва дилимдан сизиб ўтказган, чинлигига имон келтирган, ростлиги вақт имтиҳонидан ўтган нарсаларнигина қаламга олдим. Ишимни ўқиб чиқиш учун Сизга тоқат тилайман, азиз китобхон.

І ФАСЛ



ЎЗИМ БИЛАН СУҲБАТ

Киши бирон нарса тўғрисида қаттиқ ўйга толганда, хаёлини бирон фикр чулғаб олганида, бирон ташвиш, эҳтимол, ҳаммага ҳам айтиб бўлмас бир дард изтиробга солганида, узоқ муддат ўз саволларига жавоб тополмаганида, — у ...ўзи билан ўзи «гаплашади», «баҳслашади», «маслаҳатлашади». Одамлар гоҳо хиргойи қиладилар. Хиргойи нима? Бу уларнинг дардлари, ҳасратлари, ички олами, бетакаллуф, беошкор, ботиний бир мунг. Мен биламан: шоҳмотчилар фикран ёки тахта устида ўзлари билан ўзлари «жанг қиладилар», шоирлар шеър тўқийдилар, Татьяна Гнедич Байроннинг ёддан билган улкан «Дон Жуан» асарини турмада бусбутун ёдаки таржима қилиб, орадан йиллар ўтгач, озодликка чиққанида уни қоғозга туширган. Кўпинча бу хиргойилар, ички ботиний ҳаёт, ўз-ўзинг билан азобли мубоҳасалар кўпинча бошқалар учун сирлилигича, самарасиз қолиб кетади. Аттанг. Баъзан ўйлаб кетаман: қанийди, ҳозирги автоматика, электроника, компьютерлаштириш даврида шундай бир асбоб ясалсаки, у ёзувчилар, олимлар, инженерлар, мутафаккирларнинг фикрларини «ўқиб», уларни ёзиб олса. Эҳтимол, мен бунга ишонаман, инсон ички руҳий олами ни кўра оладиган, ўқий оладиган ва ёза оладиган қандайдир асбоб ихтиро қилинар ҳам. Инсон ҳамма нарсага қодир. Бироқ, ҳамма гап шундаки, башарнинг ана шундай ихтиросини бадкирдорлик ва наҳс ишларга эмас, балки кори хайрга тадбиқ этсалар. Қанийди, қанийди.

Ҳурматли ўқувчим. Мен бу сатрларни, фараз қилинган, «ўзим учун» ёзаяпман. Эҳтимолки, сатрлар

рим силлиқ, суфта эмасдир, лекин уларни самимият билан Сизга мўлжалладим. Аслида менинг бу ички мушоҳадаларим унутилиб кетиши керак эди. Аммо мен «беҳабар», бу фикрларни биров (бу «бирова» — ўзим) ёзиб олган экан. Аслида, бу ерда ажабмаски, сиз учун қандайдир фавқулудда янгилик ёки бировлардан сир сақлаб яшириб юрадиган гап ҳам йўқдир. Лекин барибир, кимларнингдир номларини тилга оларман, қандайдир нохуш воқеаларни эсларман, одамлар хафа бўлмасинлар. Чунки булар менинг ўйларим, холос. Ўйлашга эса сени ҳеч ким мажбур қилолмайди, ўйлашни ман этиб ҳам бўлмайди. Эҳтимол, менинг баъзи бир «ўйларим» кимгадир ёки кимларгадир нохушроқ туюлар. Начора. Бунинг учун мен ўз ўйларимни кўмиб юборолмадим. Ўйлар одамлар билан бирга туғилар ва улар билан бирга ўлар экан. Лекин... менадан хафа бўлмаганга, боғда битган бодомлар. Ниятим — сизга фақат яхшилик эди...

— Мана, қадрдон дорилфунунимизда таржима назарияси минбаргоҳи (кафедраси) тузилганига ҳам роппа-роса йигирма йил бўлибди

— Шу йиллар давомида, эҳ-ҳе, қанча сувлар оқиб ўтди...

— Назаримда, инсон белгили бир маррага етиб келгач, ортига бир қайрилиб қараши, ўз умри, қилган (ёки қилолмаган) ишларини сарҳисоб этиши лозимга ўхшайди.

— Мен сенга анъанавий бир савол бермоқчиман: бахтлимисан?

— «Бахт»ни изоҳли луғатимиз шундай таърифлайди: «Ҳаётдан тўла хурсандлик, мамнунлик ва беармонлик ҳолати: омад, толе; иқбол...» (1-жилд, 85-бет). Бу маънода, албатта, ўзимни «бахтсизман» деб ҳисоблай олмайман. Лекин, менимча, бахт тўғри-

сида ҳар кимнинг ўз тушунчаси бор. Мен бахтни одамларга керак бўлиш даражаси билан ўлчайман. Фақат ўзи учунгина бахтли бўлган одамни бахтли деб бўладими? Эҳтимол, сен ҳаётдан хурсанд ва мамнундирсан. Лекин ҳаёт-чи? Ҳаёт — одамлар, жамият ҳам сендан розими? Ўз ҳаётингда кишиларнинг оғирини енгил қила олдингми? Ҳаётда буздингми ёки бунёд этдингми? Ариқ қазиб сув чиқардингми ёхуд оқар сувларни қуритиб, кўприкларни буздингми?.. Қисқаси, мен бахтни меҳнатда, бошқаларни бахтли ҳолатда кўришда, ҳалол, билимли, маърифатли, диёнатли бўлиш, ўз халқингнинг бирон корига яраш, комил инсон бўлишга интилишда деб биламан. Бироқ бахтга эришиш йўли ниҳоятда сермашаққат, ниҳоятда зиддиятли ва гоҳо у ҳатто хатарли.

— Мен сенга шунинг учун бу саволни бердимки, суҳбатимиз мавзуи мураккаб, чамаси, мулоқотимиз оғир кечади. Зотан, ҳаёт фақат чароғон эмас, унинг номукамал, нуқсонли томонлари ҳам бор.

— Муқаррар. «Нур борки, соя бор» дейишадикю. Яна бир шоир хўб дебди: «Зулматнинг совуқ турқи ойдинда яққол кўринадир».

— Умрингнинг йигирма йили дорилфунун даргоҳида кечган экан, бу ердаги жуда катта хайрли ишлар билан бирга, баъзан, турли холис ёки нохолис сабабларга кўра содир бўлган ёки бўлаётган номатлуб, нолайиқ ишларни тилга олсанг, сени ношукурликда, уйдаги ахлатни ташқарига олиб чиқишда айбашмасмикин, деб, рост, истиҳола қилиб турибман.

— Тўғри. «Бир кун туз ичган жойга — қирқ кун салом» дейдилар. Бир кунлик тузга қирқ кунлик салом-а. Лекин қусурларни, иллатларни айтишга келсак, туз андишасини қилиб, сукут сақласанг, ўринли бўлмас. Ҳаётда одамлар хилма-хил. Улар

нинг ўз манфаатлари бор. Бу билан ҳисоблашмай бўлмайди.

— Ўзбекона мақол яхши: «Бир кун туз ичган жойга — қирқ кун салом». Қизик. Мақол умуминсоний ҳақиқатларнигина эмас, балки халқнинг миллий тийнати, руҳиятини ҳам ифодалар экан-да. Русларда бу хусусда, масалан, бошқа яхши мақол бор: «Хлеб-соль ешь — а правду режь»...

— Яъни: «Нон-намак е, она гапни де». Қалай?

— Дуруст. Алишер Навоийда, дарвоқе, яна бир чуқур гап бор: «Ҳаммавақт гапнинг ростини айт. Аммо рост нарса деб ҳар гапни айтаверма».

— Хуллас, муддаога кўчсак... Андиша яхши нараса. Аммо ортиқча истиҳолага ўрин йўқ. Сабаби, «сен» билан «менинг» иштирокимизда, бизга бевосита ёки билвосита боғлиқ барча ишларда муқаррар равишда бошқаларни айбдор санаб, ўзимизни «оппоққина» кўрсатмасликка ҳаракат қилайлик. Ана шунда манзара равшан бўлади. Дарвоқе, «Инжил» да шундай гап бор: «Бировнинг кўзидаги хасни илғайди-ю, ўз кўзидаги ходани кўролмайди». Гапимиз шундай бўлиб чиқмасин-да тагин.

Бош мавзу: таржима. Қайта яратиш жараёни ҳисобланмиш таржима санъати эса таҳрир, танқид, таҳлил, тадқиқот, тарбия, уқув, кўникма, малака, назария ва амалиёт, тил ва адабиёт, луғатчилик, борингки, мафкуравий соҳанинг деярли барча тармоқлари: матбуот, нашриёт, театр, кино, радио, телекўрсатув, турли-туман ижтимоиюнчилик ва адабий-нафосат турлари билан чамбарчас боғлиқ...

— Ҳақиқат қиёсда очилади, дейдилар. Таржима назарияси минбаргоҳи Ўзкомпартия Марказий Қўмитасининг қарори асосида, 1969 йилда очилган эди. Ҳозирги вақтда бешта факультетда — ўзбек ва рус филологияси, журналистика, роман-герман, шарқ факультетларида таржимачилик илми ва амалиёти-

дан дарслар олиб борамиз: умумий назарий таҳсил билан бирга махсус курслар ўтаемиз. Умумдавлат аҳамиятига эга бўлган таржима ишидаги аҳволни, кенг маънода: катта таржима адабиёти нашрлари, таржимонлар билан иш олиб бориш, ўзбек тилига ҳамда ўзбекчадан бошқа тилларга ўгириш, таржима ва таҳрир, ёш таржимонлар тайёрлаш, сафдаги таржимонларнинг малакасини ошириш масалалари билан бирга, таржима таҳсилни кўздан кечирсак, бу жабҳада биз қандай ишларни қилдик?

— Бир нарсани ёруғ юз билан айта оламан: етмишинчи йилларнинг бошларида марказий илмий муассасалар, олий ўқув юргларида тортиб, буёғи фанлар академиясидан то дорилфунун ва институтларнинг олимларигача, амалдор ва мутасадди ходимларгача — ҳамма бир оғиздан таржимани таҳлил, тадқиқ ва таҳсил предмети сифатида деярли тан олмаган бўлса...

— Даҳшат-а!

— ...Саксонинчи йилларнинг ўрталаридан аҳвол батамом ва тубдан ўзгара бошлади. Кўпчилик оддий бир ҳақиқатни тушуниб қолдики, бизнинг кўпмиллатли мамлакатимизда ва жумҳуриятимизда умуман таржимасиз иш юришмас экан.

— Лекин кўпчилик таржимани анчайин бир иш, чунончи, икки тилни билган ҳар қандай киши ўгира олади, деб ўйлайди. Бунга нима дейсан? Чуқур янглишиш-ку бу.

— Ҳим... Аммо икки тилни билмай туриб ҳам таржима қилиб бўлмайди-да.

— Оббо! Қитмирликми бу? Биласанки, тил билиш таржиманинг фақат «моддий» негизи. Бамисоли масаллик. Ҳолбуки, таржима бу ҳаракат, жараён демак. Мантиқий, лисоний, ижодий жараён. Бунда жаноб мутаржим тилларни билишдан ташқари, дидли қаламкаш, услуб устаси, моҳир муҳаррир, ёзувчи,

матншунос, таъбир жоиз бўлса, руҳиятшунос (психолог) ҳам бўлиши керак. Тилларни қуруқ билиш билангина, уни ҳис этмай туриб, матнни ўгириш амри маҳол.

— Ажаб. «Тилни ҳис этиш» де. Бадиий асарни назарда тутаяпсан, шекилли? Олайлик, наботот (ботаника), ҳикмат (физика), риёзиёт (математика) дарслигини ўгириш учун шу ихтисосликларнинг илмий тушунчалари даражасида рус ва ўзбек тилини билиш кифоя. Бу ерда таржимон мазкур фанлардан мутахассис (набототчи, риёзиюн ва ҳоказо) бўлиш баробарида, икки тилни дуруст билган услуб устаси (стилист) бўлса етарли-да. Шундай эмасми?

— Турган гап, табиёт дарслигини ўгирувчи кишига бадиий адабиётни таржима қилаётган мутаржимга қўядиган талабни қўйиб бўлмайди. Ёки аксинча. «Илиада»ни ўзбекчалаштираётган одам жабр (алгебра) таржимонининг тил билиш малакаси ва тадбир-тадорики билан асло қўлига қалам ушлай олмайди. Аммо бу ерда бошқа бир нарса муҳим: риёзиётнинг мураккаб масаласини ечиш учун ҳам, бу кўпчиликнинг назарида қуруқ иш бўлиб кўринса-да, аслида тамом аксинча: бунда ҳам катта ижод ва илҳом керак. Ҳа-ҳа: илҳом, топқирлик, тахайюл (фантазия)!

— Демокчисанки, аниқ фанлар таржимаси ҳам, аниқлик ва ўзига хос мантиқий изчиллик ва шартлиликдан ташқари, ижодий яратувчиликни талаб қиладиган ғоят мароқли иш.

— Демак, таржима, ўз табиатига кўра ижодий иш...

— ...ҳам санъат. Қайта яратиш санъати.

— Шу ўринда бир нарсага эътиборни қаратмоқчийдим. Таржимон-ку «берилган» матн — аслият (оригинал) доирасида иш кўради. Ундан ташқарига чиқолмайди. Бас, унинг эрки, эркинлиги чегаралан-

ган. Шундай бўлгач, эркинлиги чеклаб қўйилган ижодкор фақат асарни бошқа тилда такрорлаши мумкин, холос. У ўзича ҳеч нарса ярата олмайди.

— Шундай бўлгач, қайта яратиш жараёни бўлмиш таржиманинг «ижодий иш»лиги-ю «санъат»лиги қаёққа борарди, демоқчисан-да? Акс даъво ўринли. Бироқ...

— Далил керак!

— Учта далил келтираман. Биринчиси — таржиманинг тил соҳасидаги ижод эканлиги.

— Ундай десанг, фақат бадиий таржима эмас, балки умуман бадиий адабиётнинг ўзи ҳам тил соҳасидаги ижод-ку.

— Бу эътирозинг таржиманинг ижодий иш эканлигини рад этмайди, балки, билъакс, унинг фойдасига хизмат қилади.

— Дарвоқе, тўғри-я.

— Иккинчи далил: агар бир асарни ўн киши ўгирса, уларнинг таржималари бир хил қолипдан чиққандай, бир-бирига айнан ўхшаб қолмайди; балки жиддий фарқ қилади.

— Сабаб?

— Сабаби, ҳар бир таржимон — ижодкор. Лекин улар бир-бирларига ўхшамайдилар. Ҳар бири ўз олдига асар муаллифининг услубини акс эттиришни мақсад қилиб қўяди. Бироқ ҳар гал «таржима майдонига» икки алп — муаллиф билан мутаржим яккама-якка тушадилар. Таржимон ҳам ижодкор экан, у муаллиф услубига қанчалик маҳлиё бўлиб кетмасин, ўзини муаллифнинг иродасига итоат этишга мажбур қилмасин, ҳар бир таржимачининг бетакрор, ўзига хос услуби ҳам шундоққина сезилиб туради. Ана шу сифати билан Мирза Кенжабоев таржимасидаги А. С. Пушкиннинг «Евгений Онегин» шеърий романи Ойбек таржимасидан, Сулаймон Раҳмон таржимасидаги Жорж Гордон Байроннинг «Дон Жуан»

достони Абдулла Шер таржимасидан, Жамол Камол таржимасидаги Вильям Шекспирнинг «Макбет» фожиаси Саъдулла Аҳмад таржимасидан жиддий бир тарзда тафовут қилади.

— Менимча, таржима қанчалик мустақил бўлса, у олдингисидан шунчалик фарқланади.

— Учинчи далил шуки, айни бир асарни ўғирганда ҳосил бўлган бир қанча таржималар ижодкорлар мансуб бўлган мактаб, адабий анъаналар, ўгирилаётган аслиятнинг табиати, тур хусусиятлари тақозоси билан ҳам бир-биридан яққол ажралиб туради.

— Ўгирилаётган матн бир, лекин таржималар тафовутли бўлади-да?

— Тенг қийматлилик (эквивалентлик)нинг турли қофиялаш даражаларида: вазн, оҳанг, ҳижода фақат таржима таржимадангина эмас, балки таржима аслиятдан ҳам муайян фарқланади.

— Поляк ёзувчиси Станислав Ежи Лецада шундай фикр бор: «Одряхлевшись, восклицательный знак становится вопросительным».

— Сўзма-сўз ўгирса шундай бўлади: «Ундов аломати шалағи чиқиб, савол аломатига айланади». Эркинроқ таржима қилинса: «Белидан мадори кетиб, ундов аломати савол аломатига айланади».

— Қадимий адабиётимиз анъаналарига содиқ қолган шоир Жамол Камол, ўз мактабига батамом мос ҳолда, шарқона талқинда бундай ўғирди: «Алиф қартайиб дол бўлди». Рауф Парфи эса ўша фикрни: «Ундов ундалиб-ундалиб саволга айланди», деб ифодалади.

— Ҳар иккала шоир ҳам аслият матнидан чиқиб кетмаган ҳолда икки хил таржима қилишган. Қай бирини маъқул кўрган бўлардинг?

— Ҳар иккаласи, ҳатто учаласи ҳам соз. Бир фикр уч хил алфозда ўгирилган, бири биридан аъло.

Таржима аслият матнидан чиқмаган ҳолда, уч хил талқин қилинган.

— Еки Умар Хайёмда шундай рубойи бор:

Гар бода ҳўри ту бо хирадмандон хўр,
Е бо санами доларуҳи хандон хўр.
Бисьёр махўру рад макун, фош масоз,
Андак хўру, гоҳ хўру, пинҳон хўр.

Бу рубойи Шоишлому Шомуҳамедов шундай ўзбекчалаштирган эди:

Май ичсанг, оқилу доно билан ич,
Еки бир гул юзли зебо билан ич.
Оз-оз ич, гоҳ-гоҳ ич, ҳам яширин ич,
Эзма, расво бўлма, ҳаё билан ич.

Тўртликни Жамол Камол ҳам таржима қилади:

Май ичсанг, уни оқилу доно била ич,
Е нозли санам, бир гули раъно била ич.
Оз-оз ичу гоҳ-гоҳ ичу пинҳона симир,
Кўп ичма, ружу айлама, маъно била ич...

— Бу жуда ғалати таржима-ку. Аввало, тўртлик Ш. Шомуҳамедов таржимасида анча тўқис. Жуда кўп одамлар уни айни шу таржимада ўзлаштирганлар. Демак, минглаб китобхонларга манзур бўлган. Қолаверса, ўзинг эмасми Нажмиддин Комилов билан ёзган «Жаҳонгашта рубойилар» мақолаларида буни сал бўлмаса мукамал санъат намунаси деб таърифлаган? Буёғи қандоқ бўлди? Хато қилмасам, Жамол Камол шундоққина Шоишлому акадан кўчириб, гула кўтарибди-ку. Айрим майда-чуйда сўзлар, иборалар, тафсилотларни дейилмаса: ўша-ўша. Е адабий ўғирлик (плагиатлик) таржимага дахлдор эмасми?

— Дахлдор. Лекин бу ерда ҳеч қандай такрор ёки кўчирмакашлик йўқ. Кўп сўзлар, иборалар, таркиблар ҳам — ўша-ўша, бироқ бунда кўзга кўринмас

бир нарса борки, буни «муқобил вазнда» (эквиметрия) ўгириш ҳамда «муқобил оҳангда» (ритмда) бериш (эквиритмия) дейилади. Олим Шоислом Шомуҳамедовнинг бармоқ вазнда қилинган таржимасидан шоир Жамол Камолнинг арузда қилинган таржимаси айнан шу куйи, мусиқаси, жаранглаши, таровати билан фарқланади. Биринчи таржима ёмон эмас, лекин у мазмун йўриғида амалга оширилган ва бирмунча насрийлашган, одмироқ бўлиб қолган. Кейингиси ҳам гарчи «энг сўнгги натижа» деб қабул қилинмаса-да, бу таржиманинг қиммати шундаки, у кўпроқ шеърини маънога эга. Энди форсча тўртлик, унинг икки ўзбекча таржимасини овоз чиқариб ўқиб кўр. Тўғрироғи, матни ўқиб эмас, балки арузни тинглаб боқ. Ана ундан кейин баҳсга яна қайтсак бўлади.

— Далилларинг-ку жўяли. Лекин, барибир, биз Хайёмнинг фалсафий шеърини, рубоийлари билан илк бор Шоислом Шомуҳамедов талқини орқали танишганмиз. Биз шу таржималарга ўрганиб, кўникиб кетганмиз.

— Маъқул гап. Идрокда руҳий ҳолат деган омил бор. Биз Умар Хайёмни Шоислом Шомуҳамедов орқали эмас, балки у билан биргаликда, у билан қўшиб қабул қилганмиз. Идрокда муайян кўникма қолип (стереотип) ҳосил бўлган. Энди (айниқса қайта қуриш ва янгича тафаккур даврида!) бўлса янгича талқинга ҳам «ўрганишимиз» лозим бўлади.

— Аммо бу фақат менинг фикрим эмас. Катта бир йиғинда таржимачилик ишида кўзи пишган таниқли шоир, марҳум Туроб Тўла ҳам шу фикрни айтган эдилар...

— Узр, ўша йиғинда мен ҳам бор эдим. Енма-ён ўтирувдик шекилли? Ахир, далилсиз даъво ҳукм бўлолмайди-да. Шеърини таржимасида, шеърининг ўзида бўлганидай, умуман ҳукм қилиб бўлмай-

ди. «Ҳукм», «маҳкум», «ҳоким», «ҳукумат», «муҳо-
кама», «маҳкама», «ҳакоим» сўзлари бир ўзакдан —
«ҳукм»дан ясалган. Таниқли шоиримизнинг ҳам
асосий даъволари — ўша «ўрганиб кетганмиз», «кў-
никиб кетганмиз» деган гаплар.

— Ҳа, «Евгений Онегин», «Ҳамлет»ни биринчи
марта Ойбек, Мақсуд Шайхзода даҳоси билан, улар-
нинг таржимасида ўқиганмиз, руҳий оламимизга,
қон-қонимизга сингиб кетган, дедилар...

— Баракалла. Йўл-йўлакай яна бир луқмани Ту-
роб Тўла ўзлари қистириб ўтувдилар. Эслайсанми?

— Едимда. «Гарчи «...Онегин»да Ойбек аканинг
услуги оғирроқ, асарни ўзбекчада тушуниш бирмун-
ча қийинроқ бўлса-да...», дегандилар. Шунини айта-
санми?

— Айнан шу. Лекин қайта таржима учун бу ҳам
далил бўлолмайди.

— Нега энди? Таржимада асарнинг ўқилиши
оғирроқ бўлса, уни енгиллаштириб, китобхонларга
тушунарлироқ қилиб қайта ўгириш лозим бўлмай-
дими?

— Гап фақат шунда эмас. Ойбек аканинг ўзлари
ҳам ўттизинчи йилларнинг ўрталарида қилинган
илк таржималари...

— ...А. С. Пушкинга чуқур эътиқод юзасидан...

— ...Ҳа, буюк муаллифга буюк мутаржимнинг
чуқур эътиқоди юзасидан, истабми-истамайми, кўп-
роқ сўзма-сўз ўгирган эдилар-да.

— Ойбекнинг ўзлари ҳам буни пайқаганлар-а.

— Шунинг учун ҳам ўн йиллар мобайнида «рус
жаътининг қомуси» (В. Г. Белинский) деб таъриф-
ланган мазкур роман таржимасини бирмунча енгил-
латиш устида астойдил ишлаганлар.

— Азамат меҳнат. Буюкларга дахлдор сифат.

— Аммо яна шунини унутмайликки, мавжуд тар-
жиманинг оғир ёки енгиллиги, яхши ёки ёмонлиги

каби аломатларгина асарни қайта ўгиришга бирдан-бир асос бўлмайди.

— Лаббай? Муайян асар бир дўндириб ўгирилган бўлса, уни қайта-қайта, чексиз таржима қилавериш керак эмасдир? Унда бу ишнинг чеки-чегараси бўлмайди-ку?..

— Аввало, бир асарнинг бир нечта яроқсиз таржималари мавжуд экан, нега энди бир нечта аъло таржималари бўлмаслиги керак. Башарти, Ойбек таржимаси айтишга етган санъат намунаси бўлганидаям, Мирза Кенжа янги таржимага қўл уриш учун, шоир сифатида, маънавий ҳуқуққа эга эди.

— Қандай «маънавий ҳуқуқ»?

— Ҳар бир шоирнинг «ўз Пушкини» бор. Олайлик, агар бирон ўзбек шоири А. С. Пушкинни ўз тилига таржима қилмоқчи бўлса...

— ...Шунга ички эҳтиёж сезса-да?..

— Ҳа, шу нарсага чуқур ички эҳтиёж сезса, унга: «Сен ўз Пушкинингни қўя тур», деб айта олмайсан.

— Ҳа, шоир халқи бир ишни қиламан дедими, қилади.

— Гап бундаям эмас. Бир асарни иккинчи дафъа ўгирмоқчи бўлган ижодкорнинг қисмати оғир. Аввало, жуда кўп одамлар «шунга зарурат бормиди?» деб тушунади. Тўғриси айтиш керакки, бизда ҳали таржима ҳақида гап кўп бўлса-да, умуман олганда таржима маданиятимиз савияси паст.

— Қолаверса, қайта таржимага киришаётган киши олдинги таржимага нисбатан ошириб юбормагани тақдирда ҳам, жилла бўлмаганда, ундан қолишмайдиган бўлиши керак.

— Мирза Кенжанинг таржимаси «Евгений Онегин»нинг тамом янги, антиқа бир талқинини бера олади.

— Хўш, Мирзанинг таржимаси Ойбек таржимасидан яхшироқ, деб айта оламизми?

— Масалани бу тарзда қўйиш керак эмас, «яхшироқ» — «ёмонроқ». Таъбир жоиз бўлса, Ойбек таржимаси сипороқ, аниқроқ, аслиятнинг мазмунини тўлароқ акс эттиради. Мирзанинг таржимаси эса, эркинроқ, шоирона таровати нозик-нафисроқ...

— «Ҳар қандай қиёс оқсайди», деган эди В. И. Ленин.

— Шундай экан, биз энди «Онегин»нинг иккита мукамал таржимасига эга бўлдик. Қандай яхши.

— Бундан чиқди, асарнинг ҳар иккала таржимасини ҳам ўқиш керак. Чунки улар бир-бирини ажиб бир тарзда тўлдирар экан.

— Русча аслиятни ҳам қўшиб ҳисобланса, ҳар учала «Евгений Онегин»ни ўқисангиз қани энди. Рус шоири ўзининг бу романи билан нима демоқчи...

— ...ва қандай демоқчи эди-ю...

— ...ўзбек шоирлари буни қай даражада ва нечук қайта ифода эта олдилар — буни ўқиш ва кузатиш жуда мароқли.

— Бу нарса ўқувчига нима беради?

— Завқ бағишлайди, нафис дидни ўстиради, рус ҳаётининг моддий ва маънавий негизлари, Пушкин ижодининг маънавий, руҳий, тарбиявий қадрияти ҳақида чуқур ва ҳар тарафлама билим беради.

— Муҳими, менимча, рус тили ҳамда шоир услубининг, унинг шоирона маҳоратининг сирларидан воқиф бўлиш имкониятини оширади.

— Нега энди фақат рус тилининг, фақат Пушкиннинг бўларкан? Айтганларинг бусбутун ўзбек тили, ўзбек адабиёти, Ойбек ва Мирза Кенжабоевларнинг услуби ва маҳоратига ҳам тўла дахлдор эмасми?

— Шу топда хаёлимга бир фикр келди: икки тиллилик ва кўптиллик шароитида таржима ўқувчининг қўлини янада узун қиларкан, имкониятларини ошираркан.

— Шу маънода, рус адабиётини ўқиб-ўрганишда, уни бадий идрок этишда русларга нисбатан, фақат рус тилидагина ўқий оладиганларга қараганда ҳам саводхон ўзбек ўқувчилари, ўзбек шоирлари катта-роқ имкон ва имтиёзга эгадирлар.

— Хуллас, таржима, ўз табиатига кўра ижод экан...

— Ижод бўлганда ҳам жуда ўзига хос ижод, бир эмас икки тил, икки маданият, икки адабиёт билан боғлиқ ижод.

— Энди таржиманинг амалий жиҳатини қараб чиқсак.

— Бунда даставвал унинг тарбиявий, маърифий томонини қайд этишга тўғри келади.

— Таржима миллийлик билан байналмилаллик қотишмасидан иборат. Бу жараёнда шундай ҳодиса рўй беради: баайни икки хил ноёб маъдан дучлашиб, қайнаб қоришади ва сифат жиҳатидан учинчи маъдан пайдо бўлади.

— Бу маъдан ҳар икки маъданинг сифат белгиларини ўзида сақлаган учинчи қотишма бўлади.

— Аслида-ку, миллийлик ва байналмилаллик бу маънавиятимиз, турмуш тарзимиз, маданиятимиз, санъатимизга дахлдор умумий масала.

— Таржима эса, хусусан бадий таржима бу жараён учун мислсиз тажриба майдони, чунки ҳар гал, ҳар бир таржима муносабати билан бу жараён янгидан кучга киради ва амал қила бошлайди...

— Миллийлик билан байналмилалликни таржимага нисбатан қўллаганда, уларни бир-биридан фарқлаш, чегаралаш мумкинми?

— Муайян бир асар, масалан, «Рамаяна», «Лачплесис», «Илиада», «Калила ва Димна», Шекспир фожиалари, Жованни Боккаччонинг «Декамерон», Мопассан новеллалари, М. Ю. Лермонтовнинг «Замонамиз қаҳрамони», Лев Толстойнинг «Анна Каре-

нина», «Кавказ асири», «Ҳожимурод», Чингиз Айтматовнинг «Қиёмат», Радий Фишнинг «Жалолиддин Румий» сингари асарлари ўзбек тилига ўгирилди. Бу ерда нима — миллий, нима — байналмилал? Бу икки омилнинг белгиларини фарқлашга уриниб кўриш мумкин.

— Авваламбор, бу асарлар ўзбек тилига таржима қилинган экан, она тили — миллий ҳодиса эканлигини эътиборда тутиш лозим.

— Бу фикр умуман тўғри. Айни вақтда тил ҳам, миллатнинг ўзи сингари, «соф» миллий ҳодиса эмас.

— Уруғ-аймоқчилик тарафидан қаралса, шундай. Айтайлик, Бойсун ва Учқўрғон, Урганч ва Ургут, Бешкент ва Олтиариқ, Ғазалкент ва Зомин, Наманган ва Бухоро, Самарқанд ва Марғилон ўзбекларининг «хили», равиш-рафтори бир-биридан фарқ қилади.

— Уларнинг урф-одатлари, хўжалик юритиши, маросимлари, халқ оғзаки ижоди, қўшиқ ва лапарлари, ҳатто кийинишлари, ҳатто турқ-тароват, афтангор, юз-кўз ифодаларида ҳам маълум тафовутлар кўзга ташланади.

— Тил ва талаффузда ҳам сезиларли фарқлар бор.

— Агар бугунги ўзбек адабий тилини ягона бир жонли аъзо деб олсак, буни ҳам юз фоиз «миллий ҳодиса» дейиш қийин.

— Луғавий тарафдан — шундай. Унда умумтуркий сўзлар билан бирга, араб, форс, рус, олмон (немис), мўғул, инглиз, фаранг, ҳинд ва бошқа ўнлаб тилларнинг юзлаб, минглаб унсурлари учрайди.

— Демак, миллийликнинг бош омили ва белгиси ҳисобланмиш тилнинг ўзи ҳам байналмилаллик ҳодисасидан холи эмас.

— Тафсилот ва хусусий жиҳатларга берилмай, бош масалага — таржимада миллийлик ва байнал-

милалликка қайтайлик. Юқорида номлари зикр этилган асарларнинг тилимизга ўгирилиши билан хинд, лотин, юнон, форс, рус, инглиз, фаранг, олмон воқелигига — тарихий, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаёт тарзининг бадий инъикосига дуч келдик. Булардан ўз маданиятимиз, тарбиямиз, онгимиз учун фойдали, зарур жавҳарларни олдик. -

— Масалага дахлдор яна бир муҳим нуқта. Буюк сўз усталарининг ижоди ҳар бир халқнинг миллий тимсоли ва миллий ғурурига айланиши баробарида, уларнинг асарлари оламшумул умуминсоний, байналмилал ғоялар билан суғорилган бўлади.

— Шекспир фожиалари орқали фақат XVI аср инглиз ҳаётининг лавҳаларигина эмас, балки қадимги Румо, юнон, араб маданиятларининг обидалари, тимсоллари, манбалари билан танишамиз.

— Шекспир талқинида ҳатто ўз тарихимиз, XIV—XV асрларда кечмиш қонли воқеаларнинг билвосита бадий инъикоси ҳам онгимизда, шууримизда жилваланади.

— «Қирол Лир», «Макбет», «Ҳамлет»... фожиаларидаги лавҳалар, қонли саҳифалар тасвири Мовароуннаҳрда Амир Темур, темурзодалар, Улуғбекларнинг ҳаёти, фаолияти ва тақдири билан боғланган аниқ-таниқ воқеаларни бизга эслатади.

— Қизиқ гап экан. Бундан чиқади, бизга таржима орқали келган байналмилал, умуминсоний ғоялар ўз тарихимизни, ўз миллий турмуш тарзимизнинг айрим жабҳалари, воқеалари, саҳифаларини чуқурроқ билишимизга ҳам кўмаклашар экан-ку.

— Гап шунда. Таржима ҳаётимизда байналмилал мафқурани қарор топтириш баробарида, миллий онгни ўстириш ва тарбиялашда ҳам бебаҳо омил.

— Бундан яна бир хулоса чиқарсак бўлади: миллий биқиқлик, шовинизм, худбинлик, биродаркуш-

лик руҳи билан суғорилган асарларни асло таржима қилмаслик керак.

— Масалани таҳлил қилишдан кузатилган мақсад ва вазифалар хийла ойдинлашмаяпти. Шундай дастлабки хулосани чиқарсак бўлади: таржима, геометрия таъбири билан айтганда, миллийлик текислиги билан байналмилал муҳитнинг кесишган чизигидан бошланади...

— Яна: миллийлик билан байналмилаллик муҳтор, бир ёқлама, текис сатҳ, муайян бир томонга йўналган ҳаракат эмас.

— Фурсатдан фойдаланиб, бир масалага жиддий ва узил-кесил аниқлик киритишга зарурат борга ўхшайди. Кейинги йилларда, русча мақолда айтилганидек, бош оғриғини касал калладан олиб, соғ бошга юқтириш, яъни соғлом бошни дардисар қилишга зўрма-зўраки уринишлар бўлди.

— Афсуски, шундай. Тилнинг тозалиги ҳақида гапирсанг — «миллатчисан», она тилингда қаттиқроқ йўталсанг ҳам — «миллатчисан», ўз халқинг тарихидан оғиз очсанг — «миллатчисан», атроф-муҳитни асраш, маҳсулотга унга сарфланган меҳнатнинг миқдори ва сифатига қараб баҳо тайинлаш лозимлигидан сўзласанг — тагин «миллатчисан»...

— Кейинги вақтларда «мерос талаш» деган бир нарса пайдо бўлди. Ўзбеклар гўё Ибн Синони «ўзлариники» қилиб олган эмишлар. Тожик ким-у, ўзбек ким? Қондош-жондош, ёр-биродар халқлар-ку. «Қўйнидан тўкилса — қўнжиги» деган гап бор.

— Албатта. Муруват икки томонлама бўлади. Хўш, Ибн Синони ўзбекларники деб айтилса, тожик биродарларимиз ҳам ундан «маҳрум» бўлиб қолмай-дилар-ку. Мантиқ шуни тақозо қилмайдими?

— Ҳақиқатан ҳам, минг йиллар илгари яшаб ижод этган буюк мутафаккирлар, хоҳ Абурайҳон Беруний бўлсин, хоҳ Абу Али ибн Сино бўлсин,

шунингдек, Абунаср Форобий, Муҳаммад ал-Хоразмий, ал-Фарғонийлар ўз «паспорт»ларига ёки «таржимаи ҳол»ларига «мен — ўзбекман» ёки «мен — қозоқман», «мен — тожикман» деб ёзмаганлар.

— У замонларда Ўрта Осиёда «миллий чегараланиш» ўтказилмаган, де.

— Агар улар, бир замонлар келиб, ўз авлодлари бу қадар «миллийлашиб», майда-чуйдалашиб кетишини билганларида... гап бошқа эди.

— Рост-да. Қардош халқлар бир-бирлари билан бу тариқа «мерос таллашиб» юрсалар, бу нарса охири-оқибатда халқларимиз ҳамдўстлигига...

— Буюк аждодларимиз хотирасига ҳам!..

— Муносиб иш бўлмайди.

— Бундай рақобат ва иғвогарлик, гиж-гижлаш азалий дўст-биродар халқларимизни, уларнинг дўстларини ранжитади...

— Сувни лойқалатиб, балиқ ушламоқчи бўлган ғанимларнинг тегирмонига сув қуяди, холос.

— Олтмишинчи йилларнинг ўрталарида...

— ...Бу мутафаккир ва мутафаннин олимларимизни «ўрта осиелик олимлар» деб аташга келишиб олинган эди-ку.

— Менимча, шу бирдан-бир тўғри қарор. Негаки, Беруний, Ибн Сино, ал-Форобий, ал-Фарғоний, ал-Хоразмий, Аҳмад Яссавий ва бошқалар бутун Ўрта Осиё халқларига...

— ...Наинки Ўрта Осиё...

— ...Боринги, бутун дунё халқларига ҳам етиб ортади.

— Қизиқ-да: бутун Европанинг энг нуфузли олий мактабларида Ибн Синонинг «Қонун фит-тиб» асари олти аср мобайнида тиббиёт (медицина) илмидан асосий дарслик сифатида ўқитиб келинган экан, мазкур асарни улар «бу кимники?» — деб суришти-

риб ўтирмай, аллақачон ўзлариники қилиб олиб, ўзлаштириб бўлганлар.

— Биз бўлсак, бугун, ўзимизга батамом содиқ қолган ҳолда, Сино ўзбекми ёки тожикми деб «масала» таллашиб юрибмиз.

— Чиндан-да, инглиз Исаак Ньютон — кимники? У «Улуғ Британия тортишиш қонуни» эмас, балки бутун олам тортишиш қонунини кашф этган. Демак: Ньютон дунё олими.

— Ўрта осийлик мутафаккирлар ҳам муайян миллий чегарада яшаган фуқарони эмас, балки арабу ажам, форсу хитой, ҳинду туркини ўргандилар...

— ...Замин, осмон, ҳаво, сув, сайёраларни тадқиқ этдилар. Бинобарин, улар миллий эмас, балки миқёсни бутун Шарқу Ғарб даражасида кенгайтирган жаҳоний олимлар эдилар, дейишга тўла маънавий асос бор.

— Миқёсни муайян бир миллат ёки, эҳтимол, қабила, уруғлар қадар торайтириб эмас, балки умуминсоний муштарак манфаатлар қадар кенгайтириб муносабатда бўлсак, бу мантиққа ҳам, тарихга ҳам, инсофга ҳам мос иш бўлади.

— Акс ҳолда кулгига қоламиз.

— Албатта, биз бутун Ўрта Осиё халқлари, жумладан ўзбеклар, тожиклар, қозоқлар, туркманлар, қирғизлар, ягона манфаат йўлида бирлашган бутун мамлакатимиз халқлари, қолаверса, бутун араб ва ажам қавмлари барчаси ўзларини ўша минг йиллик меросга дахлдор деб билсалар, не ажаб?

— Ворисийлик туйғуси, жўғрофий ва тарихий ҳаққоният ҳам шуни тақозо этади.

— Бас, биз бугун муҳокамани «меросхўрлик муаммоси»га қаратгандан кўра, уларнинг йўқолган қимматбаҳо асарларини қидириб топиш, топилганларини эса тожик, ўзбек, қозоқ ва ҳоказо тилларга тўкис таржима қилиб, ўрганиб, ўзлаштириб, чина-

камига ўзимизники қилиб олиш устида қийин амалий ишларни бошлашимиз керак.

— Бадиий адабиётда ҳам қиладиган ишларимиз тахланиб ётибди.

— Алишер Навоий ижодини олайлик. У ўз устоди ва дўсти, буюк тожик шоири Абдураҳмон Жомийни пири комил деб билди. Ижодининг дунёвий аҳамияти шундаки, у умуминсоний ғоя ва тимсолларга содиқ қолган ҳолда, араб, форс, турк, хитой, арман ва бошқа халқларнинг қизлари ва ўғлонлари образларини яратди.

— Бироқ биз — Навоий авлодлари, ўз буюк ва саховатли мутафаккир бобокалонимизнинг мислсиз бадиий ва илмий хазинасини жаҳонга танита олдикми? Яхши маънода кўз-кўз қила олдикми?

— Гап, жазава, шовқин-сурон кўп, иш кам.

— Оддий мисол. Салкам етмиш йил давомида Лев Толстой асарлари 3 мингу 199 марта 114 тилда 436 млн. 261 минг нусхада нашр қилинган. А. С. Пушкин асарлари 3 мингу 108 марта 104 тилда 376 млн. 468 минг дона чоп этилган. Алишер Навоий асарлари эса 155 марта 18 тилда 3 млн. 943 минг нусхада босилиб чиққан, холос.

— Бу жиҳатдан бизнинг Навоий Л. Толстой, А. Пушкин, А. Чехов, И. Тургенев, Н. Гоголь, Н. Некрасов, М. Лермонтов, И. Крилов, Д. Мамин-Сибиряк, А. Куприн, Ф. Достоевский, М. Салтиков-Шчедрин, Н. Лесков, И. Гончаров, И. Бунин, С. Аксаков, А. Герцен, Т. Шевченко, В. Жуковский, В. Гаршин, А. Толстой, А. Островский, И. Франко, Н. Гарин-Михайловский, К. Станюкович, Н. Чернишевский, М. Коцюбинский, Л. Украинка, А. Фет, А. Грибоедов, О. Туманян, Шолом-Алейхем, П. Мирний, А. Упит, Я. Райнис, Ш. Руставели, Я. Купала, А. Тўқай, Низомий, А. Таммсаарелардан кейин туради.

— Бунинг, албатта, маълум сабаблари бўлса керак.

— Ундай десанг, ўша йиллар ичида чоп этилган ўзбек совет ёзувчилари асарларининг нашр салмоғи бундан ҳам паст. Мамлакатимизда ўз асарларининг нашри жиҳатидан Ойбек 92-ўринда, Гафур Ғулом эса 101-ўринда туради.

— Бу ерда қандайдир шошилинич чоралар кўрилмаса бўлмайди.

— Нима қилиш мумкин?

— ?

— Энди лисоний таҳсил масаласида...

— ...Тил ўрганиш, тил ўқитиш дегин.

— Урта мактабдан бошлаб то ҳозиргача нечта тилни ўрганинг?

— Ўзбек, рус, немис, француз, форс, араб...

— Олтигадан ўзбек тили — она тилинг, рус тили «миллатлар аро тил» ҳисобланади. Қолган тўрттаси хорижий тиллар.

— Ўзингдан қолар гап йўқ, тил ўрганишим жуда қизиқ бўлган. Бешинчи синфда ўқиётганимда, нима бўлди-ю, дадам мени бирдан ўзбек мактабидан олиб рус мактабига ўтказмоқчи бўлиб қолдилар. Хайрият, ўзбек муаллимларим ҳам, рус ўқитувчилари ҳам бунга қаршилиқ қилишди.

— «Боланинг ўзлаштириши яхши. Агар уни рус мактабига ўтказиб юборсангиз, чала чопилади», дейишгандир-да?

— Худди шундай. «Тожи ака, бола ўзбек мактабида ўқиб ҳам русчани ўрганиб олади. Зеҳни ёмон эмас, — деб эътироз билдиришди улар. — Аммо кейин пушаймон бўласиз. Яна ўзбекчага қайтараман десангиз — кейин олмаймиз», — деб туриб олишди.

— Ўзинг нима дединг ўшанда?

— Мендан биров сўраб ўтирибдими, дейсан. Худ-

ди «сотилаётган қул» боладай, гоҳ дадамга, гоҳ чу-
виллаётган муаллимларимга қарайман.

— Хуллас, ўзбекчада қолдиришди.

— Йўқ.

— Рус мактабига ўтиб кетдингми?

— Биласан-ку, нима бўлганини. Дадамнинг шаштлари баланд эди. Чоғимда, бирон бообрў киши қаттиқроқ уқтирган бўлса керак «бўш келманг» деб. Ниҳоят, муроса-ю мадорага келишди. Бир йўла икки мактабда — русча ва ўзбекчада ўқийдиган бўлдим. Куннинг биринчи ярмида — ўзбекча бешинчи синфда, пешиндан то кечгача — русча учинчи синфда ўқийман. Уззу кун ўқишдан бўшамайман.

— Хўш, мана энди ўзинг айт. Бу ўзига хос «тажриба» сенга нима берди?

— Элас-элас эслайман. Рус синфида Женя Озоров, Эдик Баласанов, Наташа Боева деганлар бор эди. Бошда бир неча кун ётсираб юрдим. Бора-бора кўникдим. Шундай қилиб, бир йил ичида сурункасига рус ва ўзбек тилларида ўқидим ва икки синфни битирдим.

— Бу иш кейинги йилларда давом эттирилмади чоғи? Нега шундай бўлди?

— Олтинчи синфдан бошлаб фақат ўзбекчада ўқий бошладим. Лекин. Ўша бир йиллик «устама» русча ўқиш, гарчи расмий таҳсил талабларига тамомила хилоф бўлса-да, менга кўп нарса берди. Буни кейинчалик сездим. Тил ўрганишда асосий нарса: талаффуз муҳим. Ўн йил муккангдан тушиб рус тили грамматикасини ёдла, уч ой руслар орасида бўл. Тил ўрганишда кейингиси самаралироқ бўлади.

— Шу кўйи олтинчи синфдан бошлаб рус тили билан алоқани уздим, де?

— Йўқ-да, аксинча. Русчанинг «ҳавосини» олган эканманми, таҳсилни ўзимча давом эттирган бўлиб... Виктор Ҳугонинг «Париж маъбудасининг ибодатхо-

наси» романини ўқишга тушиб кетибман. Олти юз бетлик роман. Ҳеч нарсани тушунмайман. Тусмоллаб ўқийман, ҳижжалаб мутолаа қиламан, пичирлаб кўраман. Ахийри ёлғиз хонада овозимни баралла қўйиб хониш қилишга ҳам ўтдим. Ҳеч нарса чиқмайди. Аммо мана шу тушунмаслик!..

— ...Сени китобдан бездирган бўлса керак?

— Йўқ, бездирмади. Қайтанга қатъият ва ҳавасимни ўн чандон оширди.

— Билмаган нарсангни билишга интилиш иштиёғи жуда зўр бўлади кишида. Руҳ қўзғалганда шашт баланд бўлади-да. Айтадилар-ку: сидқидилдан йиғласанг, сўқир кўздан ёш келур, деб.

— Уйга кириб олиб, худди қорилардай, тушунмасам ҳам шаррос ўқиганим-ўқиган. Бир кун, ўн кун... юз кун деганда сўзларни ғира-шира, тусмоллаб бўлсаям тушуна бошладим.

— Дид-фаросат ва ички туйғу билан.

— Епирай. Нима бўлди де? Шундоқ кўз ўнгимда бутунлай янги бир руҳий олам ястана бошлади, маънолар жилва қилди, образлар жонланди.

— Шўрлик Квазимодо, гўзал Эсмеральда!..

— Киши мактабни тугатиб, қўлига етуклик васиқасини олади ва ҳаётга қадам қўяди. Аввало, бутун беғубор ёшлигинг ўша даргоҳда ўтганлиги учунми, жонажон мактаб умр бўйи сен билан бирга қолади... Қалбингда, хотирангда, ўнгу тушингда, бутун руҳий ҳаётингда мактаб тимсоли худди Прометей оловидай алангаланиб туради. Жуда кўп нарса фақат оила эмас, балки мактаб муҳити сени қандай тарбиялаганига боғлиқ.

— Тўғри-да. Инсон қалбига тамал тошини мактаб қўяди. Мактаб ҳар бир кишининг биринчи дорилфунуни. Аммо «мактаб дорилфунуни» билан «ҳаёт дорилфунуни» бошқа-бошқа нарса.

— Ҳа, улар ўртасида фарқ бор... Лекин «бошқа-бошқа нарса» эмас.

— Буёғи ўзга масала, алоҳида мавзу. Ҳозир мактаб билан боғлиқ яна бир қанча фикрларни айтмоқчи эдим.

— Сенинг рус тили, рус адабиёти, рус маданиятига бўлган эҳтиросли қизиқишинг...

— ...Ҳаётимда ўчмас из қолдирди. Мана шундай бир далилни олиб қарайлик: Пушкин номли ўрта мактабни битирдим; Самарқанд дорилфунунида Пушкин стипендияси соҳиби бўлиб ўқидим; Пушкин номидаги илмий-тадқиқот институтида аспирантурада таҳсил кўрдим ва ўша ерда хизмат қилдим.

— Тасодиф ва қонуният.

— Ўрта мактабни битираётганимда Валентина Филипповна Ткаченко деган рус тили муаллимаси менга рус тилида А. П. Чеховнинг бир жилдда чоп этилган танланган асарлар мажмуасини совға қилди. (Баъзан ўйлаб қоламан. Нима «мажбур» қилдийкин уни, шундай қилишга? Ўшанда Ткаченко опамиз билганмидики, бу китоб мен учун бутун бир хазина бўлиб қолишини?) А. П. Чеховни мен бутун умр бўйи «олиб ўтдим». Мана у.

— Ҳа, анча уриниб қолибди...

— Чунки у мен учун эрмак эмас, балки иш қуролмига айланди. «А. П. Чехов асарларининг ўзбек тилига таржимаси» мавзуида диплом иши ёздим. Эҳтимол, худди шу китоб, шу биринчи тадқиқотим илмий ва ижодий ҳаётимнинг ўқ пояси бўлиб қолгандир.

— Эсингдами, 20-мактабда Степан Петрович Виногограденко деган мушфиқ бир инсон ўша қирқинчи йилларнинг ўрталарида мактаб директори эди.

— Аммо мен у кишининг олдида жуда-жуда хижолат бўлиб қолдим.

— Нима бўлувди?

— Болалик шавқи экан, қуриб кетсин. 1946 йилда «Ленин учқуни» газетасида менинг «Приев нега дарсга кечикади?» — деган кичкина мақолам босилиб чиққан эди...

— Ҳа-я!.. Қандайдир бир Приевнинг дарсга кечиши... мактаб директори С. П. Винограденкога қимматга тушувди.

— Юқоридан аллақандай комиссия келиб, шўрлик директоримизга ҳайфсан берган. Кўп ўтмай у киши ишдан бўшаб, бошқа мактабга хизматга ўтиб кетдилар.

— Биламан, орадан мана қирқ икки йил ўтибди. Ҳали ҳам у киши билан Тошкент кўчаларида учрашиб қолганимизда...

— ... ўша гуноҳинг эсингга тушиб, ичингдан зил кетасан.

— Лекин ўша воқеа у кишининг ёдидан чиқиб кетган. Ҳали-ҳануз мени ўз фарзандидай яхши кўради.

— Аслида, инсон ҳар бир нарсанинг ёмон томонидан кўра...

— Ундан ҳам кўз юлмаган ҳолда, албатта...

— Ҳа, кўз юлмаган ҳолда, яхши томонини кўришга жаҳд қилиши фойдалироқ.

— Тилингга новвот.

— Мен бизда, миллатлар орасида дўстлик қонуни бор, деб ҳисоблайман. Бу халқлар ҳамдўстлиги, байналмилаллик, тенглик, миллий дахлсизлик сингари жуда муҳим қонуният.

— Айтмоқчисанки, кенг миқёсдаги ҳалол-покиза дўстлик шунчаки кўнгилли ҳодиса, муҳим омилгина эмас, балки қонуният.

— Менимча, ана шу қонуниятнинг бир қанча аниқ-таниқ шартлари, белгилари ва хусусиятлари бор.

— Дўстлик қонуни ўзаро тенглик, икки томонлама ва кўп томонламаликка асосланган...

— ... Ҳамда бегараз бўлиши керак. Дўстлик миллатлар, миллий қадриятлар, миллий туйғулар, миллий тиллар ва миллий маданиятларни бўғишга, жиловлашга ёки «ушлаб туришга» эмас...

— ... Балки, чинакам тенглик асосида, уларнинг равнақ топишига хизмат қилиши лозим.

— Ҳа-да, ўзи бошқаларга ҳеч нарса бермай, нуқул ёрдам олиб яшаш мумкин эмас ҳаётда. Бу қандай «ёрдам» бўлади? Ёрдамни ҳадеб пеш қилавермаслик керак. Миннатли ёрдам — ҳаром. Фақат бошқа хотамтой, сахий халқларнинг ёрдами эвазигагина яшаб турган «гадой халқ» йўқ дунёда.

— Аслида ҳам ҳаётда шундай-ку ўзи. Дўстлик ҳам, ёрдам ҳам ўзаролик шартига қурилган.

— Миннатли ошдан беминнат мушт яхши, дейди халқимиз. Русларда ҳам шундай матал бор: лучше синяки да шишки, чем пироги да пышки. Уша-ўша гап. Миннатли дўстлик ҳам — дўстлик эмас...

— Душмандан баттар.

— Бошимдан ўтган икки аламли...

— Лекин хайрли тугаган!

— ...воқеани айтиб берай. 1966 йилда номзодлик диссертациямни Москвада, Олий Тафтиш Комиссияси (ВАК)нинг Текширув (эксперт) кенгашида ёқлашимга тўғри келди. Кенгашда совет тилшунослиги фанининг казо-казолари тўпланган эди. Узоқ савол-жавоблардан кейин хона ташқарисига чиқиб кутиб туришни буюрдилар. Кўп ўтмай хонадан юпунгина кийинган бир чол чиқди-ю, мени бағрига олди, пешонамдан ўпди ва меҳр тўла кўзлари билан боқиб... ўзбек тилида: «Табриклайман, ўғлим!» — деди.

— «Ўғлим» дедими?

— Ҳа, рус кишиси ўзбек тилида мени «ўғлим» деди. Менинг ўша топдаги руҳий ҳолатимни энди

бир тасаввур қил. Кўзимга совуқ, қандайдир файзсиз кўринган тунд бино бирдан ёришиб кетгандай бўлди.

— Яна нимадир деганди шекилли ўша нуруний рус чол?

— Ҳа, яна қўшиб қўйди: «Мендан Улуғ Турсунга салом айт.» Жуда ҳайрон бўлдим. Хизрга йўлиқдимми, деб ўйладим. Ким экан бу яхши одам? Бунчалик илтифот боиси нима? Нега профессор Улуғ Турсунга салом айтишим керак? Рус домла кетдилар. Енимда турган одамдан ҳайрон бўлиб сўрадим:

— Бу киши ким экан-а?

— Ие, ҳали танимамай ўтирибсизми? Дунёга машҳур туркшунос олим, Москва дорилфунунининг катта мударриси, профессори Насилов бўладилар-ку, — деди у.

— Нима?! Владимир Михайлович ўша кишимиди ҳали?..

Зум ўтмай мени ичкарига чақиришди ва ишим бир оғиздан тасдиқланганини хабар қилишди...

— Э-э... дунёнинг ишларини томоша қилинг. Энди профессор Владимир Михайлович Насилов ҳам, профессор Улуғ Тошмуҳаммад ўғли Турсунов ҳам ораميزда йўғ-а. Биз эса бормиз. Демак, устозларимиз барҳаёт.

— Хўп ажойиб олим, беназир бир инсон эдилар-а, раҳматлик Улуғ домла.

— Бироқ у киши сенинг илмий раҳбаринг эмас эдилар-ку?

— Гап шунда-да. Орқаворатдан, холис, бегараз гамхўрлик бу. Дунё деганинг фосиқ, бадкирдор, ҳасадгўй, фитначи шахслар изнида эмас, мана шундай жўмард, танти, пок ниятли инсонларнинг елкасида туради-да, оғайни.

— Орадан ўн етти йил ўтгач, худди ўша вазият айнан ўшандай тафсилотлар билан яна... такрорлан-

ди. Москвада, Олий Тафтиш Комиссиясида докторлик диссертациясини имзосиз чиркин тақриз асосида ҳимоя қилмоқдаман. Зал тўла одам. Савол ёғилиб кетди. Қирқтача саволга жавоб қайтардим. Фавқуллодда, бир киши шундай савол ташладики.. жавобларим ҳалиги одамни ҳеч қаноатлантирмайди. Ундай дейманам — йўқ, бундай дейманам — йўқ. Учтўрт хил жавоб қайтардим — бўлмади. Ҳалиги савол берган одамнинг кўзларида маъно йўқ.

— Шунда сен ҳам «йўлини» қилдинг-а?..

— Ҳа: саволни мақтаб кетдим. «Бу жаҳоншумул савол экан. Ҳеч кимдан, қарангки, шу пайтгача шундай савол тушмаганига ҳайронман. Раҳмат, Сиз сўрадингиз. Сўраб қолмаганингизда борми!.. Дангал айтаман: ҳозир бу саволга жавоб беролмадим, бироқ шу топдан бошлаб берган саволингиз устида ўйлай бошлайман...», дедим. Қарасам, мени мағлуб қилганиданми, ё бўлмаса сохта хушомадларга эриб кетибми, ниҳоят, ҳалиги олим тантанавор керилиб, илжайди. У ғолиблик гаштини сураётган эди.

— Шунда, қара-я, кутилмаган бир ҳодиса рўй берди: бир нуроний чол — шу денг, бир боғ бедадай оппоқ соқоли кўкрагига тушган, кўринг-кўрманг — Лев Толстой бобонинг қуйиб қўйган ўзгинаси, мунозарага аралашиб қолди:

— Сиз, — деди менга қараб, — берилган сўроққа билиб, тўғри, чуқур жавоб бердингиз. — Аммо Сиз эса, — деди чол ҳалиги менга ўчакишиб қолган одамга тикилиб, — чалкаш савол бердингиз. Атайин чалкаштириш учун, бузуқ ниятда шундай қилдингиз. Ҳайф сизга!..

Ҳалиги муҳориб мум тишлаб қолди. Чўкиб кетди. Залга сув сепгандай жим-жит.

— Ўшанда нимадан қаттиқ мутаассир бўлганингни айтиб берайми? Ҳалиги нуроний олим учун сен, бундай олиб қараганда, ҳеч ким эмас эдинг. Ҳатто

уни танимасдинг ҳам. У бўлса, чиндан ҳам, Лев Николаевич Толстой, ўша граф Толстойнинг набира-си эди! (Буни кейин суриштириб билдинг) Аммо ҳалиги савол берган олим эса унга — ҳамкасаба, эҳтимол, хизмат ва бурч юзасидан тез-тез учрашиб турадиган «ўз кишиси». Лекин у ҳақиқат, инсоф ва диёнат олдиди «ўз кишиси»га дашном бериб, сен, етти ёт бегонага ён босди.

— Топдинг. Ҳақгўйлик — бошга қилич келганда ҳам тўғри гапни айтиш — рус миллий тийнатиининг белгиларидан бири эканлигига имон келтирдим. Менга яна бошқа бир нарса ҳам чуқур таъсир қилди...

— ...буёғини мен айтиб берай: «Оббо!.. — деб ўй-ладинг. — Асли теги тоза нарса — тозалигича қоларкан-да. Даҳо Толстойларнинг пурзиё шафоати ва мурувватидан келиб-келиб мен ҳам баҳраманд бўлдим-а!»

— Шундан сўнг: агар ишим ўнгланиб, докторлик васиқасини олсам, биринчи галда иккита ишни амалга ошираман, деб ният қилдим. Бири — Ясная Полянага бориб, бузруквор Толстойнинг қабрларини зиёрат қилиш.

— Зиёрат қилдингми?

— Ҳа.

— Таассуротинг?

— Бир олам. Аммо бу ёғи — бошқа мавзу...

— Хўш, иккинчи ниятинг-чи?

— Бу ҳам ижобат бўлди. Лекин бу ёғи ҳозирча сир¹.

— Валлоҳи. «Мен»дан — ўз-ўзингдан ҳам сир тутаркансан-да?

— Қиссадан ҳисса шу: беғараз дўстлик, эзгулик, оқибат — кишини ундиради, ўстиради; ғараз, ҳасад, кўролмаслик — қаритади, чиритади, қуритади.

¹Шароф Рашидов қабрини зиёрат қилиш назарда тутилган эди. — Муаллиф.

Дўстлик, биродарлик тоабад яшнаб турувчи ҳаёт, масъудлик навниҳоли. Аммо гармсел, ташналик, ҳар хил чувриндилардан муҳофаза қилиб, қараб турил-маса — дарахт ҳам қурийди.

— Шамсуддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозий буюр-ганлар:

Ширин ҳосил берар дўстлик дарахтин ўтқаз,
эй инсон,
У душманлик ниҳолин юлки, бергай ғам,
алам, армон.

— Энди яна тил сиёсатига қайтсак.

— Марҳамат.

— Биласанки, совет мактаби...

— Икки сабабга кўра совет мактаби фақат бир тилли мактаб бўлиб қололмайди.

— Биринчидан, мамлакат кўп миллатли, жамият кўп тилли.

— Расман, жамият тенглик асосига қурилган. Тенглик тушунчаси мамлакат ҳаётининг барча иқти-содий ва сиёсий узвларига, жумладан ва хусусан, миллатлар ва миллий тилларга ҳам дахлдор.

— Иккинчидан, совет жамияти ўзининг фақат ички эҳтиёжлари учунгина яшайдиган биқиқ жами-ят эмас.

— СССР дунёнинг барча мамлакатлари билан иқтисодий, сиёсий, маданий ва дипломатик алоқа-ларни йўлга қўйган.

— Ана шу ички ва ташқи сиёсатда кўпмиллатли ва кўптилли халқларимизнинг ўзаро алоқалари рус тили орқали амалга оширилади.

— Ички муомалада ҳам, ташқи муомалада ҳам боғловчи тил, кўприк бўлиб қолган. Миллатлар аро алоқа воситаси бу.

— Дунёда биринчи социалистик мамлакатнинг пойдори Владимир Ильич Ленин миллатларга ва

тилларга нисбатан дахлсизлик ва тенгликни қатъий шарт қилиб қўйган. У миллий масала, бинобарин, тил масаласи ҳам ўта нозик масала, шунинг учун СССРдаги биронта миллатга, биронта тилга қандайдир алоҳида имтиёз бериб бўлмаслигини қайта-қайта тайинлаган.

Доҳий уқтирган эдики, бошқа халқларга зинҳор ва зинҳор рус тилини калтак остида ўргатмаслик керак.

— Ҳа, бошқа халқларнинг рус тилига интилиши калтак остида йўналтирилмасин, балки тамомила табиий бир ҳолда, ички эҳтиёж сифатида воқе бўлсин, деб уқтирган.

— Қандай ўйлайсан? Бу масалада Лениннинг васиятига тўла риоя қила олдикми?

— Риоя қилинди. Лекин...

— Агар ёдингда бўлса, бундан ўн йиллар илгари ҳар қадамда доҳийнинг йирик кўринишда туширилган сураглари кўзга яқин жойларга, деворларга илиб қўйилар, уларнинг остида: «Тўғри йўлдан бораёйсизлар, ўртоқлар!» — деган ёзувлар бўларди.

— Ғалат. Ленин номидан гўё ўзимизга ўзимиз «баҳо» берад эдик.

Кейинги йиллардагина, ошкоралик, социализмнинг демократик пойдеворини мустаҳкамлаш иши бошланган даврда одамлар билиб қолдики, «Ленин номи билан» кўпгина чатоқ ишлар ҳам қилиб юборилган экан.

— Шундай бир даврда Лениннинг бизга қарата: «Тўғри йўлдан бораёйсизлар, ўртоқлар», дейиши қийин эди.

— Лоақал, тил масаласини олайлик. Ўзбек зиёлиларининг илғор қисми, ўтмишда ҳам...

— Фурқат, Исҳоқхон, Сатторхон ва бошқа ўнлаб маърифатпарварлар ҳаммавақт халқимизни рус тилини эгаллашга даъват этдилар, рус ва дунё фани

ҳамда маданиятини эгаллашнинг калити — рус тилида эканлигини айтиб келдилар.

— Ҳозирги вақтда-ку рус тилини ўрганишга «даъват», алоҳида «куюнчаклик» қилишнинг ҳам мутлақо кераги йўқ, деб ўйлайман. Ҳамма рус тилини ўрганиш ҳаётий зарурат эканлигини тушуниб қолган.

— Халқимизнинг рус тилини билишга интилиши табиий йўсинда бораётган бир вақтда...

— Ҳақиқатан ҳам, баъзан антиқа ишлар содир бўлади-да!

— Бу хайрли ишни... Қуролли Кучлар билан боғлаб асослашга чиранувчиларнинг мантиқига сира тушунолмайман.

— Нимани назарда тутяпсан? Қанақа «мантиқ»?

— Хабаринг бор, кўпчилик ҳарбий «арбоблар»...

— Тўғрироғи, русча ибора билан айтганда, «солдафонлар» («солдатбоз»лар — Ғ.С.)...

— ...Рус тилини дуруст билмаслиги натижасида гўё бошқа миллат кишилари, жумладан, ўзбек йигитлари Қуролли Кучлар сафида кўнгилдагидай хизмат қила олмаяптилар деб даъво қилишмоқда.

— Буёқда «СССР — дунёда тинчлик посбони» деб ётсак, ўзимизда эса рус тилини ўрганишдек сокин, тинч бир ишни... Қуролли Кучлар воситасида амалга оширишга интилиш...

— Буёқда доҳий Ленин минбаъд рус тилини ўқитишда калтак қўлланмасин деб турса-да, наинки калтак... икки гапнинг бирида Қуролли Кучларни пеш қилсак. Мантиқ қани?

— Н. В. Гоголнинг: «Искандар Зулқарнайн-ку зўр, лекин курсиларни синдириш на ҳожат!» — деган гапи ёдимга келади.

— Бундай олганда, мамлакатга фақат тил билан эмас, балки соғлом, чапдаст, тадбиркор, бақувват навкарлар керак. Ваҳоланки, сир эмас, кўп йигитла-

римизни... рус тилини билмаганидан эмас, балки, жисмоний заиф бўлгани учун ҳарбий хизматга олишмаяпти.

— Худди шундай. Кўп йигитларимизда витамин етишмаслиги оқибатида улар касалманд эканлиги комиссия пайтида аниқланган.

— «Витамин етишмаслиги?» Қуёшли Ўзбекистонимиз, ахир витаминнинг кони ҳисобланади-ку.

— Гап шунда-да — «ҳисобланади».

— ?

— Статистика жумҳуриятимизда аҳоли жон бошига ўрта ҳисобда 29—30 килограммдан гўшт маҳсулотлари истеъмол қилинишидан далолат бериб турибди. Бу кўрсаткич мамлакат бўйича 62—64 килограммга тенгдир...

— 62—64:29—30!?

— ...Жумҳуриятда аҳоли жон бошига ўртача 170—173 килодан мева ва сабзавот тўғри келади. Мамлакат бўйича эса 260—270 килограммдан мева ва сабзавот истеъмол қилинади.

— 260—270:170—173!?!¹

— Мана сенга «витамин».

— Ўлкада гўшт, мева, сабзавот тақчил бўлиб ётибди-ю, ҳарбийларимиз: «Русчага зўр беравер», дейди-я нуқул.

— Ўзингнинг гапинг ҳам «ҳарбийчасига» бўлмаяптимикиан? Рус тилини ўрганишнинг озиқ-овқатга дахли бормикан?

— Бўлмаса рус тилини билишнинг икки йиллик мажбурий ҳарбий хизматга қандай дахли бор?

— Аччиқни-аччиқ кесади қабилидан-да?

— Йўқ, ўйлаб кўр, бизнинг ёшларимиз рус тилини икки-уч йиллик ҳарбий хизмат учунгина ўр-

¹ «Правда Востока» рўзномаси (газетаси), 1988 йил, 23 апрель.

ганмайдилар-ку. Ҳарбий хизмат ўтиб кетади. Би-роқ рус тилини эгаллаш ҳар бир кишининг...

— Айниқса ёшларнинг...

— Бутун умрга татийдирган иши.

— Хорижий тилларни ўрганиш масаласи-чи?

— Тил ўрганиш — муайян мақсадга қаратилган фаолият бўлиши керак. Хўш, инглиз, олмон, фаранг араб, форс, хитой... тилларини ўрганишнинг биз ўзбекларга қанчалик зарурати бор?

— Бусиз ҳам фанлар кўп. Бунинг устига яна улар — фанлар тармоқлашиб, болалаб кетаётган бўлса — шундайми?

— Йўқ, ҳар қандай шароитда ҳам хорижий лисоний таҳсилнинг ҳаққига жабр қилиб бўлмайди.

— Араб ва форс тилларини олайлик. Ўзбек халқи араб, форс маданияти билан минг йиллик тарих йўриғидан боғлиқ. Бу тилларда бизнинг маданиятимиз, фанимиз, адабиётимизга вобаста ғоят ноёб манбалар бор. Буни ҳисобга олмай бўларканми?

— «Бизнинг маданиятимиз билан боғлиқ» қина эмас, Октябрь инқилобигача бўлган маданий меросимизнинг тўқсон фоизи шу тилларда ёзилган-ку.

— Беруний, Сино, Форобий, Фарғоний, Хоразмий, Улуғбек, Навоий, Нодира асарлари...

— Бу манбаларнинг ҳаммасини топиб, тавсифлаб, шарҳлаб, ўзбек тилига ўгириб...

— ...Кўп нарсаларни ҳатто... ўқиб ҳам...

— Улгурганимиз йўқ.

— Ҳали умуман аниқланмаган, навбат кутиб ётган яна қанчадан-қанча буюк аллома ва мутафаккирлар, шоирлар бор.

— Умуман, булар барчаси тасодифий ҳол эмас.

— Муайян мақсадга қаратилган фаолият эди, албатта.

— Биз буни вақтида тушуниб етмадик.

— Фан ва маданиятда оврупомарказчилик ғояси-

ни қанчалик рад этган бўлсак, амалда буни шунчалик изчиллик билан жорий этилди.

— Менимча, бу ўз-ўзимизга ётлик туйғусини онгшууримизга сингдириб юборди. Ўйлайманки, содир бўлган аҳволни олмон тили мутахассиси, ҳассос шоир Садриддин Салимовдан ошириб таърифлаш қийин:

Қолиб Румий, Навоий, Ҳаллож,
Ўрганмасдан Бедилни,
Сингдирибман онгга ажабо,
Фейербах, Кант, Гегелни.
Гегелдан мен Румийга келдим,
Келдим нақшбандияга,
Ваҳоланки, Румийдан Гегель
Озиқ олган мянга.
Бошим тегди Ғарб деворига,
Нени излаб елибман?
Мен машриқлик Шарқдан Ғарбгамас,
Ғарбдан Шарққа келибман.

— Хўб айтилган.¹

— Хуллас, ҳозирги миллий озодлик учун кураш олиб бораётган юз миллионлаб араблар, Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари билан бирдамлик, улар билан ҳамкорлик ва биродарлик туйғулари ҳам, минг йиллар сарҳадига бориб тақалувчи ўз арабий ва форсий манбаларимиз, арабий ва форсийзабон фан ҳамда маданият билан танишиш манфаатлари ҳам бу тилларни зўр қунт билан ўрганиш заруратини келтириб чиқармоқда.

— Шу муносабат билан араб ёзувини...

— Ҳамда араб ёзуви асосидаги қадимги ўзбек алифбосини ўрганиш муаммолари хусусида нима дейсан?

— Фикрим шуки, минг йиллик қадимий тарихимиз манбаларидан ташқари, ўлкамизда Октябрь ин-

¹ «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномаси, 1990 йил, 30 март.

қилобининг дастлабки энг оғир, энг масъулиятли даврида...

— Нақ ўн йиллик давр бу...

— Ҳа, 1927 йилга қадар ёзилган, чоп этилган ишлар ҳам ўша кўҳна, араб ёзувида дарж этилган.

— Жумладан, унутмайлик, Маркс, Энгельс, Ленин асарлари, партия ва давлат ҳужжатлари ҳам шу ёзувда.

— Ахир, биз ҳозир барпо этаётган ва ривожлантираётган катта маданиятимиз бирданига, тайёр ҳолда осмондан тушган эмас. Уларнинг тарихи, илдизи, манбалари, ўз муаммолари мавжудки, булардан мутлақо кўз юмиб бўлмайди.

— Тўғри, инқилобнинг дастлабки йилларида араб ёзувида битилган китоб борки, бу — динга, хурофотга нисбат берилиб, ёқилган, кўмилган, йўқотилган...

— Ҳозир бизга бу нарса қанчалик «янги» жаҳолат ва ваҳшийлик бўлиб кўринмасин, ўз даврининг савияси ва зиддиятлари оғушида олиб қаралса, буни, эҳтимол, пича «тушунса» ҳам бўлар.

— Йўқ. Асло тушуниб бўлмайди. Қайси даврда, қандай тузум негизида қилинган бўлмасин, жаҳолатнинг моҳияти ўзгармайди.

— Бошидан айрилган сочига йиғламайди, деган мақол бор русларда.

— Аммо яқин вақтларгача эски ўзбек ёзувига «ёв қараш» қилиб юридик-ку.

— Игорь Беляевнинг мақолаларини назарда тутяпсанми?

— Кошкийди фақат у бўлса. Ўзимизда ҳам бунақа ваҳимачи, бадбин, салласини ол деса, калласини олиб келадиган корчалон жоҳил «олим» ва «сийсатдон»лар истаганча топилади.

Қўйиб берилса, ўлкадаги ҳамма мақбараларни

битта қўймай «хурофот»га чиқазиб, кунфаякун қилиб ташлайдиган шоввозлар ҳозир йўқ дейсанми?

— Бор. Бўлганда қандоқ!

— Эски араб ёзувини нуқул дин ва хурофотга йўядиганлар ўзлари жоҳил ва калтабин одамлар. Улар эски ёзувни ўқиб, оқ билан қорани ажрата олмайдиган саводсиз бўлганларидан кейин...

— Еппасига ман қилиб қўя қолади-да. Додингни худога айт!

— Шуниси борки, ғарб тилларига келганда ҳам манфаатдорлигимиз икки томонлама эканини унутмайлик.

— Кўпчилик одамлар...

— Аксарият олимларимизнинг ўзлари...

— Билмайдиларки, инглиз, олмон, фаранг, испан, италян... тилларида, айнан ғарб тилларида Мовароуннаҳр, Ўрта Осиё, ҳозирги Ўзбекистон тарихига доир минг-минглаб жуда муҳим манбалар бор.

— Булар: асл нусхалар, тарихлар, шарҳлар, лугатлар, моддий ва маънавий ёдгорлик намуналари, тадқиқотлар ва ҳоказо.

— Хорижий тадқиқотлар орасида тарихий ҳаққонийлик билан ёзилган ишлар ҳам, уйдирма, бўҳтонлар ҳам тўлиб-тошиб ётибди. Буларни илмий-танқидий баҳолаш, тарихимиз, бугунги маданиятимиз учун яроқлиларини олиб фойдаланишимиз учун ҳам...

Ҳозирги иқтисодий, ижтимоий, илмий ва маданий алоқаларимизни ривожлантириш, ижтимоий фикр тараққиётини жонлантиришимиз учун ҳам...

— Пешонамизни танғиб, чет тилларни зўр қунт билан ўрганишга киришувимиз лозим.

— Биздаги кўптиллилиқ, айниқса, ўзбек-рус иккитиллилиги шароитида она тилининг мавқеи ҳам ишқал масала бўлиб турибди-да.

— Бу ерда ҳам она тилимизда бир қадар нохуш силжишлар бўлди.

— Матбуотда эълон қилинган икки далилни келтирсак.

— СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Эркин Юсуповнинг «Совет Ўзбекистони» газетасида босилган «Интернационализм — бизнинг байроғимиз» мақоласида (1988 йил, 5 март) 1985 йилда жумҳурият Фанлар академиясининг Тарих институтида тайёрланган илмий асарларнинг 80 фоизи рус тилида, 16 фоизи хорижий тилларда, атиги... 4 фоизи ўзбек тилида босилиб чиққан.

— Балки энди она тили фойдасига дуруст ўзгаришлар бўлар?

— ?!

— Нечук?

— Қани, аввал бўлсин, кўрайлик-чи.

— Бу қанақаси бўлди? Наҳотки бизнинг ҳурмати муаррихларимиз ўз «тарих»ларини ўз она тилларида ёза билмасалар? Ё буни истамайдиларми? Ёки, тўғрироғи, улар ўзбек тилида ёза олмасалар ҳам керак. Шундай бўлса — бу даҳшат-ку.

— Айнан шундай. Бу гап фақат тарихчиларимизга дахлдор бўлсаям майлиди.

— Ана холос!

— Илмий тадқиқот муассасаларида оддий илмий хизматчидан тортиб то «шайх-ур-раис» президентгача ўз она тилида илмий фикрлашга қийналади, ёзишга оқсайди. Андиша билан айтганда, гап шу.

— «Сўнгги йилларда, — деб ёзади Э. Юсупов, — илмий адабиётимизнинг ўзбек тилида кам чиқиши, миллий зиёлиларнинг маълум қисми ўз она тилларини яхши билмаслиги кўпгина баҳсларга сабаб бўлмоқда. Лекин бу ҳолнинг сабабини республика ташқарисидан излаш, унга қандайдир сиёсатнинг оқибати деб қараш хатў бўлар эди». Проф. Э. Юсу-

повнинг фикрича: «Агар кимки ўз она тилини яхши билмаса, бу унинг шахсий нуқсонидир».

— Қизиқ, бирон нуқсон ташқи таъсир оқибатида содир бўладими, ички сиёсат натижасида келиб чиқадими, бунинг нима аҳамияти бор. Бунинг «сабабларини» аниқлаган билан нуқсон нуқсон бўлмай қолмайди-ку.

— Тарих институтидаки аҳвол пачава экан, бошқа фан тармоқларида: Иқтисодиёт, Фалсафа ва ҳуқуқ, Кимё, Риёзиётда аҳвол бундан яхши бўлмаса керак.

— Албатта, ўзбек олимларига рус тилида ёзишни ман этиш ҳам инсофдан бўлмайди. У умумиттифоқ ва жаҳон миқёсига чиқишни хоҳлайди.

— Бу ҳам тўғри, албатта. Лекин бундай тақдирда она тилида ёза олмайдиган ўзбек олимлари ўз асарларини...

— Башарти, уларнинг тадқиқотлари чинакам илмий қимматга эга бўлса!..

— Марказий нашриётларда бемалол чоп эттиришлари мумкин-ку. Қайтага бу академиямиз учун ҳам анча нуфузли иш бўлар эди. Бунинг устига, ўзимизнинг «Фан»га қараганда марказий нашриётларнинг имкониятлари бир неча юз, минг ҳисса зиёд.

— Нима бўлгандаям, «Фан»да ўзбек тилидаги нашрлар салмоғи бунчалик тушиб кетганлиги интихойи айб.

— Бинобарин, ҳозир айбдорни қидиргандан кўра, бу нуқсонни тузатиш, қандайдир шошилинич тадбирлар кўриш лозим.

— Қандай?

— Масалан, қатъий чегара (лимит) тайин этиш, биринчи қадам сифатида, ўзбек тилидаги нашрлар салмоғини камида 50 фоиз кўтариш зарур.

— Олимларимиз ўз тарихи, маданияти, адабиёти ва бошқа илмий тадқиқотларини она тилида ёзолмай

ўтирган бўлсалар-у, қаёқлардаги гапларни айтасан.

— Мана яна бир ҳушёр тортирадиган эътироф. Тошкент шаҳар фирқа қўмитасининг ХІ пленумида қилган маърузасида саркотиб ўзи «тилларни ўрганишга соатлар оқилона тақсимланмаганлиги» ни танқид қилди. «Ўзбек тилидаги мактабларда рус тилини ўқитишга рус тилидаги мактабларда ўзбек тилини ўқитишга қараганда соатлар уч баравар кўп ажратилади. Бу аҳволни тез ва қатъиян тузатиш керак».¹

— Мана буни эътироф деса бўлади! Манфий нисбат 3:1!..

— Умумий манзарадан хусусий лавҳаларга кўчайлик. Сен умр бўйи рус ва ўзбек тилларини бақамти ўргандинг. Шундан қандай умумий хулосага келдинг?

— Бизнинг ҳозирги шароитимизда камида икки тиллилик (ўзбек-рус) маданий ва маънавий камолотнинг бирламчи шарти. Бусиз қийин. Рус тилини билмаслик кишини ҳар томонлама чеклаб қўяди. Бу ўзини ўзи ихтиёрий равишда дунё неъматларидан маҳрум этиш билан баробар. Қим шундай қилади? Айни вақтда ўз она тилини билмаслик, унутиш ёки ундан воз кечиш эвазига бусбутун рус тилига кўчиб қўя қолиш кишини ўз табиий манбаи, илдизидан маҳрум этади. Қуритади. Ҳеч бир замонда, бирон бир жамиятда ўз она тилини унутиб, бошқа тил хизматига ўтиб кетиш ижобий ҳол деб ҳисобланмаган. Барча фозил кишилар, улуғ рус маърифатпарварлари томонидан ҳам бу қаттиқ қораланган.

Мантиқ ва умуман одамийлик, ватанпарварлик нуқтаи назаридан ҳам батамом қораланган.

— Рус тилини билишга интилишинг ўз она тилингдан сени совутмадими? Ихлосингни сусайтирдими?

¹ «Тошкент оқшоми» рўзномаси, 1988 йил, 4 апрель.

— Йўқ. Аксинча. Назаримда, шундай бир фавқулодда қизиқ ҳодиса ёки табиий жараён юз берганини пайқадим: она тилига муҳаббат — рус тили орқали, рус тилини билишга шавқ — она тили орқали боғлангандай бўлди.

— Болаликдаги идрок бир бошқача бўладида.

— Ҳатто таъм, ҳид таассуротлари, туш, табиат ва одамларни «қабул қилиш», уларни англаш, уқиш ва тушуниш барчаси ўзгача.

— Қандай?

— Тушунтириш қийин. Маъсум.

— Ана шу маъсумлик хотираси ва идроки билан менинг такрорланмас, жунуний ёшлигим бағрига Алишер Навоийнинг Шарафуддин Али Яздий билан учрашуви, Михаил Лермонтовнинг — шоҳ Калашников, Александр Пушкиннинг — Шоҳ Салтан ҳақидаги эртаклари, Ҳамза ва Шевченконинг бир қанча шеърлари, Муҳаммадшариф Гулханий ва Иван Крилов масаллари, Қувондиқ кал сўзлаб берган ўзбек халқ маталлари, араб эртаклари — Минг бир кеча, иккита бувимнинг чарх йигириб туриб Тоҳир ва Зухро муҳаббатини куйлаганлари кириб келди ва нақшланиб қолди.

— Сен бу асарларни кейинчалик, дийданг анча қотгандан кейин ҳам ўқидинг. Таассуротинг? Мутолаада бирон фарқни сездингми?

— Ҳа, ўқидим, сездим. Энди тушуниб, таҳлил қилиб ўқидим ва бошқача завқ олдим. Бироқ болаликдаги эртакларга шуурсиз, лекин ҳиссий; онгсиз, лекин табиий; ишонувчан руҳ, мутлақо ўзига ҳос жонли, рангли, шовқинли, турфа манзаралар, минг афсус, энди йўқолди ёки хиралашди.

— Демак, муҳит ўзи илал аслидан: болаликдан байналмилал мазмун ва мундарижага эга бўлган. Қара-я: болалик тарбиясидаёқ ўзбек, араб, рус, укра-

ин адабиёти, халқ оғзаки ижоди, миллий қўшиқлар «иштирок» этипти.

Бир воқеани эслайлик. Бундан ўн йиллар илгари бир Александров деган кишидан хат олдим.

— Қайси Александров?

— Билмайман, ким экан у. Лекин шуниси қизиқки, беш саҳифалик катта мактубини ўзбек тилида ёзган. Ҳайрон бўлдим.

— Аммо шуниси таажжуб: хат шунчалик саводхон ёзилганки, унча-бунча устаси фаранг ўзбек ҳам бу қадар текис ва равон ёзолмайди.

— «Ассалому алайкум, Ғайбулла ака, — деб бошланади хат. — Сиз мени аллақачонлар унутиб юборган бўлсангиз керак. Мен ўша ўзингизнинг ўрисвойингиз фалончи Александров бўламан. Маълумингиз бўлсинки, саккиз йил муқаддам Сиз менга унутилмас ёрдан қилган эдингиз. Иш йўриғидан қийналиб юганимда, мени «Ўқитувчи» нашриётига хизматга жойлаб қўйгандингиз. Шундан сўнг...»

— Дарҳақиқат, ўшанда Александров билан боғлиқ хотиралар ғира-шира эсингга кела бошлади...

— У ўзбек тилини сувдай биларди. Кўринишданку «қуйма» руслигини ҳамма ҳам дарҳол билиб оларди: сариқ мағиздан келган, кўзлари кўм-кўк..

— ...Қизиги шундаки, одамлар унга рус тилида мурожаат қилишганида, у... тоза ўзбек тилида, соф ўзбекча талаффуз билан жавоб қайтарганида ҳангманг бўлиб қолишарди. «Э, кечиринг, мен сизни рус деб ўйлабман...» деб узрхоҳлик қилишганида, у: «Йўқ, адашмадингиз, мен чиндан ҳам ўрисман...» деб жавоб қайтараркан, одамлар: «Қўйинг-э, ҳазил ҳам эви билан-да!» — деб ишонишмасди. Шундан сўнг ўзининг қандай қилиб ўзбек бўлиб қолгани, уруш йиллари болалар уйида тарбиялангани, бир умр ўзбеклар орасида яшагани ҳақида ҳикоя қиларди...

— Ҳа-я... Дунёнинг ишларига ҳайрон қоласан киши. Одамларни уларнинг хатти-ҳаракатларига қараб, ҳар хил «тоифа»ларга ажратадилар. «Шовинист», «миллатчи», «маҳаллийчи»... Яна алламбало. Эҳтимол, бунда қандайдир маъно бўлса бордир. Ахир одамшаванда шахслардан ташқари, қони бузуқлар, бедаво дардга чалинган кишилар ҳам йўқ эмас-ку.

— Камина, одамларни, миллат-пиллатидан қатъи назар, олижаноб инсонлар ва тубан шахсларга ажратаман. Тубан одамларнинг эса миллати, имони, мазҳаби бўлмайди.

— Рост, шовинист, миллатчи ёки маҳаллийчи кишининг ўз миллати ёхуд маҳалласига ҳам сидқидил ихлоси ё бўлмаса оқибати борлигига ишониб бўлмайди.

— Унда даставвал манфаат бор.

— Яшириб нима ҳам қилдим.

— Менинг, олайлик, ўз ўзбекларим орасида ҳам жиним суймайдиган кишилар бор. Аини вақтда, бошқа миллат кишилари — татарлар, тожиклар, адигей, рус, белорус, қумиқ, озарбайжон, арман, яхудийлардан қалин дўстларим, сирдош, оқибатли, энг оғир дамларда ёрдамга келадиган биродарларим, устоз ва шогирдларим кўп...

— Барибир, сенам ўз ўзбекларинг ҳақида кўп ўйлайсан-ку. Ё шундай эмасми?

— Қизиқ гапирасан! Албатта-да. Нега ўйламай. Мен ўйламасам, сен ўйламасанг, ким ўйлайди. Ўз миллатининг тақдири, унинг оғир қисмати, бу алғовдалғовли замонда у ким бўлганлиги-ю, кимга айланганлиги ҳақида ўйга толмаган, қайғурмаган, изтироб чекмаган одам одамми?

— Боева деган рус мактабдошим менга: «Сен ҳам ўзбексан аслида, лекин қандайдир «бошқача»

Ўзбексан. «Қандайлигингни» ҳеч билолмайман», деган эди.

— Кошкийди, «қандайлигингни» ўзинг ҳам билсанг...

— Балки сен биларсан?

— ?!

— Бундан чиқди, ҳамма гап, ўзбек бўлиб қолган ҳолда...

— Ўзбеклик мавқеида маҳкам туриб...

— Бошқа миллат кишиларини ҳурмат қила билишда экан-да?

— Йўқ, ўз миллатингни, ўз миллий ғурурингни, ўз миллий нафсониятингни қадрлаган ҳолда, бошқа миллат кишиларини уларнинг ҳам инсоний, миллий иззат-нафсини, ҳурматини жойига қўйишда.

— Бас, шундай ҳурматни бошқа миллат кишиларидан ҳам талаб қилишга маънавий ҳаққимиз бор экан-да?

— Йўқ, «иззатталаб» бўлиш кишининг яхши фазилати эмас. Умуман бу фазилат ҳам эмас. Балки тамага ўхшаш бир нарса. Тама эса ҳаром.

— Демак, ҳикмат шундаки, агар сен бошқа миллат кишини иззат-икром қилсанг...

— Агар бу ҳурматинг «хўжакўрсинга» бўлма-са...

— Албатта, ҳурматга ҳурмат қайтади.

— Унчалик ҳам эмас. Биласанми, одамгарчилик «қарзга» берилмайди, ёки бирон «мўлжал», ё бўлма-са «қайтимини» ўйлаб ҳам эмас.

— Умуман, инсон яхшилик учун, эзгулик учун яратилган. Бинобарин, ёвузлик, наҳс-касофатдан йироқ бўлиш, бундан ҳазар қилиш керак.

— ...Александровга қайтайлик.

— Дарвоқе, миллати рус, ўзи ўзбек бўлган бу одамда ҳам айрим «миллийлик» аломатлари сезилиб қоларди.

— Иўғ-э!

— Бир хил нозик масалалар, айтайлик, тил, урф-одатлар, маросимлар хусусида у... «ашаддий» ўзбекона фикр юритарди. Бошқалар истиҳола қилиб турган вазиятларда у «ғирт ўзбек» сифатида гапини шартта айтиб қўя қоларди.

— Одамни вазият яратади, деган гап бор. Киши қандай муҳитга тушса, ўшанга мослашиб кетаркан-да...

— Унчалик эмас. Ҳар қандай шароитда ҳам ўз моҳиятинг, миллий мансублигингни сақлаб қолиш мумкин. Бировнинг ўзга миллий мансубликни қабул қилиши учун ўша миллий иқлимни баайни ўзиникидай...

— Эки бўлмаса айнан ўзиники деб қабул қилмоғи лозим. Бу ерда салгина зўрма-зўракилик, атрофдан «туртки», ташқи таъсир сезилса, бу нарса акс таъсир кўрсатиши турган гап.

— Майли, нима бўлгандаям, бошқа халқ тилини бутун нозиклиги билан қабул қилган кишилар, оз бўлса-да, учраб туради.

— Бироқ тилдан бошқа, «қабул қилишда» яна ҳам ноўнғайроқ нарсалар ҳам бор.

— ?

— Масалан, мусиқа. Ҳеч кимга сир эмаски, бир халқнинг мусиқасини бошқа бир миллат кишиси тушуниши ҳаддан ташқари қийин.

— Бу ерда гап «тушунишда» ҳам эмас. Эҳтимол, бегона мусиқани тушуниш ва ҳатто тушунтириш ҳам мумкиндир. Лекин уни ҳазм қилиш, идрок этиш жуда мушкул. Масалан, гуржиларнинг жудаям ўзига хос қўшиқларини идрок этиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

— Бунинг учун туғма, «улгуржи» гуржи бўлиш керак.

— Киши ўзи учун бегона мусиқани идрок эта

олмагани сабабли — уни, бошқа тилда куйлаётган одамни «миллатчи»га чиқариш керак эмас.

— Ҳали шунақаси ҳам бўладими?

— Бўлади. Масаланинг бутун нозиклиги ҳам шунда-да. Идрок этмаса этмасин, лекин, бошқа халқ қўшиғи ижро этилиб турганда, зардаси қайнаб, шарт ўрнидан туриб бориб радио ёки телевизор қулоғини бураб ўчирмасин.

— Тўғри. Бу ўтирган одамлар, бошқа миллат кишиларига ҳаддан ташқари ёмон таъсир қилади. Оғир ботади.

— Бориб турган маданиятсизлик аломати бу. Одоб сақлаш керак.

— Бир миллат бошқа бир миллатнинг урф-одатлари ва маросимлари, тили, мусиқа ва қўшиқларини ҳам ҳурмат қила билиши лозим.

— «Дўстлик, дўстлик», деб қулоқни қоматга келтириб бақириб, кўкракка муштлаб, шиорбозлик қилиб, «миллий тенглик» ҳақида айюҳаннос солиб, куйиб-пишсангу, тил ёки мусиқага ўхшаш бир нарсада оғзингдан гуллаб, ёки бирон «қилиқ» қилиб қовун тушириб қўйдингми,— минг тоат-ибодат бир пул.

— Мана энди, тил билишидан ташқари, худди ана шу ўта нозик масала — мусиқада ҳам бизнинг Александров устаси фаранг эди-да.

— У мусиқа ҳам чалармиди-ей?..

— Чалиш ҳам гапми, гижжакни «йиғлатар» эди-я. Буёғи «Тановар» дейсизми, «Чўли ироқ» дейсизми, «Гирья» дейсизми...

— Ўша Александров ҳозир қаерда?

— Ҳозир қаердалигини билмайман. Анчадан бери узилиб қолдик. Лекин ўша хатида ёзишича, «мени жин урдими, хотинимнинг гапига лаққа учиб, Украина томонларга — рафиқамнинг юртига кўчиб кетдик», деган гапи эсимда. «У ёқларнинг табиати, одамлари, шарт-шароитлари ҳам жуда зўр экан.

Бизга жуда ёқди. Еқишга-ёқди-ю, бироқ «ёмонга ёғ ярашмас», деганларидай... камина бегона эл-юртга сира-сира ўрганолмадим. Ушанда тушундим, мен учун Ўзбекистон — нималигини, ўзбеклар — қандайлигини.

— Шовинизм билан миллатчилик бир нишоннинг икки юзи.

— Едингдами, пойтахтда, «Москва» меҳмонхонаси ёнида бўлган воқеа.

— Ҳа, меҳмонхона ёнидан ўтиб кетаётган эдим, кўчада икки рус киши — эр-хотин мени тўхтатишди. Узим шошиб турувдим...

— Биродар, — деди улар, — бу яқин ўртада ошхона-пошхона йўқми, билмайсизми мабодо?

— Иштаҳа карнайми дейман? — ҳазиллашдим мен. — Ошхонадан кўпи йўқ. Ана ҳалимхона, мана майхона. Ҳув нариги кўчада...

— Йў-ўқ, бизни тушунмадингиз. Сосиска билан бифштекс жонга тегди. Узимизнинг лағмонми, мампар, сомса, паловми дегандай... Соғинувдик. Сизни кўриб — ана ўзимизнинг одам, деб қувониб кетдик.

— Э-ҳа, Ўзбекистонданмисизлар? Ҳамшаҳармиз, денг?

— Ҳа-да, — деди улар энтикиб.

— Қани, баҳайр? Буёқларда...

— Э, хизмат юзасидан келувдик, шу меҳмонхонадан жой тайин қилишувди. Ҳужжатларни расмиёлаштираётиб денг... айнаб қолишди.

— Сабаб?

— Ўзбеклар диёридан келганимизни билиб...

— Ҳим... Гап буёқда экан-да. Майли, хафа бўлманглар. Ҳозир сал шундайроқ... Сув лойқаланиб турган пайт.

— Қандайроқ? Нега? Сув нега лойқаланади?

— Энди ўзларингдан қолар гап йўқ. Унглиниб кетади.

— Бу иллатнинг «ташқи» қиёфаси. Ўзимизда-чи?
— Мана Навоий шаҳрида...
— Тагин Навоий шаҳрида де!
— Ҳа, ҳатто катта фирқа йиғинларида одамларга... дўппида юришни ман этишган.

— Дўпписини ол дейишса... калласини олар эдилар айрим ҳовлиқмалар. Бу ерда акси бўлибдида. Дўппининг «айби» нима экан? Эсимда бор, бизнинг социализмни хорижий буржуйлар матбуотда «дўппи кийгизилган социализм», деб писанда қилишарди. Энди ўзимизникилар ҳам дўппига осилишибди-да.

— Дўппига қўшиб тилга ҳам. Туппа-тузук фирқа раҳбарлари ҳам ўз она тилида гапирмоқчи бўлганларга юзланиб:

— Йиғиштир ўзбек тилингни. Нима, ўзбекча гапирмасанг ўлиб қоласанми? Е осмон узилиб ерга тушадими?! — деб пўписа қилганлар. Ҳатто ўзбек тилида ёзилган оддий аризани ҳам қабул қилмаганлар.

— Йўқ, миллий, ирқий маҳдудликлар бизнинг маслагимиз эмас.

— Ҳа, бизнинг бахтимиз шундаки, катта байналмилал муҳитда ўсдик. Тўғри, қандайдир оғишлар, қалқишлар, ҳалигидай ҳаддан ошишлар, носоғлом майллар бўлган. Касални яширсанг иситмаси ошкор қилади. Бироқ муҳими бу эмас.

— Олий мактаб ва қайта қуриш баҳсига бағишланган телеқўрсатув даврасида академик Марчук истейдод ҳақида гапириб айтдики, «қайси бир атоқли олим, таниқли академик ёки профессорнинг келиб чиқиш манбаини қидирсангиз, бу сизни мактабга ёки ҳатто бирон аниқ-таниқ муаллимга олиб боради...»

— Она гап!

— Совет мактабининг фазилатларидан бири

унинг миллийлик билан байналмилаллик дучлашган, ягона бир яхлит аъзога айланган соғлом заминда фаолият кўрсатишида деб биламан.

— Ҳазимизнинг йигирманчи ўрта мактабни олайлик.

— Хатирчи ноҳиясининг марказида жойлашган бу мактаб биз ўқиган даврда... Қим билсин, мамлакат ва халқ учун қийинчилик, муҳтожлик, оч-юпунлик йилларида болалик палласи ўша ерда ўтгани учунми, ҳар гал Хатирчига борганимда мени қадрдон мактабим ўзига сулув келинчакдай тортиб туради.

— Шўрлик ўқитувчилар... Улар чинакам фидоий одамлар эдилар.

— Қизиқ: мактабда ўзбек, татар, рус, яҳудий, украин муаллимлар дарс беришарди. Улар ўртасида балким қандайдир тушунмовчиликлар бўлса бўлгандир. Аммо ўн йил мобайнида мураббийларимиз ўртасида қандайдир «миллий тушунмовчилик» бўлганини мутлақо эслаёлмайман.

— Ҳар қандай номақбул ишлар, ношукурлик, кўпинча, тўқликка шўхликдан келиб чиқадими, дейман-да!

— Еки, аксинча, ночорликдан.

— Қим билсин, эҳтимол, бундай низога уларнинг вақти бўлмагандир ё бўлмаса бирон миллатга мансубликлари ўзларининг ёдларидан чиқиб кетганмикан?

— Фоиз Содиқов деган ўқитувчимни эсласам (у татар киши эди) қалбим ғурурга тўлади. Кўринишдан Суқрот келбатли, ўзи (рафиқаси Шафиқа опа ҳам) риёзиёт ўқитувчиси эди.

— У Максим Платонович деган риёзиётчи билан дўст эди. Биргалашиб, басма-басига масала ечишарди. Уйи ҳам мактабдан қўл узатса етадиган жойда эди. Ҳар куни ўн саккиз соат болалар билан банд бўларди.

— Хеч қандай устама ҳақ, меҳнатига бирон мукофот талаб ҳам қилмаган.

— Содиқов билан риёзиётни бир-биридан ажратиб бўлмасди.

— Зукко, толмас, ҳалим одам, катта мударрис, мактабимизнинг профессори деса бўларди.

— Шунчалар қалби ва феъли кенг инсон эдида. Бизни, айниқса тиришқоқ ўқувчиларни, ўз фарзандидай яхши кўрарди, бошимизни силарди.

— Фоиз муаллим бизга, ўзбек болаларига, фақат теорема, аксиома ҳамда жабр (алгебра), ҳикмат (физика), астрономия, тригонометриянинг асосларини ечиш йўлларини, бу фанларнинг қонуниятларини, қоидаларини ўргатибгина қолмай, биринчи марта фанимиз тарихи билан фахрланиш туйғусини «юқтирган», риёзиёт (математика) ва ал-хиёл (механика) фанлари Шарқда келиб чиққанлиги, алгебранинг ватани — Хоразм, алгоритм — Муҳаммад ал-Хоразмийнинг номи эканлигини қайта-қайта уқтирган эди.

— Едингдами? «Ал-Хоразмий»: Алхворизми — Алгворитми — Алгоритм!

— Ўзи яхши кўрган, қобилиятли, бўлагон болаларнинг барчасида у бўлажак риёзиёнларни кўрар, улардан янги замон берунийлари ва хоразмийлари чиқади, деб ишонар, бутун вужуди билан шунга интиларди.

— Афсуски, шундай Сукрот янглиғ закий ва улуғ бир инсондан бир ёдгорлик қолмади-я. Атанг. Ҳаётлигида на бирон мукофот, на бирон ёрлик, на бирон унвон юзини кўрмади.

— Лоақал, Хатирчида бирон мактаб ёки кўчани унинг номига қўйилса ҳам бўларди-ку.

— Агар менга қолса, ноҳиядаги ўша ўзимизнинг йигирманчи ўрта мактабни «Фоиз Содиқов номидаги мактаб», деб атаган бўлардим.

- Алам қиладиган жойи шундаки...
- Хатирчида унинг ҳатто мозори ҳам йўқ экан. Ноҳия қабристонидан топиб бўлмади.
- Улуғ муаллим, элик ёшга ҳам кириб улгурмай, Самарқанд шаҳрида сил касалидан вафот этган.
- Беғубор, қийин, машаққатли, бунёдкор ёшлик давримизнинг энг мусибатли «ёдгорлиги» бу.
- Сезиб турибман. Бугун сен қирқ йилдан зиёд вақт орасида дилингни ўртаб, кемириб келган бир воқеани сўзлаб бермоқчисан. Айтсанг тилинг куяди, айтмасанг — дилинг. Бу: Абдулла Қодирий ва Ўрин Камолий ҳақидаги қисса. Бир йигит қирқ йилда бино бўлади, дейдилар. Бир воқеаки, давр фожиаси, бир қанча одамларнинг тақдир-қисмати билан боғлиқ. Кўриб турибман: икки қабрни қалбингда кўмиб юборишга қурбинг етмайди. Бунга маънавий ҳаққинг йўқ.

— Адабиёт ўқитувчиси Ўрин Камолов фронтдан биргина шинели билан қайтган эди. Унинг бош суқиб кирадиган ошёни йўқ, биттагина онаси ҳам уруш йиллари вафот этиб кетган.

— Едингдами, Ўрин ака урушдан тўғри бизнинг уйимизга келган ва бир қанча муддат бизникида яшаган эди.

— У билан оға-ини бўлиб кетдик. Ўрин ака бир умрга менинг ҳам оғам, ҳам устозим бўлиб қолди.

— Ҳаётимнинг энг масъуд дамлари, мазмуни, файзи ва самараси Ўрин ака номи билан боғлиқ.

— Бундан етти-саккиз йиллар бурун, бир китобингни Ўрин Камолов хотирасига бағишлаганимда, ёдингдами, давримизнинг мўътабар зотларидан бири сўраган эдилар:

— Камолов ким? Тушунтириб беринг... Сен тушунтириб беролмадинг. Зотан, бу инсонни «тушунтириб» бўлмасди-да. Тушунтириб бўлмайдиган нарсани қандай тушунтирасан?

— Ҳа, уни кўриш керак эди. Ана ўшанда ҳамма нарса тушунарли бўларди.

— Едингдами, бир куни у рўзнома (газета)га ўроғлиқ бир китобни келтириб, уни яширин ўқиб чиқишимиз кераклигини айтди. Бу Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи эди. Бу даврда, 1946 йилда, Қодирийнинг асарларини ўқиш уёқда турсин, унинг номини ҳам тилга олиб бўлмасди — «халқ душмани» бўлиб қолардинг.

— Ўрин Камолов бу асарни энг «ишончли» ўқувчилар сифатида сен билан Ҳайитов Ҳакимга бериб ўқитган эди.

— Ўшанда нима бўлгани ёдингдами?

— Бўлмаса-чи! Кимдир биров: «Коммунист Ўрин Камолов мактаб ўқувчиларига халқ душманлари бўлган ёзувчиларнинг асарларини ўқитиб, ёш бўғиннинг онгини миллатчилик оғуси билан заҳарлаяпти» мазмунида хавфсизлик идорасига (НКВД) махфий маълумот ташлабди...

— Дарҳол НКВД одами — бир рус терговчиси Ўрин акани кечаси идорасига «суҳбат»га чақирган.

— Бу қанақаси бўлди? — дебди терговчи. — Сиз, коммунист, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, билдик: Узоқ Шарқда уруш йилларида ҳаракатдаги қирувчи авиациянинг жанговар учувчиси бўлгансиз, район газетаси «Пахтакор»нинг муҳаррири, райкомнинг бюро аъзоси, ўрта мактабда адабиёт ўқитувчиси, айтиш мумкинки, районнинг энг илғор кишиси... ўқувчи ёшлар ўртасида халқ душманларининг китобларини тарғиб ва ташвиқ қилиб юрган эмишсиз?

— Замон қалтис ва нозик эди. Бир нокасининг иғвоси билан, шундоқ қонли урушлардан омон қайтган ҳар қандай имони бутун одамнинг ҳам ёстиги қуриб кетиши ҳеч гап эмасди.

— Ва буни Ўрин Камолов яхши биларди.

— Шунинг учун ҳам у гарданига қўйилаётган

айбдан бош тортиши мумкин эди. Вазият шуни тақозо этарди ҳам. Бироқ...

— Э, ўзинг биласан, Ўрин ака бошига қилич келганда ҳам рост гапирадиган бир сўзли, танти одам эди. Ажабмаски, кейинчалик турмуш фожиалари чангалида у ҳаётдан бевақт кўз юмишига ҳам худди шу ҳалоллиги сабаб бўлгандир...

— Ҳаммаси тўғри, — деб жавоб қилади Ўрин ака.

— ?

— Нега шундай бўлди? Тушунтира оласизми?

— Чунки мен ёзувчи Абдулла Қодирийни халқ душмани деб билмайман. У халқимизнинг, адабиётимизнинг фахри.

— Ундай бўлиши мумкин эмас.

— Ҳеч қандай халқ душмани эмас, деяпманку. Қабиҳ тухмат билан ўлдирилган.

— Бўлиши мумкин эмас. Нима деяпсиз ўзи?

— Бўлиши мумкингина эмас, мен мутлақо аминманки, худди шундай бўлган.

— Исбот!

— Қандай исбот? Бунинг фақат битта йўли бор: ўша роман — «Утган кунлар»ни ўқиш керак.

— Аммо мен ўзбек тилини билмайман-да.

— Бунга мен айбдор эмасман.

— Ҳим... Балки Сиз менга ўша китобнинг мазмунини айтиб берарсиз?

— Бу таклифга Ўрин ака рози бўлади.

— Бошқа иложи ҳам йўқ эди-да.

Ўрин ака ҳикояни бошлайди. Отабек — Кумуш — Зайнаб — Ўзбек ойм — Юсуфбек ҳожи — Ҳомид... Муҳаббат. Садоқат, Вафо. Кундошлик. Хиёнат... Вақт ярим кечадан оғади. Зўр ҳаяжон ичида романни ҳикоя қиларкан, баъзи тафсилотларни қисқартирмоқчи бўлганида, воқеалар мантиқи, ҳикоянинг боришини ботиний бир туйғу билан фаҳмларкан, терговчи уни тўхтатиб, батафсил сўзлашни та-

лаб этаркан. Воқеадан-воқеага, фаслдан-фаслга, лавҳадан-лавҳага ўтган сайин терговчи тамаки тутатавериб, хона тутунга кўмилиб кетади. Ниҳоят, тонг ёришади. Сўзловчи ҳам, тингловчи ҳам қора терга ботади.

— Тамом.

Шунда кўзлари жиққа ёшга тўлган терговчи алам билан столга гурсиллатиб мушт туширади.

— Шундай буюк ёзувчини «халқ душмани» деб йўқотганларми, а? Ахир, бу бориб турган аблаҳлик-ку.

Водариг.

— Раҳмат сенга, жанговар дўст. Умримда ҳеч қачон, ҳеч кимдан бундай сабоқ олмагандим. Ҳақиқий инсон экансан. Раҳмат сенга.

— Менга эмас, Абдулла Қодирийга раҳмат де.

— Қодирийга ҳам, сенга ҳам. Энди буёғини ўзинг тушунасан. Одам балоси ичида. Ишонувчан бўлма. Ўзингни асра. Халқингга кераксан, ошна.

— Лекин Ўрин ака ўзини атрофдаги бало-қазолардан сақлай олмади.

— Эллигинчи йилларнинг муҳити адои-тамом қилди уни.

— Нима бўлди?

— Биласан-ку. Сўрама. Бирин-кетин фожиа устига фожиа содир бўлаверди. Елғиз одамнинг иши қийин. Едимда, сўнгги хатларимдан бирида уни Тошкентга таклиф қилдим.

— Боролмайман, иним,— деб ёзди у ҳам сўнгги жавоб мактубида.— Мен муҳит қурбони бўлдим. Бу ботқоқдан чиқолмайман. Сенинг йўриғинг бўлак. Ешсан. Узоққа борасан. Мен учун ҳам яша. Унутма». Айтгандай. «Ғайбулла» деган бир мувашшаҳ ҳам битиб юборганди...

— Хотини тўрт болани ташлаб, бошқа эр қилиб кетди. Ўғли... Маҳмуджон. Айтишга ҳам тилим бор-

майди. Ҳув деб дунёдан этак қоқди-ю, тарки дунё қилиб, ўзини одамлардан панага олди... Шундай азамат ва алп йигит, шоир ва минбарнинг гули, асл инсон Ҳурин Камолов бир коса сувдай тўкилди-кетди. Эсиз-эсиз...

— Яқинда, яна янги тафсилотлар маълум бўлди.

— О, тезроқ айт бу «тафсилотлар»ингни. Дийдам устига, кўзимга тўтиё!..

— Хатирчи мактабларида ўттиз йилдан зиёд ўқитувчилик қилган кекса маорифчи Ҳақбердиев Юсуф ака иккам элик йил илгари...

— Ҳурин Камоловга «Ўтган кунлар» романини ўқишга берган экан. Енг ичида, албатта.

— Ҳа, 1940 йилда. Улар мактабдош ва синфдош бўлишган.

— Ҳақбердиевнинг айтишларича, Ҳурин ака ўшанда икки кун мактабга ҳам келмай, китобни уйида муқасидан ётиб ўқиган.

— Ҳўш?

— Учинчи куни синфда пайдо бўлган. Паришон, афтодаҳол, кўзлари қизарган... Бир неча кунгача ўзига келолмай сеҳрланиб юрган.

— Езда у Хатирчи даҳасининг дашт бетига, Олтинсойга қашшофлар (пионерлар) лагерига бош тарбиячи бўлиб кетган.

— Ўша ерда у мактаб болаларини тўплаб, уларга асарнинг мазмунини жуда батафсил ҳикоя қилиб берган.

— Оббо азамат-е... Нечук «халқ душмани» бўлиб қолишдан қўрқмаган?!

— Юсуф аканинг айтишича, Ҳурин Камолов ўзича эҳтиёт чорасини ҳам кўрган экан: асарнинг муаллифи ким эканини айтмаган, яширган...

— Қаҳрамонларнинг номларини ҳам ўзгартирган: Кумушни — «Олтиной», Отабекни — «Дада-

жон», Юсуфбек ҳожини — «Юнус хўжа», Ҳасаналини — «Ғулом Ҳусан» деб атаган ва ҳоказо...

— Ҳайратомуз гап: Улуғ Ватан уруши бошлангач, ихтиёрий суратда жангга отланган Ўрин ака «Ўтган кунлар»ни ҳеч бир кимсага ишонмай, ёнида олиб кетган. Уни бутун жанг давомида, Благовешченск шаҳрида учувчилик қилганида ҳам омон сақлаган ва ўзи билан бирга Ватанига олиб қайтган!..

— Дунёнинг нариги чеккасида, ерда ҳам, кўкда ҳам у Абдулла Қодирий ёди билан яшаган...

— Адиб яратган қаҳрамонлар билан хаёлан ёнма-ён юрган, Қодирий номини қалбида имондай пок сақлаган.

— Баайни, бир танада икки қалб тепиб турган...

— У беназир, буюк ўзбек адибининг охир бир кун оқланишига бутун вужуди билан ишонган, адабиётимизнинг атоқли намояндаси бўлиб қолишига бир дақиқа ҳам шак келтирмаган.

— Урушдан кейин у киши Ўзбек дорилфунунининг (СамДУ) филология факультетини уч йилда сиртдан имтиёзли диплом билан тугатди.

— Дарвоқе, яна бир масала. Раҳматлик Ўрин Камолов ўша қирқ олтинчи йил воқеасидан кейин бир шеър ёзгани ёдингдами?

— Ҳа, «Қодирийнинг қотили» деган. Унда-бунда бизга хуфъяки ўқиб берарди. Бир вақтлар ўша шеърни ёддан билардим-а. Ҳозир эсимдан чиққан. Аттанг!..

— Яқинда «Қодирийнома» деган дostonимни ёзиб тугалладим ва уни Ўрин Камолий хотирасига бағишладим.

— Қўйингки, ҳар бир даврнинг ўз кишилари...

— Шунингдек, ҳар бир кишининг ўз даври...

— Бўларкан. Худди шунга муқобилан айтсак, ҳар бир даврнинг ўз маддоҳлари ва...

— Ҳар бир маддоҳнинг ўз даври бўлади. Жуда кўп нарса одамларнинг ўз муҳитига.

— Ўз муҳитининг иллатларига ҳам...

— Нечоғлиқ мослаша олиш қобилиятига боғлиқ.

— Борди-ю, мослаша олмаса, ўзлигича, ўз виждони, эътиқоди, маслағи билан қолса.

— «Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ» қабилида иш кўролмаса...

— ...Ёки «Тоғ Муҳаммадга қараб юрмаса, Муҳаммад тоғ томон боради», деган рус мақоли мантиқига қараб қадам босмаса, нима бўлади?

— Нима бўларди? Ундай одам — «халқ душмани» бўлади-да, сўнгра...

— ...Кўпи билан ярим аср ўтгач, салкам миллий қаҳрамонга айланади.

— Чиндан ҳам, масалан, даҳо билан ёвуз ўртасида қандайдир фарқ бўлиши керак-ку, ахир. Бир қарабсанки, бировни доҳийга чиқарамиз ва унга ўлгунча қуллуқ қиламиз.

— Яна бир қарабсанки, кеча «доҳий» деб сиғинган одамни ашаддий ваҳшийга чиқарамиз, ернинг қаърига тиқиб юборамиз. Илон пўст ташлайдиган айбларни қидириб топамиз баъзан.

— Бунга ким айбдор?

— Айбдор? Ким бўларди? Одамлар, сен билан менга ўхшаган одамлар-да.

— Маदдоҳлар, яъни мадҳиябоз, қасидагўй, лаганбардор «шоири замонлар» айбдор.

— Бир латифа ёдимга келди шу топда.

Подшо ўзининг яқин кишиларида бирига «тила тилагингни» дебди. Ҳалиги киши подшога илтижо қилиб қолибди:

— Ҳар ҳафта ва ҳар гал (!) аёнларингизни йиғиб машварат (кенгаш) ўтказганингизда, мени имлаб ёнингизга чақирасиз-да, секингина қулоғимга шивирлаб: «Ҳе, оғзингга!..» деб болаҳонадор қилиб

сўкаси. Мен бўлсам, «қуллуқ, қуллуқ, олампаноҳ!» деб жойимга бориб ўтираман. Тамом. Менга бошқа ҳеч қандай мукофотнинг ҳожати йўқ, дебди.

— Эсингизни едингизми, тақсир! — дебди подшо бу гапга.

— Агар мени чиндан сийламоқчи бўлсангиз, — деб туриб олибди сўзида ҳалиги одам, — ўзингизнинг шивирлаб сўкишингиздан каминани бенасиб этмагaysиз. Шунинг ўзи бизга зўр илтифот.

Подшо ҳеч нарсага тушунмай, ноилож рози бўлибди.

Сўкиш «таомили» бир ой давом этибди. Ҳамма ҳайрон. Аъёнлар билмайдик, подшо ҳалиги одамнинг қулоғига ҳар гал нимани шивирлайди. Саройда васаса бошланиб, ҳар хил миш-мишлар кучайиб кетибди.

Бир кун қозикалон бояги одамдан секин сўрабди:

— Тақсир, ҳар гал подшо ҳазратлари сизни ҳузурига чақириб, «бир нима» деб шивирлайди. Ушанда нима дейдилар сизга, а?

— Нима дейдилар? Йўқ, айтиб бўлмайди...

Қозикалон ахийри ялиниб-ёлворишга тушади.

— Ишингиз чатоқ, — дейди «сирли» одам. — Олампаноҳ сиздан кўп хафалар. Ул нобакорни ишдан бўшатмасак бўлмайди, деяптилар. Ҳаддингиздан ошган эмишсиз.

— А? — дейди қози ўтакаси ёрилиб. — Нима қилиш керак, тақсиржон? Бир иложини қилмасангиз бўлмайди...

Қози вельда эвазига ҳалиги одамга ўз мулкининг ярмини келтириб беради. Хуллас, бир йил ичида раис, амлакдор, ҳудайчи, мингбоши, додхоҳ, юртининг боёнлари борми, барисидан катта «мукофотлар» олиб, ўша кишварнинг энг нуфузли, бой кишисига айланиб кетибди...

— Шоир Рамз Бобожон ўзининг «Виждон овози»

номли достонида бир вақтлар «аблаҳни аблаҳ де-
ёлмагани», «сукут сақлагани», «сув оқар томонга
қараб сузгани», «бировларга тақлид қилиб, ўзликни
ўрнига қўя олмагани», «мақтовдан нарига ўтолмага-
ни», «эртаю кеч офарин, ҳамду сано билан банд
бўлгани»дан жўшиб қалам тебратади-да, «масъули-
ят ҳиссини буткул унутган ҳолда ошириб ёзардик,
қўшиб ёзардик», дея ўз-ўзини чунон койийди-
ки... асти қўяверасан.

— Нима бўпти. Жуда яхши: ўз-ўзини танқид.
Демак, шоирларимиз ҳам ўзларини қайта қураяп-
тилар.

— Шоирларимиз ўзларини «қайта қураяптилар-
ми» ёки «Оби ҳаёт, оби ҳаёт!» — деб давлат муко-
фотлари, «халқ шоири» деган унвон, яна қанчадан-
қанча мансаб, лавозимларни олиб, эндиликда...

— Уша дарёлар ва денгизнинг бошига сув қўйиб,
сувини қуритгач...

— Отининг жиловини тескари буриб, «Во Сир! Во
Аму! Во Орол!» деб...

— Яна бирон мукофот ёки мансабдан умидвор
бўлиб қолишдимикан-а?..

Ҳар ким ўзи билан ўзи овора,
Ҳаттоки, қуриди Оролнинг суви.
Ҳали келин келмай чалдик ногора,
Чимилдиққа кирди куёвнинг қуви...
Қўлни қўл юварди...

товон ялашлар,
Иғво-тамагирлик, сотқинлик,
миш-миш...

Лаганбардорлигу, талон-тарожлар,
Қилмиш-қидирмиш...
Сархуш ел эсди-ю,

уйғондим гўё,
Утган кунлар ўтди даҳшатли тушдай,
Қайта яралгандай кўринди дунё,
Узимни ҳис этдим енгил

бир қушдай.
Қани,
 ҳей, парвоз қил,
 қанотингни ёз,
Сен, энди, аввалги тўтиқуш эмас,
Бургутсан,
 лочинсан, калхатларни бос,
Олақарғаларга олдирма нафас.¹

— Бир гап: Рамз Бобожон ўша «ўтган кунлар» да ҳам ўз лирикасида бошқа бирон парранда-дарранда эмас, балки айнан «бургут», «лочин» га айланишни кўп «ваъда» қилган.

— Лекин ундан на бургут, на лочин, на бошқа бирон парранда чиқмаган, демоқчисан-да?

— Ҳа, Рамз Бобожонлигича қолаверган.

— Балки энди чиқар?

— Шайтон нималар билан ҳазиллашмайди², дейсан-да...

— Йўқ, беҳазил. Ахир, табиатда бир турнинг ёки ҳатто бир жинснинг бошқа бир тур ёки жинсга айланиш қонуни бор-ку. Буни худди шундай — «эврилиш қонуни» дейилади.

— Чарльз Дарвин кашф этган.

— Ана шу бир турнинг иккинчи турга айланиш қонунига кўра, айтайлик, смарида деган балиқнинг болалари ёппасига урғочи туғилиб, бир йилдан сўнг... ҳаммаси эркак балиқларга айланар экан.

— Балиқ йилида туғилганмисан, дейман. Одамзоднинг ўзини олавермайсанми?

— Хўш?

— Одамзод ҳам маймундан пайдо бўлган-ку.

— Абдулла Қаҳҳор тагдор қилиб айтганидай,

¹ «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномаси, 1987 йил, 27 март.

² «Чем чорт не шутит» русча маталининг айнан таржимаси.

«маймун меҳнат қилиб, одамга айланган», шундайми?

— Кечирасан, ҳар қандай маймундан ҳам одам чиқавермайди. Қачонлардир, Одам Ато замонларидами-ей, одамсимон маймунларнинг бир қавми одамга айланган экан.

— Тўғри, одамда ҳам дум бор-ку.

— Э, ошириб юбординг, дум эмас, думнинг куртаги. Қолдиқ (рудиментар) аъзо.

— Бор-да, ишқилиб. Нимадир бор. Шох даъво қилаётганим йўқ-ку.

— Хуллас, юқоридаги сатрларни ўқиганимдан кейин одамнинг наинки тўтиқушдан, астафурилло — ҳатто маймундан ёки истаган бошқа бирон махлуқотдан келиб чиққанлигига ҳам ишонгинг келиб кетади-да кишининг.

— Йўқ, нима десанг де, бироқ мен барибир тўтиқушнинг бургут ёки лочинга айланиб, қарғаларга ва калхатларга қарши курашувига ишонмайман.

— Нима учун? Ахир совриндор (лауреат) шоиримиз ўзлари айтиб турибдилар-ку.

— Мен махлуқот (зоология) илмига оид кўп китобларни, Теша Зоҳидовнинг икки жилддан иборат «Зоология қомуси»ни, Ибн Сино, Чарльз Дарвин асарлари ҳатто Абдулла Орифнинг «Маймунчилик» шеърини ҳам қараб чиқдим. Йўқ, ошна, яна миллион йиллар ўтар, лекин тўтиқуш ҳар нарса бўлса бўлар-у, бургутга айланмайди. Гап шу.

— Э... Айтинг-айтинг, одам боласи бир шоир бўлмасин. Қийин. Одамзод шоирга айландими, унга чора йўқ. Қайта қурувчилик. Баҳор насими. Илҳом қўзилағанда, биласанми, кишининг миясига, бир адиб айтганидай, нималар «стук бермайди»!..

— Бу кетишда, дейман, яна бир неча йил ўтгандан кейин, Рамз ака тушмагур: «Илгари мушук эдим, энди шерга айланаман» деб юрмасайди.

— Бунга ҳам баҳарнав чидаса бўлар. «Илгари қарқуноқ эдим, энди булбулга айланаман» деб даъво қилмаса ҳали.

— Йўқ, қарқуноқдан булбул чиқмаслигини мақол тасдиқлайди.

— Қарқуноқдан... бургут чиқадими бўлмаса?

— Майли, бу ҳазилларни қўяйлик. Рамз ака нозиктаъб шоир. Дилига оғир олиб юрмасин тагин. Мен шоирнинг фойдасига бир гап айтай.

— Қандай гап?

— Гап шундаки, шоир билан унинг лирик қахрамони...

— Яъни унинг «мен»и билан қахрамонининг «мен»и ўртасига...

— ... Тенглик аломати қўйиб бўлмайди, демоқчимисан?

— Фараз қил.

— Ундай бўлса эшит. Бу дўпписи тор келганда ҳамма шоирларнинг ҳам ишлатадиган хийла-найранги. «Ўзим тўтиқушман, энди бургут, лочин ва ҳоказо бўламан» деган бўлса, буни мен эмас, бошқа «мен», яъни «менинг меним» айтган, менда нима гуноҳ! — деб туриб олишади. Мен ҳам, аслида, шоирнинг «мен»и эмас, унинг «мен»ининг «мени» ҳақида гапираяман.

— Гапни айлантирмай, очигини айта қол: нима, у киши билан ойнагинглар хиралашганми? Оранглардан қора мушук-пушук ўтган эмасми мабодо?

— Ана холос. Сен ҳам ҳазилни шундай тушунарсан, деб ўйламовдим. Рамз акага менинг қандай хусуматим бўлсин? Аксинча, у кишининг «мен»ига, яъни шахсига, боринги, ижодига ҳам ҳеч қандай эътирозим йўқ. У ёгини сўрасанг, бурчдорлик жойим ҳам бор. Гап шундаки, кейинги вақтларда ўша турғунлик йилларида бўкиб ётган бир неча шоир, ёзувчи, танқидчиларимиз бир-бирининг устига мағзава

ағдаргиси келса, нукул «Фалончи»нинг номи билан сўкадиган бўлиб қолди.

— Энди ўша «Фалончи»нинг кўзи кўрмайди, қулоғи эшитмайди-да, а?!

— Бошқа бир оқсоқол олимимиз ҳам: «Сенинг даврингда косамиз оқармади», деб ёзди.

— У, мабодо «косаси оқарганида»ми, ҳаммаёқни юҳодай ютиб юборар экан-да.

— Шунинг учун айтаман-да: маймун одамга айланган экан, бу ҳам унинг учун бир кўргилик.

— Айтинг-айтинг, одам маймунга айланмасин. Алҳазар! Ана унда кўрасиз ҳақиқий кўргилик қандай бўлишини.

— Ҳар қанча Афлотун бўлганингдаям, ўзи беш кунлик умр. Шунга бунча чираниш? Марҳумнинг-ку кўзи кўр, қулоғи ботин экан, буёқдагилар — кўр, соқов, гунгалак эмасдир, ахир.

— Шундай деб ўйлайсанми?

— ...

— Ёзувчининг бор-йўқ ёзувчилиги...

— Агар у чин ёзувчи бўлса-да!..

— Ҳақ гапни айтиш.

— Қолган гапни бошқалар ҳам айтаверади.

— Кўп шоирларимиз ўбдон ўз нафсонияти-ю виждонларини покликдан қутқазиб, энди бир ками қаёқлардаги тўтиқушу, бургуту, лочинларни-ми-ей ҳаром қилмагани қолувди.

— Агар аччиқ ҳаққоният, чин сўз, танти мавқе ва инсоний самимият бўлмаса, ҳар қандай бўлиқ қофия, оҳанглар, санъату маҳорат, нағмаю усулу нозу карашма — бир пул. Чучмал.

— Бундай «шоири замон»лар бугун кечаги зиддиятли хатолар билан бирга, барча эзгу, муқаддас нарсалардан кўз юмар эканлар, эртага бугунги куннинг ҳам юзини қора қилишга қодир деявер.

II ФАСЛ

A decorative floral frame with intricate scrollwork and leaf patterns, surrounding the central text.

ОДАМЛАР
ВА
МУНОСАБАТЛАР

МУҲАНДИСДАН — МУРАББИЙГАЧА

(Икки оғиз даромади суҳан)

Кенг чорпоя устида чордана қуриб ўлтириб дам олганга, ёнбошлаб мазза қилиб ишлаганга нима етсин. Аммо чорпоядан кўра... автомобиль олиш қулайроқ эканлигини ўша кезларда қаёқдан билибман.

Ишчилар шаҳарчасидаги маиший хизмат идорасининг бошлиғи ҳузурига кирдим.

— Чорпоя? Ўзимизча айтганда, «сўрими»? — деди бошлиқ. — Бу муаммо.

— Нимаси «муаммо» бунинг? — ҳайрон бўлдим мен, — «Ўзбек тили изоҳли луғати»нинг иккинчи жилдида бор-йўғи «тўрт оёққа ўрнатиладиган тахта супа», деб таърифланган жўнгина...

Бошлиқ менга, аталадан суяк чиққандай, шубҳа билан бошдан-оёқ сарасоп солиб қаради.

— Ҳим... Ариза ёзганмисиз?

— Ариза? Чорпояга — ариза?..

— Ҳа, ариза!..

Хуллас, апил-тапил ариза ёздим-у, бош муҳандис, муҳандис-иқтисодчи, яна алламбало муҳандис, ҳисобчи (калькулятор), бош бухгалтер ва яна кимларгадир қўл қўйдириб, тағин хўжайиннинг олдига кирдим.

— Чизмаси қани бунинг? — деди у без бўлиб.

— Йў-ўқ, тақсир бошлиқ, сиз тушунмаяпсиз, чамамда. Менга чизма эмас, оддий чорпоя керак..

— Чорпояга чизма керак, — деди у гапимни чўрт кесиб.

Тушундимки, чизмасиз чорпоя ясаб бўлмайди.

— Хўп, чизмани қаёқдан оламан?

— Чизмани чизмакаш инженердан сўранг, — жавоб қилди. — Бир ой муҳлатда чизиб беради.

— Нима-а? Чорпоя турбогенератор эмаски, сура-
тини бир ой чизилса...

— Бўлмаса ўзингиз уннаб кўринг.

«Оббо, қаёқданам шу нарсани ҳавас қилдим-а!»

Қўшниникига кириб, қўлимда қалам-қоғозларим билан ҳовлининг ўртасига ўрнатилган кунгурадор темир каравотга разм сола бошладим. Устига чиқиб кўрдим, остига энгашиб қарадим, ён-веридан мўл-жалга олдим, «супаси»нинг баландлиги-ю, кенгли-гини ўлчадим... Бир вақт қарасам, кайфи учган қўш-ним менга жовдираб турибди. Муддаони айтуд-дим: — Ҳа-а,— деди-ю, бўшашиб уйига кириб кетди.

Мана чизма ҳам тайёр бўлди. Бошлиқ қоғозга қаради-ю, энсаси қотди.

— Бўлмайди,— ғудранди у.— Тўрттала оёғига ишлатиладиган трубанинг диаметрини кўрсатмаб-сиз. Неча миллиметрли трубадан ясатмоқчисиз ўзи?

— Сўри ясайдиган уста унинг оёқларига оташ аробанинг рельсини келтириб ўрнатмайди-ку, қана-қа қувур кераклигини билар, ахир?

— Билмайди. Фалон инженерга бориб, милли-метрини аниқлаб келинг.

«Фалон» муҳандис, ёшгина қиз, масалани тушун-гач, елкасини қисди.

— Афсуски, мулла ака, шу нарсани билсам, бу ерда ўлтирмас эдим. Мен самолётсоз инженерман, чорпояни билмайман. Мана «Ил-86» десангиз, чизиб беришим мумкин. Маъзур тутасиз,— деб маъноли илжайди суҳбатдошим.

«Ана холос! — ўйладим ичимда.— Тайёрасоз му-ҳандис аҳолига маиший хизмат кўрсатиш идорасида чивин қўриб ўтирибди. Ажабмас, тайёрасозлик заво-дида бирон маиший хизмат муҳандиси бармоғини тишлаб ўтирган бўлса?..»

Чизмакаш техник ходимга учровдим, у бир лаҳ-зада аллақандай рақамларни ёзиб-чатиб берди, ҳай-

товур. Яна хўжайинга рўпара бўлдим. Рақамларни кўриб, унинг жон-пони чиқиб кетди.

— Нечта киши ўлтиради шу каравотда? — сўраб қолди дабдурустан.

— Нимаиди?.. Ўзим, хотиним, ўғил-қизлар, неваралар... Жами ўн-ўн беш киши...

— Агар сўрининг оёқларини бу ерда кўрсатилган чимчилоқдай трубочалардан ясалса, биласизми?.. Каравотнинг устига иккита одам чиқиши билан «авария» бўлади. Тушундингизми? — деди у зарда билан. (Гўё буни бутун идора аҳли... ўнлаб муҳандис, техник, иқтисодчи, ҳисобчи, чизмакаш ва яна аллақандай касб эгалари эмас, мен «тушунишим» керак!)

Ниҳоят, директор хонасида мазкур «муаммо» юзасидан кенгайтирилган кенгаш чақирилди ва, узоқ муҳокамадан кейин, ниҳоят, қувурнинг ҳажми аниқлангандай бўлди.

«Уф... Хайрият-е!» Лабимга эндигина енгил бир табассум инган эди...

— Аммо бунақа йўғон труба бизда йўқ. Кута-сиз,— деди пинагини бузмай бошлиқ.

Қўйингки, шу зайлда уйим билан мазкур идора ўртасида бўзчининг мокисидай қатнайвериб, йил бўйи орзиқиб кутилган меҳнат таътили ўтиб кетди. Чорпоя битмади. Бир куни тоқатим тоқ бўлиб, Чуқурсойдаги ҳалиги ташкилот тасарруфида бўлган устахонага бордим. (Илгарироқ бормайманми?) Устага учраб (у пешонасига ойнагини тираб, қандайдир асбоб ясаётган экан), ҳалиги чизмани узатдим.

— Бу нима? — ҳайрон бўлди у гоҳ менга, гоҳ қоғозга шубҳа билан қараб.

— Чизма. Темир чорпоянинг чизмаси. Чунончи, «Изоҳли луғат» да...

Устанинг шубҳаси баттар ортди.

— Луғат? Чорпоя? Чизма? Чорпояга... чизма не ҳожат? Тавба... Жинни-пинни бўлганми одамлар!

Уста нақ икки ой бадалида аранг қўлга киририлган, ҳозирги замон муҳандисшунослик тафаккурининг энг сўнгги маҳсули бўлмиш «чизма — хужжат» ни йиртиб-йиртиб ташлади. Уч кун деганда чорпоя тайёр бўлди. Мана, ҳозир ўша «тахтиравон» да ўтириб, ўйга толдим. Оддий темирчи, мисгар, қолпловчи, тунукасоз, чорпоясоз, панжарасоз, гишт терувчи устанинг бошида... бутун бошлиқ корхоналар, муассасалар, бошқарма, нозирлик, бирлашма, уюшма... қанчадан-қанча хўжайин, вазир, раис, раис муовинининг ўринбосари, котиб, эшикбон, ёрдамчи, ҳуқуқшунос, маслаҳатчи, тармоқ бўлим ва бўлимчаларнинг мудирлари... сон-саноксиз!

Дунёнинг ишлари қизиқ. Қўтир эчкингизга оғилхона, тўртта товуғингизга катак қурмоқчи бўлсангиз... ариза, рухсатнома, чизма, ҳар хил техникавий хужжатлар, минг хил ҳисоб-китоблар талаб қилинади. Биргина мен кўрган ноҳия маиший хизмат ишхонасида шунча даҳмаза. Шаҳарлар, вилоятлардаги юзлаб ноҳиялар, жумҳурият миқёсида олиб қаралса, минг-минглаб маъмурий-тўрачилик муассасаларида ўзимиз тайёрлаган «юқори малакали», «қўлбола» мутахассислар тиқилиб кетган. Уларнинг баъзилари ўша чорпоя, молхона, товуқнинг катаги, печканинг мўриси, этикнинг пошнасини таъмирлаб беришга ярасалар ҳам майлийди.

Бу гапларни ўқиётган китобхон ҳайрон бўлар: чорпоянинг, инчунин, олий таълимга, ёзув-чизув, ижодий ишга қандай алоқаси бор?

Гап шундаки, политехника институтини тугатиб, маиший ишлар бошқармасида ўтирган ҳалиги тайёрасоз муҳандисга зарда қилиб:

— Оддий қувурнинг ўлчамини қўйиб беролма-

сангиз, бу ерда нима қилиб ўтирибсиз? — деганимда, у ҳам менга шу оҳангда савол берган эди:

— Ўзингиз ҳам туппа-тузук институт домласи экансиз, шогирдларингиз гапнинг эга-кесимини бехато топа оладими?

Жаҳл устида:

— Топа олади! — девдим-у, ўйланиб қолувдим...

Ҳозир ўша «тарихий» чорпоёда ишлаб ўтирар эканман, бояги қитмир савол ёдимга тушиб кетди.

— Ҳаётга узатилган юзлаб, минглаб шогирдлар! Эсон-омон юрибсизларми, қароқларим? Гапнинг эгасини — эгага, кесимини — кесимга бехато ажрата-япсизми? Еки сизлар ҳам, боягидай...

БИЗНИНГ ДОРИЛФУНУНЛАРИМИЗ

Тошкент шаҳар фирқа қўмитасининг XI пленумида қилинган маърузада олий ва ўрта мактабнинг ўн минглаб битирувчилари орасида... саводсиз дипломлилар, маънавий қадриятларни йўқотган ёшлар тобора кўпайиб бораётганлиги айтилган эди. Ўқиймиз: «Шуниси ажабланарли ҳолки, олий ўқув юрларида носоғлом эҳтирослар бошқа ҳар қандай муассасалардагига нисбатан кўпроқ кучаймоқда, нафсониятга ҳаддан зиёд берилиш ҳоллари намоён бўлмоқда. Шахсий ўч олиш чоғида ҳар қандай ярамас воситалардан фойдаланилмоқда, зиёли мурабийнинг энг асосий фазилати — ўзаро муносабат одоби, мунозара этикаси, ўзганинг ҳақ эканлигини эътироф эта билиш фазилати мутлақо унутиб қўйилмоқда».

Бу дашном биз, инсоншунослик (гуманитария) соҳасининг кишиларига ҳам дахлдор. Зотан, «гуманизм» лотинча «ҳуманус» — инсоний дегани. Одамлар, уларнинг равиш-рафтори, хулқ-атвори, ўзаро

муносабатлари ҳаммавақт ҳам силлиқ ва текис бўлавермайди.

Калом (сўз) билан иш кўрувчи фаолиятнинг масъулияти катта. Тарихан олиб қараганда, «сўз»нинг бир маъноси — «куйдириш», «ўрташ», «олов», «аланга» демак. Бинобарин, ана шу «ёндириш санъати»га ёшларни даъват этишга, уларнинг қалбини «ёқишга» чорланган мураббий, устодларнинг ўзлари ҳам «ёнишлари», яшнаб турган қалб кўрига эга бўлишлари керак. Зеро, улар ўзлари ёнамасалар, қандай қилиб зиё таратадилар?

Таълим, таҳсил, тадқиқот ва тарбия соҳасида барчамизнинг фаолиятимизга дахлдор аччиқ бир ҳақиқатни тан олишга тўғри келади.

Жумҳуриятимизда сўзшунослик (филология) соҳасида билагон фан номзодлари кам эмас. Унлаб фан докторлари, профессорлар, фан арбобларимиз бор. Лекин ёзув, матн, имло, иншо, тарих ва назарияда бирон жиддий илмий масалани ҳал қилиш гали келганда бақувват мутахассис — анқонинг уруғи.

Бутун Оврупо маданияти учун лотин тили қандай мақомга эга бўлса, ўзбек маданияти тарихида баайни шундай мавқега эга бўлган араб ва форс тиллари, ўзимизнинг эски ёзувимиздан гап очилса, аксарият олимларимиз, «хатимиз андак бадхатроқ», деб четга чиқишади.

Бирон ишни кўнгилдагидай таҳрир қилдириш, оқилона бир маслаҳат сўраш, муайян мавзу ёхуд даврни чуқур ёритишни ишониб топширадиган олимлар, дидли муҳаррирларимиз камдан-кам. Сабаби, олий гуманитар таълимда ҳам инсон омили, таъбир жоиз бўлса, «олим омили» долзарб муаммо бўлиб қолган.

Васиқали илмий мартаба соҳиблари кўп, чинакам саводхон олим кам. Натижада чуқур илмий рисолалар, аллақанча фанлардан дарсликлар, ўқув қўл-

ланмалари, қомус, луғат, билгич (справочник)ларимиз танқис. Борлари ҳам баъзан саёз, қурама, ҳатто рўй-рост кўчирмакашликдан иборат бўлганлари ҳам йўқ эмас. Қўйингки, ҳамон поляк адиби Станислав Ежи Лец айтган ўша гап-гап: «Давр бизга даҳоларни ҳадея этишда сахийлик кўргазди. Шояд, улар орасидан бир нечта «пичоққа илинадиганлари» ҳам топилиб қолса»...

Бу нуқсонларнинг илдизи қаерда?

Оббаҳолам, 1973 йиллар эди. Ёдимда, Тошкент дорилфунуни журналистика факультетининг илмий кенгашида сўзга чиқиб, студентларимизнинг хат-саводи ниҳоятда пастлигидан ўкиниб гапирганим. Чунончи, қўлимга тушган бир диплом ишидан 490 та имловий ва услубий қусур кўзга чалингани, давлат имтиҳон ҳайъати эса ўша ишга... «беш» баҳо қўйганлигини таассуф билан қайд этдим. Беғараз. Нима бўлди? Ақл-идрок ва адолат содир бўлган нуқсонларни бартараф этишни, ҳар хил нопок, наҳс нарсалардан фориг бўлишни тақозо этар эди. Аммо бундай бўлмади.

Биз ҳали етмишинчи йилларнинг бошларидаёқ дорилфунун таълими ва тадқиқоти фаолиятида янги — таржима ва таҳрир йўналишини дадил бошлаган эдик. Аммо ҳаёт билан олий мактаб ўртасида ўпқон, жарлик юзага келган экан. (Бу узилиш ҳозиргача давом этади...) Узоқ йиллар давомида олий таълим соҳасида томир отиб кетган бидъат, ақидапарастлик, маънавий ҳаёт тарзи ва ахлоқий фазилатларнинг жиддий тарзда бузилганлиги ҳар қандай соғлом фикр, янгиликни рад этар эди. Ўқув планлари аҳён-аҳёнда, «хўжа кўрсинга» янгиланарди, холос. Ҳаёт эса туб ўзгаришларни, бутун ўқиш-ўқитиш ишини қайта қуришни талаб қилар эди.

Тошкент дорилфунунини кўз очиб кўрган дастлабки кунлардаёқ ҳайрон бўлгандим: нега ўқув

тархи (планлари)да ҳаёт бир ёқлама, хира акс этган? Нима сабабдан журналистика ихтисоси учун нондай азиз нарсалар: ёзув-чизув маҳорати, услуб (соф «лингвистик стилистика» эмас), таржима санъати ва йўл-йўриқлари, луғатчилик ва қомусчилик ишларидан назарий ва амалий машғулотлар, мулоқотлар кўзда тутилмаган, таҳрирга жуда қимтиниб, оз вақт ажратилган? Нега ҳаммаёқни баъзан сохта, биздан йироқ тарих (тарихнинг ҳам ўнлаб «тур» ва «хил»лари) булутдай босиб ётибди?

Хорижий тилларга сахийлик қилиб 372 соат берилгани ҳолда, журналистика маҳоратига атиги — 88 соат, амалий услубиётга ниҳоят — 64 соат, адабий таҳрирга — бор-йўғи 36 соат ажратилган.

Бундан чиқадики, касб-кори калом (сўз) билан ишлашга даъват этилган студентнинг адабий таҳрирдан кўра, айтайлик, хорижий тилларни ўрганишига нақ ўн баравар кўл вақти сарфланади. Унга бир нисбат! Тағин бунинг устига, бўлажак «юқори малакали» журналист айнан шу хорижий тиллардан саводсиз ёки чаласавод бўлиб чиқади...

Шубҳасиз, тарих ҳам (ақидапараст бўлмаган тарих, албатта), бошқа ижтимоий фанлар, адабиёт ва хорижий тиллар ҳам журналистга жуда керак. Бироқ журналистика тарих билан филология ихтисосликлари орасида бу қадар сиқилиб, бўғилиб, хомталаш бўлиб кетмасин-да.

Одамларни манфаат ҳаракатга келтиради, дейдилар. Одатда, эзгу ниятли кишиларнинг бошини қовуштириш қийин. Қинғир мақсадларда юрганлар эса бир-бирлари билан тез топилмадилар. (Кўр кўрни қоронғида топади, қабилда.) Бундайлар пастдан то юқоригача ўзаро ипсиз боғланган. Шу билан улар геркулесдай қудратли. Улардан ҳар хил ишларда, қабул имтиҳонларида, бошқа «нозик» ўринларда «фойдаланилади». Башарти, бундай арзандалардан

биронтасига бехосдан қоқилиб кетсангиз, бутун занжир... жаранг-журунг қилмасдан... ҳаракатга келади. Олий таҳсил соҳаси учун номатлуб ҳар бир шахснинг ўз «эгаси» бор. Уларнинг ортида бир нечтадан ички ва ташқи нуфузли амалдорлар туради. Бу «содиқ фуқаро» билан «ҳазиллашиб» бўлмайди.

Тўртта ғаламис бирлашса — «коллектив» бўлади. Бундай гуруҳ бор жойда ҳар қандай олимнинг шўри қуриydi. Бирон иллатни кўрсатиб, уни тузатишдан гапирсанг, тафтишбозлик, «огоҳлантириш», ҳайфсан, хизматларингни кўриб кўрмасликка олишлар... Дунёда нима кўп, камситиш, хўрлашнинг «тури» ва «хили» кўп. Хуллас, қонинг бузилади ва шу билан ҳаммаси тугайди. Бундай бўлмасин десанг, жим юр. «Жимитиш» фалсафаси! Ҳар бир фикрловчи одамнинг ёнида ва ортида икки-учтадан, таъбир жоиз бўлса, «ғайри фикрловчилар» юради...

Аввал менга журналистика факультетидаги одамлар, ишлар, муносабатлар аллақандай нотабий бўлиб туюлди. Бу мўъжаз даргоҳ баайни «кичкина декча, ичи тўла михча» эди. Юқорида ғиж-ғиж нуқсонни бўлган диплом ишига «аъло» баҳо қўйилганини айтувдим. Табиийки, мен ҳеч қандай рисолага сифмайдиган бу иллатнинг сабабига қизиқдим. Нега шундай? Бу тасодифми ёки иш зайлими? Мен учун ҳодисанинг ўзи эмас, балки илдизи, уни келтириб чиқазаётган манбаларни топиш муҳим эди. Ана шу сабабиятни топгандай бўлдим.

Мана, қўлимизда журналистика ва филология факультетларининг талабалари учун қўлланма деб тақдим этилган «Ўзбек тили стилистикаси». Асар 1974, 1981, 1983 йилларда чоп этилган.

Санаб чиқдим: унда беш юзтадан ортиқ хатога йўл қўйилган. Шулардан икки юздан зиёди ғализ услубий нуқсон. Башарти, муаллиф дорилфунунда ўттиз-қирқ йил ишлаган услубчи олим бўлмасдан,

фараз қилайлик, олий мактабга энди ўқишга киришга даъвогар (абитуриент) бўлганида, атиги уч саҳифадан иборат иншода тўққизта (аллақанчаси — услубий) хатони ўтказиб юборган бўлиб, раемий рисолага кўра «ёмон» баҳо олган, бинобарин, «йиқилган» бўларди.

Муаллиф Абдулла Қаҳҳорнинг «Қуюшқон» фелъетонидан иқтибос келтиради: «Гап шундаки, ҳозирги вақтда тилимизнинг бойлиги, унинг қочирикларини ўрганишга эринган, сўз санъатини ҳунар деб эмас, касб деб қарайдиган, бисотидаги бир ҳовуч сўзни йиллар давомида айлантириб кун кўрадиган бир туркум қалам аҳлининг «фаолияти», чаламулла баъзи олимларнинг «илмий хулоса»лари натижасида ажиб бир тил бунёдга келган... Бу тил ҳар қанақа жонли фикрга кафан кийгизади, ҳар қанақа ўйноқи мазмунни тахтага тортади».

Айни шу китоб А. Қаҳҳорнинг «чаламулла» олимлар, «мурдор» тил ҳақида қаҳрланиб айтган фикрини жуда ажиб бир тарзда исботлайди. Ёзувчи «тилбузарларга» қарши шафқатсиз уруш эълон қилаётганида, жумладан, худди шу «Стилистика»ни назарда тутаётгандай туюлади кишига.

Эшитинг: «Нутқдаги ҳар бир айни ҳолда фикр оттенкаси». Бу нима дегани? Еки: «Довулларнинг данғиллаган садоси», «сўз... стилистик нуқтаи назардан бетараф», «гапларнинг фикрдошлиги», «стилистик ҳодисалар... умумий стилистик бўёқ билан бирлашган», «стиль билан мактабларда ва ўқув юртларида ўқитилади», «манфий маъно...»

Қандайдир нўноқ одамнинг русча манбалардан гула кўтарган хомаки таржимасига ўхшайди. Қани, яна нималар бор: «Ситуациал ҳолат», «давлатнинг... давлат тузилиши», «интилинади», «ҳозирги кунда кундалик воқеалар», «функционал стиллар эстетик таъсир кўрсатиш ҳолатига эга бўлмайди»...

Наҳотки, шу гапларни одам тушунадиган тилда ифодалаб бўлмаса? Ахир, кечирасиз-у, бу қандайдир «Махлуқшунослик» дарслиги эмас-ку.

Ўқишда давом этамиз: «Миллий эквивалентлар», «чет тилга мансублик бўёғи», «манфий бўёқ», «стилистик ва эмоционал-экспрессив бўёқлар», «сўзнинг эмоционал бўёғи», «фикрга бўёқ бериш», «функционал-стилистик бўёқ», «сўзлашув бўёғи»... Қўлланма бошдан-оёқ мана шунақа «бўёқлар» билан чаплаб ташланган. «Сўзбўямачилик» билан «кўзбўямачилик» қоришиб кетган. Бундай теша тегмаган, сунъий, олимона «икир-чикирлар»ни, ясама жумлаларни унча-бунча манбалардан қидириб тополмай-сиз. Ҳатто атайин «тўқиб» ҳам бўлмайди.

«...Таркибида русча «солдат», «счет» сўзлари бўлган хонасаллот, хомчўт лексемалари ҳам оддий сўзлашув стилига мансублигига кўра фарқланади», — деб сабоқ беради «Ўзбек тили стилистикаси» (1983 йил, 17-бет). Антика «стилистик кашфиёт»! Наҳотки бизнинг қилни қирқ ёрган тилшунос олимларимиз, услубшунос афандилар билмасаларки, хонасаллот хона ва олмон (немис) тилидан русча орқали кирган солдат сўзларининг бирикувидан эмас, балки тожикча мазкур хона билан арабча сало (чақирик, мурожаат, нидо) калимасининг қўшилишидан таркиб топганлигини? Тожик билан ўзбекнинг «хона»сида... олмон «солдат»и нима қилиб юрибди?..

Қўйингки, китоб қандайдир «бир қайнови ичида» қолган тил билан ёзилгандай. Таърифлар мантиксиз, гаплар пойма-пой, даъволар зўрма-зўраки, исботсиз.

Мен мутлақо ноимконий бир нарса: ўлик тиллар ҳисобланмиш лотин ва санскритда ҳатто ҳозир ҳам — роман, фожа, достон, шеър ёзишнинг ҳар қалай иложи бор, ҳисоблайман. Агар шунга зарурат бўлса. (Бир сунъий тилда ярим минг жилд китоб ёзилибди-ку.) Аммо бизнинг ўша чаламулла тилшу-

нос олимларимиз «кашф» қилган тилда арзигулик бирон нарса яратиб бўлмайди. Ишот дейсизми? Ахир, биз улардан ўз олимлик рутбаларига муносиб тадқиқотларни мана ярим асрдан буён кутавериб толиқдик. Деярли ҳеч нарса чиқмади. Чиқмайди ҳам. Чунки тил бу фикрнинг изҳори демак. Илмий тадқиқот яратиш учун фикрловчи, мутафаккир бўлиш керак. Олимларимизнинг луғатида эса мингта сўз бор. Бир мингу биринчи сўзга ўрин йўқ. Қатрон. Фикр ҳам шунга яраша-да. Ҳар қанча устаси фаранг бўлманг, ҳалиги мингта сўзни ўн марта «чайнаганингиздан» сўнг, «милт» этган чўғфикр ҳам абадий ёнмас бўлиб сўнади, кулга айланади.

Тўғри, илм абстракциядан иборат, абстракциялаш маҳсули, лекин мавҳумот эмас. Ҳар қанча мураккаб ва зиддиятли бўлмасин, абстракция маҳсулини ҳазм қилиш мумкин, бироқ қалин туман чойшаб билан ўралган мавҳумотга ҳеч кимнинг тиши ўтмайди. Муаллифнинг ўзи-ку ўзи, ҳатто дунёнинг юзинчи сир-асроридан воқиф бўлган Сулаймон пайғамбарнинг ҳам!

Бизнинг аксари тилчиларимиз тавсифида муддао, ифодавий тарз қанчалик ғалат, тушунарсиз, мужмал бўлса — шунчалик яхши. Олимлик «қадрияти» шунчалик сарбаланд. Сенга шунчалик сирли шахс, ҳатто донишманд деб қарайдилар.

Ҳайратомуз бир гап. Буюк тилшунос олимлар Вилхелм Ҳумболдт, Ҳерман Вамбери, Бодуен де Куртене, А. А. Потеня, Е. Д. Поливанов, Н. Я. Марр, В. В. Виноградов, Л. В. Успенский, А. Пешковский, Л. В. Шчерба, А. А. Шахматов ва бошқаларнинг рус тилидаги асарларини ўқиб тушунарсиз. Лекин бизнинг бир қанча тилшуносларимизнинг ўзбек тили ҳақида битган ўзбекча китобларини ўқиб... тушунмайсиз. Ераб: руснинг русчасига тушунса бўлади, ўзбекнинг ўзбекчасига тушунмиш амри маҳол.

Ватанпарварлик, халқчиллик туйғулари бизнинг зиёлиларимизга ҳам ёт тушунча эмас шекилли. Худди шунинг учун ҳам «хонанишин» тил олимларига қараб:

— Ҳай, диққинафас бўлиб ўтираверманг. Хонани шамоллатинг, ташқарига чиқинг, ахир. Халқингизга боринг, унинг аҳволидан, тирикчилигидан, тафаккуридан, маънавиётидан, ўзидан ва тилидан хабар олинг. Одамлар билан одамдай гаплашинг. Еруғ жаҳонга ўз мўрингиздан туриб мўраламанг. Балки ташқаридан туриб ўз мўрингизга қараб кўринг. Қийшайиб қолган бўлмасин тағин. Қийшиқ мўридан эса, биласизки, қийшиқ тутун чиқади... — дегинг келади. Йўқ, бизда тил масаласи чатоқ. Тилшунос олимларимиздан қалин-қалин китоблар қолаяпти, лекин тил қолмаяпти.

Одатда, тилшуносликка бағишланган асарларда рус тилининг грамматикасидан «келиб чиқилиб»... ўзбек тилига «кириб келинади». Бир тилнинг табиати, қонун-қоидалари мажмуасини бошқа бир тилнинг сарфу-наҳви андазалари асосида ишлаб чиқишга уриниш яхши натижа бермайди. Чунки тилларнинг қурилиши, уларда сўзларнинг маъно сифими, товланишлари, мажозийлиги, қўйингки, тилларнинг ёши ҳам, луғавий қатламлари ҳам ҳар хил.

Олимларимиз кўҳна луғавий «осор-атиқалар» саналмиш архаизмларга муносабатни рус тилшунослиги мезонларидан олишади. Чунки тайёр нарсани ўзлаштириб қўя қолиш ўнғай-да. Аммо улар ўйлашмайдики, ахир рус тили билан ўзбек тили грамматик қурилиши тарафидан тамом бошқа-бошқа тиллар-ку! Бинобарин, бу ерда ўзбек тилининг ўз тарихий ва замонавий тараққиёт омиллари ва ҳолатига қараб бусбутун мустақил иш кўришга тўғри келади. Чунончи, архаизмларга нисбатан бир вақтлари содир бўлгани каби, меъёрсиз «қаттиққўл-

лик» давом этаверганида, бизда «Утган кунлар», «Меҳробдан чаён», «Навой», «Сароб», «Мирзо Улуғбек», «Улуғбек хазинаси», «Меъмор», «Кўҳна дунё», «Юлдузли тунлар» сингари асарларнинг, «Декамерон», «Ҳамлет», «Илиада», «Евгений Онегин», «Дон Жуан», «Анна Каренина», «Уруш ва тинчлик», «Жалолиддин Румий», «Асрга татигулик кун», «Қиёмат» сингари сўз санъати обидалари таржималарининг дунёга келиши амри маҳол эди. Бу асарларсиз ўзбек адабиёти ва маданиятининг ҳолатини тасаввур қилиб кўринг!..

Ўзининг кичкина илмий рисоласи ёки тадқиқотларини одам тушунадиган бир тилда эплаб-сеплаб ёза олмаган бир «ўтроқ» тил олими қандай қилиб жонли ва адабий тил масалаларини ҳал қилсин? Тағин улар бошқа бировларга эмас, худди ёзувчиларнинг ўзларига «ундоқ қил», «бундоқ қилма» деб ҳар хил тавсиялар берадилар, ақл ва ҳатто... тил ўргатмоқчи бўлишади! Тилга «тил тегизиш» учун ўзимизнинг маънавий ҳаққимиз бўлиши керак-ку деб ўйламайдилар. Наинки тил ўргатиш, ҳар хил «изм»лар билан уларга таҳдид қиладилар, ёзувчилар тилни бузаяптилар деб уларнинг дастидан дод соладилар. Ҳолбуки, адабий тилни ким яратади ўзи — ёзувчими ёки узлатга чекинган олимми?

Ҳар кун, ҳар соат ҳар бир кишининг бошига сонсаноксиз ахборот ёғилиб туради: радио, телекўрсатув, рўзнома (газета), журнал, китоб... Ишхонада, маҳаллада, клубларда турфа йиғин, мажлис ва суҳбатлар... Қулоқлар батанг. Биз қабул қилаётган мана шу ахборот тилда қандай ифодаланмоқда?

Матбуотимиз тили бузилиб кетяпти. Матбуот деганда эса жумҳуриятда мунтазам чиқиб турган юзлаб рўзномалар, ўнлаб номдаги журналлар кўзда тутилади!

Мана «Тошкент оқшоми» рўзномасида (1988 йил,

10 май) босилган «Тимсоҳ гўштидан бифштекс» деган хабар. Ўқиймиз: «Тимсоҳлар нисбатан мўмин ҳайвонлар ҳисобланади». Мўмин... тимсоҳ? («Ювош» деса бўлмайдими?) Ўқишда давом этамиз: «Тимсоҳлар узоқ умр кўришади, юз ёшгача яшашади». Тимсоҳлар «умр кўради»? «Яшашади», «кўришади»? Яна ўқиймиз: «...Тимсоҳнинг гўшти ҳам юксак қадрланишини кўпчилик билмаса керак». «Ла Бока» питомнигига ташриф буюрувчи туристлар...», «Рестораннинг фирмали тансиқ таомлари» ва ҳоказо.

Тимсоҳ гўштидан тайёрланган овқатга нисбатан иштаҳа кўзғовчи бу қадар ҳавойи гапларнинг нима кераги бор? Дунёда эшак, кучук, тошбақа гўштлири, ҳатто илон, чаён, қурбақа, чигиртка ейдиган халқлар бор. Ҳар кимнинг таъби-да. Ҳар бир нарса ўз ўрнида тансиқ. Бироқ «таъмли», «мазали хўрак» дейиш ўрнига «юксак қадрланган таом» (кўз олдингизга каклик ёки бедана гўштидан тайёрланган димлама келади!), қўриқхонага бориб турадиган одамларга нисбатан «ташриф буюрмоқ» (А?) сингари таъриф-тавсифлар жигингизга тегади. «Юксак унвон», «юксак мартаба», «юксак маданият», «юксак ҳурмат» дейиш мумкин. Аммо тимсоҳ гўштининг «юксак қадрланиши» — интиҳойи ғализ.

Қўйингки: «Аҳволинг қалай, ўзбек тилим? Тилинг, фикринг, алфозинг нечук, адабиётим, маданиятим, фаним, матбуот, нашриёт, радио, кино, ойнаи жаҳоним?» — дейдиган вақт келганга ўхшайди.

Таассуфки, оддий жарихонлар орасида кўпчилик мана шу нарсаларнинг ғализлигини пайқамайди ҳам. Чунки бунақа алмойи-алжойи гапларни эшита-вериб, кўравериб улар кўникиб кетган. Бундай нуқсонлар кундалик матбуотдагина эмас, балки дарслик, қарор, фармойиш, жиддий ҳужжатларда ҳам қайнаб ётибди. Бу сингари дид, фаҳм-фаросатни ерга урадиган «икир-чикирлар»га қанчалик кўникиб бор-

сак, нутқимиз, идроқимиз ҳам шунчалик булганиб, ўтмаслашиб кетаверади.

Тил соҳасидаги чаласаводлик мактабдан бошла-
нади. Нутқ маданияти, икки тиллилик, таржима ва
таҳрир илмини, аслида, мактабдан бошлаш керакка
ўхшайди. Менимча, мактабда тил ўқитиш сиёсатини
тубдан ўзгартириш лозим. Тан олайлик, грамматика
одамларни гўё саводхон қилди. Бироқ ҳамма бир
қолипда, ўйланган, ўлчанган, «олдиндан белгилан-
ган» адабий тилда сўзлашни ўрганди. К. Маркс
«амалий-воқеий онг» деб таърифлаган тилимиз фао-
лиятида таъқиқловчи ва таъқиб этувчи нарсалар
ҳаддан ташқари кўп. «Изм»лар тиқилиб кетган,
ҳаммаёқ шиорбозлик, чақириқ, даъват ва ҳоказо...
«Асат — гўзангни ясат», «пахта — ундоқ, пахта —
бундоқ» деган гаплар. Эркин фикрлаш, ижод, изла-
ниш, таъб-дид чекланиб қолди. Улуғ мақсадлар,
олижаноб ўй-ниятларни қабарик жумлалар, пуч,
тумтароқ, ғовак, баландпарвоз сўзлар билан таъриф-
лаш эса тажқир билан тенг.

Бедилхонлар қадимда бу улуғ шоирнинг бир мис-
расидан тўқсон тўққизта маъно топган эканлар (мис-
ранинг юзинчи маъноси Бедилнинг дилида қол-
ган!..), ҳозир қайси бир назм устасининг бир мисра-
сидан ўнта маъно топасиз? Қаёққа кетдийкин
у шоири замон, фозил, «абулмаоний», шориҳлар?
Ё адибларимизнинг сатрлари ғариблашиб, жўнла-
шиб қолган, ё мунаққидларимиз уларнинг маънола-
рини топишолмаяпти. Эҳтимол, сўз «улгуржи» бў-
либ кетганда маъно қадрсизланар?

Шундай қилиб, мен икки масалага қадалиб га-
пирдим: бири инсоншунослик (гуманитария) студен-
тининг савияси, иккинчиси шу соҳа олимининг савия-
си. Уларнинг асарларида учраган нуқсонлар нисба-
ти — 490 га 587. Ҳар иккала тоифа кишиси ҳам:
саводсиз васиқа эгаси ва васиқали саводсиз.

Журналистика факультетида ҳаёт бор, албатта. Сўзни ҳис қиладиган ёш ижодкорлар бу ерга интилади. Ун йилдан буён Осиё, Африка ва Лотин Америкасидан келган ёшлар ҳам бу ўқув даргоҳида таҳсил кўрмоқдалар. Матбуот назарияси, радио ва телекўрсатув минбаргоҳларида анча мазмунли ишлар қилинмоқда. Хусусан, кейинги йилларда раҳбарият таҳсил ва тадқиқотчилик ишида, ёш домлаларни тайёрлаш, ишчанлик қобилиятига қараб улардан ўз ўрнида оқилона фойдаланишда ибратли ишларни ҳалоллик ва собитқадамлик билан амалга оширмоқда.

Умуман олганда эса, профессор-ўқитувчилар жамоасининг назарий тайёргарлиги, амалий ишчанлик малакаси ва қобилияти умумдорилфунун даражасидан паст. Буни фақат биз айтаётганимиз йўқ ва бу фақат бугун айтилаётган ҳам эмас.

Мана қўлимизда «Муштум» журналининг 1963 йил, 5-сони. Бунда О. Ҳусанов билан Р. Мирзақуловларнинг «Қаламлари яхшироқ қайралсин» деган фелъетони босилган. Эътибор қилинг: «Қаламлари яхшироқ қайралсин»!..

Ўтмишда йўл қўйилган камчиликлар тузатилиши ва бу келажак учун сабоқ бўлиши керак эди. Орадан йигирма етти йил ўтибди. Бу орада қусурлар-хатога, хатолар-нуқсонга, нуқсонлар-иллатга айланди. Нима учун шундай бўлди? Сабаби, фелъетонда қайд этилган (ва қайд этилмаган) бир талай иллатлар юзакли эмас, балки факультет ҳаётининг чуқур қатламларига лат етказган эди. (Буни кейинги икки йил ичида «Ёш куч» журнали, «Ёш ленинчи» рўзномасида босилиб чиққан бир қанча ўткир чиқишлар ҳам яққол кўрсатди.)

Ўтган давр ичида марҳум профессор Тўғон Эрназаровдан кейин бўлган икки декан атрофида уюшган чаласавод домлалар, «ранда ушламаган шогирдлар» сони муттасил ошиб борди. Шунга мос равишда гу-

руҳбозлик, васваса, турли йўллар билан «ётларни» орадан сиқиб чиқариш ва яна аллақандай жирканч нарсалар ҳам чуқурлашаверди.

Журналистика факультетида учта фан доктори, профессор, ўн бешдан зиёд фан номзоди, доцент хизмат қилади. Чоққина илмий жамоа учун ёмон эмас. Бу тарафдан анча фаровончилик. Лекин шу билан бирга, матбуотчилик илмий фикр тараққиёти суст.

Баъзан ўйлаб қоласан киши: илмий даража-ю унвонлар кишиларга нима учун берилади ўзи? Бир умрга илм-фан, олий ўқув даргоҳининг «имтиёзли» боқимандалари бўлиб ётиш учун эмас, ҳар ҳолда. Олимлар орасида номзодлик васиқаси-ю доцентлик гувоҳномасидан бўлак оғирлиги йўқ шахслар ҳам кам эмас. Диссертация уларнинг биринчи ва охириги «жиддий» илмий иши бўлиб қолган. Назаримда, юз-хотир қилиб ўтирмай, бундай «васиқали илмий тоифа» олдига кескин талабларни кўндаланг қилиб қўядиган вақт келди: қани бизнинг мактабимиз? Қани илмий иқлимимиз? Қатор-қатор китобларимиз, ихтироларимиз, дарсликларимиз, ворисларимиз, саф тортиб турган шогирдларимиз қани? Дидли, зўр муҳаррирлар, ноширлар, қилни қирқ ёрадиган мухбирлар, ўткир фельетончи, иқтидорли қомусчи мутахассисларимиз кўпми? Биз тарбиялаган ҳозирги замон «комил алиевлари», «аъзам айюблари», «собира холдоровалари», «зиё саидлари», «санжар сиддиқлари», «назир тўрақуловлари», «жулқунбойлари», «анқабойлари», «наим саидлари» қани? Борларида эса — бизнинг шахсий рағбатимиз, ғайрат-шижоатимиз, билимимиз, малакамиз ва ҳиссамиз қанча? Қайси бир истеъдод соҳибини қидириб топдик ва рўёбга чиқардик?

Ҳар бир факультетнинг қиёфасини ўзида акс эттирадиган, профессор-ўқитувчилар жамоасининг пешқадам олими бўлади. Назарий журналистикада

ҳам шундай йирик мутахассис борми? (Ўйга толаман).

— Мана, Очил Тоғаев бор. Фан доктори, профессор. Таниқли олим.

— Ким?

— Очил Тоға...

— Яна ким?

— Очил То...

— Бошқалар-чи?

— Бошқалар ҳам — бор. Қимирлаб туришибди. Аммо, истиқболли ёшлар кўп. Бойбўта, Файзулла, Бекир, Назира, Алишер, Юсуф... Булардан катта ишларни кутса бўлади.

Сайди Умиров фикрловчи, ёзувчи олим, дидли қаламқаш. Бойбўта Дўстқораевнинг ишлари бизда журналистика соҳасида бақувват олим етишиб келаётганлигини кўрсатади. Иқтидорли тадқиқотчининг асарларида 20—30-йиллар ўзбек матбуоти тарихининг, биздаги манбалар парокандалиги шароитида, замонавийлик, маҳорат ва ғоявийлик билан боғлиқ мураккаб, чигал масалалари пухта ёритиб берилди. Шунингдек, Анвар Каримов билан Қудрат Эрназаровлар ўз соҳасининг билагон мутахассислари, деса бўлади. Бекир Мамутов факультет иқлимини, унинг паст-баланд жойларини яхши билади, узоқни кўра олади...

Айни вақтда, худди шу даргоҳда давлат текширув комиссияси аъзолари томонидан берилган: «Чингиз Айтматов қандай роман ёзган?» — деган саволга жавоб беролмай ўсал бўлган доцент ҳам кўкрак кериб юрибди-да!

Бу ерда айрим домлалар дунёни даъво қиладилар. Дунё эса уларни танимайди.

Услубиёт минбаргоҳининг мудири Ирисали Тошалиев ишнинг кўзини билади. Яхши олим. Илмий рисоалари ҳам бисёр. Жамоатчи. Шуниси борки,

у «соф» тилшунос. Матбуот, нашриёт ишларидан тамом йироқ. Ўзинг билмаган, юракдан ҳис этмаган нарсани бошқаларга қандай ўргатасан киши? Бу ердаги бошқа бир қанча домлалар ҳам босмахона бўёғининг «стилистикасини» ҳидлаб кўришмаган. Таҳрир неча ўн йиллар давомида икки оёғи билан оқсаб келмоқда.

Факультетда ўнга яқин ўсишдан тўхтаган, ҳар қандай илмий ҳаёт аломатларидан маҳрум кимсалар бор.

Мевали дарахтнинг бошига тош отадилар. Профессор Очил Тоғаев совет даври ўзбек бадиий публицистика назариясига асос солди. Янги илмий йўналиш очди, бир нечта қалин китоблар, ўқув қўлланмалари яратди, ўзининг юзлаб мақолаларида чуқур назарий масалаларни ёритди, адабиёт, ҳаёт, журналистика муаммоларини кўтарди. Яна муҳими, дўндириб дарс беради. Уни факультетнинг дарғаси деса бўлади.

Хўш?.. Бутун калтак бошқа ўнлаб даққиларнинг эмас, худди шу одамнинг бошида синди. Бир вақтлар тил бириктиришиб, уни ҳатто фирқа сафидан ўчириб юборишларига сал қолувди. Бу аҳволда қандай ишлаш эмас, қандай яшаш мумкин? Олим букилди, аммо синмади.

Фанда баҳс, мунозара, фикрлар кураши бўлиши керак, албатта. Бу жуда зарур. Бусиз турғунлик, чириш бошланади. Бироқ фикрлар кураши — бошқа, рақибинг устидан мағзава тўкиб юбориш, уни мутлақо «ҳазм қилолмаслик» — бошқа.

Тўғри, Очил Тоға ҳам жилла «авлиё» эмас. Одамлар билан ҳадеганда моши очилмайди. Баъзан қичиган-қичимаган жойларни қитиқлайди. «Об-ҳаво»нинг келишига қараб, ҳар хил гапиради. Ўз мухолифларидан ўч олиш пайида юргани-юрган. «Аччиқни аччиқ кесади», деган ақидага оғишмай амал

қилади шекилли. Зукко адабий танқидчи бўла туриб, гоҳида шеърий нафосат билан қуруқ сиёсатни қориштириб юборади. Дуруст, адабиётда «ижтимоиюнчилик» деган эскидан келаётган маълум бир маслак бор. Бундайлар нозик, жўшқин шеърий туйғуни совуқ таҳлил қилишга мойил бўлади. Бадиий ижодга «росмана» мантиқ асосида ҳукм чиқаришга интилади. Аммо худди шу нуқтада шеърий нафосат хира тортишини, наинки хира тортиш, ўлишини тушунишмайди.

Албатта, ҳар қандай олимнинг ҳам айрим фикрларига қўшилиш ёки қўшилмаслик мумкин. Ҳеч кимни ўзлигидан воз кечишга мажбур қилиб бўлмайди. Илмда, адабиётда ва санъатда мактаб, йўналиш, тариқатлар кўп. Аммо улар бир-бирларини инкор этмасликлари керак. Муҳими, фикри ва «юлдузи тўғри келмаганлиги», ростгўй ва ҳалоллиги учун олимга тазйиқ ўтказиш қатъиян мумкин эмас.

Очил Тоғаев, қандай бўлмасин, фикрловчи одам. У мудом студентларни ўйлайди. Уларни ҳаётдаги иллатларга муросасиз бўлишга, ҳақиқатга содиқ кишиларнинг тақдир-қисматига лоқайд бўлмасликка даъват этади. Майли-да. Емонми? Айни шундай саъй-ҳаракатлари учун рақиблари уни яккалайдилар, маънавий эзадилар.

Аслида, бундай эзишлар, ҳақорат ва таҳқирлар икки тарафлама ва кўп тарафлама, давомли ва сурункали бўлади. Бунинг оқибати дейсизми?

Шундай бир манзарани кўз олдингизга келтиринг. Асаблар қақшаган, қон бузилган. Домла тўйиб кетган, аламидан паққос йиғлаб юборай деб турибди... Буёқда — дарс. Сабоқ кўнгилга сиғадими шу топда! Ўзининг «сабоғи» чиқиб турибди-ю... Қараб-сизки, дарс — 80 минут вақт мазмунсиз, қуп-қуруқ ўтади. Йўқ, фаразан, аудиторияда 26 студент бўлса, ўша 80 минутни уларнинг ҳаммасига зарб урамиз.

80×26=2080 минут, ёки 34 соатдан зиёд вақт қулоғини ушлаб кетди, деяверинг. Қарши тарафнинг ҳам дарси бор-ку. Демак, 34×2=68 соат дарснинг қутбаракаси ўчади. Давлат баҳосида бир неча юз сўм маблағ бирпасда елга учиб кетди, деган сўз. Бу атиги бир хунобгарчиликнинг оқибати. Ойлар, йиллар, ўн йилларнинг бадалида шу тарзда сувга уриб кетган дарс соатлари, маблағлар ҳажми ва миқдорини ким ҳисоблаб чиққан? Шундай бир ўлчағич асбоб ихтиро қилинганми дунёда? Аммо мақол бор: бир кунлик жанжал чиққан уйдан қирқ кунлик барака кўтарилади.

Сабоқ жудаям ўзига хос, такрорланмас руҳий жараён. Билим, тажриба, малакадан ташқари, кишининг айни ҳолатдаги кайфиятига боғлиқ. Ижод ва бадиҳа. Мен, «сайраб» дарс бераман, дегувчиларга ишонмайман. Бутун дарс давомида домла — студентларнигина эмас, студентлар ҳам — домлани кузатади, имтиҳон қилади. Марҳум профессор Айюб Ғулом: 90 минутлик машғулотдан сўнг, шунча вақт ичида бир ўзим, холи сайр қилиб, аста-секин совийман, деган эди.

Узоқ йиллар давомида домлалар орасидаги муросасиз ихтилофларни кузатиб, руҳий одамқушлик фақат ҳарбий истилоҳ эмас, хийла кенг ижтимоий маънога эга бўлган иллат эканлигини англадим.

...Мен телевизорда бир ҳужжатли фильмни кўрганим бор. Ҳайҳотдай заҳарли бўғма илон баҳайбат тимсоҳ билан жанг қилмоқда. Ҳаёт-мамот кураши. Гоҳ униси човат солади, гоҳ буниси ғажийди. Мана, ниҳоят, илон ўз кушандасини заҳарлади. Тимсоҳ кўзи тиниб, гандираклаб кетди. Лекин — ўлмади! Бир оз фурсат ўтгач, ўзини ўнглаб олди. Айтишларича, инсонга қараганда тимсоҳ илон заҳарига йигирма марта кўпроқ чидамли экан. Қўйингки, тимсоҳ ғолиб чиқди — илон ҳалок бўлди.

«Яшаш учун кураш»нинг бу ноинсоний турқи қанчалик мусибатли бўлмасин, менда олишган томонларга нисбатан аллақандай... «шукроналик» ҳисси пайдо бўлди. Яхшиямки, деб ўйладим ўзимча, тимсоҳлар билан илонлар очиқ жанг қилади. Йиртқишлар, одамлардан фарқ қилароқ, «туҳмат», «игво», «фисқ-фужур», «ҳасад» нималигини билмайди. Уларда бундай «қурол-аслаҳа» йўқ.

Ўғирлик, бировни тунаш, жонига қасд қилиш ва ҳоказолар — жиноят. Лекин пинҳоний, «кунжаки» уруш-чи? Бу ёмон. Ёмонлиги шу яширинлигида. Дунёда энг қабиҳ уруш — эълон қилинмаган уруш. Бу росмана уруш бўлиб уруш ҳам эмас, уни тинчитиб ҳам бўлмайди. Сулҳ тузишнинг ҳам иложи йўқ. Ким билан сулҳ тузасан? Рақиб томон бўлмаса. Айни вақтда рақиб бор ва у даҳшатли рақиб.

Ҳайронсан киши. Олишувчи томонлар нимани истайди ўзи? Нимасини йўқотган ва нима топмоқчи? Ахир, йиллаб чўзилган мутлақо бемаъни рақобат — бу қилинмаган иш, рўёбга чиқмаган ўй-ният, ўқилмаган маъруза, ўтилмаган сабоқ, тайёрланмаган шогирд, чоп этилмаган китоб, заҳарланган ҳаёт...

Янги гап: энди машъум «юмалоқ-хат»ларнинг умри тугади, дейишяпти. Рост. Аммо, қиёфасиз қора хатлар тугаган бўлса, тугагандир, бироқ афсус ва надоматлар бўлсинки, қора хусумат, қора игво, қора бидъатлар ҳали-вери тугайдиганга ўхшамайди. Бу ёқда зукко шоиримиз: «Қачон халқ бўласан, эй оломон!» — деб ётибди, уёқда эса баъзи бировлар: «Қачон фарқ бўласан, эй оломон!» — дегани-деган. Бас, қандай қилиб дориломонлик бўлсин, э...

Ўзбекнинг ўзбекчилиги, олижаноблиги, салоҳияти, собирлиги ҳам, бошига битмас-туганмас балоқазоларнинг ёғилиб туриши ҳам — унинг андишанавозлигидан. Даъват — нимага? Фикрдаги эски хирқа-жандаларни ташлайлик! Ҳозирги вақтда йил-

лаб пайимизни қирқиб келган иллатларни очиқ ай-тиш эмас, балки уларни хаспўшлаш, сукут сақлаш — андишасизликдир.

Тошкент дорилфунунида 1969 йилдан ўз фаолиятини бошлаб, журналистика, ўзбек ва рус филологияси, роман-герман ҳамда шарқ факультетларида таҳсил олиб борган бўлсам, муттасил тиллар, адабиётлар, таржима масалалари билан шуғулландим.

Иккинчи фаслга озиқ берган воқеалар асосан 1969—1975 йилларда кечган даврни акс эттиради. Бу даврда камина мудирлик қилган таржима назарияси минбаргоҳи журналистика факультети негида ташкил этилган эди.

Дорилфунунда қисматимиз жуда оғир бўлди. Бизни «қуйида» ҳеч ким тушунмас ва тушунишни истамасди. Чунки бирон факультетнинг ўқув тарҳида «таржима» деган сўзнинг ўзи йўқ эди. Шу боис, ҳамма жойда том маънода бегона ва ўгай бўлиб қолдик. Бизнинг томонимизда бор-йўғи битта таянч қолганди, холос. Бу — ҳақиқат эди.

Аmmo ҳақиқат ўз йўлига. Сенинг соҳанг, фанинг, ишинг ҳаётга, жамиятга қанчалик зарур бўлмасин, ўқув тарҳида йўқми — тамом, бу «қонунсиз» ҳисобланарди.

Атоқли олимлар Саъдихон Сирожиддинов, Тошмуҳаммад Саримсоқов, Шавкат Алимов, Эркин Юсуповлар ректор бўлган даврда дорилфунунда хизмат қилдик. Уларнинг барчаси, бемустасно, энг қийин паллаларда ҳам шахсий хусуматлар, расмиятчиликни рад этиб, таржимани, бизнинг мудом «ғайри қонуний» деб ҳисоблаб келинган минбаргоҳни бамисоли ўз фарзандларидай қўйинларида сақлаб келдилар. Уларга ҳамд ва таҳсин.

Бугунга келиб, ниҳоят, юзимиз ёруғ бўлди: дорилфунун кенг миқёсда таржиманинг ҳаётий зарурат эканлигини расман тўла тан олди.

Ҳа, мен бу фаслда кечаги кун қийинчиликлари, зиддиятлари ва унинг кўпроқ соя томонларини гапирдим. Чунки эндиликда булар менинг (фақат — менингми?..) йўқотган ёшлигим, ҳасратим, дил армонларим бўлиб қолди.

Хўш, кечаги гаплар — бугунга керакми? Ҳа, фақат бугунимизга эмас, эртамик ва индинимизга ҳам керак бўлади. Негаки, қайта қуриш бу мавсумий, ўткинчи тадбир эмас. Огоҳ бўлингиз: турғунлик ва инқироз даврининг оқавалари ҳали-вери тугамайди... Шундай экан, биз бўш жойларимизни бартараф этишимиз, олий таълимдаги кўҳна ва янги бидъатлардан қутулишимиз, ҳаёт ўзи тақозо этаётган билим ва тажрибаларни барқарорлаштиришимиз лозим. Олдинда қиладиган ишларимиз ниҳоятда кўп.

БУЛБУЛ ХОНИШИ ВА «ТЎТИ ФАЛСАФАСИ»

Мабодо, бирон сабабга кўра, бизнинг айрим тилшунос, адабиётшунос ва таржимашунос олимларимизни... жазолаш лозим бўлиб қолса, уларни ўзлари ёзган китобларини кўпчилик ўртасида овоз чиқазиб ўқишга мажбур қилиш керак. Бундан оғир жазо бўлмаса керак жаҳонда! «Ўқувчи» — зерикиб ўлади, тингловчини эса қўрғошиндай оғир мудроқ босади...

Мана, юқорида номи зикр этилган «Ўзбек тилининг стилистикаси» (1983) деган китобда кўзга чалинган баъзи «илмий» гаплар: «Эмоционал-экспрессив лексиканинг стилистик хусусиятлари», «стилистик норма ва функционал стилларнинг стилистик-нутқий структураси»...

Муаллифлар ранжийдилар: ўн иккита сўздан нақ (атиғи! — Ғ. С.) бир жуфти ўзбекча калима-ку!..

Ундай бўлса мана булар-чи: «Профессионализм, технизм ва терминологик лексика...», «синтактик

фигуралар ва троплар», «...стилларнинг классификацияси, экстралингвистик ва лингвистик факторлар», «семантик ва эмоционал-экспрессив оттенкалар», «стилистик эффект»...

Эътироз: «Бундай қусурлар, дарвоқе, ўзларида ҳам бор!..» Начора, бўлса бордир. Гап «мен», «сиз», «улар»да эмас, балки ҳаммамизда, барчамизнинг умумий мулкимиз бўлган мавлоно тафаккур, тил, нутқ, таржима, услуб, иншо, баён ҳақида.

Муаллифларнинг яна бир эътирозини эшитиб турибман: китобнинг қиммати фақат унинг тили, илмий истилоҳлари билангина белгиланмайди.

Эҳтимол, геометрия, ҳикмат (физика), кимё дарсликлари учун тил фақат — шаклдир. Бироқ тил бадиий адабиёт, шунингдек, бадиий таржима учун ҳам шунчаки шакл, либос, ташқи кўрк-ҳашам эмас. Буни бежиз сўз санъати дейилмайди. Тил бадиий адабиётнинг жони. Тили, услубий-ифодавий тарзи ғариб, қоришиқ, бетаъсир асарни асло яхши деб бўлмайди.

Сўзшунослик фанларининг алфози ҳам ҳар қандай жимжимадорликдан холи, илмий тилга хос қанчалик «қуруқ», сипо, жиддий бўлмасин, бу инсон тафаккури, нутқи, бадиий адабиётнинг қалби эканлигини тўла ифодалаши керак. Ахир, услубиёт илми ёки, айтайлик, адабий танқидга доир китобнинг тили қандайдир чизмакашлик ё бўлмаса наботот фанларининг тилидан фарқ қилиши керак-ку!

Нутқ маданиятини қарор топтириш, парвариш қилишда ҳамма восита ва имкониятлардан билиб фойдаланиш керак. Радио, телекўрсатув, оммавий сайллар, спорт эшиттиришлари, маъруза ҳамда суҳбатларда нутқ тоза, бўлиқ, донадор тагдор, маънодор ва шавқли бўлгани яхши. Ойнаи жаҳон орқали намойиш қилинган, дид билан тайёрланган атиги ярим соатлик оддий «томоша» (махсус нутқ мадани-

ятига бағишланган бўлиши ҳам шарт эмас!) минглаб дарсхоналарда минг соатлаб олиб борилган панд, ўғит, насиҳатомуз ярим чин, ярим ёлғон «илмий» таҳсилдан кўра минг маротаба таъсирчан ва самаралироқ. Негаки, «оммавий ахборот воситалари» аталмиш радио, телекўрсатув ва матбуот ҳар бир хонадонга кириб боради. Тикувчининг минг ургани, темирчининг бир ургани, дейдилар. Айни вақтда ўша кўрсатув, агар пала-партиш, ғализ тайёрланган бўлса, нутқ одобида доир минг йиллик тоат-ибодатни ярим соат ичида бир пул қилиши ҳам ҳеч гапмас!..

Дарвоқе, ҳар қандай касб-корнинг ҳам ўз маънавий-руҳий иқлими, дард-ҳасрати ва ишкали бўлади. Масалан, адиблар, олимлар, муаллимлар ва турли касб эгаларининг ўз «шевалари» бор. Бинобарин, ҳар бир касб-кор эгаси: бу хоҳ муҳандис бўлсин, хоҳ шифокор, хоҳ ишчи ёки колхозчи бўлсин — ўз «тилида» гапириши керак. Ойнаи жаҳон сахнига чиққан ҳар бир кишининг ўз мавзуи, ўз «дарди» бор. Бироқ уларнинг барчасини бирлаштирадиган битта муштарак муаммо: бу тил масаласи. Барчани, шубҳасиз, адабий тилда сўзлашга даъват этиш лозим. Шу билан бирга, ҳар ким ўз алфозини ҳам сақласин. Тилда ҳамма бирдай «олим» бўлиши шарт эмас. (Бу масалада бошқа бировлар эмас, баъзан олимларнинг ўзлари намуна бўлолмайдилар!)

Аслини олганда, бу ерда гап кимнинг кимлигида эмас. Лисоний ифода иллати, бемустасно, ҳаммамизга хос. Руҳий ҳолатимиз, тилнинг аҳволи ўзи шундай бўлиб қолган. Нима қилиш керак? Аввало, бунда жўяли, матлуб ҳамда ножўя, номатлуб ибораларни фарқлаш, сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиш лозим. Бунинг шошилинич иложини қилмасан бўлмайди. Меъеридан ошириб солинган ўғит ернинг жонини олганидай, ўнгу сўлига қарамай, бошқа тиллардан сўз, ибора, бирикма ва «тайёр» қо-

липларни олавериш ҳам, бора-бора, баайни шундай бир тарзда тилимизни ишдан чиқазиб қўйиши таъин. Гап шундаки, кўпмиллатлилик шароитида тилларнинг ўзаро ҳамкорлиги, бир-бирига таъсири жараёни тоабат ошгандан ошиб бораверади. Бу табиий жараён. Масала шундаки, бу ерда лисоний-маъновий тараққиёт меъёрини йўқотмаслик, унинг ўзлигини, ўз табиий ҳаётий илдизларини омон сақлаш жуда муҳим. Акс ҳолда, ҳар қандай «лисоний ватанпарварлик» қуруқ даъват, пуч гап бўлиб қолади.

Мен тилимизнинг софлигини сақлаш учун уни «хитой девори» билан чегаралашга чақирмоқчи эмасман. Бу мутлақо ноимконий иш. Дунёда бундай «соф тил»нинг ўзи йўқ. Тил жамиятнинг ўзи, инсон тафаккури сингари, бойишга мойил. Бошқа тиллардан (ва ўз-ўзидан ҳам!) сўз олиш азалий ва абадий тақдир. Аммо бу қанчалик табиий жараён бўлмасин, қайси тилдан қачон, нимани олишни (ёки олмасликни!) билиш, буни ўз ҳолига ташлаб қўймаслик керак.

Эркин Воҳидов бизни ишонтирадики, «тилимиз бой ва ранг-баранг, ҳеч бир тушунча йўқки, унинг ифодаси бўлмасин. Мабодо, Фарғонада топилмаса, Хоразмда топилади, Тошкентда топилмаса, Самарқандда бўлади». Мен миқёсни янада кенгайтирган бўлардим: боринги, Фарғона-ю Хоразм, Тошкент-у Самарқандда ҳам топилмаса, қирғизда, қозоқда, озарбайжонда, татарда, туркман, тожик, бошқирд, усмонли турк томонларда бўлади. Фараз қилайлик, уёқларда ҳам даракланмаса, ўзимизнинг кўҳна бисотимизда: «Девону луғотит турк»да. «Қутадғу биллиг»да, «Ҳибатул ҳақойиқ»да, «Муҳокама-тул луғатайн», «Хамса», «Бобурнома»да бўлади. Яна таъкидлайман: биз «ўзимизда бўлмагани учун», деган важ билан ўзгалардан олаётган нарсаларни — «ўзимизда бўлмагани учун», деб эмас, балки «ўзимиз билмаганимиз учун» деб тузатиб айтайлик. Тил-

га наҳ уриш, унга тухмат қилиш керакмас. Ўзимиз бурнимиздан нарини кўрмасак, бунга... тил айбдорми?

Мен «яхши қўшничилик муносабатлари» тушунчасини фақат давлатлар, халқларгагина эмас, балки жамики тилларга нисбатан ҳам қўллаган бўлардим. Замона зайли шундай бўлдики, биз ўлик тил ҳисобланмиш лотиндан, қадимги юнондан ҳамда бугун тарих «қулоқ бошига» чиқазиб қўйган халқлар — рус, англиз, фаранг, олмон ва бошқа тиллардан жуда кўплаб сўзлар, истилоҳлар, турли атамаларни олаётганимизни эътироф этайлик. Тақдир тақозоси шу. Бироқ яна шуни ҳам эътироф этайликки, биз байналмилал алоқалар доирасини жуда торайтириб қўйганмиз, уни муайян бир мўлжалга йўналтирганмиз. Тўғрироғи, йўналтириб қўйилганмиз. Ўйлайманки, тарихан ўзаро яқин алоқада, яхши қўшничилик муносабатларида бўлиб келган халқлар: Ўрта Осиё фуқаросидан ташқари, ҳиндлар, хитойлар, турклар, араблар, форслар, афғонлар ва бошқалар ўртасидаги ўзаро байналмилал, қардошлик алоқаларини, жумладан, лисоний муносабатларни ҳам тубдан яхшилаш вақти келди. Беш йил жаҳоний мислсиз қирғинбарот уруши олиб борилган олмон (немис)лар биланки яхши, дўстона ва ҳатто демократик қардошлик алоқаларини ўрнатишга етарли даҳо, чин инсоний идрок туйғулари топилган экан, азалий яхши қўшничилик ва шериклик мақомида бўлиб келинган Шарқ халқларига бугунги муносабатимизни янада яхшилаш лозим.

«Рўзнома тили», «китобий тил», «таржима тили», «шиорлар тили», «идора тили»... деймиз. «Рўзнома тили» — зерикарли, «китобий тил» — қуруқ, «таржима тили» — ясама, «шиорлар тили» — бақироқ, «идора тили» — қашшоқ... Халқ жонли тилига нисбатан олиб қараганда, буларнинг луғати ҳам, ифó

давий тарзи — услуби ҳам чегараланган. Бу табиий ҳол. Зеро, «кўча тили» да... рўзнома чиқариб бўлмаганидай, «идоравий тил» да... аския қилиш амри маҳол.

Ҳозирги қайта қуриш ва ошкоралик даврида матбуот каломининг эътибори бениҳоя ортди ва тобора ортиб бормоқда. Бундай шароитда матбуот тилининг иложи борича қуруқ, расмий бўлиб қолишидан эҳтиёт бўлиш керак. Рўзнома-журналларнинг ифодавий тарз-таровати, шеvasида муайян расмиёна услубоҳанг бўлиши муқаррар. Айни вақтда худди шу расмиятчилик, қуруқлик, сиполик матбуотнинг бурдини кетказади, уни эл назарида субутсиз қилиб қўяди, таъсирчанлигини сусайтиради. Одамлар рўзнома ва журналларни фақат «ахборот олиш» учунгина ўқийдиган бўлиб қоладилар.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномасининг 1989 йил 17 июнь сонини ўқиганда қуйидаги сўз ва жумлалар кўзга чалинди. «Бир сўз билан айтганда» деймиз. Жумлада тўртта сўз келади. Бир сўз билан айтишни «ваъда» қиламиз-у, тўртта сўз қўллаймиз. Бу русча иккита сўз билан айтиладиган иборанинг икки баравар ошириб қилинган таржимаси. Ҳолбуки, ўзимизда шу маънода, чиндан ҳам, бир сўз билан — алқисса, хуллас ёки хулласи калом деса бўлади.

Кейинги вақтларда «кўпгина», «аллақанча», «бир қанча» маъноларида русчадан ўгириб қатор деб ишлатиладиган бўлди. Икки гапнинг бирида — «қатор» деймиз. Зарурат борми шунга? Шунингдек, «ниҳоят», «охир-оқибатда», «қизиқиш уйғотди», «биринчи навбатда»... деймиз. Ўйлаб қарасак, асл ўзимизникидай бўлиб кетган бу сингари бирикмалар ҳам русчадан ҳижжалаб ўгирилган.

«Ижодий дебют», «принципиал мулоҳаза» дейиш шартми? Шу маъноларни ўзбекча ифодалаб бўлмай-дими?

Радио ёки телевизорнинг қулоғини бурасангиз,

рўзнома ва журнал варақласангиз, дарсхонага кирсангиз, оммавий йиғинларга бориб қолсангиз, дарслик ва китоб бетини очсангиз, баъзан ҳатто адабий асар ўқисангиз, турли-туман оҳангга солиб айтилаётган бир хил, сидирға, ғализ ибораларни эшитавериб кўнглингиз суст тортади. Бора-бора ҳамма нарсага бефарқ бўлиб қоласиз, дилингиз ҳеч нарсани тусамайдиган бўлади, ҳеч нарсага қизиқмай қўясиз.

Қизиқ, «рисола» юзасидан берилган саволга нуқул «рисолабон» жавобимиз тайёр.

— Халқнинг қайси қисми? — Халқнинг кенг қатламлари.

— Нутқ маданиятини нима қилиш керак? — Юқори поғоналарга кўтариш керак.

— Нимани ўрганмоқдамиз? — Реал муносабатлар доирасида яшашга ўрганмоқдамиз.

— Одамларга қандай шароит яратилган? — Қулай.

— Одамларни нима қилмоқдамиз? — Интеллектуал ва маънавий жиҳатдан камол топдирмоқдамиз.

— Нуқсонларни қандай фош этаёпмиз? — Аёвсиз.

— Партиямизнинг йўл-йўриқларига қандай амал қилинмоқда? — Оғишмай.

— Камчилик ва нуқсонларни нима қиладилар? — Бартараф этадилар.

— Масалани нима қиладилар? — Кўтарадилар.

— Муаммолар нимани кутади? — Кўтариб чиқишни ва конкрет ҳал қилишни.

— Адолатли фикрга қандай риоя қиламиз? — Тўла.

— Қандай кунларда яшайпмиз? — Тарихий кунларда.

— Қандай вазифа? — Кечиктириб бўлмайдиган вазифа.

— Қандай ташаббус? — Ижодий ташаббус.

— Қандай ислоҳот? — Туб иқтисодий ислоҳот.
— Ишни нима қилиш керак? — Замонавий та-
лаблар даражасига кўтариш керак.

— Қандай муҳокама? — Умумхалқ муҳокамаси.
— Қандай айтиш мумкин? — Тўла ишонч билан.
— Жўн асарларга қандай муносабатда бўла-
миз? — Мурасасиз.

— Масала қаерда туради? — Диққат марказида.
— Масъулиятни нима қиламиз? — Ҳис этамиз.
— Қандай зайлда иш кўрамиз? — Совуққонлик
билан.

— Бир нарса иккинчисига нечоғлик ўхшайди? —
Қандайдир даражада.

— Ташаббус қандай бўлади? — Шахсий.

— Қаҳрамонларнинг қандай дунёси? — Ички
дунёси.

— Дўстни қаердан топадилар? — Бошқа киши-
нинг қиёфасидан.

— Масалага нима қиладилар? — Тўхталиб ўта-
дилар.

— Турмуш даражасини нима қиладилар? —
Юқори босқичга кўтардилар.

Ва ҳоказо...

Одамларни ногаҳонда уйқусидан уйғотиб сўра-
сангиз ҳам, улар ўқланган милтиқдай, «шундай»
сўроқларга «шундай» жавоб берадилар. Ҳеч ким
«камчиликини йўқотамиз» демайди. «Бартараф эта-
миз» дейди! «Меҳнат шавқи» эмас, «меҳнат кўта-
ринкилиги» дейди.

Шоирлар, воизлар, нотиклар, муаллимлар, му-
таржимлар, муҳаррирлар, муаллифлар — қўйингки,
бутун матбуот-у нашриёт, радио ва ойнаи жаҳон,
сўз маҳкамаси ва муассасаси, шиорлар, китоблар,
чақириқ ва даъватлар, мурожаат ва баёнотлар...—
шу тилда!

Ҳозир ҳамма нарсани қайта қураётган эканмиз,

эхтимол, алфозимиз, шевамиз, услубимиз, шиоримиз, иншомизни ҳам қайта қурамиз?..

Бир тилнинг бошқа тилга таъсирини биз, нима учундир, муқаррар равишда «бойиш» деб қабул қиламиз. Ҳолбуки, бу чинакам бойиш билан бирга, тилимизни булғаш бўлиши ҳам мумкин. Бу жараён, ҳам ижобий, ҳам салбий маънода, зоҳирий ва ботиний ҳолда кечади. Биз эса, кўпинча, кўзга кўриниб турган нарсаларнигина кўрамиз-у, парда ортидаги нарсаларни пайқамаймиз. Тўғрироғи, кўзга ташла-ниб турган натижа ёки оқибатни кўрамиз-у, уларни келтириб чиқараётган туб сабабиятларни мутлақо сезмаймиз. Ваҳоланки, илдизи, сабабияти аниқланмаган иллатни ҳеч қачон қуритиб бўлмайди. Эки бир иллат қуритилса, ўша иллатнинг ўзи бошқа жойдан тагин ниш уриб чиқаверади...

Тилнинг бойиши ҳам, бузилиши ҳам икки хил йўсинда кечади. Бири — хорижий сўзларни ўринли ва ноўрин қўллаш. Иккинчиси — хорижий тилнинг таъсири остида, таъбир жоиз бўлса, янгича фикр қолиплари, янги нутқий таркибларнинг ҳосил бўлиши.

Иккинчи йўсин, ижобий маънода — қанчалик муқаррар ва жоиз бўлса, шунчалик самарадор; салбий маънода эса — қанчалик пинҳоний бўлса, шунчалик емирувчан ва хавфли. Чунки бу нарса меъёрни бузади, тилни кемиради... Қарабсизки, лафзингизда биронта ҳам номатлуб хорижий унсур йўқ, барчаси ўзимизнинг азалий сўзларимиз. Бирок... жумла, фикрнинг шаклу шамойили, тарҳи, таркиб, ифодавий тарз — тилимизга ёт. Қип-қизил тақлиднинг ўзгинаси. Лисоний тақлид! Бир тил бошқа тилга гўё тақлид қилади! Ҳолбуки, ҳар қандай яхши нарсага тақлид ҳам яхши эмас.

ФИКР ВА ЗИКР

Тилнинг ғариблиги — тафаккурнинг қашшоқлигидан.

* * *

Тилинг бўлмаса, гапириб нима қиласан?

* * *

Ераббий! Ўз тилида фикрлай олмайдиган кишилар, ўз тилида ёза олмайдиган «ёзувчилар», ўз тилида ўқий олмайдиган ўқувчилар, ўз тилида илм ярата олмайдиган олимлар, ўз тилида ваъз ўқий олмайдиган воизлар, ўз тилида куйлай олмайдиган хонандалар пайдо бўлди... Санъаткорларимиз, нотикларимиз, аҳли ҳунарманд, аҳли фуқаро, аҳли ҳукамо ва аҳли фузало — ўз тилида «бир нима» дея олмаса...

* * *

Ахлоқсиз ва баттол одамларга бериладиган ҳар хил танбех, ҳайфсан, жазо чоралари сирасига уларни бир хилда фикрлаш, сидирға, китобий сўзлашга мажбур қилишни ҳам киритиш керак, деб ўйлайман. Бу энг оғир жазолардан бири бўлар эди!

Чамаси, тилни бузганлиги учун жарима тайин этиш керак. Ана ўшанда ҳозир турнақатор бўлиб босилиб чиқётган юзлаб китоблар, рисоалар таққа тўхтайтиди. Одамларнинг қулоғи тинади. Қоғоз тежаллади...

* * *

Алам қиладиган жойи шундаки, менинг «қавмларим» — таржимонлар ҳам тилни булғашда тобора жазавалари тутиб, хуруж қилмоқдалар. Таржимани — санъат деймиз. Ундай бўлса, нима учун «таржима тили» деганда ҳамманинг пешонаси тиришади?..

* * *

Ахир, табиатга қаранг-а! Дарё «шовуллайди». Жилғалар «шилдираб» оқади. Шабада — «ғирғир». Қушларнинг «чуғур-чуғури» ҳам жонга роҳат. Биз уларнинг «тилини», «шеवासини» тушунмаганимиз боисидангина буни — «чуғур-чуғур» деб айтаемиз. Аслида эса уларнинг ана шу «чуғурида» бир дунё оҳанрабо оҳанг ва маъно бор! Биз ўзимизнинг кундалик ташвишимиз билан банд, уларни эшитмаймиз, илғамаймиз, фарқламаймиз, холос. Чунки ўзимиз ўзимизнинг кундалик сидирға «чуғуримиздан» ортмаймиз. Турфа табиат, шалла, гуллар атри, паррандаю даррандаларга йўл бўлсин!

Одамларни ҳеч қачон росмана китобий тилда гапиришга ундаш керак эмас. Бусиз ҳам ҳаммаёқда — «сидирғавозлик». Ҳар ким ўз тилида «чуғурлашсин». Бир хил қироат, жонни ўртагувчи бир хил «тоат-ибодат» жонга тегди... Жуда! Мажлисда, дарсда, уйда, ҳатто тўй-ҳашам, маъракада — чучмал гаплар, ёлғон-яшиқ уйдирмалар... Қачонгача!

* * *

Мен сўзшунос профессордан кўра дидли муҳаррирни афзал кўраман. Чунки профессор — кўп, ях-

ши муҳаррир эса — ... Ҳозир Ўзбекистонда зўр муҳаррир ким? Қани, номма-ном айтинг-чи?..

* * *

Бегона тилнинг грамматикаси авахтасига тушган фикр ўзининг ҳар қандай маъносидан маҳрум бўлибгина қолмайди, балки ўқувчини калом туйғусидан бездиради, сўзнинг таъсирчанлик, сафарбарлик кучини қирқади... Сўз ўзининг сўзлигидан маҳрум бўлиб, ҳис-туйғусиз шартли тамғага айланади.

* * *

Кўп тилшунос олимларимизнинг бисоти — тили саноқли атамалар мажмуасидан иборат. Шу бисотдан ташқарида улар — йўқ.

* * *

Бу илмий китобни инсоний тилга «ўғирилса», бутун маъноси ва таъсири йўқолади. Илм бўлмай қолади. Вассалом.

* * *

Тилимиз ҳам, ўз таркибига кўра, «Пахтакор» командасига ўхшаб қолган.

* * *

Ўз тилида хиргойи қилиш нималигини билмайдиган, ўз тилида ўз дилбандига алла айтолмайдиган, ўз тилида дуойи хайр, дуойи бад айтолмайдиган, муножот, нидо қилолмайдиган ва ҳатто ўз тили-

да... туш кўролмайдиган бир талай одамлар пайдо бўлди!

* * *

Ўзбек тили, ўз луғавий таркиби тарафидан ҳам, пойтахт Тошкентни эслатадиган бўлиб қолди. Қандай яхши!..

Биз бола тарбияси, дидни ўстириш, ўсаётган ниҳолга шакл бериш, табиатни муҳофаза қилиш, ўрмон, кўл, денгизларни асраш ҳақида (кечикиб бўлса ҳам!) ўйлай бошладик. Йиртқичлар, балиқлар, капалаклар, чувалчанглар, шиллиқ қуртларни ҳалокатдан қутқазиш ҳақида қонунлар бор. Нега энди тилнинг софлиги, беғуборлиги, покизалиги тўғрисида ғамхўрлик йўқ. Ахир, тил — руҳий ғизо, инсоннинг инсонлиги, унинг моҳияти-ку!

* * *

Ўзбек тили ҳақида ёзувчи киши ёзувчи бўлиши керак. Бу билан тил ҳақида... роман ёзилсин, демоқчи эмасман. Демоқчиманки, ўзбек тили ҳақида ўзбек тилида ёзиш зарур. Токи бизнинг ёзганларимизни «таржима» қилишга тўғри келмасин.

III ФАСЛ

A decorative floral frame with intricate scrollwork and leaf patterns, surrounding the central text.

МАНТИҚ
БАРЧАГА
БАРОВАР

ТУШУНМАСЛИК — БАХТ?...

Кимга қандайлигини билмайман-у, аммо менга илгарилари ёзиш хийла осон эди. Гоҳо ёзаётган нарсанг сохталлигини сезардинг-у, юрак ютиб жонли бир гап айтишга тагин юрагинг безилларди... Бир шингил осону фалакка ҳамд-сано, бир жуфт чап елкадаги, бир луқма ўнг елкадаги фариштага хушомад қилиб, сўнгра сени чорраҳада кутаётган қиёфасиз, сирли мункарнакирларга олдиндан ғойибона лутф-карам кўргазгач, масаланинг ўзига кўчиб улгуриб-улгурмай... Буёғи уч-тўртта нақл, китобий кўчирма, далил-палил... Қарабсизки, рисола тайёр.

Тарки одат амри маҳол. Барибир бир нафар иқтибос келтирмасам кўнглим тўлмайдиганга ўхшайди. Маъзур тутасиз.

«Қизиқ: нима учун гумон ва фараз оқибатида, энг теран идрок натижасида вужудга келган чинакам таажжуб билан кишини ҳаяжонга солган нарсаларни кўпинча сўз билан ифода эта олмас экансан, гапингдан адашиб, ўйлаган нарсанг қолиб, бошқа гапларни бидирлаб кетасан, дудуқланиб қоласан, пойма-пой гапларни айтасан... Елгон гапирганингда эса, тилинг бурро бўлиб, ишонч билан чертиб сўзлаб, нутқ ирод қиласан киши.

Балки самимий нарсани, ўша самимий нарсанинг ягона тўғри маъносини тушуниб етиш учун олдин мағзини чақиш лозимдир, ҳар қандай шароитда қўлланиши мумкин бўлган сохталик эса, ақлнинг энг юза қатламида «хизматингга ҳозирман» деб шай бўлиб турар-у, сал мияни ғимирлатишинг билан дарров ўзи отилиб чиқса керак-да? «Билмадим... буни англаш мен учун қийин... тушунмайман»,— деб

ўйлади эсанкираган Душан, ваҳоланки бу тушунмаслик — бахт эканлигини билмас эди у ҳали». (Те-мур Пўлатов. «Душан қайсарнинг кўрган-кечирганлари» романидан.)

Халқда «яхши сўз — жон озиғи, ёмон сўз — бош қозиғи», деган мақол бор. Гап кимнинг нимани — «яхши», нимани — «ёмон» деб идрок этишига боғлиқ. Ҳаётда эса баъзан шундай бўладики... ёлғон сўз — жон озиғи, тўғри сўз — бош қозиғига айланади. «Бошимга қилич келса ҳам дегаймен ростин» деб, бир замонлар (ўттиз еттинчи йилларни эсланг) қанчадан-қанча улуғларимизнинг боши кетди... Аслини олганда, ҳақ гапни дегувчиларга ҳамма замонларда ҳам энгил бўлмаган.

ҲОЛВА ДЕГАН БИЛАН ОҒИЗ ЧУЧИМАЙДИ

Баъзан туппа-тузук одамларни ҳам таниб бўлмай қолади-да. Куни кеча муаззам Наврўзимизни турли ёлғон-яшиқлар билан бадном қилмоқчи бўлиб чиранган тунд шахслар бугун гўё ашаддий «наврўзпараст»га айланиб, сумалак ялаб ётибди. (Эртага улар, яна «бозорнинг кўтаришига» қараб, Наврўзи олам ҳақида нима дейишларини олдиндан ҳеч ким билмайди!) Кечагина бутун бир денгизни ўз қўли билан қурита бошлаганлар бугун ҳар кўча, ҳар муюлишда «Яшасин Орол!» — деб ваъзхонлик қилмоқдалар. Бир қарасангиз, умрида пахтани ҳидлаб кўрмаган бўрдоқибоқар қаллоб баланд минбардан туриб пахтада сочи оқарган бизнинг академикка дашном беради. Тагин унга одамлар чапак чалишини айтмай-сизми!..

Қошқийди шу қуюнчаклик самимий бўлса... Утмиш ва келажак билан ҳам ўзининг жонли алоқасини аллақачонлар узиб юборган кимсалар зўр бериб

оталар билан болалар муаммосини келтириб чиқармоқдалар. Улар тил учуда «Халқнинг кучи — аҳилликда» деб, амалда қайта қуриш жараёнининг тамал тоши бўлган айни шу бирликка раҳна солмоқдалар.

Хар икки авлод: ўзларини фидойи, доно, ишбилармон, «ветеран» деб билган оқсоқоллар билан улар томонидан «шошмашошарлик», «ғўрлик», «бебошлик», «кибр-ҳаво» ва «худбинлик»да ноҳақ айбланаётган ёшлар, ниҳоят, бир тилда сўзлаш илмини ўрганишлари лозим энди. Ҳолва деган билан оғиз чучимаёди. Сўз билан иш бирлиги, гапининг устидан чиқиш, лафз, ҳалоллик, имон-этиқод ҳам халқимизнинг муқаддас миллий хусусияти, бебаҳо бойлиги. Бу инсоний фазилатга асло хиёнат қилиб бўлмайди.

Ёш авлодга кўмаклашиш ва раҳнамолик қилиш ўрнига уни ичдан ва тошдан туриб бузишга, шундай қудратли кучни «ўйиндан ташқари ҳолатга» солиб қўйишга уриниш мантиқсиз, иғвогарона ҳаракат. Ота-боболаримизнинг инқилобий ибратли ишлари, жонбозлиги ёшларнинг олтин сармоси, айни вақтда инсонни, жамиятни, тафаккурни қайта қуришдек мислсиз оғир, залворли вазифа бошқа бировнинг эмас, балки соғлом навқирон ворисларимизнинг зиммасига тушади. Халқимизнинг истиқболи ва фахри бўлган ёш наслга муносиб бўла билиш ҳам бахт.

...Хуллас, «омихта тил» ҳамманинг меъдасига зиғир ёғидай урди. Шунинг учун ҳам миллийлик ва байналмилаллик хусусида одатий бир тилда «ундоқ қилиш керак», «бундоқ қилиш мақсадга мувофиқ» деб ўтиришдан ўзимни тийиб, бунда бошимдан ўтган ёхуд эшитган, кўрган, билганларимни айтишга ҳаркат қилдим. Муддаони англасангиз — яхши, мабодо англамасангиз — начора... Айб ўзингиз... э, ўзимда!..

ҚОЧГАН ҲАМ «ХУДО» ДЕЙДИ, ҚУВГАН ҲАМ...

Ҳозир ҳамма қайта қуриш тарафдори. Ҳеч ким қарши эмас. Лекин покланишни ҳар ким ўзича тушунади. Қочган ҳам «худо» дейди, қувган ҳам... Ўғри, муттаҳам, фирибгар, порахўр ҳам ўз қилмиши йўриғида ишини «қайта қурмоқчи» бўлса, бундан сергакланиш керак.

Қайта қурувчиларни уч тоифага — ўнгла, сўллар ва марказчиларга бўлиш мумкин. Ўнг қанотдагилар (улар орасида машъум турғунлик даврининг намояндалари ҳам бор) ўзларининг «ёғлиқ жойларини» сақлаб қолиш ёки йўқотилган мавқеларини тиклаб олишларида қайта қуриш даври «ўткинчи давр» ҳисобланади. Уларда оғзаки иқрор, даъват билан дил рағбати бир-бирига қойим эмас. Сўллар том маънодаги покланиш тарафдорлари. Улар иқтисод, маънавийёт ва мафкурада турғунлик даврининг иллатларига буткул қарши чиқмоқдалар ва ҳар қандай қабоҳатга зудлик билан барҳам беришни талаб этмоқдалар. Манфаат кишилари бўлмиш аросатда қолган марказчиларда эса (буларни «оғмачилар» деса ҳам бўлади) бирон қатъий мақсад йўқ. Улар замона зайлига қараб — кимдан кўпроқ наф тегса, ўша томонга қуллуқ қиладилар. Олайлик, айни бир одам бирон мукофот, янги хизмат лавозими, фахрий унвон ва ёки илмий даража олиш илинжида юрган бўлса — ўнг томонга қараб таъзим қилади. Мабодо дилидаги нияти амалга ошмаса ёки бирон сабабга кўра юқоридан дакки еса — дарҳол сўлларга қўшилиб олади. Масалан, яқиндагина каттакон мансаб кишиси бўлган бир олим, амалидан «кавуши тўғрилангандан» сўнг, «Мана энди мен «миллатчи» бўламан!» — деб овоза тарқатган. Ана алфоз, ана савия...

Демократиями — демократия, ошкораликми —

ошкоралик. Қуёш ҳаммага барабар нур сочади. Тенглик ҳам барчага барабар бўлиши керак. Шифохонада беморларни миллатига, ирқига, жинсига, мазҳабига қараб даволашмайди-ку. Дарддан барча бирдай қутулиши лозим. Баъзи бир қилаётган ишларимизга қараганда, жилла бундай эмасга ҳам ўхшайди. Айрим тўралар ва амалдорлар ҳамма бирдай иллатлардан халос қилинса, уёғи қандоқ бўларкин, деб ваҳимага тушиб қолгандай. Қандоқ бўларди, аини муддао бўлади. Зотан, қайта қуришдан муддао не: дарддан, кулфатдан фориғ бўлиш эмасми?

РАҚАМ ВА МАНТИҚ

Риёзиётда шундай қонун бор. Қўшилмалар ёки кўпайтмаларнинг ўрни алмашгани билан олинаётган натижа, йиғиндининг миқдори ўзгармайди. Тўқсон тўққизга бирни қўшсангиз ҳам, бирга тўқсон тўққизни қўшсангиз ҳам юз бўлади. Иккига бешни ёки бешга иккини кўпайтганда ҳам ўн бўлгани сингари. Мантиқда эса аҳвол ўзгача. «Ит инсоннинг дўсти» десак, бу яхши. «Инсоннинг дўсти ит» бўлса-чи?..

Ҳеч бир шубҳа туғдирмайдиган қатъий ҳақиқатлар ҳақида гапирганда, «темир мантиқ», дейдилар. Чунки мантиқ ҳаммага баробар. Аммо ҳамма ҳам мантиққа бефарқ эмас. Одамлар ўзларининг энг номатлуб, разилона, ғайриинсоний хатти-ҳаракатларига ҳам мантиқ қидирадилар, мантиқ топадилар ва унга бошқаларни ҳатто ишонтирадилар ҳам... Бундай палағда мантиқ билан гоҳида айрим шахсларгина эмас, балки бутун бошлиқ мамлакат халқларини йўлдан оздирадилар, улар ўртасида низо келтириб чиқарадилар, қирғинбарот урушлар бошланиб кетади, қонлар тўкилади ва ҳоказо. Қулдорнинг, босқинчининг, қотилнинг ҳам ўз «мантиқи» бор. Мантиқ-

сиз, ноҳўя хатти-ҳаракат дарров очилиб қолади. Аммо бузуқ, пардаланган, сохта мантиққа асосланган ишнинг моҳиятини аниқлаш жуда қийин.

Бизда хўжаликни ташкил этиш, маҳсулот ишлаб чиқариш, миллий даромад тақсимоти, баҳо, табиий бойликлардан фойдаланиш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва бошқа соҳаларда қандай мантиққа асосланиб иш кўришаётганини тушуниш қийин. Бу ерда ишнинг зайли қуйидаги латифани эслатади.

Маҳсулот таннархи ва баҳо билан шуғулланувчи бир муассасага иқтисодчи керак бўлиб қолибди. Бир ўринга икки мутахассис даъвогар бўлган экан, ўзига хос саралаш «мусобақаси» ўтказилибди. Ҳар иккаласига бир хил савол беришибди:

— Икки карра икки қанча бўлади?

Биринчи даъвогар тап тортмай жавоб қайтарибди:

— Тўрт бўлади!

— Баракалла! — дейишибди унга. — Сиз бўшсиз, кетаверинг.

Иккинчи даъвогардан сўрашибди:

— Хўш, Сиз нима дейсиз? Икки карра икки қанча бўлади?

— Сизга қанча керак? — саволга савол билан жавоб қайтарибди у.

— Биз истаган одам Сиз экансиз. Марҳамат, ишга киришинг...

Инсоннинг руҳий олами жуда қизиқ. Бир нарсага эътибор қилганмисиз? Киши бирон нарсанинг ёлғондан бошқа нарса эмаслигини кўра-била туриб, унинг тўғрилигига ишонгиси келади. Шу зайл айрим кишиларгина эмас, балки гоҳо бутун бир халқ ҳам ҳатто узоқ вақт мобайнида алданиб ёки ўзини ўзи бўлмағур нарсаларга ишонтириб юриши мумкин.

ПАХТА, ҚУИ, СИГИР, ПАШША ВА ФИЛ

Шоир Муҳаммад Солиҳ СССР Езувчилар уюшмасининг она замин, табиат ва қайта қуришга бағишланган пленумида сўзлаб, жуда антиқа бир гапни айтди. Эмишки, инқилобдан олдин бир кило тоза пахтанинг пулига бор-йўғи биттагина сигир сотиб олса бўларкан. Бугунги кунда эса ўша бир кило пахтага 15 тийин ҳақ тўланади. Аслида бу ҳам кам ақча эмас, унга нақ ўн беш қутича гугурт харид қилиш мумкин... («Литературная газета», 1989 йил, 25 январь). Ана холос! Бир килограмм пахта ҳақи-га — говмиш?.. Мантиқ қани?

Шу тариқа казо-казо олим ва амалдорларимиз шоирнинг жудаям антиқа мантиқидан жўн маъно қидириб, уни рад этиш учун махсус илмий қидириш ишларига берилиб кетишди. Солиҳ катта йиғинлар, жумҳурият матбуотининг «қаҳрамони»га айланди.

Ана шундай тадқиқотлардан бири отахон рўзномамиз «Совет Ўзбекистони»да босилди. (1989 йил, 10 февраль). «Ўзимиз тузатамиз» (Нимани? Қачон? Қандай қилиб?..) мақоласида кўпни кўрган бир оқсоқол муаллиф дейди: «Аслида расмий маълумотлар қуйидагича: 1917 йилда ўртача бир килограмм пахтанинг нархи 12 тийин, толаники — 80 тийин, мол гўштининг бир килограмми 20 тийин бўлган. Демак, бир ярим килограмм пахтага бир килограмм гўшт олинган, дейиш мумкин. Шоиримиз бўлса, бир килограмм пахтага бутун бошли сигир берган, дейди. Мен юқоридаги рақамларни Туркистон республикасининг ўша пайтда ҳар йили чиқариладиган статистика тўпламидан олдим... Бундай масалаларда аниқ факт, масъулият керак!»

Қандай далил? Қандай масъулият?

Мен ҳам бир далил келтирай, бўлмаса. «Туркистон вилоятининг газети»да аҳолини пахта теримига

чорловчи қўйидаги мазмунда эълон босилган: «Бир кило пахтага — бир кило қўй гўшти оласиз. Иигирма кило пахта терган одам, марҳамат, битта қўйни етаклаб кетаверсин!» Дарвоқе, ҳозир бозордан бир кило қўй гўшти харид қилиш учун деҳқон эллик кило пахта триб топшириши керак.

Қисқаси, шоир тушмагур, қувлик қилиб, не-не валломат пахташунослару иқтисодчиларни тузоққа илентирди. Ҳа «Ўзимиз тузатамиз» мақоласининг муаллифи: Муҳаммад Солиҳнинг рақамларини кўриб ҳайрон бўлиб қолдим, дейди. Сирасини айтганда, мен ҳам Солиҳдан домангирман. Италияларда шундай матал бор: «Бузоқ ўғирлаганинг учун дорга осилишингни билсанг, бир йўла ҳўкиз ўғирламайсанми!»

Бизнинг Муҳаммад Солиҳда шундоқ закий арбобларни лол қолдириш имконияти бор экан, «инқилобдан олдин бир кило пахтага битта сигир берган» дегандан кўра, фил берган, деса бўлмасмиди?

Яна бир қизиқ муаммо. Пахтани ҳозиргига қараганда бир неча минг баробар кам экан Туркистон фуқароси инқилобдан олдин ҳам мустабид чор Русиясидан қарздор бўлиб яшаганмикан?

Эҳтимол, бизнинг синчков иқтисодчиларимиз, қилни қирқ ёрган тарихчиларимиз, пашшадан фил ясайдиган (тўғрироғи, филдан пашша ясайдиган) баъзи «махсус» мухбирларимиз бу масалани ҳам ўйлаб кўришар?..

«ЎЛАМИЗ, ЛЕКИН БАЖАРАМИЗ!»

Агар бошимдаги қундуз терисидан тикилган телпагим давлат дўконида 400 сўм турса-ю, уни мендан биров... 8 сўмга олса, мен телпагимни — «берган» бўламанми ёки «сотган» бўламанми? Ёки ўзимиз-

нинг пахтани олайлик. Мен бир килограмм пахта-ни — 15—20 тийинга териб берсам-у, шу бир кило пахтадан тўқилган кўйлакни — 15 сўмга олсам, пахта кўйлақдан юз баравар арзон кетаётган бўлса, бунга нима дейиш мумкин? Кўйлакни давлат менга — сотаяпти, мен уни — харид қилаяпман. Аммо пахта-ни мен давлатга — «сотаяпман» дея оламанми?

Қирқ-эллик йиллар илгари «олди-сотди» деган гап йўқ эди. «Давлатга пахта топширамиз» дердик. Вассалом. Сотиш эмас, топшириш деб атардик буни. Ҳолбуки, пахтанинг харид қуввати ўшанда ҳозирги-га қараганда хийла баланд эди! Юқорида кўргани-миздай, пахтанинг харид қуввати, қадр-қиммати ин-қилобдан олдин эллик баравар юқори бўлган. Ҳолбу-ки, биз миллий озодликка эришган ҳозирги даврда пахтамыз сувтекин кетмаяптими?!

Хуллас, нарсанинг сифати, у билан боғлиқ ҳара-кат ва жараёнлар ўша нарсанинг табиати-ю, мазму-нига мос бўлиши керак. Иккаласидан бири: ё «дав-латга пахтани териб берамиз», «давлатга пахтани топширамиз» деб айтишлик — олдинги тўғри ифода-вий зайлга қайташлик, ё бўлмаса, «давлатга пахта сотамиз» деган ҳозирги атамани сақлаб қоладиган бўлсак, пахтанинг харид нарҳини ва ундан маҳсулот ишлаб чиқаришни жумҳуриятнинг ўзида ташкил этиш масаласини жиддий бир тарзда қайта кўриб чиқмаса бўлмайди. Сиёсатдон бўлиш яхши. Аммо бизнинг тўқсонинчи йилларгача иш тепасида туриб келган айрим раҳбарларимиз, Александр Бовин айт-ганидай, умуман иқтисод илмини, хусусан, сиёсий иқтисод ва қишлоқ хўжалик иқтисодини, айниқса, пахта иқтисодини, лоақал тўрт амал билан боғлиқ оддий ҳисоб-китобни билишлари лозим эди. Билиш-нинг ўзи ҳам кифоя қилмайди. Билиб туриб ҳаракат қилиш зарур. Уша-ўша гап-да: бола йиғламаса, она кўкрак бермайди. Бу фақат она-болага эмас, ҳамма-

га тааллуқли. «Хўп бўлади», «Ўламиз, лекин бажарамиз!» — деган мутелик даври ўтиб кетди. Чунки «Ўламиз, лекин бажарамиз» деганда, бажаришдан кўра ўлиш миқдори тобора кўпайиб бормоқда... Майли, лозим бўлган ва ақл бовар қиладиган миқдорда ишни бажарсак, бажарайлик, аммо ўлишга шошилиш керак эмас...

БИРОВНИ КЎРИБ ФИКР ҚИЛАСАН, БИРОВНИ КЎРИБ ШУҚР ҚИЛАСАН

1987 йил май ойида мен СССР Езувчилар уюшмаси вакиллариининг бири сифатида Бадиий таржима кенгашиининг Рига шаҳрида ўтказилган сайёр йиғинида қатнашдим. 8 май, жума куни бизни Латвия пойтахтидан 60 чақиримча нарида жойлашган Добелес районининг Тервете деган қишлоғига олиб боринишди. Бундай колхозни умримда биринчи кўришимди. Атроф кўм-кўк, ҳавони симириб тўймайсиз, далалар бахмалдай ястаниб ётибди. Кўз қувонади, дил яйрайди. Табиатнинг гўзаллигини хўжаликда ташкил этилган ишлар орасталиги тўлдирди.

Колхозда «томорқа» нималигини ҳеч ким билмайди. Буни ёмон дейишга ошиқманг. Одамлар ўз ихтиёри билан бундан воз кечган. Чунки гўшт дейсизми, тухум дейсизми, нон, сабзавот, мева-чева, ун, шакар, дон-дун ҳаммаси давлат баҳосида тўкис таъминланган. Эҳтимол, буёғи бизнинг шароитимизга унчалик тўғри келмас. (Тўғриси, қанчалик қулай бўлмасин, шаҳар шаҳардай, қишлоқ қишлоқдай бўлиши керак.) Бироқ муҳими бу эмас. Ҳайратомуз гап буёқда.

Сутчилик фермасига бордик. Айланиб турган улкан доира сахнига буёқдан сигирлар чиқиб келаведи. Устига оппоқ халат кийган биргина аёл нав-

бати билан ҳар бир сигирнинг елинига сўргични қўйиб чиқаверади. Нарӣ ёқда ўзини соғдириб бўлган сигирлар тушиб кетаверади... Ҳар сигирларки, Олмония диёридан сотиб олинган. Елини бутига сиғмайди. Сигирлар серсут бўлишидан ташқари, сути ниҳоятда мазали, қуюқ ва серқаймоқ.

Тервете чорвадор хўжалик. Бу ерда зотли чавандоз отлар ҳам боқиб кўпайтирилар, парвариш қилинар экан. Ҳар арабий ва бошқа отларни кўрдик — кўкка сапчийди.

Бизни Ригадаги аллақандай заводда муҳандислик лавозимини ташлаб, бу ерга келиб ишлаётган колхоз фирқа ташкилотининг котибаси қабул қилиб, хўжалик ҳақида сўзлаб берди. Маълум бўлдики, халқаро бозорга олиб чиқиладиган бир арабий зотли от 120 минг сўмгача сотиларкан. Фермада 1 мингу 300 бош сигир боқилади, ҳар биридан йилига 7500—10000 литргача сут соғиб олинади.

Колхоз ҳар йили 1,4 млн. сўм соф даромад олади. Айтилишича, 1987 йилда банкда Тервете колхозининг 6 млн. сўм пули бор экан.

Бу ерда 600 га яқин киши ишлайди. Сут соғувчилар кунига 26 сўм даромад қилади. Ўртача иш ҳақи 500 дан 800 сўмгача. Мен қулоқларимга ишонмадим. Оддий меҳнатчининг маоши... ман-ман деган профессорникидан зиёд.

Котибадан секин сўрадим:

— 500 дан 800 сўмгача пул... ойликми ёки йиллик даромадми?

У кулди:

— Албатта, ойлик-да. Нима деяпсиз, бизда ҳар ойда 2 минг сўмгача оладиганлар бор. Тагин норози бўлишганини кўрсангиз эди!..

Тервете хўжалигига аъзо бўлиш учун ригаликлар йиллаб навбат кутишаркан. Навбати етганлар худди қиморга пул ютгандай хурсанд бўлишаркан.

Шуниси борки, бу ерда ичкилик борасида «қатрон қонуни» жуда қаттиқ қўйилган. Бирон кимса бир марта ишга ширакайф бўлиб келса, шу заҳотиёқ «паттаси» қўлига тутқазиларкан. Темир интизом ўрнатилган. Иш вақти қатъий белгиланган, ҳамма ўз ўрнида, ҳар бир киши ўз ишини билади.

Одамларнинг чеҳрасида қандайдир хунобгарчилик, диққинафаслик, ташвиш кўрмадик. Жуда-жуда ҳавасим келди. Уша ерда бизнинг пахтачилик хўжалиklarимиз, пахтакор деҳқонлар, шўрлик одамларимизнинг турмуш ва меҳнат шароитлари кўз олдига келди. Қардош лотиш чорвадорлари учун қанчалик қувонсам, ўзимизникилар, уззу кун пахта деб илиги қуриб юрган деҳқонларимизни ўйлаб, иччимдан зил кетдим.

Хаёлингиздан кечаётган гапни, ҳурматли китобхон, пайқаб турибман, ўзим ҳам сўраб-суриштирдим:

— Ташқаридан келганларга, турган гап, энг илғор, бақувват, кўрсатса бўладиган хўжаликни кўрсатишади. Латвиянинг ҳамма колхозлари ҳам шундай забардаст эмасдир?..

— Албатта, бу яхши хўжаликларимиздан бири. Аммо бошқалари ҳам...

— ...Чакки эмас денг?

— Қаймоқ!

ОЛТИН ТУВАК КИМГА КЕРАК?

Пахта ва бошқа экин майдонлари оқилона ва жўяли бир тарзда қайта кўриб чиқилмаса, пахтанинг нарх-набоси унга сарфланаётган меҳнат ва жаҳон бозори билан мослаштирилмаса, қишлоқ аҳлининг аҳволи кескин яхшиланмаса (менинг тасаввуримда Ўзбекистонимиз даставвал сахий, валломат

бободехкон тимсолида гавдаланади!), даромад буромадни тақозо этмайдиган бўлса, давлат тилига ғамхўрлик мунтазам ошиб бормаса, табиат, аждодлар ва авлодлар, тарих ва истиқболга дахлдор ғоят чигаллашиб ва чуқурлашиб кетган муаммоларни ҳал қилмасак, оғизда бошқа гапларни айтиб, амалда бўлак ишларни қилишда давом этсак, бундай олганда нимани «қайта қурамиз» ўзи?

Жудаям шаккок бўлмайлик. Тўғри, катта ишлар ҳам қилинди. Мамлакат миқёсини олсак: совет қўшинларининг Афғонистон еридан чиқарилиши, касофат ароқнинг жиловланиши, демократия ва ошкоралик, кейинги вақтгача хаспўшлаб келинган шахсга қуллуқ қилишнинг оқибатлари-ю, мудҳиш фожиалари очиб ташлангани, миллий жумҳуриятларда давлат тили масаласи тубжой аҳолининг раўйига қараб ҳал этила бошлагани... Буларнинг ҳаммаси, ҳеч муболағасиз, жаҳоншумул ишлар. Шунинг учун ҳам бутун дунё бизга қараб турибди. Ўзимиз ҳам дунёга қарашни ўрганмоқдамиз.

Ҳозиргача ўзимиз яратган дунёга ўз дунёқарашимиз билан қараб келдик. Энди билсак, биз билган дунёдан бўлак дунё ҳам бор экан.

Айрим адашишлар, бўртиришлар, қинғирликларни ҳисобга олмаганда, жумҳуриятимизда ҳам, хусусан кейинги йилларда бирмунча ишлар қилинаётганидан кўз юмиб бўлмайди.

Аммо мол ишлаб чиқариш, давлат тарҳи (плани), сифат, нарх-наво сингари ҳаётий муҳим масалаларда ҳали чалкашликлар кўп.

Оврупонинг бурчак-бурчакларигача чирмашиб, тармоқланиб кетган газимиз, бутун Менделеев жадвалини тўлдирадиган маъданларимиз ва бўлак табиий бойликларимизни қўя турганимизда ҳам, оқилна нарх-наво тайин қилинса, биргина қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, пахта билан пилланинг ўзи-

ёқ жумҳуриятни бемалол боқа олади. (Етиштирилаётган хом ашёга, ниҳоят, «хийлаи шаръий» қилмасдан ҳақ тўлаш вақти етди-ёв.)

Аммо мен «ўзим бўлай»чиликка даъват этмоқчи эмасман. Тўғри, табиат халқимизни сахийлик билан сарафроз этган. Мушфиқ одамларимиз кунни тунга улаб оғир меҳнат қилишни билади. Деҳқонларимизнинг танти меҳнатига яраша танти ҳақ тўланса, аминманки, ҳар бир меҳнаткаш ўзбекнинг туваги олтиндан бўлади. Ҳа-ҳа, ҳовлисининг остонаси эмас, бешигининг тувагигача олтиндан бўлади! Аммо дала ишчиларимиз яхши тушунадик, бир мамлакатда яшаётган фуқаронинг тақдири ҳам бир хил бўлиши керак. Кемага кирганнинг жони бир. Айрим халқлар ўзининг картошкасини ҳам топиб еёлмайдиган аҳволга тушиб қолган бир вақтда, биз «олтин тувак» даъво қилсак, хўп ғалати гап бўлар эди... Ер остимизда ҳозир ҳам турли-туман, рангбаранг жавоҳирлар, олтин қат-қат бўлса-да, «олтин камар», «олтин баркаш», «олтин кўшк», «олтин ўрдалар» ўтмишда қолиб кетди. Афсона ва ривоятларга айланди. Халқимиз ихтиёрида фақат «оқ олтин» қолди, холос. У ҳам, аслида, ўз эгасининг инон-ихтиёрида бўлмади. Олтин билан боғлиқ, умид қилса бўладиган бирдан-бир нақд матоҳ— ипаклари зардан тикиладиган дўппи ҳозирча фахримиз бўлиб турибди.

Яқин ўтмишда яшаган валломат даҳолардан бири, ўзича каромат қилиб, «оқ олтинни олтин қўллар яратади», деган эди. Эсизки, у оқ олтинни олтин қўллар эмас, балки қадоқ қўллар яратишини билмасдан кетди... (Дарвоқе, Тошкентимизнинг марказий кўчаларидан бирида ўн беш кун мобайнида «Оқ олтинни олтин қўллар яратади», деб ёзиғлик турди!)

Бўзчи белбоққа ёлчимайди, дейдилар. Пахтакор қачон пахтага ёлчибди? Кўрпа билан ёстиққа соладиган пахтасини ҳам... дўкондан сотиб олади. Фа-

лакнинг гардишини қарангки, айна изғирин ёгин-сочинда, шалаббо бўлиб, тиззасигача лойга ботиб пахта терса-да, бунга устама ҳақ олиш уёқда турсин, учинчи, тўртинчи нав учун, сифати паст деб, ёнидан давлатга... жарима тўлаб ўтирса! Қайси иқлим, қайси минтақа, қайси мазҳабда бор бу?

Пахта давлатга керак экан. Буни тушундик. Лекин пахтакор-чи? Мамлакатни хорижга пахта қарамлигидан қутқазишдек жаҳоний мушкулотни ҳал қилган азамат пахтакорнинг ўзи ҳам давлатга керакми? Биров давлатга топшириладиган йиллик пахта ҳажмини тўрт миллион тонна бўлсин деса, бошқаси — беш миллион тонна тарафдори. Олти миллион тонна ва ундан юқорини мўлжаллайдиганлар ҳам бор. Начора, ҳар каллада ҳар хаёл. Менга қолса, ажаб эмаски, замонлар келар, жумҳуриятимиз мамлакатга ўн миллион тонна пахта етказиб беришга ҳам қодир бўлар, деб ўйлайман. Икки мингинчи йилларнинг нарисидида, ким билсин, бизнинг иқлимга мос фавқулодда ҳосилдор, тезпишар навлар етилар. Шунга мувофиқ қудратли техникалар яратилар. Ҳеч бир зўриқмай-нетмай мамлакат эҳтиёжига керакли ҳосил олинар. Лекин ҳозир-чи? Мен бир неча йил мобайнида тўрт миллион тонналик маррада туришни оқилона тадбир деб биламан. Нима учун? Буни академик Мирзаали Муҳаммаджонов айтгани учунми?

Ҳа. У фақат «айтмади», балки чуқур илмий асосда, мантиқан исботлади. Ер дам олиши, ўзининг зўриқишдан йўқотган сифатларини тиклаши, одамлар ўзига келиши керак. Пахтадан ортган ёки унга ноқулай ерларга инсон учун қиммати пахтадан кам бўлмаган ширин-шарбат мева, сабзавот экиш, чорва учун ем-хашак тайёрлаш керак.

Умуман, вақт ва сурункали аччиқ тажрибалар шуни кўрсатдики, қайси соҳада бўлмасин, мутахас-

сислар, олимларнинг фикр ва таклифларини бепи-санд қилиш нуқтасидан бошлаб иш пачава бўла бошлар экан. Ҳозирги давр, янгича тафаккур шу-ни тақозо этадики, ниҳоят, ҳеч бўлмаса энди шун-дай хатога йўл қўймаслик керак.

Мамлакатимизда турли халқлар ўртасидаги миллий муносабатлар асосида уларнинг иқтисодий манфаати ётади. Иқтисодий манфаатдорликка дарз кетган нуқтадан ўзаро миллий англашилмовчилик-лар бошланади.

Пахтанинг устидан баъзи бир исботланмаган қўшиб ёзишлар бутун халқимиз учун куйдирги-жон бўлиб чиқди. Тўқайга ўт тушса, ҳўлу қуруқ баравар ёнади, дейдилар. Ҳақ-ноҳақ, минглаб одамларнинг шўри қуриди. Бутун мамлакат бўй-лаб ўзбеклар бадном қилинди.

Ҳўш? Қўшиб ёзиш қаёқдан келиб чиқди? Дав-латни алдашми бу?

«Бирон халқни асоратга солмоқчи бўлсанг, уни пахта экишга мажбур қил», деган экан қадимги юнон ҳақимларидан бири.

Қўшиб ёзиш, аслида қўшиб ёзишга мажбур қи-лишдан келиб чиқади. Даврага киргандан сўнг қийшангламасдан бошқа иложинг йўқ. Қўшиб ёз-маслик учун эса давлат олдида ақл бовар қила-диган сиғим ва миқдорда тарҳ (план), мажбурият олиш керак. Халқни юқоридан туриб «мажбури-ят» олишга мажбур этиш яхши ният ифодаси эмас. Қўшиб ёзиш — кулфат, аммо, чамаси, деҳ-қонни қўшиб ёзишга мажбур этиш, доимий маҳ-кумлик ва гаров ҳолатида ушлаб туриш кимлар-гадир қўл келадиганга ўхшайди...

Марказий матбуот («Огонёк») сўз ўйини қилиб, ўзбек «оқ олтин» соҳибкорларини «хлопкороб» («пахтакор») эмас, «хлопкораб» («пахтақул») деб атаганида, биз ўз маҳаллий жаридаларимизда:

— Йўқ, «Пахтақул» эмасмиз, балки «Пахтабек-миз!» — деб шовқин солдик.

Ҳақиқий аҳвол эса барчага аён.

«Муштум» журналининг 1990 йил 5-сони жуда қизиқ жиҳозланган. Биринчи саҳифа (муқова)нинг сўл томонига чиқазилган мундарижада ёзилган: «Пахта иши» қачон ёпилади? Минг йиллик қарз. Томоғимда жоним турибди йиғлаб. «Ҳақиқат йўқ ерда бахт бўлмайди».

Уша бош саҳифанинг ўнг ёғидан рассом Э. Рўзибоев чизган икки қисмли йирик сурат ўрин олган. Унда одамнинг қадди-басти тасвирланган. Бош ўрнида кулиб турган пахта. Тананинг белдан юқори, «пахта» қисми ястаниб турибди. Устида беқасам тўн ял-ял ёнади. Кўкракда ўттиз битта ҳар хил нишон (темир-терсак) порлайди. Белдан пастки қисмда: ўша беқасам тўн қирқ ямоқ, тўкилиб бора-япти... Йиртиқ шим, оёқлар яйдоқ...

Сурат остига: Қашшоқ «бойвачча» деб ёзиб қўйилган.

СИФАТ ВА ЁВУЗЛИК «ТАҚСИМОТИ»

«Олмоғча ҳисобдонлик», «американча ишбилармонлик», «японча мўъжиза», «русча шижоат», «ўзбекча меҳмондўстлик» десак, бу шартли, албатта. Негаки, шу инсоний сифатлар бошқа халқларда йўқ, деган маънони англатмайди. Кўп сифатлар айни бир ҳодисани (саховат, диёнат, одамгарчилик, андиша, хоксорлик, меҳнатсеварлик ва ҳ. к.) қайси миллат кишиси қандай тушунишига боғлиқ.

Ёвузлик ва у билан боғлиқ ҳолатлар ҳам шундай.

Бу сингари сифат ва ёвузликлар муайян маънода миллий белгилар ёхуд макон ва иқлим муҳити билан боғланиши мумкин. Масалан, «осиёвий танбаллик»,

«америконча ишбилармонлик» сингари. Лекин уларни муқаррар равишда жамиятнинг синфий тузилиши ёки ижтимоий табиати билан боғлаб бўладими? Ҳа, «социалистик тузум имкониятлари», «капиталистик корчалонлик», «қуллик жаҳолати», «бой-феодалларча муносабат» деган ибораларда жон бор. Айни вақтда, ҳар бир тузум ҳам бошқасига нисбатан ўз афзалликларига ва ўз ожизликларига эга. Биз барча қабоҳатлар — империализмга, жаҳолат — ҳозиргача асрий қолоқликдан қутулолмаган ижтимоий тузумларга бўлсин, дея олмаймиз.

Инсон ҳамма жойда ҳам инсон, олижаноблик ҳамма жойда ҳам олижаноблик, қабоҳат ҳамма жойда ҳам қабоҳат. Дунёнинг барча яхшиликлари — бизга, барча ёмонликлари — уларга хос деб тушунишга маънавий ҳаққимиз йўқ. Эҳтимол, ҳеч қачон бўлмагандир ҳам...

МИЛЛИЙ ҚУСУР ЭМАС, ДАВР ФОЖИАСИ

Шундай бўладики, бирон халқнинг миллий тийнати (характери)даги олижаноб фазилатлар... унинг бошига битмас-туганмас фалокатларни солади. Масалан, меҳнатсеварлик, хоксорлик, шукроналик, айниқса сермулозамат бўлиш ва меҳмондўстлик бугунги кунда ўзбек халқини том маънода бахтли, сарафроз қила олди, деб бўладими?..

Бразил адиби Бернардо Имаранс романи асосида ўн беш сиралик қилиб ишланган «Чўри Изаура» фильмларини томоша қиларкансиз, унда тасвирланган мурдор қулдорликни, бразил занжиларининг мудҳиш қисматидаги баъзи манзараларни нозик, пардаланган шаклларда, росмана қулдорлик тузumi манзилгоҳидан юз йиллар илгари чиқиб, узоқлашиб кетган, ўзларини ҳур, маърифатли миллат санайди-

ган ҳозирги халқларда ҳам кўрмадингизми, уларнинг қиёфаларида баъзан ўзингизни топмадингизми?

Ун тўртинчи фильмда тасвирланишича, тутқунликдан қочганлар қуллик муҳитидаги энг оғир жазога мустаҳиқ бўладилар. Уларни қулдор хўжайин Леонтио шафқатсизларча жазолайди — шакарқамиш ўришга мажбур этади. Даҳшатдан қулларнинг пешонасидан тер чак-чак тома бошлайди. Ҳатто хотин-қизлар ҳам шакарқамиш ўришга мажбур қилинганда, кўз кўриб қулоқ эшитмаган бу қабиҳ жазодан барча қуллар дағ-дағ титрайдилар. Аммо улар чорасиз. Қул қулдорнинг шахсий мулки ҳисобланади. Уни ерга кирса қулоғидан, осмонга чиқса оёғидан тортадилар.

Хаёлингиздан шундай фикр кечади: жиноятчи жиноятчи эмас, жиноятчини жиноят қилишга мажбур этган, унинг атрофида жиний муҳит туғдираётган жиноятчи жиноятчидир.

ИЗАУРА

Хўжайин шунинг учун хўжайинки, унинг амри вожиб. Ҳар қандай шароитда ҳам у ҳақ бўлиб чиқади. Мушукни томдан ташласангиз ҳам, ерга муаллақ бўлиб, чирпираб қуламайди, балки тўрт оёғи билан тушади.

...Қуллар шакарқамишзорда жон олиб жон бериб ишлайдилар. Ҳув ана, маъсума Изаура кўриниб қолди. Ҳолдан буткул тойган, елкасида қамиш, аранг оёқда турибди. Мана, ниҳоят, ерга гурсиллаб қулади.

Изаура! Менга жуда таниш чехра, мен уни кўрганман, ўзимнинг Изаурам-ку бу! Оҳ, шўрлик чўри қиз, менинг Ўзбекистонимга меҳмон бўлиб кел, садага! Ўзингга етти ёт бегона бу юртда, бизнинг қишлоқларимиздаги ҳамма қиз-жувонларни танийсан,

бизникилар ҳам дарҳол сени таниб, билиб оладилар. Сен маълум бир муддат терга ботиб ишладинг, бизникилар бир умр шундай ишлайдилар ва шундай яшайдилар. Э, нимасини айтасан, сен елкангда кўтарган шакарқамиш менинг изаураларимга посанги ҳам бўлмайди. Меникилар пахта далаларидан ўн беш соатлик тинкани қуритувчи меҳнатдан сўнг гоҳо сигир-бузоғига ўт, қамиш ўриб, елкасида кўтариб уйига қайтади. Шундан сўнг уй-рўзгор, пишир-куйдир, бола-чақа ташвиши, эрининг хархашаси бошланади!..

Бизда, ижтимоий-сиёсий ва миллий озодлик, ҳуррият, шахс эркинлиги даврида эрта қариган қиз-жувонлар далада зўриқиб ишлайдилар, йилнинг тўрт фаслида улар банд. Пахтанинг асосий юки уларнинг елкасида. Мард аёлларимиз билан («мард» — эркак дегани!) фахрланамиз, улар халқимизнинг хаста виждони бўлиб қолмоқда.

МУСИБАТ НИМАДАН БОШЛАНДИ?

Ҳамма гап хотин-қизларни озод қилишдан бошланди. Биз уларни чўриликдан озод қилдик. Озод қилиб туриб... маҳқум этдик.

Кейинчалик, мамлакатда «ё ўлиш, ё қолиш» маъносида, ҳаёт-мамот масаласи ҳал бўлаётган бир даврда (1941—1945), қонли урушга кетган эрлари, оталари, фарзандлари, ака-укалари ўрнида аёлларимиз, липасини шимариб, оёқларига қўнжлик этикларни илиб, пахта, лавлаги, ғалла, жўхори экиш, кетмон чопиш, трактор миниш сингари оғир меҳнатни ба-жардилар. Бундай машаққат, хотин-қизлар учун, жанг майдонида қон тўкиш машаққатидан кам бўлгани йўқ. Уруш тугаганига ҳам мана қирқ беш йил бўлди. Жаҳаннамий оғир меҳнат эса аёлларнинг

гарданида қолиб кетди. Шарқ аёли социализм тугул бошқа бирон тузумда бунчалик меҳнатзада бўлган эмасди. Паст бўйли, мўйловдор, чўтир бир доҳий «шон-шараф ва қаҳрамонлик иши», деб эълон қилган меҳнат қишлоқ аҳли, ўзбек қиз-жувонларининг қаддини ёмон букди, уларга битмас-туганмас кулфат келтирди. Оналаримиз, хотин-қизларимиз, опа-сингилларимиз ҳар кун, эрта саҳардан қоқ тунгача «қаҳрамонлик» қилавериб, илиги қурий бошлади.

Уйлаб тагига етолмайман. Ахир, қаҳрамонлик ҳар кун бажарадиган юмуш эмас-ку. Агар бундай «шон-шараф» аёлларни майиб қилса, одамларнинг ёстиғини қуритса... нафратланаман бундай «қаҳрамонликдан!» Менимча, аёллар ва ўсмирлар меҳнатини эксплуатация қилганлиги, тенг меҳнатга тенг ҳақ тўламаганлиги учун айбдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш ҳақида махсус қонун чиқариш керак.

Яна бир гап. Бутун матбуот, радио, телекўрсатув, адабиёт йил бўйи пахтакор меҳнатининг аянчли экани ҳақида тинимсиз ҳамдардлик билдиради-ю, йиғим-терим бошланди дегунча, ҳамма айтган гапларини гўё унутиб, айнан тескари гапларни айта бошлайди. Ялпи мадҳиябозлик бошланиб кетади. Ҳар йили октябрь-ноябрь ойлари бизда жазава мавсуми бўлиб келди. Бу бориб турган субутсизлик, мунофиқлик эмасми? Чехов Очумелов қиёфасида қаттиқ нафратланган буқаламулик жумҳурият миқёсида оммавий суратда, миллион карра ёйилиб кетди.

Телекўрсатувлар, кино, адабиёт рўйрост алдайди. Кимни? Мамлакатни чалғитади. Улар кўпинча шундай тасвирлайдиларки, гўё пахта теримига чиқиш... ҳордиқ чиқазиш, кўнгил ёзишга боришдай бир гап. Одамлар атлас, шойи, беқасам, адрасларни

кийиб, шодон, елка қоқиб, худди рақсга тушгандай пахтазорда йўрғалаб юрадилар...

Яна бир нарса мени таажжубга солади... Эллик йил илгари шундай эди, ҳозир ҳам: юқоридан келатган раҳбарларга бели бақувват, обод, табиати гўзал, иложи бўлса сабзавоткор хўжаликни кўрсатишади. Ҳали бирон марта, бирон раҳбарнинг қолоқ колхозга бориб, ўзбекнинг ҳақиқий аҳволи билан танишганини кўрганим йўқ.

Кимни алдаймиз?

Нима учун алдаймиз?

Қачонгача алдаймиз?..

«ХОВУЗ» БОР ЖОЙДА «БАҚА» ҲАМ БУЛАДИ

Самарқанд томонлардан Тошкентга меҳмон бўлиб келган бир отахон зерикиб, Тахтапулдаги чоллар чойхонасига чиқибди. Бир вақт гурунг бошланиб кетибди. Чоллардан бири меҳмонни ҳазил аралаш лақиллатмоқчи бўлибди:

— Бу дейман, меҳмон, икки гапнинг бирида «аққа», «баққа» дейсиз. Бизда «бақа» деб қурбақани айтади...

Ҳамма «гурр» этиб кулиб юборибди. Меҳмон ҳам, гапга чечангина одам экан, тап тортмай жавоб қилибди:

— Ўзлариям икки гапнинг бирида «оловуз», «беровуз», «кетовуз» деяпсиз. Нуқул «ховуз»дан чиқмай қолдингиз. Энди, тақсир, «ховуз» бор жойда «бақа» ҳам бўлади-да!

Яна кулги кўтарилибди..

Бири бўлган жойда — иккинчиси ҳам бўлади. Оддий, аммо қизиқ гап.

Оқни — оқ, қорани — қора дейдилар. Ҳеч ким (агар эси бутун бўлса) оқни — қора, қорани — оқ демайди. Молдаванлар ҳам, тожиклар ҳам, гуржилар ҳам...

Барча бирдай. Аммо ҳаётда айрим ҳодисаларга дуч келасанки, баъзи бировлар айти бир ҳодисага ҳар хил баҳо беришга уринади. Гоҳи вақтларда айти бир киши, об-ҳавога қараб, айти бир нарсанинг ўзини бир гал «яхши» деса, бир гал тап тортмай «ёмон» деяверади.

Субутсизлик кишиларнинг гашига тегади. Айти-қиқса, катта миқёсдаги жиддий ишларда субутсизлик қилиш ярамайди.

Тошкент дорилфунунида бўлиб ўтган учрашув чоғида халқаро шарҳловчи А. Бовин билан «Красная звезда»нинг бош муҳаррири И. Панов аҳоли кўчкини (миграция) хусусида тўхтаб, Эстонияда юз берган бир воқеани қаттиқ қоралашди. Таллин шаҳар ижроия кўмитаси жумҳурият ташқарисидан кўчиб келаётган кишиларни қабул қилмаслик ҳақида қарор қабул қилибди. Журналистларимиз буни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти эълон қилган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон баённомаси (декларацияси) ва бошқа халқаро ҳуқуқлари билан боғлаб, ўрта асрчиликка хос кўпол хатти-ҳаракат деб баҳоладилар. Қонун ва ҳуқуқ тарафидан, чиндан ҳам шундай. Ҳар бир киши ўз мамлакати тупроғида ўзи истаган жойда яшаши мумкин. Ундай бўлса, нима учун қрим татарларининг ўз ватанларига бориб яшашларига рухсат берилмай келди? Улар ҳам СССР фуқароси-ку?..

Бошқа тарафи. КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросида Россия Федерациясининг жуда кўплаб қишлоқларидан аҳоли ёппасига шаҳарларга, «иссиқ» ва «ёғлиқ» жойларга кўчиб кетганлиги, бир вақтлар обод ва кўркам қишлоқлар эндиликда ҳавилдаб қолганлиги, «қочоқларни» ўз маконига қайтариш тадбирларини кўриш ҳақидаги муаммо бир неча марта жиддий муҳокама қилинди. Масала ҳануз очиқ қолмоқда...

Қизик. Бир жойдан кўчиб кетган одам бошқа

жойга кўчиб келади-ку. Кўчиб «кетиш» — номақбул, кўчиб «келиш» — мақбулми? Шу маънода кўчин (миграция)ни қандай оқлаб бўлади? Таниқли журналистларнинг даъвоси, умуман, қонунга мос. Шаръий. Лекин мантиқ-чи? Таллин шаҳар маъмурларининг қарори, эҳтимол, қонунга хилофдир, аммо жумҳуриятнинг ички шароити, имкониятини ҳисобга олинса, бунга қоралаш ҳам қийин. Бу ерда эстонларни ҳам тушуниш керак.

Ҳар қандай миқдор, сифат, майл ва ҳаракатнинг негизда меъёр ётади. Меъёрга ҳеч қачон хиёнат қилиб бўлмайди.

Нима демоқчимиз?

Ўтмиш ҳаётимиздаги шарафли, шукуҳли ва фараҳли ҳодиса-воқеалар билан бирга, қолюқлик, қулик, биродарқушликни ҳам унутиб бўларканми! Чунки бизнинг тарихимизда кўтаринкилик билан баробар тушқунлик ҳам, тараққиёт ва инқироз, уйғониш ва мудроқлик, тийрақлик ва гумроҳлик, садоқат ва сотқинлик, барчаси кечган. Қандай қилиб бундан кўз юмайлик? Асло!

Афсуски, кейинги вақтларда, кўпроқ, баъзи бир жамоат арбоблари, сиёсатдонлар, хусусан тарихчи олимлар ва ёзувчиларнинг узоқни кўра билмасликлари оқибатида, ўтмишимизга фақат қора кўзойнак тақиб қараб, унга қора чаплаб, турли омихта ақидалар билан қадимул айёмда ўта нодон, қул, чўри, ожиз, нотавон бўлиб, мана энди рўшноликка чиққанлигимизга ўзимизни ҳам, ўзгаларни ҳам ишонтиришга уриниб келдик. Миллий маҳдудлик, бино қўйиш, калондимоғлик қанчалик чиркин бўлса, миллий бадбинлик, ўз-ўзини менсимаслик, фош этиш («фошбозлик»), ўз ўтмишига ҳавойи қараш ундан ҳам жирканчроқ.

Бу густоҳлик ва разилликдан ўзга нарса эмас. Худди шундай «иқроп» кимларгадир гавҳари тў-

тиё эканлигини ё билиб, ё билмай шундай қилдик. Ўзни ерга уриш, нафсониятни хўрлашни барала куйладик, байроқ қилиб кўтардик, ҳатто гимн даражасига олиб чиқдик (дарвоқе, Ўзбекистон гимнини бошқатдан ёзишга қарор қилинганини тўла маъқуллаيمان). Бу куннинг вазифаси гумроҳлик руҳиятини абадийлаштириш эмас, балки ҳуррият, эркинлик, тенглар ичра тенглик туйғуларини муносиб бир тарзда ифодалай билмоқ, буни онгга сингдирмоқ ва шунга эришиш учун курашмоқдан иборат, деб ўйлайман.

Турли халқларда ўтмишда кечган айнаи бир хил воқеа-ҳодисаларни идрок этиш, талқин қилиш ва баҳолаш мезонлари ҳар хил бўлиши яхши эмас. Бу халқларни таҳқирлайди, уларнинг нафсониятига тегади. Чунончи, зулм, босқинчилик, миллий адоват, хўрлик бир иқлимда гўё — «яхши», бошқа иқлимда гўё — «ёмон» кечган эмас. Қабохат қаерда содир бўлмасин, у қабохат. Бадкирдорликнинг яхши-ёмони бўлмайди.

Руслар «Игорь лашкари жангномаси»ни жаҳонга кўз-кўз қиларкан, мен ҳам моҳиятан шундай «Бобирнома»м билан фахрлана олайин. Динга муносабат ҳам шундай. «Инжил»ни ўқиш имконияти тугилган жойда мен ҳам «Қуръон»ни ўқийин. «Рус қиши» тантана қилинаётган маъвода менинг «Наврўзи олам»им ҳам ёстансин. Токи ўз байрамимни ўзгалар билан ҳам баҳам кўрайин. Шавкатли Пётр биринчининг буюк тарихий хизматлари мағрур эйтироф этиларкан, офарин! Мен ҳам бутун бир тарихий, маданий, илмий салтанатга асос солган Амир Темур ибн Тарағай Баҳодирнинг аждодлар ва авлодлар олдидаги мақбул ишлари ҳақида ҳам гапира олиш ҳуқуқига эга бўлайин...

Социал адолат, деймиз. Бу жуда нозик туйғу.

Одамлар ҳар қандай қийинчиликка, ҳатто очликка, зулмга, таҳқирга чидаши мумкин. Маълум вақтга-ча... Аммо ноҳақликка чидаш қийин.

ЧАҚИРИЛМАГАН ҚҶНОҚ — ИҶНИЛМАГАН ТАЁҚ

Қинғирликнинг йўли мингта. Унга қоронғи, пастқам, жин кўчалардан юриб борилади. Тўғриликнинг йўли битта. Равон, ёруғ, аммо оғир, машаққатли...

Фараз қилинг: яхши кунларнинг бирида ойинаи жаҳон сахнидан иттифоқо беш нафар киши уйингизга кириб келди ва тўрга ўтишди. Икки адиб, икки оқсоқол ва бир археолог олим. Биладан, қалбингиз очиқ одамсиз. Биладан: ўзбекда «келинг» дейиш бор, «кетинг» дейиш йўқ. Чақирилмаган меҳмонларни кутиб оласиз ва сийлайсиз. Сўнг гурунг бошланади. Меҳмонларнинг турқи совуқроқ, захил, тажанг. Нимадандир хотири ранжийда. Гаплари пойма-пой. Олазарак.

Кекса ёзувчини танийсиз. У ўзининг қайси бир романи русча таржимасидан хитой тилига ўгирилиб, нақ 630 минг нусхада босилиб чиққанидан ғоят мамнун. Кўнглингиз оғримасин: бу адибимиз сал шунақа, мақтанишга мойилроқ. Алфозига қараганда, дурустроқ чойчақа тўлашган кўринади. Азбаройи хурсандлигидан асари ўзбек тилида ёзилганини ҳам унутиб юборибди. Бундай акаларимизга пул, шухрат, лавозим бўлса бас. Тил-ку топиладиган матоҳ, ўзига бирон нарса унадиган бўлса, ҳар қандай инсоний қадриятларни деворга хурмача қилиб илиб қўяди.

Иккинчиси, барваста, тунд, ёшроқ адиб эса ўзбек тилининг тақдири ҳақида роса чайналиб гапиради. Киройи «ўзбек ёзувчиси» деган номи бор-у, ўз «она тилида» тўрт оғиз гапни жуфтлаб гапиролмайди.

Ҳаммасидан ҳам ҳалиги қорачадан келган, зағча

мижоз олим, «академикман» деб керилган археолог сизни (халқни деб тушунасиз!) эзиб юборади. «Агар илмий китобларимни, худо кўрсатмасин, ўзбек тилида ёзганимда борми, — алахсирайди у, — алҳазар, мен, «фалончи академик», мана шу ерда (ойинаи жаҳон саҳнида деб тушунасиз!) савлат тўкиб ўтирмаган бўлардим, бу ерда аллақандай оддий мактаб тарих ўқитувчиси ўтирган бўларди», — деб юборса бўладими! Гап орасида у «Фалончи олим менинг устозим бўлади», деб мақтаниб қўйган ҳам бўлди.

Ё ҳаётан набий! Мен унинг устозини танирдим. У киши ҳақиқатан ҳам дунё танийдиган одамохун аллома эдилар. Агар бундай такаббур шогирд бугунги кунда ўз она тилини камситиб ва таҳқир қила туриб, тагин... «устозим шундай васият қилганлар» дейишини билганларида, аввал бошданоқ унинг беҳосият оғзига «туфламаган» бўлармидилар. Аттанг. Хаёлимда ўша топда буюк устознинг хоклари титрагандай бўлиб кетди... Ўз тилингдан бунчалар орқилар экансан, ҳеч бўлмаса марҳумларга тил теккизма. Айниқса, агар у ўз устозинг бўлса.

Тўғри, ўзбек археологияси фанининг асосчиларидан бири, устоз бағри кенг, зукко инсон эдилар. Олим ва мутахассис рус тилини билиши қанчалик зарурлиги ва муҳимлигини у киши яхши тушунардилар. Шогирдларига буни қайта-қайта ўқитганлар. Бироқ рус тилини ўз она тилини унутиш эвазига ўрганишни, ўзбек тилида илмий асар ёзиб бўлмаслигини асло айтмаганлар!

Ҳар бир инсон, пешонаси етти қарич Суқрот бўлиб кетганида ҳам, ўз она халқи, она ватани ва она тили олдида бурчдор. Тоабад. Чунки она тилимиз бизнинг онг-шууримизга, қалбимизга, вужудимизга қон билан, сут билан йўғрилган. Ҳаёт эканмиз, уни кўмиб бўлмайди.

Уст-бош, ҳовли-ҳарам, мол-мулкни, боринги,

агар тақдир тақозо этган бўлса, начора, хотинни ёки эрни ҳам «алмаштирса» бўлади. Тил бундан мустасно. Она тилини алмаштирган одам бир йўла ҳамма нарсадан: ўз борлигидан, ватан ва ватандошларидан маҳрум бўлади. Чунки тил фикрнинг ташқи либоси эмас, балки моҳиятидир.

ТИЛ ҲАҚИДА МАХФИЙ ҚАРОР?

1988 йили мени вазирликдан В. В. Решетов номидаги жумҳурият рус тили ва адабиёт институтига чақиришиб, бу олий мактабни текшириш комиссиясида иштирок этишим лозимлигини тайинлашди. Текширишда рус тилини ўқитиш ҳақидаги Марказий Қўмита томонидан чиқарилган махфий қарорга асосланиб иш тутишимизни уқтиришди. Биз ўша қарорнинг Институт даргоҳида қандай бажарилаётганини аниқлашимиз ва шунга қараб тадбирлар белгилашимиз лозим экан.

Мен ҳайрон бўлдим.

— Рус тилини ўрганиш ҳақида — махфий қарор?..

— Шундай, — жавоб қилишди Институт маъмурияти вакиллари.

— Нима учун бундай қарор ошкора эмас, махфий бўларкан? — қизиқсиндим мен. — Наҳотки бирон жойда, кимлардир рус тилини ўрганишдан бўйин товлашаётган бўлса?

— Билмадим.

— Юқори даргоҳдагилар бошқа тиллар, масалан, ўзбек ёки тожик тилини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида махфий эмас, биронта росмана тадбир ҳам белгилашгани йўқ-ку...

— Билмадим.

— Нимани биласиз ўзи?

— Билмадим.

Сездимки, масаланинг бу тарзда қўйилиши маъмурият кишиларига маъқул тушмади.

— Келинг, бўпти, — рози бўлдим мен. — Қани ўша қарор?

— Айтдим-ку, у махфий деб. Хужжат фалон бўлимда махсус темир сандиқда сақланади. Қалити Фалончида туради. Ҳеч кимга берилмайди.

— Лаббай? Бизга ҳам берилмайдими? Вазирликнинг ўзи тузган комиссия аъзоларига-я?

— Шундай... Комиссия аъзоларигаам, ҳеч бир ёт кимсага кўрсатилмайди.

— Ана холос! Институт фаолиятини ўзимиз кўрмаган, билмаган «махфий қарор» асосида қандай текширамитиз?..

— Билмадим...

Хуллас, текширган ҳам бўлдик. Кўп ўтмай маълум бўлдики, мазкур институтнинг миллий бўлимларида ташкил этилиб, туппа-тузук ишлаб турган таржима ихтисослигини ёпиш ҳақида юқоридан кўрсатма берилган экан. Шунга фатво тайёрлаб беришга даъват этилган эканмиз.

— Сабаб?

Маълум бўлишича, таржима бўлимининг икки тиллилик билан боғлиқлиги ва ўзбек маданияти манфаатига хизмат қилиши (таржимани институт ректори ва юқоридагилар нима учундир шундай деб тушунишаркан) мутасадди маъмурият кишиларига ёқмай қолган экан.

Хуллас, Иттифоқ вазирлигининг расмий розилиги, ўқув тарҳининг янги ихтисосликка мослигига, мутахассисларнинг қаршилигига қарамай, «кераксиз иш» сифатида таржима бўлимини ўзбошимчалик билан ёпиб қўйишибди.

ҚАЮМ МУРТАЗОВ БИЛАН БИРИНЧИ УЧРАШУВ

1960 йилларнинг бошлари эди. Академиянинг Тил ва адабиёт институтида аспирантман. Илмий раҳбарим Олим Усмоннинг Урицкий кўчасидаги икки хоналик уйда саксон яшарлик онаси билан Анваржон деган укаси яшар эди. Бир куни улар ташқарига чиқиб кетишганда Елизаров билан Муртазин деган икки шахс эшикни болта билан бузиб, уйга бостириб киришган ва нарсаларни сиртга чиқариб ташлаб, квартирани эгаллашган. Куппа-кундуз куни босқинчилик содир бўлган. Бу тўс-тўполонда Анваржоннинг фирқалик васиқаси йўқолган. Иш жуда жиддийлашиб кетди.

Ниҳоят, мен Тошкент шаҳар фирқа Қўмитасининг биринчи котиби Қаюм Муртазовга арз-ҳол қилгани бордим. Унинг қабулхонасида навбат кутиб ўтирган эдим... бошқа бир фалокат юз берди.

Қ. Муртазовнинг котибаси ўзининг бир дугонаси билан гаплашиб ўтирган экан. Суҳбат мавзуси — миллатчилик эди.

— Миллатчиликда ўзбекларнинг олдига тушадиган халқ йўқ, — деди у шеригига зорланиб.

— Э, нимасини айтасан, улар гуржиларни ҳам бир чўқишда қочиришади, — тасдиқлади унинг фикрини дугонаси.

Қулоқларимга ишонмадим. Қаерда ўтирибман ўзи? Шаҳар фирқа хонаси маҳкамасидами ёки иғвонами бу ер?

— Шунчалик ҳаддидан ошдики бу ўзбеклар, ҳатто руслар билан татарларга уйланмай қўйишди-я!..

Бошқа бир жойда бўлса, бу бир жоҳил аёл эканда, балки эри билан қўйди-чиқди бўлгандир, ё бўлмаса бошқа бирон ситам ўтгандир-да, деб қўя қолар эди киши. Чунки баҳслашадиган тайинлик бир гап йўқ. Аммо менга ҳам (жиндай сархуш эмасманми),

алам қилди шекилли, «суҳбатга» аралашиб ўз фикримни билдириб қўйгим келди.

— Хотирингиз ранжийда бўлмасин-у, ойимчалар,— дедим кесатиб,— аммо уйланиш, қўйди-чиқдининг миллатчи-пиллатчиликка дахли йўқ. Бу турган-битган шахсий иш. Ҳар кимнинг таъби. Сиёсий тус бериш беҳуда. Ким кимни хоҳласа, уйланаверади ёки турмушга чиқаверади. Хоҳламаса дўпписини яримта қилиб кетаверади. Вассалом. Миллатчилик чикора!

Ҳалиги котиба аёл менга аланг-жалаңг қаради-ю, «ҳали шунақами?» деб, каттақоннинг хонасига уриб кириб кетди.

— ...

— ...

Зум ўтмай хонадан «ғув» этиб чиқди-ю, менга «киринг!» деб ғолибона амр қилди.

Кирдим.

— Салом.

— ?

— !

— Нега безорилик қиласиз?!

— Безорилик?

— Нега ичиб келдингиз?

— Ичиб?..

— Қаерда ишлайсиз?

— Академияда, Тил ва адабиёт институтида.

— Ким бўлиб?

— Аспирант бўлиб.

— Фамилиянгиз?

— Ғайбулла Саломов.

— Бўлмаса эшитинг, толибул илм Саломов, шу топдан бошлаб аспирантурадан кетдим деб ҳисоблашингиз мумкин!

Бошқа бир жойда бўлса, бор гапни ётиғи билан тушунтирса бўлармиди... Ҳозир эса хонаси эмас.

Саркотибнинг юрагига қил сиғмас, ўзи ёрилай деб турибди. Аммо шу топда мен ҳам жоҳиллик қилиб қўйдим (жаҳл чиқса, ақл қочади-да):

— Садқаи сар!..

Ташқарига отилдим. Эшикни зарб билан қарсиллатиб ёпарканман, ортимдан унинг сўзлари қулогимга чалинди:

— Жума куни келасиз!

ИККИНЧИ УЧРАШУВ

Раҳматлик Олим Усмон менга меҳрибон, жуда жонсарақ, покиза инсон-у, сал ваҳимачироқ одам эди. Аспирантурадан кетадиган мен бўлиб турибман-у, домласи тушмагур, чамаси, мендан ҳам кўра ўзидан хавотир ола бошлади. Мен бўлсам, парвойим фалак, кетсам кетибман-да, деб ўйлайман. Қолаверса, Муртазоев ҳам айтди-қўйди, пўписа қилди, деб ўзимга-ўзим тасалли берардим. Ҳе йўқ, бе йўқ, бир кишини аспирантурадан чиқариш осон экан-да!..

Орадан икки кун ўтиб, рўзи жума маҳкамага бордим. Бир вақт қарасам, не кўз билан кўрайки, шаҳар фирқа қўмитасининг биринчи котиби хонасидан институтимиз фирқа ташкилотининг котиби Ҳафиз Абдусаматов чиқиб келяпти... Оббо, айтилган гаплар «пўписа» эмас, ростга ўхшаб қолди, деб ўйладим-у, ўзимни секин панага олдим. Юрагим гурсиллаб ура бошлади. Инсон номуси сув эмас, наҳотки бир пулга арзимас тухмат билан, суриштирмай-нетмай, орқаворотдан думимни тугиб юборишса-я! Э, нима бўлса бўлар...

Қабулга кирдим. Салом-аликдан сўнг, менга ўтиришга жой кўрсатилди.

— Хўш, йигит? Нега ўша куни безо...

Мен унинг оғзидан гапини илиб олдим-у, бўлган

воқеани оқизмай-томизмай тўкиб солдим. Гуржилар дейсизми, уйланиш, қўйди-чиқди, миллатчилик ҳақидаги уйдирмалар ҳам қолмади.

Бўлган гапларни айтаяпман-у, Қаюм аканинг зардаси қайнаб, ўзини қўярга жой тополмай қолди.

— Ўзбекларни ўтакетган миллатчи дедими?

— ...Ўтакетган миллатчи деди.

— Бекор айтибди. Туҳмат! Ўзбеклар ҳеч қачон миллатчи бўлган эмас. Ўзбеклар ундоқ, ўзбеклар бундоқ...— деб эҳтирос билан таърифлаб кетди...

— Мен ҳам шундай дедим-да. Гуноҳим шу.

— Жуда тўғри қилгансиз, ўртоқ аспирант. Бу гуноҳ эмас!

Тирик Муртазоевни кўзим билан кўриб турган эдим. Бу нақадар олижаноб, бағри кенг, бутун инсон экан. Фурсатдан фойдаланиб, бу гал энди ётиғи билан ҳасрат дафтарини варақлай бошладим.

— Қаюм ака, кўча-кўйда, трамвай-автобусда, Олой бозорида... одамларимизни, халқимизни таҳқирлайдиган ҳақоратлар қулоққа чалинади. Кўриб кўрмасликка, эшитиб эшитмасликка олиб кетасан ўзингни. Одамлар сўнгги нажот деб фирқани тушунади. Ноҳия, шаҳар, вилоят фирқа кўмитаси, ниҳоят, Марказқўмга мурожаат қилишга мажбур бўлади. Қорни тўқлиги, усти бутлиги, кайфи чоғлигидан эмас. Шундай чоқда, мана, Тошкентдай пойтахт, шаҳри азим фирқaxonасининг қабулхонасида... ҳалигидай куракда турмайдиган гапларни эшитсанг, буёғи додингни кимга айтасан?..

Саркотиб баттар тутақиб кетди. Столидаги қўнғироқ тугмаларини жаҳл аралаш бир неча марта босди, жавоб бўлмади. Ирғиб ўрнидан туриб қабулхонага қаради. Котиба аёл аллақачон қочиб улгурган. Қаюм Муртазоев келиб менинг ёнимга ўтирди. Бир пиёла чой узатди ва қўлини елкамга қўйди.

— Ҳамма гапингиз жўяли, ука,— деди жуда му-

лойим тортиб... Сўнгра мен, байналмилалчи сифатида, тўғри иш тутганим, фақат давлат маҳкамасида эмас, ҳамма жойда ҳам бу сингари қабиҳ тухматларни фош қилиш, ҳаммамиз биргаликда кураш олиб боришимиз кераклиги ҳақида ниҳоятда кўюниб гапирди...

Хуллас, Қаюм Муртазоевнинг қабулига «миллатчи» бўлиб кириб, «ватанпарвар байналмилалчи» бўлиб чиқиб кетдим...

Минг шукрки, бу «дунёи кўтир» да шундай улуғ инсонлар ҳам бор. Ҳаётлигида мен уни қайтиб учратмадим. Эсиз...

МЕН ДУНЕСИЗ МЕН ЭМАСМАН. ДУНЕ ҲАМ МЕНСИЗ ДУНЕ ЭМАС.

Дунё деганингиз юзлаб, минглаб, беҳисоб дунёчларга бўлинган. Қуёш ҳам, зарра ҳам, денгиз ҳам, томчи сув ҳам бир дунё. Бутун инсоният ҳам, алоҳида олинган ҳар бир шахс ҳам бир олам.

Жаҳон қанчалик қарама-қарши қутбларга бўлинган бўлмасин, у яхлит бир манзара. Биз узок йиллар мобайнида инсониятни бир-биридан ажратиб турувчи белги ва сифатларга маҳлиё бўлиб яшадик. Бу эса, сал бўлмаса, дунёнинг биздан ажралиб қолишидан ҳам кўра, ўзимизнинг дунёдан ажралиб қолишимизга олиб келди. Ҳолбуки, инсоният учун тафевутли белгилардан кўра, жамловчи, бирлаштирувчи омилларни топиш минг чандон муҳимроқ эди. Буни, ниҳоят, тушуна бошладик. Зотан, бир донишманд айтгандай, ватанимиз — дунё, миллатимиз — инсоният эмасми?

Бобил минорасининг емирилиши ҳақидаги ривоятга кўра, азалан ягона бир вужуд бўлган одамзод насли, худога чанг солмоқчи бўлганидан, унинг қаҳ-

рига дучор бўлган — парчаланиб, майдалашиб, парокандалашиб кетган. Ягона тилда фикрлашган инсоният эндиликда олти минг тил ва йирик шеваларда сўзлашадиган бўлиб қолди.

Хўш?..

Азалда-ку башарият умумий бир тилда сўзлашган экан, наҳотки бани инсон даҳоси яна ўша ягона тилни қайта ярата олмаса? Наҳотки ибтидо билан интиҳони дучлаштириб бўлмаса, интиҳо бағридан ибтидо чечакларини теришнинг иложи топилмаса? Бундай қараганда, барча йирик ва кичик халқлар ўзларининг минглаб тилларини бир чеккага йиғиштириб, фикрларини бир муштарак инсоний тилда ифода қила бошласалар, улуғ иш бўлмасмиди?

Иўқ. Бу қанчалик жозибадор бўлмасин, таги пуч хаёл. Ҳар бир зурриёд томчи жавҳардан пайдо бўлиб, яна ўша томчига қайта олмагани каби, тиллар ҳам ортга қайта олмайди. «Инсоният миллатларсиз ўлик нарса», деганида В. Г. Белинский ҳақ эди. Тиллар ҳам инсониятнинг парокандалиги эмас, балки яхлитлиги ва безаги. Зотан, ҳар гал табиатнинг ўзидан ибрат олиш керак. Нима учун у сидирға, якранг эмас, балки ранг-баранг? Инсон табиатан хилма-хилликка мойил.

Ҳар бир миллат, ҳар бир тил ўзича такрорланмас ва ўзича шариф. Жумладан, менинг ўзбек тилим ҳам, ўзбегим ҳам.

Икрор бўлайлик: ҳар нарсаки бўлди, аввало, ўзимиздан бўлди. Буёғи эса улуғ мамлакат бағрида туриб, ўзимизни нечоғлиқ топишимиз, мустақил тута олишимизга, бир хил ички, чиркин иллатларимиздан (маҳаллийчилик, ёш авлод тарбиясига бепарқлик, мутелик, худбинлик, лоқайдлик...) қутила билишимизга вобаста. Азал-азалдан худди шу иллатлар миллатнинг пайини қирқиб келган. Бошимиз қовушмаган халқмиз. Бизга бугун сохта, тумтароқ

ватанпарварликдан кўра ошкора, аччиқ ҳақиқат чандон муҳим. Бундай олганда, ўзбеклар узоқ тарих сўқмоқларида ўрмалаб, бошқаларга тиз чўқиб яшаман. Аммо тарихий кечмишимиз ҳарчанд залворли бўлган тақдирда ҳам, ҳозир фақат ўтмиш билан яшайдиган замон эмас. Бугун кечаги кун билан эмас, балки эртагимиз билан яшамоғимиз даркор.

Эрта эса бугундан бошланади. Унинг юки бугунгидан ҳам оғирроқ бўлиши тайин. Келажак, бугун шу келажакка пухта тайёрланган, миллий салоҳиятини сақлаган ва чуқур англаб етган, ўз сафларини бирлаштириб, бир бутун миллат бўла олган халқларникидир.

Мен ўзбек халқимни, ўз мавқеига батамом муносиб тарзда, ана шундай баркамол миллатлар қаторида кўргим келади.

Учинчи фасл, ўз мундарижасига кўра, олтинчинчи йилларга боғланади ва бугунги кун ташвишлари билан уланиб кетади. «Мантиқ барчага баробар» роппа-роса бир йил илгари (1989) ёзилган эди. Уни айрим дидли, ақли расо, ҳушёр адибларга ўқитиб олдим. Улар бу ерда айтилган гаплардан бир оз сергак тортгандай бўлишди. Шу орада мен оғир бетоб бўлиб, узоқ вақт ётиб қолдим.

Яқинда бу ишни қўлимга олдим. Бир чеккаси унинг ўз вақтида матбуот юзини кўрмаганидан қаттиқ изтироб чеккан бўлсам, бошқа томондан ҳайратга тушдим. Ахир, бу ерда кўтарилган масалалар бир йил олдин қанчалик «хатарнок» бўлиб кўринмасин, тўғри экан-ку. Мен йўқотган мана шу нисбатан қисқа вақт — бир йил буни тўла-тўқис тасдиқлабди!

Жумҳуриятимиз қишлоқ хўжалиги, ўзбек деҳқонининг аҳволи, хотин-қизларимизнинг оғир қисмати, нарх-наво, маданият, маориф ва тилга доир баён қилинган фикрларни жонли ҳаётнинг ўзи инобатга олибди. Пахта яккаҳоқимлиги шароитида ўзининг

бир парча хўжалигида сиқилиб қолган дехқон ер олди — каттагина томорқага эга бўлмоқда. Бир-икки йил илгари буни орзу қилиш ҳам қийин эди. Наврўзи оламимиз гул-гул яшнаб, бутун диёримиз бўйлаб ястаниб кетди. Ўзбек тили жумҳуриятимиз ҳудудида давлат тили деб эълон қилинди. Рус тили ва адабиёти институтида ўзбошимчалик билан ёпиб қўйилган таржима бўлмачалари эндиликда катта бўлимга айланмоқда ва ҳоказо... Тарих, ўтмиш, маданий меросга муносабат, дин ва виждон эркинлиги борасида ҳам инсоф юзасидан кўп яхши ишлар бўлаётганидан кўз юмиб бўлмайди.

Булар барчаси кечаги душворликларнинг бугун ҳал қилина бошлагани, хайрли истиқболнинг очилаётганидан дарак беради.

Эътироф қилишга тўғри келади. Бу ерда тилга олинган барча муаммолар ҳали тўла ечилгани йўқ. Айрим иллатлар чуқурлашаётган ҳоллар ҳам йўқ эмас. Не ажаб! Тараққиёт — қарама-қаршилиқлар бирлиги ва курашидан иборат эканини биламиз-ку. Демак, кураш давом этади...

IV ФАСЛ

A large, ornate, black-and-white decorative frame with intricate floral and scrollwork patterns. It features a central oval shape that serves as a background for the title text.

МУҲАББАТ
ФАРЗАНДИ

РУҲИЙ ҲОЛАТ ВА БАДИИЙ ИЖОД

Инсон хилқатининг моҳияти ва унинг фаолияти ҳақида ўйлаганимизда, дафъатан А. П. Чеховнинг мана бу сўзлари хотирамизга келади:

— Одамга, аслида, икки метр жой бўлса бас, дейишади. Йўқ, икки метр жой мурдага кифоя. Инсонга эса бутун ер юзи керак.

Яна Чеховнинг қуйидаги сўзлари ибратли:

— Агарда ҳар бир киши, кўп эмас, ерга атиги биттадан ниҳол қадаб чиқса, бутун ер юзи боғ-бўстонга айланган бўлар эди.

Нақадар самимият билан айтилган истак! Бундай қараганда, оддий, жўн гапдай, лекин замирида қанчадан-қанча маъно бор. Энди шу гапни, масалан, таржимачилик ишимизга тадбиқ этиб кўрайлик. Агар жаҳон адабиётидан биттадан энг сара китобни ўгирсак, таржима китобларининг сони ва салмоғи бекиёс ошади.

Биз ҳаммавақт яхши таржима ҳақида гапирамиз. Лекин таржимани ким яратади? Таржимон. Таржимон эса тайёр ҳолда осмондан тушмайди. Бу ҳам шоир, носир ва драматург сингари, санъаткор, истеъдод соҳиби. Истеъдод эса илоҳийдир. Мактабда ўқитиб шоир «тайёрланмаганидай», мактабда ўқитиб таржимон ҳам чиқазиб бўлмайди. Жуда ҳам ўзига хос санъат. Инжиқ санъат.

Биз адибларимиз билан суҳбатлашганимизда, улар ўз таржимонларидан кўнгиллари унчалик тўлмаётганини айтишади. Албатта, ўзга халқ шоирини пухта-мукамал таржималарда ўқишга не етсин. Лекин ҳаммавақт ҳам шундай бўлавермайди-да.

Шоир Эркин Воҳидов билан Абдулла Орипов ўз

асарларининг бошқа тилларга чинакам воҳидона ва чинакам орифона таржима қилинмаётганидан нолишади. Эркин, олайлик, Сергей Есениннинг дилбар шеърятини ўзбек тилига жуда нозик таржима қилди. Бироқ рус таржимонлари орасида Есениндай бир забардаст шоир Эркинни шундай маҳорат билан русчага ўгира олмади. Эсиз. Абдулла Қаҳҳор А. П. Чеховни ўзбек халқига танитди. Лекин рус таржимонлари орасида Чеховдай бир зукко адиб Абдулла Қаҳҳорни қиёмига етказиб таржима қилиб бермади. (Константин Симонов бундан мустасно. У «Синчалак»ни рус тилида жуда яйратиб юборган!)

Бундай олганда, ўзбек ёзувчиларининг асарлари русчага ва қардош халқлар тилларига ўгирилма-япти, деб бўлмайди. Олайлик, Абдулла Ориповнинг ўша «Биринчи муҳаббатим» шеърини тўрт-беш киши русчага таржима қилган. А. Преловский, С. Н. Иванов ва бошқалар. Булар жилла ёмон таржималар ҳам эмас. Хусусан, Сергей Ивановнинг таржимаси хийла мукамал таржима. Бироқ шуниси борки, ҳар қандай мукамал (адекват) таржима ҳам аслият (оригинал)нинг ўрнини юз фоиз босолмайди. Нима бўлгандаям аслият аслият-да!! Шу боис, менинг хоҳишим шундай бўлардики, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва бошқа ўзбек шоирлари гўзал шеърларни ёзаверсинлар, таржимонлар басма-басига уларни ўгираверишсин, лекин ҳеч қачон аслият уфқини забт этишолмасин!

...Аммо бизга яхши таржималар керак, албатта. Агар мендан: «Бугунги кун таржималарининг асосий илллати нимада?» деб сўрасалар, мен: «Бу, аксарият, бадиий таржиманинг бадиий ижод соҳаси эканлигини унутиб қўйиш, бадиий асарга хос жамики хислат ва фазилатлар таржима асарига ҳам дахлдор эканлигини етарлича тушунмасликдан йўл қў-

йилаётган нуқсонларда ўз ифодасини топмоқда», — деб жавоб қилган бўлар эдим.

Сабаб?

Шунинг учунки, бизда истаган одам истаган нарсани тап тортмай таржима қила олади! «Бу нарсани таржима қилишга тишим ўтмайди мени!» — дейишга журъат этадиган бир мард деярли йўқ.

Биз жуда яхши «материалистлармиз». Ҳамма нарсани моддий борликдан, моддиюнчиликдан келтириб чиқарамиз. Айрим танқидчиларимиз шеъриятни салкам илғор дунёқараш, илғор таълимотни қофияга солишдан иборат бир иш, деб тушунади. Адабиётнинг синфийлиги ва фирқавийлигини бу зайлда, ўта ибтидоий бир тарзда, 60—70 йил олдинги тасавурлар андазасида талқин қилиш билан ҳозирги сўз санъати обидаларини ўқиб бўладими? Бундай ақидапарастлик, нақлбозлик исканжасида туриб, Чингиз Айтматов, Евгений Евтушенко, Расул Ҳамзатов, Нодар Думбадзе, Олжас Сулаймонов, Онор асарларини идрок этиш мумкинми?

Ҳа, биз жуда чапдаст моддиюнчилармиз. Бироқ шеърият — моддий ашё эмас, балки руҳий гизо жумласига киради. Уни, шеърий нафосатни кўкрак билан эмас, қалб билан «қабул қилинади».

Бадий ижод ижодкорнинг руҳий ҳолати билан чамбарчас боғлиқ. Ижодкорнинг руҳий ҳолати эса турғун эмас, ўзгариб турувчи ҳолат. Турғунлик ижодкорнинг инқирозга учраганидан дарак беради. Бинобарин, турғунлик ҳолати, илғор дунёқараш билан омухталанган ҳолда, қанчалик юқори поғонада воқе бўлмасин, бу ижодкорнинг қотиб қолгани, инқирозга юзтубан кетганини кўрсатади. Еки аксинча, ижодкор ўзининг тетик, барҳаёт руҳий ҳолатини сақлаб қолгани ҳолда, атроф-муҳитнинг ўзи турғунликка гирифторм бўлган экан, бу адабнинг эмас, бал-

ки уни ўраб турган ўша муҳитнинг юзтубан кетган-лигидан далолатдир.

«Ёш руҳияти», деймиз. Бу нима? Турли ёшда киши турлича руҳий ҳолатда бўлади. Бу эса унинг ижодига муқаррар таъсир қилади.

Алишер Навоий бутун умри давомида ёзган шеърларини бошқа бирон белги-аломат асосида эмас, балки умр фаслларига кўра жамлаганини биламиз: «Хазойинул маъоний», ёки «Чор девон»га — ёшлик, йигитлик, ўрта ёшлик ва кексаликда ёзилган шеърый асарларини жамлаган. Чунончи:

— туфулият (ёшлик) — 7—8 дан 20 ёшгача бўлган давр;

— шабоб (йигитлик) — 20—35 ёшгача бўлган давр;

— куҳулат (ўрта ёшлик) — 35—45 ёшгача бўлган давр;

— кексалик — 45—60 ёшгача бўлган давр.

Умр фаслларига кўра руҳий ҳолатнинг ўзгариши ва бу табиий кайфиятнинг бадий ижодга таъсири таржима санъатига ҳам дахлдор. Чунончи, муаллиф 25 ёшда ёзган асарни 60 ёшлик кекса мутаржимнинг, ёки аксинча, муаллиф 60 ёшда ёзган асарни 25 яшар мутаржимнинг тушуниши, ҳазм қилиши ва ўгириши қийин. Ва бу табиий ҳол. Муаллиф-мутаржим муносабатида бундай ёш тафовутидан ташқари, улар яшаган давр орасида ҳам катта фарқ бўлса-чи? Айтилик, бу фарқ минг йиллар сарҳадига бориб тақалса, бундай ҳолда давр ва умр тафовути бадий ижодда жуда жиддий табиий тўсиқни юзага келтириши турган гап.

Бир вақтлар Абдулҳамид Чўлпон юксак шоирона кайфиятлар билан юрган кезларида А. С. Пушкиннинг «Евгений Онегин» шеърый романини аруз вазида таржима қилмоқчи бўлган. Тасаввур қилинг: Пушкин — арузда! Қанийди энди, бу жуда ажойиб

иш бўлар эди-ку! (Дарвоқе, асримиз бошларида «Ба-лиқчи ва балиқ ҳақида эртак» асари, чиндан ҳам, маснавийда ўгирилганди). Кейинчалик, Чўлпонга ўша орзусини эслатганларида, бу таклифни энди у рад этган. Нега? «Менинг ҳозирги кайфиятим «Ев-гений Онегин»ни аруз тугул, росмана таржима қи-лишга ҳам чоғ эмас», деган. Адабиётдан узоқ, бадни-ят шахслар шоирни тушунармиди?! Войдод, мусул-монлар, Чўлпон Пушкинни таржима қилишни иста-маяпти!— деб айюҳаннос солишган. Аслида эса, айни ўринда ўзбек шоири минг чандон ҳақ эди. Чун-ки шеър қориндан эмас, қалбдан отилиб чиқадиган лахча чўғ эканлигини бошқалар қаёқдан билсин!

Юлдузи юлдузига тўғри келган соҳибқирон шо-ирларгина бир-бирларини таржима қилсин. Ҳолбу-ки, бизда кўпинча юлдузи юлдузига тўғри келиш-келмаслигидан кўра, таржимага тўланадиган қалам ҳақи миқдорининг тўғри келиш-келмаслиги назарда тутилади ва бунинг натижасида ўзбекчага ўгирил-ган ҳар учта китобдан иккитасини аслиятга муқо-бил, мукаммал (адекват) таржима деб бўлмайди.

«БЎРОНЛИ БЕКАТ»ДАН — «ҚИЕМАТ»ГАЧА...

Қақнус куяр, самандар чидаёлмас.

МАШРАБ

Кунларнинг бирида жумҳуриятимиз Фанлар ака-демиясида бўлиб ўтган катта илмий анжуманда бир таниқли рус санъатшунос олимаси маъруза қилар экан, ўзининг ўзбек халқига бўлган ҳурмати юзаси-дан шундай «жиддий» ноаниқликка йўл қўйдики, биз ўзбекларни бундай «хато» жуда-жуда... хурсанд қилди. У Чингиз Айтматовни «ўзбек халқининг атоқли ёзувчиси» деб атади. Бу, таъбир жоиз бўлса,

қандайдир «матбаа хатоси» эмас эди. Атайин шундай деб айтди у. Рус олимаси Ўзбекистонда биринчи марта бўлиши экан. Чамамда, ўша кунлари «Правда» газетасида Чингизнинг жумҳуриятимиз, халқимиз, унинг ҳозирги қисмати ва ташвишлари ҳақида куюнчаклик билан ёзган ажойиб мақоласи босилиб чиққан эди. Маърузачи ўша мақола таъсирида бўлганиданми, одамларимиз билан учрашувлардан мамнун бўлганиданми, ишқилиб ҳаяжонланиб кетди... — Чингиз Айтматовни Чингиз Айтматов қилган Ўзбекистон ва унинг одамлари эканини энди тушундим!.. — деб юборди. Бу олима шу билан ўзининг ҳам халқимизга, ҳам буюк адибга бўлган эҳтиромини таъкидламоқчи бўлди. Уша йигинда ҳозир бўлганларнинг дилида ва онг-шуурида ҳайрат, жонланиш, ажабланиш ва ... хушнудлик тўлқини «ғув» этиб кезиб ўтди... Мен одамларнинг «хато фикр»дан бунчалик мамнун бўлишини биринчи топқир кўришим. Ўзимиз буёқда ўз улуғларимизни бировларга бериб юбораяпмиз-у, бошқалар бизга бу қадар сахий бўлишмаса! Қизиқ экан-да дунёнинг ишлари...

Бундай олганда, ҳеч қандай «хайратомуз гап» бўлмагандай ҳам. Зотан, биз ўзбеклар қардош қирғиз халқининг ардоқли фарзанди, Олатовдай чўнг қалб эгаси бўлган бу истеъдод соҳибини «Бизнинг Чингиз!» дейишимиз учун барча асослар бор. Мен адибнинг тили тилимизга, дили дилимизга яқинлигини, фақат шунинг ўзини айтмоқчимасман. Чингиз деганда ҳар бир ўзбекнинг қалбида долғали ғурур, лабига илиқ табассум, шуурида қандайдир ўзига хос шукроналик туйғуси жўшади.

Дунёда нима кўп, ёзувчи кўп. Зўр, иқтидорли, инсон қалбини ларзага солувчи соҳиби қаламлар ҳам кам эмас. Аммо улар орасида Чингиз Айтматовчалик оқибатлисини, фақат ёзувчи сифатида эмас, балки халқимизнинг дўсту қадрдони сифатида

бундай Одамохунни топиш қийин. Бутун марказий матбуот зўр бериб «ўзбеклар иши» ҳақида оғиз кўпиртириб ёзиб турган бир даврда (худдики ўзбеклар бошқалардан айрича бир «иш» қилиб қўйгандай!..), у «Правда» рўзномасида қайғумизга қайғудош, елкамизга елкадош, бағримизга бағирдош бўлиб, жумхуриятимиз, унинг меҳнаткаш одамлари ҳақида бор ҳақиқатни айтишга журъат этди. Унинг ўзбек элига ишонч тўла дилкушо сўзларида ачиниш, изтироб, таассуф, озгина оғриниш билан бирга, бир жаҳон далда, эътиқод, имон бутунлиги, соғломлик, маънавий-ахлоқий покизалик туйғуларини илғадик. Дилдан айтилган сеҳрли калом, чинакам чингизона малҳам сўз дилларимизга жо бўлди. Юз йиллар ўтар, ўзбек халқи Чингиз Айтматовнинг бундай гурур, таскин ва ҳамдардлик билан айтган ҳалим сўзларини унутмайди. Унутолмайди. Дориломон кунларда нима кўп, ҳар хил дўст, оға, қардош, биродар кўп. Бироқ, айтадилар-ку, «мол дўстинг бошқа, жон дўстинг бошқа» деб... Чингиз ўзбек халқининг жон дўсти.

Ч. Айтматов ўз асарларида оддий меҳнат кишилари — ишчилар, чорвадорлар, денгизчилар, зиёлиларнинг образларини чизади. Лекин жамият фақат шулардангина иборат эмас. Атрофимизда оддий темир йўлчи билан бирга текинхўрлар, ўз меҳнати билан кун кечирадиган деҳқон, юк ташувчи, косиб, сут соғувчи, пахтакор, ошпаз, нонвой билан ёнма-ён касб-корининг тайини бўлмаган текинхўр, ароқхўр, товламачи, фирибгар, муттаҳамлар ҳам «етарлича» топилади. Бундан кўз юмиб бўлмайди. Уларнинг ўз нуқтаи назарлари, аъмоллари, ўз эътиқодлари, ўз манфаатлари бор. Ёзувчи одамларни «меҳнаткаш» ёхуд «номеҳнаткаш»ларга ажратмайди. У қандай дин, мазҳаб, сиёсий-ижтимоий гуруҳ ёки фирқаларга мансублигидан қатъи назар, шафқатли ва шафқат-

сиз, диёнатли ва диёнатсиз, инсофли ва инсофсиз, олижаноб ва қабих, самимий ва манфур одамларни кўради. Бошқача айтганда, одамга у шунчаки одам бўлганлигига эмас, балки инсоний моҳиятига, қандай одамлигига қараб ҳукм чиқаради.

«Асрга татиғулик кун» романида воқеалар асосан Сариўзак чўлида, Бўронли темир йўл бекатида бўлиб ўтади. Гап бутун онгли ҳаётини оддий темир йўлчи бўлиб яшаган Казангапни вафотидан сўнг дафн этиш тараддудлари тасвири билан бошланиб, романнинг ниҳоясида дафн маросими мусибат устига мусибат билан тугайди. Шу орада Казангап билан Эдигей Бўроннинг ҳаёти, уларга чамбарчас боғлиқ ёки боғлиқ бўлмаган ҳолда Тинч океан тепасида Совет-Америка «Паритет» фазовий кемасининг парвози билан боғлиқ ҳодисалар, Қоранор зотдор туясининг ажойиб-ғаройиб «ишқий» саргузаштлари, Она Байит қабристони, Найман она ва унинг бахтсиз фарзанди Жоломон, мактаб муаллими Абутолип Қуттибоев, унинг садоқатли рафиқаси Зарифа ва фарзандларининг бошига тушган фалокатлар ҳикоя қилинади. «Қиёмат»да Акбара билан Тошчайнар романнинг деярли барча қисмларини бир-бирига асосий қолипловчи воқеабанд восита бўлса, «Бўронли бекат»да Қоранор шундай «воситачилик» қилади.

Чингиз Айтматов барча асарларида ўз усул, услуб ва тадбирларига содиқ қолади: ҳаётий воқеалар тасвири билан турли-туман ривоят ва афсоналар бир-бирига қўшилиб-чатишиб кетади. Уларда тулки, бўри, ит, туя, калхат, балиқ сингари хонаки ва йиртқич хайвонлар, жониворлар ҳам ўзига хос «адабий сиймолар» бўлиб гавдаланади. Чингиз романларида, мавзу ва услуб ранг-баранглиги ичра жонли ҳаёт, жўн қирғиз турмуш тахлити тасвири қаердан бошланади-ю, ҳайратомуз афсона, ривоят ва тахайюл (фантастика) рамзлари қаерда тугагини аниқлаш

қийин. Айтайлик, Казангапни Бўронли бекатидан ўттиз чақиримча нарида жойлашган Она Байит қабристониди дафн этишга ундаган турмушдаги носоғлом сабабиятлар ва халқ миллий, диний маросимлари билан мазкур қабристонга «асос солган» Найман она билан қирғиз элининг рақиблари жунгжанглар («жуаньжуань» деб аталмиш уруғ номи шундай ўгирилган) томонидан манқуртга айлантирилган фарзанди ўртасида фожиона тугаган қонли воқеа (онанинг ўз ўғли қўлида шафқатсизларча ўлдирилиши) ҳақидаги ривоят бир-бирига узвий боғланиб кетади. Даҳшатли қонли воқеадан ҳикоя қилувчи ривоят бугунги қозоқ ҳаётида кечаётган бошқа бир заминий ва замонавий воқеа билан чамбарчас боғланади: космодром ҳудудида жойлашган Она Байит қабристонидан (тўғрироғи, космодромнинг ўзи қабристон ҳудудида жойлашган!) Казангапга гўр қазиш учун уч газ (икки метр) жой топилмайди. Бошқача айтганда, дунёнинг бир нечта давлатини ўз сийнасига сиғдира оладиган бийдай Қозоғистон чўлида, ерлик қозоқларнинг азалий қабристониди ўз умрини Ватан ва халқ хизмати, бахт-саодати йўлига тиккан ҳалол меҳнаткаш кишининг жасадига гўр қазиш учун «ўн бир қарич» жой берилмайди.

Мана шундай ширали, фавқулодда ўзига хос мароқли ва жозибадор усул-услуг: ўтмиш манзаралари, халқ донишмандлиги, ҳикматлар билан омукта қилинган жонли воқелик лавҳалари, ўзича олганда ақлни лол қилишдан йироқ бўлган одми, жўн турмуш тарзининг тафсилотлари билан «тўлдирилган», «безатилган», «тасдиқланган» ривоятлар муаллифнинг ҳикоя қилиш самимиятини таъминлайди. Натижада ҳар қандай ривоятнинг ривоятдан бошқа нарса эмаслигини рўйрост, кўриб-билиб, англаб турган китобхон муаллифга ўз ихтиёри билан, рўйрост, кўра-била ишонаверади.

Бўронли бекатида бор-йўғи олти хонадон яшайди. Атиги олти хонадон, асарга асос қилиб олинган Казангап билан Бўкей, эр-хотин Эдигей ва Уккубала оилалари бутун бошлиқ романга материал бериши мумкинми? Агар ҳар олти овулдошдан бир роман ёзилаверса... Ҳа, бир одам тўғрисида ҳам роман ёзса бўлади. Бу ёғи ёзувчининг маҳорати, бадиий тафаккур қувватига боғлиқ. Чингиз Айтматовнинг кучи ва усталиги шундаки, у мана шу икки хонадон, хусусан Казангап билан Эдигейни, улар яшаётган ва курашаётган Бўронли бекатини бутун қозоқ элининг, қолаверса, мамлакат ва дунё воқеаларининг қоқ марказига айлантиради. Икки қаҳрамоннинг ҳаёт йўлини — жанггоҳ (фронт), Қозоғистон, Ўзбекистон, Орол қадар, буёғи — ҳатто фазо (космос) билан бевосита ё билвосита боғлаб, улаб юборади. Тангри-нинг ўзи ҳам аллақачонлар унутиб юборган бу назарногир Бўронли бекати даштнинг ўртасида жойлашган, бутун инсониятнинг тақдири ва, таъбир жоиз бўлса, жамики заминликларнинг «сифати» билан, ғайри заминий одамлардаги онгли мавжудотлар (уларни «одам» деб бўлармикан?) билан боғланган космодром, мағрибдан-машриққа, машриқдан-мағрибга зув қатнаётган поездлар, темир йўл билан туташган.

Чингиз Айтматов инсон зоти шарафини, наинки инсон, умуман тирик мавжудотни хилма-хил шароитларда, турли вазиятларда, зиддиятда, танг қорлатларда, масъуд дамларда, фожиа ичида олиб қарайди. Инсонни таваллуд топиши, ўсиб-униши, камолоти, парвози, инқирози, юз-тубан кетиши онларида чуқур руҳий изтироблар ичида кўрар экан, шуниси таҳсинга сазоворки, ҳар қандай шароитда — ҳатто ёруғ дунёдан абадий кўз юмганида ҳам — инсон улуг ва мукаррам бўлиб қолишга арзийдиган зот, деб талқин қилади ёзувчи. Отаси Казангапни

Собитжон тиригида шод, мана, ўлганида ҳам обод қилмаган экан, бундан қаттиқ ранжийдиган Эдигей тонг қолади: «Одамларга нима бўлган ўзи! — дея газабланади Эдигей. — Уларга ўлимдан бошқа ҳамма нарса муҳим! — Бу фикр Эдигейнинг ич-этини тирнарди. — Модомики, уларга ўлим аҳамиятсиз экан, демак, улар ҳаётнинг ҳам қадр-қимматиға етмайди. Ундай бўлса, яшашдан мақсад нима, улар нима учун яшайдилар?»

Романда ҳар хил типлар, турли-туман таъблар яратилган Казангап — оқил, Эдигей — собит, Найман она — буюк жабрдийда, Ойзода — муштипар, Собитжон — вайсақи, лейтенант Тансиқбоев — ғирт тўпори ва ҳоказо. Ҳар бир персонажнинг ўз хулқ-атвори, ўз эътиқоди ва фалсафаси, ўз манфаати ва ички дунёси табиий, ишонарли бир тарзда очиб берилган.

Казангап Асанбоев билан Эдигей Бўрон ҳаёти, «Паритет» фазовий кемаси орқали ғайри заминий сайёралар билан трансатлантик алоқа, Абутолип Қуттибоевнинг шахсга сиғиниш даври қурбони бўлганлиги, Қоранорнинг «ишқий» саргузаштлари ва ҳоказолар... буларнинг ҳар бири ўзича тугал, ўзича мукамал ва гўзал бир қисса. Улар орасида айниқса Найман она билан унинг манқурт қилинган ўғли ҳақидаги ривоят ниҳоятда таъсирчан, давр фожиаларини ўзида аниқ-таниқ ифодалаша билан жозиб ва унутилмас. Бу воқеалар олтинчи ва еттинчи бобларда ҳикоя қилинади.

Азиз китобхон. Виламан, Сизга бу боб маъқул тушганлигини ҳам (зеро, маъқул тушмаслиги мумкин эмас!), уни бир эмас, бир неча марталаб ўқиганингизни ҳам, ўзингизча, ўтмишдан ва ҳозирги ҳаётдан, теvarак-атрофдан, эҳтимол, янги манқуртларни кашф қилганингизни ҳам, ўз «модарзод» манқуртларингиз борлигини ҳам. Айримларингиз, ажабмас-

ки, битмас-туганмас, уммоний оналик шафқати билан унинг қотили, фақат мушфиқ ва меҳрибон Найман онага эмас, унинг тимсолида бутун ёруғ жаҳондаги онаизорларга қарши қўл кўтарган «манқуртнома», «жунгжангнома» ҳақидаги мислсиз бу кайноқ сатрларни бусбутун ёд олганингизни ҳам. Дунёдаги ҳар қандай машъум фалокат ҳам фақат фалокат бўлганлиги учун эмас, балки ўз тарихи ва «истиқболи»га, давомига эга бўлганлиги, бот-бот такрорланиб туриши мумкинлиги билан минг чандон хатарлироқ. Қанийди, бу қачонлардир, узоқ ўтмишда, фақат Сариўзак даштларида, фақат қирғизнинг элида, фақат Найман она, Дўнанбой, Жўломонларнинг бошида кечган воқеалар ҳақидаги бир антиқа ривоят бўлганида! Ҳолбуки, узоққа бориб ўтирмай, бизнинг энг муносиб замондошимиз, имони бутун, ақли-эси бутун, ўзи бутун инсон, йигирманчи аср одамохуни Казангапнинг пуштикамаридан бўлган ўғлон Собитжонни эл-юрт «манқурт», «янги замон манқурти» деб атаган экан, бу аини ҳақиқат, ота-она, қариндош-уруғнинг юзига оёқ босган муртад бир шахсга берилган жуда муносиб «ёрлиқ» бу. Тўғри, ҳар қандай қабоҳат сингари, келгинди, босқинчи, «ҳайдар кокилли» жунгжангларнинг истибдоди ҳам абадий эмас эди. Эдил дарёсидан ўтаётганларида, муз ёрилиб, улар дарёга ғарқ бўладилар ва ному-нишонсиз йўқ бўлиб кетадилар. Қилмиш-қидирмиш, дейдилар. Адлу адолатнинг, қазову қадарнинг ҳукми шу. Лекин улар «ному нишонсиз» йўқ бўлиб кетдилар, дея оламизми? Йўқ. Янги манқуртчиликнинг хатари шундаки, улар ўз «аждодлари» сингари, туя сўйиб, унинг бўйнидан шилиб олинган қалин тери билан атиги беш-олтита, борингки — ўнта, борингки — юзта, борингки — мингта ҳарбий асирни эмас, балки ўн минглаб, юз минглаб, миллионлаб фуқарони ялпи, сидирға, диёнатсиз манқуртга

айлантиришнинг синалган, силлиқ, ҳаммабоп йўл-йўриқ ва тадбирлари, ақида ва назарияларини ишлаб чиқиб ва қўллаб юбордилар. Мана Сизга — ривоят, мана Сизга — манқурт нима эканлиги, мана Сизга оқибат-натижа... Очофат фашизм жаҳон халқлари бошига ёғдирган мусибатларни бир тасаввур қилиб кўринг-а! Иккинчи жаҳон урушида йигирма миллион кишининг жони қурбон берилди. Ҳозирги неофашистлар ҳам бўш-тақир жойда униб чиқмаётган бўлсалар керак? Бундай совуқ турқли алвастиларнинг «хили», «тури», «нави» бениҳоя кўп, аммо илдизи бир — ирқий ва миллий мумтозлик, жаҳонгирликка даъвогарлик, мунофиқлик, худбинлик... Халқимиз эндиликда уларнинг ҳақиқий башарасини яхши билиб олмоқда.

Инсон учун дунёда энг оғир жудолик — фарзанд доғи. Оналар ҳар қандай ғам-андухга, ҳар қандай жудоликка, ҳар қандай жаҳаннамий азоб-уқубатларга чидаши ва кўникиши мумкин — она қалби тоғ, лекин у фарзандининг ўлимига бардош беролмайди. Бироқ, начора! Кўникишга мажбур. Эғнига кўк кияди. Йиғлайди-сиқтайди. Аммо дилбанди номнишонсиз йўқолган бўлса, бунинг алами ва доғ-ҳасрати еру кўкка сиғмайди. Найман она ўғли Жўломондан айрилиб қолган. Қошқийди унинг жангда ҳалок бўлганини билса — айтиб-айтиб йиғласа, бағрини тигласа. Шунга қарамай, фарзандининг тақдирдан аниқ воқиф бўлмаса-да, унинг манқуртликка дучор бўлганини кўнгли сезиб, шундай зикр, муножот қилиб, бўзлаб йиғлайдики, бу қирғиз миллий мотам маросими таомилида фавқулодда таъсирчан, мунгли, исёнкорлик руҳида ифодаланган. Таржима-си ҳам зўр чиққан.

Манқурт қилинган қулуни, бўталоғи Жўломони-ни, ниҳоят, минг азоб-уқубатлар билан топган онаизор «мен сенинг муштипар онангман», деб уқдирол-

майди унга. Езувчи шу ўринда волиданинг марсия-сидан бир шингил келтиради ва аслиятнинг шираси, таъсири минг бўлсаям русча таржимада сусаяди, деган ўйда уни қирғизча беради:

— Мен ботасы олген боз мая,
Тулыбын келип искеген...

ва сатр остида мазмунини русчага таржима қилади (120).

Ўзбекча таржимаси:

— Тулубин келиб искаган,
Бўтаси ўлган бўз мояман.

Байтнинг мазмуни сатр остида изоҳланган: «Туянинг боласи ўлганда, сут бермай қўямасин, деб бўта-лоғининг терисига сомон тиқиб унга кўрсатадилар. Шунда ҳайвоннинг меҳри товланиб елинига сут келади».

Мамлакат «олий манфаатлари»нинг қули, юқорида турган мансабдор хўжайинларнинг югурдаги, айти чоқда ўз халқининг ғаддор душмани, ўз «мирқинбой» «шийқинбой»ларидан ўлгундай ор қиладиган, ҳар хил «биоток», «космос», «радиотўлқинлар орқали бошқаришлар», «генлар» ҳақидаги техника янгиликларига қуллуқ қилиб, улар қаршисида тўрт оёқлаб эмаклаб юрадиган манфур Собитжон ўзини... «давлат кишиси» деб билади. У «илғор дунёқараш»га эга бўлган одам, қадимги Юнонистон, Олимп, унинг маъбуд ва маъбудаларини таҳқирлайдиган ғирт нодон, яланғоч даҳрий. (Бу сифатлари билан Собитжон «Қиёмат»даги афъюнгарлар тўдасининг бошлиғи Гришан, унинг муртад ҳамтовоқларига хеш-ақраболиги бор.) Асарни ўқир экан, китобхонни бирдан ваҳима босади: ё раббий, бир фалокат бўлиб, агар бу қаттол ёвуз руҳлар — собитжонлар, лейтенант тансиқбоевлар, «уккикўз» терговчи-

лар, абиловлар, «Қиёмат» даги гришанлар, оберлар, бозорбойлар, узоқлар... бирлашиб қолишса-я!.. Бундай бирлашув тагин бир жумхурият, бир мамлакат, боринги, дунё миқёсида содир бўлса-чи?!

Алҳазар!..

Дунё ва мамлакат миқёсини қўятуриб, Собитнинг мана бу «илмий алаҳсираши»ни ўз жумхурияти-миз — Ўзбекистон, ўзбек халқимизга тадбиқан мулоҳаза қилиб кўрайлик:

«... Одамнинг жамики ҳулқ-атвор — ҳар бир хатти-ҳаракати, фикр-мулоҳазаси, истак-хоҳиши ўлчанган, олдиндан белгилаб қўйилган бўлади. Мана, масалан, дунёда ҳозир демографик портлаш бор, яъни, ер юзида одамлар сони кўпайиб бормоқда, уларни боқишнинг ўзи бўладими? Бунинг учун нима қилиш керак? Туғилишни камайтириш керак».

«Бўронли бекат»нинг ёзилганига, мана, ўн йил бўлиб қолди. Чингиз оғанинг Эдигей тилидан айтган бу хавотири, огоҳлантириши ўзини кўп-да куттириб қўймади. Бугунги кунда, чиндан ҳам Ўзбекистонда «туғилишни камайтириш керак», деган даъвони қандайдир Собитжонга ўхшаган «лақмалар» эмас, балки туппа-тузук олимлар, ёзувчилар, сиёсатдон ва матбуотчилар, аҳли табобат айтаётганига ҳатто ишонгинг ҳам келмайди. Келиб-келиб, бошқа бирон иқлимда, бошқа бирон даврда эмас, балки айнан қайта қуриш ва янгича тафаккурга даъват палласида Эдигей тимсолидаги донишмандлар эмас, балки собитжонлар сингари «аравани қуруқ олиб қочадиган» «давлат кишилари»нинг телба даъвоси юзага қалқиб чиқаётгани кишини тонг қолдиради. Ҳушёр китобхон мутафаккир ёзувчининг башоратига қанчалик таҳсин ўқиса, айти мутакаббир «давлат кишилари»нинг «сифатли одам» учун кураш ниқоби остида ўз халқининг пайини қирқаётган «олимона» даъводалилларидан шунчалик нафратланади.

Асарда бир неча ўринда Ўзбекистон ва унинг одамлари билан боғлиқ жойлар хушнудлик билан тилга олинади. Булар: Хива, Бухоро, Самарқанд, Мирзачўл. Казангап боши узра жиддий хавф туғилган бир даврда, олти йил мобайнида Мирзачўлда яшайди, пахтакор бўлади, жумҳуриятимизнинг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланади. Шу ерда Хивадан келиб қолган Бўкей деган қорақалпоқ қизга уйланади. Яна биламизки, Эдигей Бўрон билан Казангап — Орол қозоқларидан. Казангап умрининг сўнгги кунларида Оролга видолашиш учун боради. Аммо бу даврда энди видолашиш ёруғ дунёдан кўз юмаётган бир меҳнаткаш инсоннинг ўз Ватани Орол денгизининг ҳам аҳволи Казангап ва Эдигейларникидан «қолишмас» эди. Казангап суви қуриб бораётган Оролнинг аҳволини кўриб, чуқур ўйга толади, ҳафсаласи пир, дили хуфтон бўлиб қайтади. «Боришмагани маъқул экан, боришга боришди-ю, хафа бўлиб келишди,— ёзади муаллиф.— Денгиз суви тортилиб, соз тупроқли тақир йўл бўйлаб ўн чақиримча йўл юришганидан сўнг аранг сувга яқинлаб боришди. Ушанда Казангап: «Орол дунё тургунча турар эди, энди, мана, шу денгиз ҳам қурияпти, одам умрини гапирмаса ҳам бўлади», деган эди. Ушанда у яна бундай деган эди: «Эдигей, сен мени Она Байитга дафн этасан. Денгизни эса сўнгги бор кўриб, хайр-хўшлашиб туришим!..»

«Қиёмат» романида Акбара билан Тошчайнар, Иисус Христос (Исо алайҳиссалом) билан Авдий Каллистратов, Гурам Жўхадзе, Бўстон Уркунчиев, Булғория хор капелласи билан боғлиқ воқеа ва манзараларнинг ҳар бири алоҳида роман, қисса ва ҳикояларга аристулик сюжет бўла олади. Зотан, олайлик, ҳазрати Исо ҳақидаги икки минг йиллик тарихга эга воқеалар тасвири билан бугунги Қозоғистоннинг бир

чеккасида, Ола Мўнгу ва Мўйинқумда кечаётган сахро-чўл воқеалари ҳамда вақт ва маконда бири-биридан тамомила йироқ Булғория хор капелласи билан Гуржистондаги Гурам Жўҳадзе ҳаракатлари ўртасида қандай боғлиқлик бор? Инчунин: Акбара билан Тошчайнар — афъюнгарлар тўдаси — Иисус Христос ҳамда Понтий Пилат — Авдий Каллистратов билан ҳазрат Дмитрий (Координатор бузруквор) — Бўстон Уркунчиев ва унинг атрофидаги бир гала одамларнинг қандай қилиб «бошларини қовуштириш» мумкин? Бундай қараганда, бири боғдан, бири тоғдан келган воқеаларни қандай қилиб бир романда бирлаштириб бўлади? Турли иқлимлар, ҳар хил тарихий даврлар, бири-биридан бутун фарқ қилувчи, ҳатто бир-бирига баъзан зид нарсаларни қандай қилиб ўзаро боғлаш мумкин?

Ҳамма гап шунда-да! Ч. Айтматов ўз асарида икки минг йиллик бутун бир тарихий даврнинг салмоғи, мазмуни, мундарижаси ва зиддиятларини ҳаққоний кўрсатиб бера олган. Бунинг учун унга икки минг йиллик давр у ёқда турсин, салкам Одам Ато ва Нуҳ пайғамбар замонида ҳам бани Башарни лол қолдириб келган чуқур, чигал, зиддиятли муаммоларга муносабат билдириш лозим бўлди. Муаллифга кенг жўғрофий, тарихий, маданий ва диний миқёс керак эди. Худди шунинг учун адибга одам одам бўлиб яратилган замонлардан бошлаб унинг ўз атрофидаги жонли ва жонсиз табиатга муносабатини қаламга олишга тўғри келди. Худди шу нуқтада у, фан, маданият ва техникада инқилоб ясаб, бемисл юксакликларга парвоз қилган ҳозирги кишилик жамияти ҳамда ижтимоий тузумлари, ахлоқ бобида, баъзи бир жиҳатлардан, чунончи, ҳатто қўлига калтак олиб баҳайбат қўтосларни овлаб тирикчилик қилган ибтидоий жамоалардан ҳам унчалик узоққа кетмаганлиги, узоққа кетган бўлса ҳам, ялли қирғин қу-

роллари билан наинки ҳайвонлар, ҳатто бир-бирларини ҳам қирғин қилиб юбориш даражасига «қўтарилганлиги» эътибори билан беқиёс тубанлашиб кетганлигини бизга иқроқ қилдирадиган роман ёзди. Худди шунинг учун — қалб иқлимининг тозаллиги, инсон диёнати ва имонининг басаломатлигини даъво қилиш, бу йўлда буюк адабий-тарихий ворислик ҳам муштаракликни иншо қилиш учун Байтулмуқаддас ҳам, Исо Нурилло ҳам, замондошларимиз Авдий Қаллистратов, Инга Фёдоровна, Бўстон Урқунчиев, Эрназар, Гулимхонлар, буюк жабрдийда, қувғинди, ожиз ва нотавон Акбара-ю Тошчайнарлар билан бирга иблислар, қайсарлар, гришанлар, бозорбойлар, жонтойлар, исқирт афъюнгарлар керак эди. Лекин бу қадар кенг дунёвий воқеаларни бир китобда қамраб бўладими? Бунинг учун катта журъат, тажриба, маҳорат, бадий тафаккур билан бирга бугунги ошкоралик, демократиялаш, соғлом танқидий муҳит керак эди. Чингиз Айтматов ана шундай янги муҳитни кутиб ўтиргани йўқ, балки атоқли совет ёзувчиси сифатида, ўз ижоди билан шундай даврнинг келиши ва барқарорлашувини тайёрлаган ва таъминлаганлардан бири бўлди.

«Қиёмат»да қаламга олинган табиий ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига оид тимсолларнинг замирида фожей қисмат ва тақдирот ётади. (Асар ҳақиқатидан келиб чиқадиган бўлсак, қабиҳ Бозорбойни ҳисобга олмаганда, нуқул жамиятнинг гуллари бошига фалокат ёғилади.) Акбара ва Тошчайнар тимсолида бир жуфт бўри ва уларнинг уч авлоди, ўндан зиёд зурриёди қисматида — қиёмат. Ўз умматларига ўзича бахт ато этиш учун курашган, охир-оқибатда айни ўша умматлари томонидан рад этилган Иисус Христос, бизнингча айтганда ҳазрати Исо, чормих қилинади. Бошини дорга қўяди. Бу ерда ҳам — қиёмат. Баайни Исонинг «давоми», вориси

сифатида гавдаланган, бизнинг замондошимиз, кўх-на диний ақидаларга қарши исён кўтариб, янгича илоҳий назария яратмоқчи бўлган ва бу билан, даҳшатли афъюний кашандаликка мубтало бўлган, ўзларини жамиятнинг «илғор» кишилари деб билган бир гуруҳ маънавий ногиронлар, ёш жиноятчиларга қарши тенгсиз кураш олиб борган Авдий Каллистратовнинг бошида ҳам қиёмат қўпади. Уни айна ҳалоллиги, энг олижаноб инсоний хислатлари учун Мўйинқум даштида дарахтга чормих қилиб каллак-лаб кетадилар. «Олтовлон ва еттинчи» қиссасида тасвирланган қўрбоши Гурам Жўҳадзе ва унинг йигитлари Ватан билан видолашиш онларида айғоқчи Сандро томонидан ногаҳонда битта қолмай қириб ташланади. Бу ерда ҳам қиёмат қойим. Лекин топшириқни «аъло» бажарган Сандро-чи? Энг сўнги дамда, виждон қийноғига чидолмай, у ҳам... ўзини ўзи отади. Унинг бошида ҳам — қиёмат. Ола Мўнгу тоғидаги тубсиз муз жарлигига ўз оти билан тушиб кетган, жасади ҳатто қора мозорга ҳам зор бўлиб қолган Эрناзар қисматида ҳам, кўз кўриб қулоқ эшитмаган таҳқир, тухмат ва маломатларга дучор бўлган, жон ҳолатда севимли фарзанди Кенжашни олиб қочаётган бўрини отаман деб, унга қўшиб норасида боласини ҳам ўз қўли билан ўлдириб қўйган Бўстон Уркунчиевнинг, шўрпешона рафиқаси Гулимхоннинг тақдирларида ҳам — қиёмат.

Асарни биринчи саҳифасидан бошлаб сўнги бетларигача тин олмай, юрак ҳовучлаб ўқийсиз. Сурункали фожиалар тасвирининг шоҳиди ўлароқ, романда йилт этиб кўринган бахтнинг (Авдий Каллистратов билан Инга Фёдоровнанинг чўнг муҳаббати, Бўстон билан Гулимхоннинг эндигина изга тушиб келаётган тотув ҳаёти...) алангаланишига аранг умид боғлаб турганингизда, туйқусдан умидингиз пучга чиқади. Ҳаммаёқ остин-устун бўлиб кетади.

Утли бир муҳаббат, ботиний самимий туйғу, их-лос-у эътиқод, катта қалб қўри билан ажиб, мўъжизавий бир тарзда тасвирланган Акбара билан Тошчайнарни ҳам, Исо Масиҳни ҳам, қўйингки, ўзининг деярли барча ижобий қаҳрамонларини ёзувчи катта фожиага гирифтор бўлган ҳолда кўради ва улар мотамида даставвал ўзи қалбини тиглайди, эгнига кўк кияди. Қалблар туғёнга келади. У деярли биронта ҳам қаҳрамонини «аямайди». Нима учун? Сабаби, ҳаётнинг ўзи қанчалик пурзиё бўлса, шунчалик шафқатсиз. У ҳеч кимни сийламайди. Ҳолбуки, ўша соф ниятли, олижаноб Авдий, Гурам ва унинг йигитлари, Эрназар, Кенжаш ва бошқалар омон қолишлари, ўз «мурод-мақсадларига етишлари» ҳам мумкин эди. Бунинг учун ҳаётдаги ифрот, лоқайдлик, ақидапарастликка қарши курашиш, курашганда ҳам «дон-кихотларча» эмас, балки фидойиларча биргалашиб курашиш керак, инсонлар бошида қиёмат қўпмаслиги учун соф ниятли барча кишилар бирлашиши зарур, деган гоё ётади асарда. Чунки қиёмат фақат осмондан ёғилмайди, уни одамларнинг ўзлари ҳам «ясайдилар», бинобарин, уни даф этувчи куч, тафаккур ва идрок ҳам одамзоднинг ўз ихтиёрида, деган ниҳоятда асосли, азамат даъвони илгари суради адиб.

Асарда кенг маънода, табиат ва жамиятда меъёрлар, таносибларнинг бузилишидан келиб чиққан фожиалар тасвирланади. Еки, бошқача айтганда, Ч. Айтматов талқинидаги фожиалар ҳаётда меъёр ва таносиблик қонуниятининг бузилиши, ғайри мутаносиблик замирида пайдо бўлади. Ҳаёт фақат беш йилликларнинг қаҳрамонона ғалабалари-ю, меҳнат уюшмаларининг тантанавор рапортлари, улуғвор режалар, йўқ имкониятларнинг ишга солиниши, ҳар хил бақироқ шиорлар-у қаҳириқларнинг мундарижаларидагина яшамайди. Меъёрлар бузилиши оқи-

батада инсоний қадр-қиммат поймол қилиниши, тирик жон даҳшатли ишлаб чиқариш вужудининг оддий бир қисмига айланиб қолиши, ҳар қандай муқаддас ғоявий қадр ҳам бора-бора ўз маъно-мазмунидан маҳрум бўлиши, сийқаланиб кетиши мумкин. Дин, К. Маркс сўзлари билан айтганда, халқ учун қанчалик афъюн бўлса, меъеридан ошириб юборилган диёнатсизлик, шафқатсизлик, манқуртлик тўғридан-тўғри чинакам афъюнгарлик, бангилик, гиёҳвандликка олиб келган сабаблардан бири эканлиги асарда яхши очиб берилган.

Бу ерда тасвирланган ҳар бир алоҳида олинган миллий ёки маҳаллий воқеа-ҳодиса замирида, юқорида бир карра айтиб ўтилганидай, умуминсоний ғоя ётади. Адиб фақат алоҳида олинган шахснигина эмас, балки умуман ҳазрати Инсон ва бани Башарни, алоҳида овул ёки оила билан бирга, умуман Макон ва Ватанни таърифлайди. Шунинг учун воқеа хоҳ Булғорияда, хоҳ Арабистон, Исроил, Россия ёки Иссиқкўл, Мўйинқум, Жалпоқ-соз, Узун Чот, Мирзачўл, Бетпақдала ёхуд Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистоннинг қандайдир узоқ бир овули (айили), қишлоғи, хонадони, оиласида кечмасин, бу воқеа-ҳодисаларнинг барчаси ўзининг хос жиҳатлари, фавқултабiiйлиги, ранг-баранг бўёқлари, антиқалиги билан ҳаммага тушунарли бўлади.

Аммо шу билан бирга, «Қиёмат»да тасвирланган шундай жиҳатлар ҳам борки, булар барчага, маълум, тушунарли сабабларга кўра, бирдай тушунарли бўлмаслиги ҳам мумкин. Марказий матбуот саҳифаларида босилиб чиққан аксарият танқидий мулоҳазаларда худди ана шу нарса, муаллифнинг асл муддаосини бутун теранлиги билан англаб етмаслик ўзифодасини топган. Чунончи, Ч. Айтматов христиан диний замирида (Инжил) туғилган Иисус Христос воқеасини ҳикоя қилар экан, ярим Худо ва ярим

Инсон қилиб тасвирланган Иисус Қуръонда Исо Масих номи билан юритиладиган пайғамбар эканлигини яхши билади. Ҳар икки диний манбада ҳам уларнинг каромати тирилиш (тирилтириш) билан боғлиқ. Чунончи, христианлар «Иисус воскрес» — «Иисус тирилди» десалар, ислом ривоятларига кўра Исо пайғамбар — Масих, ўлганларни ўз сеҳрли нафаси билан қайта тирилтиради. Бироқ икки диний маданият ва ривоятларда бундай муштарак хусусиятлар ва аломатлардан ташқари, у (Иисус, Исо) бир хил илдизга эга бўлган тамомила мустақил сиймо. Бинобарин, ёзувчи Иисус ҳақидаги соф христиан персонажини таҳлил қилар экан, у мавжуд диний манбаларни ўбдон чуқур ўрганган. Бироқ Ч. Айтматов, турган гап, қандайдир дин ҳомийси, илоҳиётчи ёки «янги худо изловчи» эмас, балки инсоншунос адиб сифатида иш кўрган ва Марям ўғли Иисус образини яратган. Чунончи, у бутун бошлиқ Инжилдан атиги бир кичик парчада берилган маълумот асосида катта адабий тимсол ва унинг атрофида ғоят чуқур ҳаётий фалсафа яратган. У Иисуснинг илоҳий ва инсоний, тарихий ва замонавий моҳиятини очишга ҳаракат қилган. Булар барчаси ўзларини насроний (христиан) маданиятига мансуб деб билган кишиларга, шубҳасиз, тушунарли. Ислом оламига эса одам-тангри қиёфасида талқин қилинган Иисус Христос ва унинг қавми яхши маълум эмас. Бироқ бу ерда яна бошқа бир катта ҳақиқат ҳам борки, Чингиз икки тилли адиб бўлиши баробарида, икки маданиятли зуллисонин ҳамдир. Масаланинг бу тарафи яна аҳамиятли. Зеро, Чингиз Иисус Христос талқинида Исо алайҳиссаломга дахлдор «баъзи» нарсаларни ҳам хийла йирик ва чуқур тарҳда бўрттириб беради. Чунончи, тангри таоло бани одамни ўз шаклида ясаганлиги, инсон — Парвардигорнинг ердаги сояси эканлиги ва ҳоказоларни эсланг. Шарқда шундай бир янги

диний маслак (сўфизм) пайдо бўлган эдики, уларнинг «аналҳақ» («мен — худоман») деган даъволари расмий диний ақидаларга тамомила зид келганлиги учун Боязид Бостомий, Имодиддин Насимий, Бобораҳим Машраб дин пешволари томонидан қатл қилинган. Масаланинг бу каби тағдор, нозик нуқталари ҳаммага ҳам тушунарли бўлмаслиги ўз-ўзидан аниқ.

«Ўтқир ёзиш услуги... шундан иборатки,— деб ёзган эди Людвиг Фейербах ўзининг «Диннинг моҳияти тўғрисида сабоқлар» асарида,— у ўз ўқувчиси-ни ҳам ақли бор деб талқин қилади, ҳамма нарсани айтиб қўймайди. Бу қоида аҳамиятга эга бўлиб, фикр қилиниши мумкин бўлган муносабатлар, шарт-шароитлар ва чеклашлар ҳақида ўз-ўзига айтишни ўқувчига ҳавола қилади».¹

Езувчи турли тарихий даврлар, замонлар, таълимотлар, тақдирларни бир-бири билан боғлайди. Ч. Айтматовнинг мақсад-муддаосини тўғри ва мукаммал тушуниш учун адиб даражасида юксак маданиятга ворис ва шундай билимга эга бўлиш керак. Агар мунаққид ёки китобхоннинг воқеалардан воқифлик даражаси паст бўлса, бунинг учун муаллифни... айблаб бўлмайди. Чингиз Айтматовнинг ижоди — янгича тафаккур тарзининг самараси ўларок, ўзига нисбатан онгли муносабат, идрок, савия ва юксак маданият соҳиби бўлишни талаб этади. Унинг асарларига кўҳна адабий-назарий чорчўбалар, қуруқ, ўлик андазалар асосида ёндашиб бўлмайди. Албатта, бу адибнинг фикрига, унинг мавқеига муқаррар равишда, ҳеч бир эътирозсиз, кўр-кўрона қўшилавериш керак, деган маънони асло англамайди. Шубҳасиз, ўқувчининг ўз нуқтаи назари бўлиши,

¹ Қаралсин: В. И. Ленин. Тўла Асарлар тўплами. Т., «Ўзбекистон» нашриёти 1977, 29-жилд, 64-бет.

унинг эътиқоди ва ғоявий дастури муаллифниқидан қисман ёхуд бусбутун фарқ қилиши мумкин. Бу табиий. Адиб ўз қарашларини ҳеч кимга зўрлаб тиқиштирамайди. Лекин одоб ва маданият шуни тақозо этадики, ёзувчининг ўй-нияти, иродаси, эътиқодини инкор этишдан олдин, уни тинглашга, уқишга, тушунишга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқ.

Социалистик реализм адабиётининг синфийлиги ва фирқавийлиги ҳақидаги қарашлар асосида шу қадар кўп ва хилма-хил асарлар майдонга келдики, булар орасида ҳаётни бутун мураккаблиги, зиддиятлари, ойдин ва соя томонлари билан ёритувчи нарсалар қаторида чекланган, бир ёқлама назарий ақидаларни олдиндан «берилган» дастур сифатида қабул қилиб, ҳаётда учраб турадиган номатлуб ҳодисалар, нуқсонларни хаспўшлаб, безаб, пардозлаб юзаки ёзилган ишлар ҳам сон-саноқсиз. Ҳеч кимга сир эмаски, ана шундай уруғлаб кетган мадҳиябоз китоблар асосида қарор топган «муайян китобхон сиймоси» ҳам етишиб чиқди. Бундай адабий талқиндаги қаҳрамон турғунлик даврининг талаб, майл ва руҳиятини ҳам ўзида тўла-тўқис акс эттириши ўз-ўзидан равшан. Чекланган тафаккур, ақидапарастлик, шахсга қуллуқ қилиш руҳида кечган давр адабий қаҳрамонлари ҳам ўз тимсолларига содиқ эдилар. Янги давр адабиёти, жумладан, Ч. Айтматовнинг қаҳрамонлари эса совет кишиларининг ўй-фикрлари ва мафкурасини чинакам ҳаққоний тарзда ўзида акс эттиради. Бу адабиётда қаҳрамонлар фақат ижобий ёки фақат салбий эмас, балки ҳаётини ўлароқ, тирик инсонга хос матлуб ва номатлуб томонларни ўзида мужассамлаштиради. Чунончи, бунда баъзан муайян бир образнинг «ижобий» ёки «салбийлигини» ажратиш ҳам қийин бўлиб қолади. Масалан, «Олтовлон ва еттинчи» қиссасининг еттинчи вакили Сандро жангда мағлубиятга учраган баҳо-

дирларни «буйруққа кўра» туйқусдан отиб ташлар экан, гарчи у ўз бурчига содиқ қолса-да, ўқувчида ички норозилик туйғуси пайдо бўлади. Виждон азобида ўша Сандро ўзини отиб ўлдирганида эса китобхон хайрихоҳлик билан уни «тушунади».

Авдий Каллистратов — диний-семинарчи. У «замонабоп» янги худо кашф қилмоқчи. Бироқ Иисусни ўз қавмлари қабул қилмай қатл этиб, сўнгра унга эргашиганлари, унинг хунини ўзларига қабул қилиб имон келтирганлари сингари, Авдийни ҳам эски черков ақидалари таъқиб этиб, янги жамият ҳам ундан юз ўгиради. Авдий ўзининг соддадил, эзгу, пок ўй-ниятлари билан черковга ҳам, ҳаётга ҳам сиғмайди ва ҳалокатга учрайди.

Чингиз Айтматов асарларида қаҳр ва муҳаббат, висол ва ҳижрон, соғинч ва ўкинч туйғулари бири бири билан мураккаб бир тарзда, тасдиқ ва инкор, эътироф ва эътироз шаклларида қўшилади ва фарқланади. Адибнинг услубида тасвирланган воқеаларнинг табиати ва шаштига қараб майинлик ва жўшқинлик сезилиб туради, баъзан оддий, жўн нарсалар талқинидан ҳам катта фалсафа ва ҳикмат унади. У чизиқлари, ҳажм, вазн, сиғим, қабат, қатлам ва томонлари аниқ кўриниб турган жонли ва жонсиз ашёларнигина эмас, балки тамомий абстракт тушунчалар, ҳис-туйғулар, ранг-бўёқлар, маънолар, мусиқа, боқишлар, юз-кўз ифодалари, булутлар, ҳаво, сув, буғ, туман, булут, ҳатто кишилар ва ҳайвонларнинг номларини ҳам ажиб бир тарзда турлайди, «тасвирлайди». Булғор хор капелласининг қўшиқларида сеҳрли оҳангларнинг «оқиши» билан «Олтовлон ва еттинчи» қиссасидаги ўзига хос гуржи қўшиқлари ва «ватан» тушунчасининг талқини-ю таърифини эсланг. Ватан нима эканлигини ҳеч ким бу қадар содда ва аниқ таърифламаган. Чингизнинг «қўшиқлари»ни — бу хоҳ қирғиз «обони» бўл-

син, хоҳ қозоқ ўлани бўлсин, хоҳ хиргойи бўлсин, хоҳ марсия ёки муножот бўлсин, биз дарҳол бошқаларникидан фарқлаймиз. Булар қўшиқ ҳақидаги қўшиқ янглиғ мунгли, маъноли, туйғули жаранглайди.

«Қиёмат» романининг ўзбекча таржимаси чоп этилиши муносабати билан «Шарқ юлдузи» журналхонларига ёзган дастхатида муаллиф: агар сиз китобхонлар қалбида ва онг-шуурида менинг асарим янги туйғу, янги кечинмалар, янги ўй-фикрлар уйғота олса, мен мамнун бўлардим, дейди. Бу билан Чингиз оға ўз асарининг ўзга лисоний либосда, ўзбек тилида янги талқин этилишига умид боғлайди. Зеро, аслият билан унинг бошқа тилларга қилинган таржималари бир-бирига мутлақ тенг бўлолмайди. Мантиқан олганда ҳам, бу асосли ҳукм. В. И. Ленин «Фалсафа дафтарлари»да Ҳегелнинг «Бири иккинчиси билан айнан бўлган нарса йўқ», деган сўзларини қайд этади.¹ Шунингдек, Лассалнинг Ҳераклит фалсафасига бағишланган китоби мутолаасида қадимги юнон файласуфининг: «Айни бир дарёнинг ўзига икки марта тушиш мумкин эмас», деган машҳур таърифини эслатар экан, Ҳераклитнинг шогирди Кратил бундан ҳам ошириб ва далиллаб: айни бир дарёнинг ўзига бир марта ҳам тушиб бўлмаслиги (чунки баданнинг ҳаммаси сувга ботгунча у аввалги сув бўлмай қолиши) ҳақидаги фикрни айтганлигини иқтибос келтиради.²

Чингиз Айтматов рус ўқувчисининг тайёргарлиги, билим ва воқифлик даражаси, руҳий ва маънавий оламини ҳисобга олган ҳолда романини рус тилида ёзди. Асар рус ва русийзабон китобхон билан тамомила ўзига хос бир алфозда мулоқот қилади.

¹ В. И. Ленин. Тўла Асарлар тўплами, 29-жилд, 126-бет.

² Уша китоб, 329-бет.

Китобни ўзбек тилига ўгирган Иброҳим Ғафуров уни «айнан ўзидай» етказишга киришганида, у ҳайратомуз яхши ният билан ўзини олдиндан мағлубиятга дучор қилган бўлур эди. Бинобарин, у бундай қилолмасди. Негаки, унинг таржимаси энди тамомила бошқа тарихий ўтмишга эга бўлган, асрлар мобайнида ўзгача маънавий ва руҳий камолот пиллапояларини босиб ўтган муҳит кишиларига бағишланаётганини чуқур ҳис этиб туради. Айни вақтда романни қирғизчага ўгирган Ҳошим Жақипбековнинг ҳам олдида ғоят мушкул вазифа турар эди: қирғиз адабининг асарини рус тилидан қирғизчага ағдариш, бир-биридан тамомила фарқланувчи насроний, яхудий, қозоқ, рус, булғор, гуржи маданиятлари, диний ва ҳаётий воқеликлар, афсона ва ривоятлар қоришиб, баъзан айқаш-уйқаш бўлиб кетган бу мураккаб, зиддиятли, чуқур романни асл «қирғизча» манбага қайтариш лозим эди. «Қиёмат» романининг русча асл нусхасини унинг ўзбекча ва қирғизча таржималари билан чоғиштириш шуни кўрсатдики, ҳар уччала талқин ва таржима бир-бирига қанчалик мувофиқ бўлса, худди шу мослик чегарасидан бошлаб бир-бирларидан муайян даражада фарқ қилади.

Таржима санъатида моҳият эътибори билан бир-бирига зид икки хил таърифни биламиз: биринчи даъво шундан иборатки, асл таржима аслиятнинг ўрнини босиши эмас, балки унга йўл очиши, унга ҳавас уйғотиши керак. Бошқача айтганда, олайлик, «Қиёмат»ни ўзбекча таржимада ўқиган киши унинг русча аслияти билан танишишга интилсин. Иккинчи даъво шуки, аслиятнинг чин маъноси таржимада очилади, бошқача айтганда, асарга чинакам холис баҳо бериш учун уни бир неча тилларга қилинган таржималарда ўқиб кўриш лозим. Бинобарин, русча «Плаха»га баҳо бериш учун уни, айтайлик, ўзбекча, қирғизча ва бошқа тилларга қилинган таржималар-

да ўқиш керак. Зоҳиран бир-бирига зид ҳолатда таърифланган бу даъволар айни ҳолда мақбул, бир-бирини тўлдирувчи ва бир-бирини ҳатто тақозо этувчи омилга айлангандай кўринади бизга. Зотан, «Қиёмат» ўзбекча таржимада ўз алфози, иборасозлиги билан қанчалик тафовутли бўлса, русча аслиятнинг руҳига, муаллифнинг мақсад-муддаосига, зоҳирий ва ботиний маъноларига шунчалик уйғун, шунчалик ҳамоҳанг, шунчалик яқин.

Айни вақтда, ўзбекча таржима қанчалик ишонарли, мукаммал, нафис-гўзал бўлиб кўринмасин, — ахир, аслият ўзи ёзилган тилда таваллуд топади-ку, ўша ўзи дафъатан ёзилган тилнинг бағрида униб-ўсиб чиқади-ку, шу маънода у ҳақиқатан ҳам такрорланмас ва битмас-туганмасдир. Бинобарин, асарни асл русчада ўқиш қанчалар мароқли ва фарахли эканлиги шак-шубҳасиз. Таржима мантиқи буни инкор этмайди. Ҳозирги бизнинг икки тилли ва кўп тилли китобхоннинг бахти шундаки, у, таъбир жоиз бўлса, ҳар қандай лисоний маҳдудлик ва мумтозлик иллатидан батамом холи ўлароқ, муайян миллий тилларда ва рус тилида яратилган бебаҳо бойликларни асл нусха тилида ҳам, таржималарда ҳам ўқий олади, баҳолай билади. Аслият таржимани тақозо этади, таржима эса аслиятни тўлдиради, бойитади ва, маълум маънода, уни давом эттиради...

Ҳар бир таржима қилинаётган асарга мутаржим айни асарга мос услубий калит тополмаса, уни ўгириб бўлмайди. Балки ўгириб бўлар ҳам — бундай ишлар тўлиб-тошиб ётибди — бироқ бу муаллифга, унинг асарига ё тақлид, ё ўхшатма, ё сохтакорлик, ёки баъзан ҳатто тухматга ўхшаган бир нарса бўлиб чиқади.

Иброҳим Гафуров, Ф. М. Достоевский, Эрнест Хемингуэй, Ги де Мопассан, Нозим Ҳикмат, Уильям Фолкнер сингари жаҳон ва рус классик адабиёти-

нинг забардаст намояндалари яратган асарларни ўзбек тилига ўринлатиб таржима қилган, лекин ўзининг бутун тажрибаси ва иқтидорини қанчалик сифарбар этмасин, Чингиз Айтматовнинг «Қиёмат» романи таржимасига келганда ожиз бўлиб қолди. У асарни бир неча марта мутолаа қилди, айрим бобларни, «чиқмаётган» ўринларини овоз чиқариб ўқиди, изланди, изтироб чекди. Ниҳоят, пухта ҳозирлик кўрилгандан сўнг, асарни яна ҳам ишонч ва қатъият билан ўгиришга киришди. Тағин иш юришиб кетмади. Бунинг сабаби, «Қиёмат» — «одатий» асарлардан эмас, муаллиф ижодида ҳам мисли кўрилмаган бир янгилик эди. Унда макон ва замон, табиат ва инсон, жамият ва шахс, жисм ва рух, парвардигор ва банда, осмоний ва заминий ҳодисалар талқини ниҳоятда бир-бирига чирмашиб кетган. Бу ерда руҳоний билан диний маскан талабаси, чорвадор билан бедиянат кашанда, пайғамбар билан шаккок, хиёнаткор майхўр билан тақводор художўй одамлар, инсон қиёфасидаги ожиз-у, хор-у, нота-вон-у, бехонумонлар тасвирланади. Булардан ҳар бирининг ўз ички тийнатиغا мос таъриф, ном, сифат, оҳанг, феъл, равиш-рафтор, атамалар, ранглар, овозларни илғаш, топиш керак. Одамлар бўриларга уларнинг хатти-ҳаракатлари, сифати ва феъл-атвориغا қараб «Тошчайнар» ва «Акбара» деб ном беришган. Ўз навбатида, она бўри Акбара ҳам болаларига гўё ўзича ном беради: Хумкалла, Илдам, Суюн. Бу сингари атамачиликда, маънавиёт, таъриф-тавсифда наҳв (синтаксис) ва услубда Чингизнинг бадий тахайюли чегара билмайди. Буларнинг барини бошқа лисоний иқлимда, оқизмай-томизмай, ўшандай чингизона маҳорат билан етказиш, фақат етказишгина эмас, ифодавий топқирлик, зийраклик, яратувчиликдан ташқари, яна бир жасорат керак: ахир, таржимон муаллифнинг (хатто Чингиздай му-

аллифнинг ҳам!) ғуломи эмас, балки ўз номи билан — ижодкор! У муаллифга мутеълик билан кўркўрона эргашмайди, сўзни сўз билан, миқдорни миқдор билан, ҳажмни ҳажм билан тўлдирмайди. Балки маънони маъно билан қоплайди. Ҳар қадамда услубий-ифодавий, мантиқий-маъновий душворликларга дуч келганида: «Шундай ҳолда Чингиз оға ўзбек тилида қандай тадбир қўллаган бўларди?» — қабилда иш кўриб, дадил ва ўктам қалам тебратади.

Бироқ таржимон ҳар қанча пешонаси етти қарич дўнг ижодкор бўлмасин, унинг эркинлиги берилган аслият ва у билан белгиланган майдондан ташқарига чиқолмайди. Ҳар қанча санъати ва маҳорати бўлса, марҳамат — буни асар чегарасидан чиқмаган ҳолда намойиш этмоғи лозим. Бас, аксарият, таржимоннинг ижодкорлиги тил соҳасидаги яратувчилиги билан белгиланади ва баҳоланади. Аслини олганда-ку, бунинг ўзи, яъни тил соҳасидаги ижодиёт ҳам ишнинг кўзини билган таржимон ихтиёридаги кичик имконият эмас. Лекин сидирға сўзма-сўз таржима билан тилни бойитиш эмас, балки... бузиш мумкин. Агар шундай бир кўп жилдли антиқа, ноёб, мисли кўрилмаган адабий-тарихий изоҳли луғат тузилсайдики, унда тилимизнинг даврий маъновий ўзгаришлари акс этсайди. Айтайлик, бундай луғат Навоий замонидан бошлаб ҳозиргача тилимизда акс этган беш асрлик жамики лисоний ўзгаришларни ўзида ифода этсайди. Ана ўшанда биз ўзбек тилининг қанчалик ростакам ва сохта «бойиганлиги» манзарасини кўриб ёқа ушлаган бўлардик. Ва бундай бениҳоя хайрли ва бениҳоя беҳосият жараёнда айнан таржимачилик ишининг жуда катта хизмати ва жуда катта хиёрати борлигига сўзсиз иқроп бўлардик.

... Таржима тилни бойитади, деймиз. Бундай таъриф исботга муҳтож эмас. Бироқ қайси бир таржимо-

нимиз ёхуд қандай таржима асари тилимизни нечоғлиқ, қай бир янги сўз, ибора ёки грамматик таркиблар билан бойитганини аниқлашга гал келганда, бу нарса жуда мушкул эканлиги дарҳол маълум бўлади.

«Қиёмат» романида *жавониб, арлон, батн, талогум, харосон, қамғоқ, сарасоф, таваккул, шўбон, жиҳод, мағфират, зуҳурот, тонук* сингари сўзлар ҳамда *телбаворий, сас-сабар, қазову-қадар, қийлу-қол, жадидона фикр, маврусий қараш, руҳоний улум, ошиқи ҳурмзада, тавқи лаънат, худованди карим, адам мулки, ҳалоқунинг итидай каби сифат ва сўз бирикмалари, сарахбор, муножот, муғаннийга ўхшаш мусиқа атамаларга дуч келамиз. Бу каби сўз ва бирикмаларнинг жуда кўпчилиги ҳатто ҳозирги ўзбек тилининг изоҳли луғатида ҳам акс этмаган. Демак, таржиманинг тили, бадий-тасвирий воситалари бизнинг нуфузли нашрда чиққан икки жилдли луғатимиздан кўра бойроқ. Фавқулодда бир ҳолнинг шоҳиди бўламиз. Башарти, бадий ижодда, жумладан бадий таржимада фақат мавжуд луғатларимиз қайд қилаётган ва тавсия этаётган сўзлар билангина иш кўришга тўғри келганида, — хайриятки, шундай эмас! — биз бугунги кунда, бундан олдин бир карра зикр этилганидай, жаҳон адабиёти, рус ва қардош халқлар адабиётларидан энг сара асарларни, эҳтимол, биронта ҳам салмоқдор китобни ўзбек тилига ўгиролмасдик, ўзбек адиблари эса ўзларининг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», «Кеча ва кундуз»; «Навоий», «Қутлуғ қон», «Шум бола», «Сароб», «Қўшчинор чирроғлари», «Улуғбек хазинаси», «Юлдузли тунлар», «Мирзо Улуғбек», «Елвизак» сингари юзлаб бадий дурдоналарни ёза олмаган бўлур эдилар.*

Иброҳим Ғафуров «Қиёмат» романини ўзбек тилида қайта яратиш учун бугунги расмий, китобий-жаридавий луғавий бисот билан чегараланиб бўл-

маслигини тушунган, чуқур инсоний, руҳий изтироблар, катта фалсафа, мураккаб, чалкаш, зиддиятли тақдирлар тасвирида кўҳна тилимиз тарихидан, жонли тил қатламларидан, вилоятларимиз, жумҳуриятимизнинг турли ноҳия ва қишлоқларида яшовчи аҳолининг гўзал шевалари, турли ижтимоий гуруҳлар тили, жаргонлар, атамалар, лофлар, мажозлар, бозорчи, қиморбоз, деҳқон ва чорвадор, зиёли ва ҳунармандларнинг луғатига хос унсурларни терибертирилган, улардан жоиз фойдалангани боис, таржима имкониятлари жилва кўрсата бошлади.

Бироқ таржимонимиз қошида сўз ва иборасозликдан ташқари яна камида икки тўсиқ бор эди. Биринчи — Чингизнинг тобора мураккаблашиб, чуқурлашиб, гўзаллашиб бораётган наҳви: бу ерда юзлаб сўзлардан ташкил топган гаплар, тасвир ва манзаралар, бир-бирига мингашиб-қаллашиб кетган жумлаларни иложи борида белини синдирмай, яхлит ҳолатда бериш бўлса (эътироф этиш керакки, қурбонсиз таржима бўлмаслиги ҳақидаги гаплар ва маҳобатлар рост бўлса, — бу эса айни ҳақиқат! — Иброҳим Ғафуровнинг қурбонлари кўпроқ ана шу бадий наҳв бобига тўғри келади), иккинчиси, ўз хусусиятига кўра бундан қолишмайдиган жумбоқ — айни асарнинг жудаям ўзига хос оҳанги, мусиқаси, жарангини беришда ўз ифодасини топадики, бусиз таржима ҳарчанд пухта бўлсин ҳамки, қиёмага етмайди, чалаюлуқ бўлади. Русча гўзал «Турналар» қўшиғининг ғоят ўзига хос миллий куйи, оҳанрабосини ўзбекча ғоят таъсирчан, мунгли «Муножат»имиз йўлида ифодада бўлмагани сингари, «Қиёмат»да асарнинг бошидан-охиригача ягона жарангос билан қуйилиб оқадиган оҳанг оғушида турли мавзулар, воқеалар, жўғрофий, тарихий ва ижтимоий муҳитлар тавсифи тақозоси билан бир-бирдан жиддий фарқли ҳолда идрок этиладиган мусиқавий садоларнинг уйғунли-

ги, хослиги ва бетакрорлигини қайта яратиш ҳам жўн иш эмас эди.

Чингиз Айтматов ўзбек халқига жуда кўнгли яқин ёзувчи. У қўли қадоқ халқимизнинг тақдир ва қисматиغا муносабатдош, унинг бахтига сарафроз, ташвишларига тенг шерик, мусибатига қайғудош. Ўзини ўзбекка ўзбекнинг ўз фарзандидай яқин олади. Ўзбек халқи ҳам Чингизнинг асарларида умумтуркий оғзаки ижод мотивлари, Манас билан Алпомишнинг қон-қариндошлигини, қалбан, руҳан яқинлиги билан бирга, қадимий адабиётимиздаги ўлмас образлар, ғоялар, оҳанглар таъсирини кўриб қувонамиз. Улуғ Навоийнинг «Лайли ва Мажнун»идаги чуқур руҳий кечинмалар, Мажнуннинг одамлардан бешиб, тоғларга бош олиб кетиши, у ерларда йиртқич, ёввойи ҳайвонлар билан дўст тутиниши ҳақидаги ғоят таъсирчан манзаралар билан «Қиёмат»даги Акбара ва Тошчайнар тасвиридаги узвийлик, муштараклик, ворисийлик ва давомийликни кўрамиз. Ч. Айтматовнинг Исо алайҳиссаломни билан танишар эканмиз, кўз ўнгимизда қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар дарбадар кезган, ўзининг масиҳий ҳақ сўзи учун бошини дорларга қўйган буюк жабрдийда шоир, девонаи Машрабимизнинг аччиқ тақдири ҳамда, бир яхши замондош шоиримизнинг образли таъбири билан айтганда, «саҳар чоғи Машраб бўлиб келаётган сарпойчан Ўзбекистон»имизнинг бугунги манзаралари, жумҳуриятимиз бугунги одамларининг тақдир ва қисматлари кўз ўнгимиздан бирмабир ўта бошлайди.

V ФАСЛ

A decorative floral frame with intricate scrollwork and floral motifs, surrounding the central text.

**ТАФАККУР
ВА ТИЛ**

(Таржима маъноси ва
маъно таржимаси)

Тил ва таржима баҳси муштарак ва ўзига хос жиҳатларга эга. Бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Ҳатто бир-бирини тақозо этади. Аммо ҳар қандай ҳолда ҳам, тил — асос, таржима — ҳосила. Чунки тил, таржимасиз ҳам, ўзи мустақил мавқега эга. «Тилсиз таржима»ни эса тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳар қандай таржима тил негизида яратилади. Бироқ тилдан холи таржима йўқ.

Бовужуд, негиз ва ҳосила хусусида гап борганда, «бирламчиси» (негиз) — тил муҳим, «иккиламчиси» (ҳосила) — таржима номуҳим деб қараш жоиз эмас. Бу жамият тақдирида хунук оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Ҳаётда, биздаги кўпмиллатлик ва кўптиллик шароитида, хусусан кейинги вақтларда шундай бўлди ҳам.

Шевалардан — миллий тилларга, миллий тиллардан — уюшиқ («зонал») тилларга, уюшиқ тиллардан — ягона умуминсоний тилга чиқиш андазалари изчиллик билан юқоридан жорий этила бошлади.

Ижтимоий ҳаёт тарзининг барча соҳаларида, таълим-тарбиянинг бемустасно ҳамма босқичларида жамики халқларнинг «Пўлат доҳийси» томонидан белгилаб берилган бу «темир қонун»ни зўр бериб амалга оширишга киришилди. Наинки миллий тиллар, кенг маънода, барча миллий қадриятларни, «бизники» ва «нобизники» тарзида, аста-секин саралашга, чеклаб қўйишга ҳаракат қилинди.

Аҳвол шунга бориб етдики, мамлакатимизда ҳамма тилларнинг тенглиги ва дахлсизлиги ҳақида тинмай гапирган бўлсак-да, амалда нуқул «миллатлар-

аро тил»ни сингдириш сиёсатини зўр бериб ўтказиб бошладик. Бундай майл жуда кўп миллий тилларнинг шўрини қуритган ҳолда, аслида, холисанлилоқ айтганда, ўша миллатлараро алоқа воситаси ҳисобланмиш рус тилининг ўзига ҳам жиддий лат етказди. Унинг ўзи ҳам «уюшиқ тил» бўлишдан кўра, кўпроқ қоришиқ, қурама бир тилга айланиб қолиш хавфи туғилди.

Тил сиёсати соҳасида ҳаммавақт ҳар хил майлларга берилишлар ҳукм суриб келади. Бизда «тиллар дарёси» ҳеч қачон сокин оққан эмас. Сув, қачон қараманг, гоҳ у соҳилга, гоҳ бу соҳилга урилиб, чайқалиб, лойқаланиб туради. Тил тараққиёти масалалари билан шуғулланган ҳар бир киши шуни пайқамай қолмайдики, хоҳ алифбо, хоҳ луғат, хоҳ атамачилик жабҳаларини олиб қарамайлик, биз ҳар бир даврда ё эллик йил ортга қайтамиз, ё эллик йил олдинга қараб йўртамыз. Масалан, биргина алифбо масаласида бир неча минг йиллик ёзувларга эга бўлган ўзбек тили совет ҳокимияти даврида, атиги ўн олти йил орасида, уч хил (араб-лотин-рус) алифбо либосларини алмаштирди!.. Натижада, бора-бора ҳаётий илдизлари, имкониятлари ва қўлланиш доираси чеклаб қўйилган, ҳатто минг йиллар мобайнида амал қилиб келган ўз алифбосидан маҳрум этилган аллақанча миллий тиллар, жумладан ўзбек тили ҳам, бутуниттифоқ миқёсида, мисли кўрилмаган, баайни ўзига хос бир «миллий шева»га айлана бошлади...

Тил — алоқа воситаси, деймиз. Бу жуда қамровдор таъриф. Ҳар бир элат, халқ кишилари-ку бир-бирлари билан ўзаро, асосан, она тилларида сўзлашадилар. Хўш, турли халқ, ҳар хил миллат одамлари-чи? Уларнинг бир-бирлари билан мулоқотга киришиши қандай бўлади? Халқлар бир мамлакатда яшаб туриб, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, мада-

ний алоқалар ўрнатмасдан, ўз қобигига бурканиб яшай олмайдилар-ку.

Миллатлараро алоқа ўрнатиш, уларни бир-бири билан боғлаб туришнинг икки самарадор воситаси мавжуд эканлиги аниқланди.

Бири эл-элатлар, халқлар, миллатларни ушлаб, бир-бири билан уюштириб, ҳатто уларни ўзаро уй-ғунлаштириб, сафарбар этиб турувчи муштарақ бир тил танлаш. Иккинчиси эса азалдан синаб келинган усул — таржимадир.

Миллатлараро алоқа воситаси бўлишдек фавқулодда оғир ва масъулиятли вазифани, ҳаққоний равишда, рус тили ўз зиммасига олди. Бунинг тарихий, лисоний ва ижтимоий-сиёсий сабабларини шарҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Бу тўғрида ҳаддан ташқари кўп гапирилган, кўп ёзилган.

Бироқ рус тилини бирёқлама, зўр бериб тарғиб ва ташвиқ қилиш, изчиллик билан тадбиқ этишга берилиб кетиш ўзига хос бир чигалликни кўндаланг қилиб қўйди. Хўш, бу кетишда юзлаб бошқа тилларнинг тақдирини не кечади?

Бу муаммога ҳам жавоб топилгандай бўлди: зуллисонийлик (иккитиллилик) ва кўптиллилилик. Масалан, рус-ўзбек иккитиллиги, ёхуд, олайлик, рус-ўзбек-тожик учтиллиги... Ва ҳоказо. Башарти, мана шу сиёсат оғишмай, тўғри амалга ошириб борилганида, лисоний меъёрлар миллий тиллар зарарига қўпол суратда бузилмаганида, бугунга келиб, тил масаласи бу қадар кескин тус олиб кетмаган бўлар эди...

Рус тилининг обрў-эътибори беҳад ортиб кетганлиги, аслида, табиий ҳол. Давр тақозоси. Мамлакат ичкарасида ҳам, ташқи давлатларда ҳам юзлаб миллатлар билан муомалада рус тилига таянилади. Аммо тил сиёсатида жиддий бир камчиликка йўл қўйилди. Ҳозир бу нуқсонни эътироф этишимизнинг ўзигина кифоя эмас. Унинг тагин рўй бермаслиги

учун (биламизки, ҳар қандай иллат ҳам, афсуски, такрорланишга мойил бўлади), бу хусусда тўхташга тўғри келади.

Ҳар бир халқнинг, жумладан, айнан русларнинг ўзлари ва ўзбекларнинг ҳам, бошқа тиллар асоратидан қутулиш, тил мустақиллигини қўлга киритиш, ўз тилини йўқотиб қўйиш хавфидан қутулиш сари олиб борган кураши тарихи шундан далолат берадики, бошқа тилларга кириш ўз она тилидан чиқиш ҳисобига бўлмаслиги шарт.

Иккитиллилиқ ҳамда кўптиллилиқ сиёсати ва амалиёти, ҳар қандай хорижий тилни ўрганиш мунтазам равишда она тили негизда олиб борилган тақдирдагина тиллараро мувозанат сақланади. Акс ҳолда миллатлараро тилнинг миқёси кенгайиб ва чуқурлашиб, у билан алоқага киришган тилнинг жўғрофий, ижтимоий-сиёсий мавқеи пасайиб кетади. Оқибатда у нари борганда «оила-рўзғор тилига» айланиб қолади.

Ўзбекларда «дин кетса кетсин, имон кетмасин», деган гап бор. Азал-азалдан маълум: тил кетса — дил кетади, дил кетса — имон кетади, имон кетса — миллат кетади, миллат кетса — ҳамма нарса кетади... Зотан, миллатсиз халқнинг ўзи йўқ. Шунингдек, тилсиз миллат, миллатсиз тил бўлмайди.

Шундай қилиб, кўпмиллатли мамлакат шароитида халқларнинг ўзаро мулоқотида икки восита — миллатлараро алоқа тили билан таржима қарор топган экан, буларнинг қай бири устун ва афзалликка эга?

Аслида, масалани бу тарзда қўйгандан кўра, улардан ҳар бирининг ўзига хос жиҳатлари, ўз афзалликлари ва ўз кемтик жойлари борлиги, бу икки воситани қўшиб, уйғунлаштириб олиб бориш зарурати ҳақида гапириш ўринли бўлар эди.

Рус тили, турли миллат кишиларини мамлакат

ичкараси ва хориж билан боғлайдиган воситачи, «умумиттифоқ таржимони» сифатида қулайликларга эга. Айниқса, амалий фаолиятда бу имкониятдан, зуллисонайнлик ва кўптилликдан меъёрни бузмаган ҳолда фойдаланиш катта самара беради.

Таржима масаласига келганда, бу шундай воситачи, уни бошқа бирон нарса билан алмаштириб бўлмайди. Миллатлараро тил муомала мақсадларига хизмат қилса, таржима ана шу муомаланинг натижаларига муайян қиёфа бағишлайди.

Биз турғунлик даврида миллатлараро тилнинг нуқул мислсиз фазилатлари ҳақида гапирдигу, лисоний меъёрлар бузилганида унинг бошқа миллий тиллар тараққиётига тўсиқ бўлиб қолиши мумкинлигини ё кўрмадик, ё воқеалар жараёни атайин шунга қараб йўналтирилди...

Таржиманинг афзаллиги шундаки, у миллий тилларни чинакамига бойитади, миллий маданиятларнинг байналмилал негизларини мустаҳкамлайди, миллий адабиётларга янги гоёлар, оқимлар, бадиий тасвир воситаларини олиб киради. Таржима муайян бир халқ, муайян бир тил, муайян бир маданият манфаатларига хизмат қилиб қолмайди, балки таржимавий мулоқотга киришган барча халқлар, тиллар, маданиятлар равнақиға залворли ҳисса қўшади. Бунда бирёқлама миллий маҳдудликка берилиш хавфи йўқ.

Таржима, турган гапки, сарф-харажат, қоғоз муаммолари билан боғлиқ. Давлатга қимматга тушади, деб ўйлайдилар.

Аслида бундай эмас. Таржиманинг беқиёс маънавий хизмати, миллий маданиятлар равнақиға қўшган ҳиссасидан ташқари, у моддий-молиявий тарафдан ҳам қимматга тушмайди. Таржима ўзига сарфланган харажатларни тўла-тўкис қоплашдан ташқари, давлатга моддий фойда етказади.

Хулоса шуки, миллатлараро алоқа воситаси билан таржимачилик иши ўртасида мутаносиблик ўрнатилган, бу икки тадбир тўғри томонга йўналтирилган тақдирда, уларнинг моддий ва маънавий самарадорлиги ошиши бараварида, ҳар иккала восита ҳам турли эл-элатлар ва халқлар ўртасида чинакам қардошлик, дўстлик ҳамда ўзаро меҳр-оқибатни жиддий тарзда яхшилашга хизмат қилади.

Биз байналмилаллик тўғрисида жуда кўп гапирамиз. Ва тўғри қиламиз. Чунки халқлар ва миллатлар ҳамкорлиги бирламчи, ҳаётий зарур аҳамиятга эга бўлиб қолган ҳозирги даврда шовинизм, миллий маҳдудлик, мумтозлик ва миллатчилик халқларни парчаланиб кетишга, парокандаликка маҳкум этади. Мамлакат миқёсида учраб турган воқеалар шундан далолат беради.

Бироқ, ҳамма гап шундаки, байналмилаллик мавҳум тушунча эмас. У бўш-тақир жойда юзага келмайди. Миллатнинг асосини байналмилаллик ташкил этмайди, балки, аксинча, байналмилалликнинг асосида миллат, соғлом, тенг миллий муносабатлар, чинакам халқлар дўстлиги ётади.

* * *

Узоқ йиллар мобайнида мамлакатимиз таржима китоблари нашри салмоғи бўйича дунёда биринчи ўринда туради, деб жар солдик. Аммо уларнинг сифатига баҳо бердикми? К. Маркснинг «Капитал» асари таржимаси ўзбекчада қай аҳволда? «Коммунифест»нинг ўзбекча таржимаси, дейлик, В. И. Ленин Асарларининг ўзбек тилидаги тўртинчи ва бешинчи нашрлари-чи?

Гап Ленинни тўғри таржима қиламан деб, сўзма-сўз ўгириб «аслига тўғрилаб» тўмтоқ жумлалар тузиш ва шу зайл, беихтиёр, ёруғ ва холис ниятга

тескари натижага «эришишда» эмас, балки кучли рус тилини кучли ўзбек тили билан, Лениннинг ихчам, ёрқин ва аниқ ифодаларини бой ва ўткир ўзбек тилида маъновий тенглик асосида равон қайта яратишда. Зотан, таржима — нусха кўчириш эмас, балки қайта яратиш санъатидир. Бинобарин, таржима Ленин тилининг, ўрнига қараб, соддалиги ва мураккаблигини, Ленин ташбеҳлари ва қиёсларининг оддийлиги ва аниқлигини, тафаккурининг чуқурлигини бера олиши лозим.

Ана шундай талаб юзасидан биз, шогирдим Фазлиддин Саидов билан бирга, бир неча йиллар давомида «Фалсафа дафтарлари»нинг ўзбекча таржималарини кўздан кечириб бордик. Хулоса шу бўлдики, бу ўзига хос фалсафий мажмуанинг икки нашри йигирма йиллар олдинги давр ўзбек ўқувчисининг талаб ва эҳтиёжларини муайян бир тарзда қондирди, аммо бугунги куннинг эҳтиёжига тўла жавоб бера олмайди. Эндиги вазифа шуки, кечаги куннинг талаби асосида амалга оширилган мураккаб ва зиддиятли таржима тажрибасидан фойдаланиб, бугунги кун талаби ва савияси маънаеида туриб, асарни қайта нашр этиш эмас, балки қайта ўгириш лозим.

«Фалсафа дафтарлари»да Людвиг Фейербахдан Ленин келтирган иқтибосда дейилади (4-фаслга қаралсин): ўткир ёзиш услубининг маъноси шуки, муаллиф ўқувчини баҳс юритилаётган масаланинг моҳиятидан хабардор, деб ҳисоблаб, унга ҳамма нарсани айтиб қўймайди... Фейербах сўзларининг ёнига, китоб ҳошиясига Ленин — «жуда ўткир гап!»—деб қайд этган.

Ўзбек ўқувчиси учун бутун душворлик худди шу нуқтадан бошланади. Зеро, К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин асарларининг пойдевори — уларнинг ўқ томири, юзлаб, минглаб манбалари бизнинг халқи-

мизга таниш эмас. На Ҳегел, на Фейербах, Адам Смит, Юм, Кант, Авенариус ва бошқаларнинг китоблари ўзбек тилига ўгирилмаган.

Ленин ўта олимона сиполик, фикрни ҳаддан ташқари чувалаштириб, мураккаблаштириб баён этувчилар билан бир қаторда, «авом-фаҳм» қиламан деб, меъеридан ошириб, жайдари услубда ёзувчиларни ҳам танқид қилади. У, айниқса, жиддий масалаларни бачканалаштириб, сийқалаштириб юбориш ҳолларига тоқат қилолмайди. Л. Фейербахнинг юқоридаги фикри қандай ёзиш керакчилигига жуда оқилона жавоб бўлиб, мураккаб фалсафий (нафақат фалсафий) масалалар ҳақида ёзиш руҳи ва мантиқини асослайди. Бу дастур таржима мантиқи ва руҳига ҳам баб-баравар дахлдор бўлиб, муаллиф-мутаржим-китобхон, аслият-таржима муносабатларида олдиндан воқифлик омили қанчалик муҳимлигига яхши далилдир.

Худди шу маънода Ленин асарларининг ўзбекча таржималарига дахлдор бир мулоҳаза. Йигирманчи-ўттинчи йилларда қилинган илк таржималарда аслиятда айтилган фикр оммага тушунарли бўлмайди деган, ўз даври учун жўяли андиша билан хийла соддалаштириб ўгириш майли шундоқ сезилиб турар эди.

Орадан йиллар ўтиши билан, ўзбек китобхонларининг умумий саводхонлик ва маданий даражаси ошиши, уларнинг Маркс, Энгельс, Ленин асарларидан воқифлиги кенгайиши натижасида, аста-секин аниқ-мукаммал таржималарнинг сони орта борди.

Кейинги даврда бошқа бир хавф туғила бошлади. Энди марксизм-ленинизм асосчиларининг қаламига мансуб ҳар бир ишни «айнан ўзидай» таржима қилишга мойиллик пайдо бўлди. Ҳолбуки, таржимон эмин-эркин ўгириш имкониятидан маҳрум бўлган нуқтадан бошлаб ҳижжавий таржима бошланади.

Бундай «садоқат» ва «куюнчаклик» эса ниятга нисбатан акс натижа бериши турган гап.

Таржима ўз табиатига кўра «ташқарига чиқиш» демак. Бир тилдан, бир тафаккур тахлитидан, бир муҳитдан, бир давр ва миллий маданиятдан ташқари чиқиш, бошқа воқелик билан юзма-юз келиш, учрашиш, пайвандлашиш демак. Бунда бизнинг тафаккуримиз учун ноодатий, нотаниш, жумбоқли нарсаларни ўз тилимизга ўгиришда мушкуллик туғилиши табиий.

Иккинчи тарафдан эса, таржима ўз мақсадига кўра «хорижий ҳодиса» эмас, балки хорижий нарсани «ичкарига олиб кириш», уни ўзимизникига, ватан мулкига айлантиришдан иборат жараён.

Ҳар бир таржимон олдида, ҳар гал ана шу икки майлни қўшиб олиб бориш, меъёрни сақлаш, мутлақ ташқарига чиқиш ва мутлақ ичкарига кириб кетишдан ўзини тийиш муаммоси кўндаланг бўлади.

Қадимги юнон файласуфларидан Левкиппнинг қарашларини ўрганаркан, Ленин ёзади: «Единица ва узлуксизлик қарама-қаршилиқлардир» (тўртинчи нашр, 280-бет). Бешинчи нашрда «единица» «бирлик» деб ўгирилган (252-бет). Аммо бу шунчаки миқдорий тушунча эмас, балки фалсафий маънога эга бўлганидан, озарбайжонлар «воҳид» деб олганлари маъқул кўринади.

Ўзбек тилида ҳам шу маънода воҳид, ваҳдат, ваҳдати вужуд, ваҳдати мавжуд, ваҳдоният сингари кўплаб сўзлар қўлланилгани маълум.

Хўш, табиётшунослик илмлари, илоҳиёт, фалсафа ва мантиқда минг йиллар мобайнида қўлланиб келган ўзимизнинг бу сингари жуда кўплаб истилоҳларимиз эскирдими?

Ҳа, кўпи эскирди, унутилиб кетди. Аммо улар, юқорида айтилганидай, «эскириши керак» бўлгани учун эмас, балки билмасликдан, ғофилликдан, биз-

нинг ўз илмий меросимиздан узилиб қолганимиз ва тобора ундан узоқлашиб бораётганимиз туфайли четга суриб қўйилган. Ҳолбуки, ҳозир бизга «янгилик» бўлиб жилва кўрсатаётган кўпдан-кўп илмий, фалсафий, тарихий, адабий тушунчалар, таърифлар, қонуниятлар ҳамда уларни ифодалайдиган истилоҳлар азалдан ўз луғавий бисотимизда мавжуд эди.

Эга бўлмаслик, йўқлик бошқа-ю, билмаслик, гофиллик — бошқа.

Минг йиллик маданий меросга эга бўлган бир халқнинг олимлари, бугунга келиб, ўзларининг азалдан ҳеч нарсага эга бўлмаганига, аждодлари ўтмишда ҳеч қандай салтанат яратмаганига бошқаларни иқрор қилиб ўтириши кўп ғалат.

Тўғри, ўз тарихий меросига эга бўлмаган, маданиятини асосан Октябрь инқилобидан кейин яратган эл-элатлар Оврупо илм-фани негизида туғилган истилоҳотдан фойдаланишлари мумкин. Аммо Ўрта Осиё, Кавказ ва бошқа иқлимларда яшаётган халқлар янги Оврупо фани ва маданияти самаралари билан баробар, кўҳна шарқона сўз ва атамалардан ҳам фойдаланишлари мумкин ва лозим. Зотан, В. И. Ленин ўқиган ҳамда изчил моддиончилик (материалистик) мавқеидан туриб баҳолаган Афлотун (Платон), Суқрот (Сократ), Файсоғурс (Пифагор), Батлимус (Птоломей) ва бошқа ўнлаб кўҳна юнон маданияти намояндаларининг беназир асарларини минг йил муқаддам Абурайҳон Беруний, Ибн Сино, ал-Фарғоний, ал-Хоразмий, ал-Форобий, Улуғбек, Алишер Навоийлар нафақат мутолаа қилган ва шарҳлаган, балки уларнинг таълимотини ривожлантирган ҳамда чуқурлаштирган, ўзлари янги жаҳоншумул кашфиётлар қилганлар. Дарвоқе, фан тарихидан яна шу нарса маълумки, айтини ўша Элли маданияти алломаларининг асарларини беному нишон йўқ бўлиб кетишдан асрашда, бу мислсиз мерос

ни сақлаб қолиш ва уни Оврупога узатишда ҳам, буюк араб олимлари билан бир қаторда, ўрта осийлик машҳур мутафаккирларнинг хизмати катта. Нега бу бебаҳо бойликдан биз ўзимизни маҳрум этишимиз, ундан фойдаланмаслигимиз керак?

Ф. Лассалнинг эфеслик Ҳераклит фалсафасига доир китобини ўқиркан, Ленин қайд этади:

«Гераклитнинг форс теологияси билан, Ормузд-Ариман, сеҳргарлик таълимоти билан алоқаси (ташқи алоқаси) ҳақида бир талай тафсилотлар...» (331-бет).

Китобнинг 712-саҳифасида бунга шундай изоҳ берилган: «Ариман — қадимги форс динидаги худонинг грекча номи бўлиб, бу худо ёвузликни ифодалайди, у ўз биродари — марҳаматли худо Ормузднинг абадий ва мурасасиз душманидир».

Масалани ойдинлаштириш учун аслиятни ва унинг озарбайжонча таржимасини келтирамиз:

«Куча подробностей о связи (внешней) Гераклита с персидской теологией Ормузд-Ариман, с учением магии...» (310-бет).

«Ҳераклитин Ирон теологияси ила, Ҳурмузд-Аҳриман, магия таълими... ила алогаси (хорижий алогаси) ҳаггинда бир йыгын тафарруот» (327-саҳифа).

Аҳриман билан Ҳурмузднинг асл манбаи — форс илоҳиётига бориб тақалади. (Бу номлар Алишер Навоий асарларида ҳам учрайди.) Бас, нега биз Аҳриман билан Ҳурмуздни форсий манбага мос ҳолда эмас, юнонча талаффузда «Ариман», «Ормузд» деб ёзишимиз, соф шарқий манбани ғарбий алфозга кўчириб қабул қилишимиз керак?

Ҳегелнинг «Фалсафа тарихидан сабоқлар»ида Анаксагор фалсафаси бўлимини мутолаа қиларкан, Ленин «столь ославленная мудрость софистов», деган таъбирни қўллайди (242-бет). Тўртинчи нашр таржимасида бу «софистларнинг катта шуҳрат топ-

ган донолиги», деб бузиб берилган эди (285-бет). Бешинчи нашрада нуқсон тузатилган: «Софистларнинг роса бадном бўлган донишмандлиги» (256-бет). Бу икки таржима оқ билан қора сингари бир-биридан тамоман фарқ қилади. Қизиғи шундаки, қозоқларда ославленная сўзи ҳамон «донг» тарзида бузиб ўгирилганича қолмоқда («софистердинг соншалықты данғқи шыққан даналығы», 253-бет).

Бешинчи нашрнинг 609-бетида плебисцитами деган сўз «умумий раъй билдириш йўли билан» тарзида бериш ўрнига, «плебисцитлар қўли билан» деб хато ўгирилган (657-бет). Эҳтимол, «йўли» сўзи «қўли» бўлиб кетгандир. Маънога халал етган.

«...Олам... қонуниятли тарзда алангаланадиган ва қонуниятли тарзда учадиган абадий барҳаёт олов бўлиб келган, ҳозир ҳам шундай ва бундан кейин ҳам шундай бўлади» (332-бет).

Ҳераклитнинг фикрича, олам қонуниятли тарзда учмайди, балки ўчади. Бу ерда парвоз эмас, сўниш, яъни ўчиш ҳақида гап бормоқда (угасающий «ўчадиган»!) Чамаси, оламнинг ўчиши таржимонни чўчитиб юборган, шунинг учун уни ўчиришдан кўра учуришни афзал кўрган...

В. И. Ленин асарларида жаҳон ва рус классик ҳамда замонавий адабиётларидан, бир талай адибларнинг ишларидан иқтибослар келтирилади, уларга ҳавола қилинади. Бу манбаларнинг барчаси, юқорида айтилганидай, бугунги ўзбек ўқувчисига деярли бусбутун таниш эмас. Уларнинг кўпчилиги тилимизга таржима ҳам қилинмаган. Шундай вақтда таржимон нима қилиши керак? Турган гап, у ўша бадий парчаларни ўзи ўгиради ёки бошқа ёзувчигами, шоиргами таржимага беради.

Хўш, башарти ўша бадий манба ўзбекчага бундан муқаддам ағдарилган бўлса-чи? Бундай ҳолда

тайёр мавжуд таржимадан фойдаланган маъқул эмасми?

«Фалсафа дафтарлари»нинг учинчи бобида Ленин Н. Г. Чернишевскийнинг «Нима қилмоқ керак?» романидан Рахметов образига дахлдор тасвирга эътиборни қаратади: «...Мало их,— заключает Чернышевский свое описание Рахметова,— но ими расцветает жизнь всех; без них она заглохла бы, прокисла бы; мало их, но они дают всем людям дышать, без них люди задохнулись бы. Велика масса честных и добрых людей, а таких людей мало; но они в ней — теин в чаю, букет в благородном вине; от них ее сила и аромат, это цвет лучших людей, это двигатели двигателей, это соль соли земли» (602—603-бетлар).

«Улар оз,— деб хулоса қилади Чернишевский Рахметовни тасвирлашни тугаллар экан,— лекин улар туфайли барчанинг ҳаёти гуллаб-яшнади; уларсиз ҳаёт сўниб қоларди, мужмал бир нарса бўлиб қоларди; улар оз, лекин улар ҳамма кишиларнинг эркин нафас олишлари учун шароит яратадилар, уларсиз кишилар димиқиб ўлар эдилар. Софдил ва меҳрибон кишилар жуда кўп-у, ундайлар оз; лекин улар мана шу кўпчилик ичида — чойга солинган теин, ажойиб винодаги таъмдирлар; кўпчиликка куч ва файз бахш этганлар ҳам шулардир; булар — энг олижаноб инсонларнинг гули, двигателларнинг двигателлари, жамият гулларининг гулларидирлар» (650—651-бетлар).

Н. Г. Чернишевскийнинг «Нима қилмоқ керак?» романи ўзбек тилига таржима қилинган (Шариф Толибов). Мана доҳийнинг диққатини тортган ўша парча:

«Бундай одамлар оз, лекин ҳамманинг ҳаётини яшнатадиганлар шулар: улар бўлмаса, ҳамманинг ҳаёти сўнарди, бузилиб, пўпанак босиб кетарди.

Улар оз, лекин улар ҳамманинг нафас олишига имкон бериб турибди, улар бўлмаса одамларнинг нафаси бўғиларди. Ҳалол ва эзгу ният кишилар жуда кўп, лекин бундай одамлар оз; улар — чойнинг гули, ажойиб шароб гули; унинг кучи ва хушбўйлиги шундан, булар энг яхши кишилар даврасининг гули, булар двигателлар двигатели, булар эл-юрт гули» (Романнинг 1978 йил нашри, 250-бет).

Шариф Толибов кекса, етук, билагон таржимон эди. Марксизм-ленинизм асосчиларининг асарлари таржимасида ҳам кўзи пишган, бой тажрибага эга. Бироқ бу ўринда бадий мутаржим Шариф Толибовнинг иши Ленин асарлари таржимони Шариф Толибовни қаноатлантирмаганлиги аниқ. Тўғри, «... — Дафтарлар» таржимасининг сифати ҳам жилла кўнгилдагидай эмас. Бадий таржиманинг ланжлиги эса шундоқ кўриниб турибди. (Агар романнинг энг қуюқ жойларидан бири шунчалик «гуллаб» кетган бўлса, бутун асарнинг таржимаси қай аҳволда экан?..)

«Фалсафа дафтарлари»нинг икки ўзбекча, озарбайжонча, қозоқча нашрларини русча аслият билан чоғиштирганда, бадий таржима ҳақидаги маълум ва машҳур ақида: тўғри бўлса — гўзал эмас, гўзал бўлса — тўғри эмас, деган русча матал кишининг ёдига келади.

«Они... теин в чаю, букет в благородном вине», деган гўзал тавсифнинг таржималари билан танишайлик: ўзбекча нашрда — «Улар... чойга солинган теин, ажойиб винодаги таъм»: бадий таржимада — «Улар — чойнинг гули, ажойиб шароб гули»; озарбайжон тилида — «Ҳамин одамлар... чойда теиндир, соф шароб атридир», қозоқча таржимасида — «Улар — шайдың кунары, асыл шараптың гули».

Ленин «...Дафтарлари»нинг ўзбекча таржимаси-

да аслиятдан бир қарич ҳам ташқарига чиқмаслик хусусида қатъий онт ичилгандай туюлади. Сермағиз, эркин, кишининг узоқ вақт ёдида сақланиб қоладиган чуқур фикрлар, хулосаю таърифлар ҳам қатъий грамматик қолиплар исканжасида қолиб кетгандай...

Аслиятга садоқат ҳар қандай таржиманинг бирламчи, муқаддас шарти. Аммо меъёридан ошириб юборилган садоқат ҳам баъзан фикрни бузади, жумлани тўмтоқ қилиб қўяди, услубни ғализлаштиради.

Кулгики, ҳаддидин ўлди йирок,
Йиғламоқ эрур андин кўп яхшироқ,

дейдилар ҳазрат Навоий.

Аввало, теин деганингиз қаҳва ёки чақмоқ қанд эмаски, уни чойга солинса. Теин чойга ташқаридан «киритилмайди», балки унинг ўзида, таркибида бўлади. Бу — ғозга ўхшаш нарса. Айтайлик, уннинг ғози бўлмаса — нон яхши чиқмайди, пахтанинг ғози бўлмаса — тош босмайди, бундай хом ашёдан тўқилган маҳсулотнинг сифати бузилади...

«Букет в благородном вине» иборасини ҳижжа-лаб ўгирилса, нақадар қўпол чиққан бўларди: «Олийжаноб винодаги гулдаста»ни тасаввур қилиб кўринг!

Хўш, благородное вино («олийжаноб вино») — нима?

— Ажойиб вино, — дейди ўзбекча «Фалсафа дафтарлари».

— Ажойиб шароб, — дейди Ш. Толибов.

— Соф шароб, — дейди озарбайжон таржимони. (Соф шароб! Энг мақбули шу).

Букет («гулдаста») нима?

— Таъм.

— Шароб гули.

— Атр.

(Бу ерда ҳам озарбайжонча таржима (атр) аслиятга яқин).

Сила и аромат («куч ва хушбўйлик») нима?

— Куч ва файз.

— Куч ва хушбўйлик.

— Куч ва тароват.

(Биринчи ва учинчи таржима маъқул).

Соль соли земли айнан «ер тузининг тузи» дегани. Ўзбек тилида нақадар қўпол чиқади. Худо кўрсатмасин, Н. Г. Чернишевский энг асил инсонлар сифатида таърифлаган ўша саккиз нафар одамхун, зоти шариф ўзбек тилида... «ер тузининг тузи» деб «таърифланса-я»!.. Ёки совет адиби Георгий Марковнинг «Соль земли» романини ўзбекчага — «Ернинг тузи» деб ўгирилишини тасаввур қилинг... Ҳижжавий таржима нақадар қўпол ва турқи совуқ нарса! Раҳмат Файзий асарнинг номи «Ер мағзи» деб ўринлатган эди.

Биз таҳлил этаётган ўринларда: соль соли земли — жамият гулларининг гули: эл-юрт гули; ер узунун гаймағынын гаймағы (озарбайжонча). Фикримизча, ўзбек тилида буни «она заминимизнинг мағз-мағзи» деб олинса дурустроқ бўларди.

Уша саккиз нафар азаматга берилган яна бир сифат («это двигатели двигателей») таржимасига тўхталайлик. Двигатель сўзи деярли барча луғатларимизда техникавий истилоҳ сифатида қайд этилган. Ўзбек тилининг изоҳли луғатини очамиз: **Двигатель...** Энергиянинг бирор турини механик энергияга айлантирувчи ва бошқа машинани ҳаракатга соладиган машина. Ички ёниш двигатели. Поршенли двигатель. Реактив двигателлар» (1-жилд, 217-бет).

Вассалом!

Бас, русча двигатель сўзини ноистилоҳий, эркин, ёрқин мажозий маънода ҳам айнан «двигатель» деб

қолдиришдан бошқа иложимиз йўқ экан. Начора, йўқни йўндириб бўлмайди-ку.

— Йўқ, бунинг ҳам иложи бор! — жавоб беради қардош озарбайжон таржимони. — Муҳаррик!

Қозоқлар ҳам таржима йўлини ихтиёр қилишган: олар қўзғаушы куштердинг қўзғаушылары.

Назаримизда, озарбайжонларнинг тажрибаси қўл келади. Дарвоқе, мазкур арабча сўз биз учун муштарак бисот ҳисобланади. Чунончи, Алишер Навоийда: **муҳаррик** — ҳаракатлантирувчи, қимирлатувчи. («Балки ул туфроғдин ҳар зарра била ҳавода дурки, анинг муҳаррикидур». XV жилд. «Насойимул муҳаббат», 123-бет).

Демак: муҳаррик! Бу калима тилимиз сандиғида бор. Мана — икки манба. Ҳозирги ўзбек тилида асоссиз равишда унутилган экан, уни тиклаш лозим. Негаки, маънолар қаторида, бугунги ҳаётимизда ҳам унинг ўрни бор. Шундай тушунча мавжудми, бас, шундай атамани ҳам юритмоқ керак.

Эътироз эшитилиб турибди: бу каби сўзлар оммага тушунарли эмас. Эътирозга эътироз: биринчидан, фалсафани омманинг савияси даражасига тушуриш эмас, балки омманинг савиясини фалсафий мураккаблик даражасига кўтармоқ даркор. Иккинчидан, таржимада сўзни сўз билан эмас, балки маънони маъно билан бериш муҳим. Учинчидан, муҳаррик бугун тушунарли эмас, эртага тушунарли бўлади.

Умуман, мураккаб илмий бисотларни, бадиий адабиёт обидаларини амалдаги чегараланган жаридда, сиқув остига олинган, «сараланган» луғатлар тили билан ўгириб бўлмайди. Бўлганда ҳам, бу тез қариб қоладиган саёз, сохта таржима бўлади.

Муайян атамаларнинг турли манбаларда ҳар хил қўлланилишини тушунса бўлар. Бироқ айтини бир манбада истилоҳлар қўллашда бирлик йўқлигини

ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Масалан, «Фалсафа дафтарлари»нинг озарбайжонча таржимасида, ҳар иккала нашрда ҳам пространство и время бир хил — «макон ва замон» деб берилгани ҳолда, ўзбек тилида ҳар икки нашрда ҳам икки хил ўгирилган: IV нашрда — «макон ва замон», «фазо ва вақт»: V нашрда — «макон ва вақт», «фазо ва вақт».

Бунинг боиси нима? Сабаби, эҳтимол, марксизм-ленинизм асосчилари асарларининг таржималари «шахссиз», «шахси номаълум», «шахси умумлашган» таржима эканлигидадир. Бундан ташқари, хилма-хиллик, ажабмаски, таржиманинг бир қанча муҳаррирлар қўлидан ўтиши билан боғлиқ. Ҳар қалай, ҳар бир асар таржимаси бир мутаржим ва муҳаррирининг масъулиятида бўлса,— гарчи бунда ҳам таржима ҳар хил чалкашлик ва турлича талқинлардан батамом холи бўлмаса-да,— иш анча пухта ҳолга келади.

* * *

Турғунлик даври деб аталмиш йилларда ўзбек тили асосан бадий адабиёт ва матбуот тили бўлиб, ижтимоий ҳаёт, олий мактаб, фан ва техника соҳаларида унинг фаолияти торая бошлади. Ҳолбуки, айни худди шу жабҳаларда кенг қўлланилишга у жуда муҳтож эди. Чунки тилга ишлов бермай, унинг қўлланилишини чеклаб туриб, ўша тилда катта замонавий маданият, фан ва техника асарлари яратиб бўлмайди.

Муаззам қайта қуриш шарофати билан ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш масаласи ижобий ҳал бўлди. Ўзбекистоннинг иқтисодий тарафдан мустақилликка эга бўлиши ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётда ҳам катта истиқбол йўлларини очади. Шундай бўлиши муқаррар. Янги илмий рўзнома ва

журналлар таъсис этилади, юзлаб янги дарсликлар, ўқув қўлланмалари, рисоалар, луғатлар, билгичлар (справочниклар), қомуслар яратилади. Жаҳон маданияти, фани, техникасининг ниҳоятда кўплаб обидаларини тилимизга ўгиришга тўғри келади.

Аммо шуни айтиш лозимки, ёруғ кунлар ҳеч қачон ўз-ўзидан «ташриф буюрмайди». Биз ҳаммамиз ва ҳар биримиз, ўша ёруғ истиқболга интилишимиз, унга ҳозирдан тайёрланишимиз керак. Келажак шу келажак учун курашганларникидир.

Таржимон кадрлар тайёрлаш масаласида музлар эрий бошлади. Дорилфунунларга ҳамда лисоний олий ўқув юртларига янги ўқув йилидан (1990—1991) бошлаб таржимачилик ихтисоси бўйича ҳар йили уч юз киши қабул қилиш ҳақида бир қарорга келинди. Энди буёғига, жорий этилаётган янги ихтисосликларга ёшларни қабул қилишда пала-партишлик, тасодиф ва бошқа иллатлардан буткул фориғ бўлиб ҳаракат қилиш лозим. Ҳозиргидан тубдан фарқ қиладиган ўқув дастурлари ва режалари тузишга тўғри келади.

Таржима маданиятини кўтаришда бирламчи аҳамиятга эга бўлган тил ўрганиш, луғатчилик, қомусчилик, матншунослик, нутқ, таҳрир ишлари ҳам бутунлай ўлда-жўлда. Бу муаммоларни ечиш, таржимачилик фаолиятини инқироздан қутқазиб, уни соғлом тараққиёт йўлига йўналтириш бизнинг бугунги вазифамиздир. Маънавий-ғоявий баркамоллик, поклик, сотиб байналмилаллик, ватанпарварлик, халқимиз ўртасидаги меҳр-оқибат, дўстлик ва қардошлиқни мустаҳкамлаш мақсадларига садоқат билан оғишмай хизмат қилувчи синалган восита — таржималарни соғломлаштириш, миқёсини кенгайтириш, сифатини яшилаш шунчаки хоҳиш-истак эмас, балки давр талабидир¹.

¹ Ишнинг бу қисми домла Фазлиддин Саидов билан ҳамкорликда ёзилган (муаллиф).

VI ФАСЛ

**ЖИЛҒАЛАР
ВА ДАРЁЛАР**

(Одамлар
менинг тақдиримда)



ЯНА ҚАЛБЛАР ЛАРЗОН...

Ой-куннинг ёруғида кишининг дўсти кўп бўлади. Аммо ҳақиқий дўст бошга оғир кун тушганда билинади. Бундай кунда атрофингда гирдикапалак бўлиб юрган тўққизта мол «дўстинг» қочиб кетади-ю, биттаси, жон дўстинг сен билан бирга қолади.

Ана ўша — дўст.

Одам одам бўлиб яралибдики, гап шу...

...Арманистондан хунук хабар келди: зилзила! Табиатнинг бу ваҳшиёна «қилиғи» нималигини аҳли Тошкент яхши билади. Бир лаҳзада, қарабсизки, бошидан минг турли мусибатларни кечириб турган арман биродарларимиздан минглаб кишиларнинг ёстиғи қуриб қолди. Бундай вақтда жабрдийдаларга нима деб тасалли беришингни ҳам билмайсан одам.

Аммо бир нарса нафақат совет кишилари, балки бутун жаҳон афкор оммасининг таҳсинига сазовор бўлди. Қўшма Штатларга расмий ташриф буюрган ва у ерда мамлакатимиз шаънига муносиб тарзда катта иззат-икром билан кутиб олинган Михаил Горбачёв ва у бошлиқ совет раҳбарлари тоғли Кавказ ўлкасида содир бўлган бу машъум хабар океан ортига етиб бориши ҳамано юксак халқаро аҳамиятга эга бўлган сафарни таққа тўхтатиб, ортга, Ватанга қайтишди.

Тўғри-да, ўз уйингда фалокат рўй берса, бировнинг хонадонида меҳмон бўлиб юролмайсанку. Кўнгилга сиғмайди. Татимайди.

Ҳозир «фалончи ундоқ эди», «тугончи бундоқ эди», деймиз. Билмадим. Нима бўлса бўлгандир. Мамлакат катта. Туя қанча катта бўлса, яғири

ҳам — шунча, дейди халқимиз. Аммо нима бўлган-
даям, нонни «нанна» дейиш керак эмас.

Юз йиллар ўтар, бир нарса ҳеч қачон ёдимиздан
чиқмайди: йигирма тўрт йил муқаддам пойтахтимиз
Тошкентда рўй берган ўша оғир ларзонда мамлака-
тимизнинг ўша даврдаги бошлиғи, партиянинг сар-
котиби шахримизга шамолдай етиб келган эди. Вай-
рон бўлган улкан пойтахтимиз қайта қурилиб, гул-
гул яшнаб кетди. Кўрмагандай бўлдик.

Далил ўжар нарса, қурғур...

Буёғи мана — озарбайжон билан арман. Нимаси-
ни айтасиз... бири қош, бири кўз, дегандай. Бири жон
бўлса, бири — армон.

Булар энди ер-мулк талашгани-талашган. Бу Қо-
рабоғ жанжали зиғир ёғдай ҳамманинг жонига тег-
ди. Ғиди-биди, ур-сур, от, чоп... Бу икки қардошга
шу кунда икки гап ортиқ, бир гап кам. Бир яримта
гап топиш керак... Бир бармоғингни тишласанг, ик-
кинчиси оғрийди.

Фалокат ёлғиз юрмайди, ҳамроҳи бўлади, дей-
дилар. Мана энди қаёқданам зилзила деган бало
чиқди...

* * *

Баҳонаи сабаб дегандай, ўзимга «нашъа» қилган
бир гапни айтиб бермоқчиман.

Ереван шахрида Левон Мкртчян деган катта олим
ва адиб яшайди. Иттифоққа ва жаҳонга таниқли
одам. Филология фанлари доктори, профессор, фан
арбоби, бир қанча адабий мукофотлар совриндори.
Менинг докторлик диссертациямга у расмий оппо-
нент қилиб тайинланган эди. 1982 йилда Ереванга
ишимни кўтариб бордим. Шаҳарни билмайман, би-
ринчи боришим. Киракаш машинага тушдим. Ҳай-
довчиси жуда дилкаш, қувноқ одам экан. Мени «Се-

ван» меҳмонхонасига олиб бориб қўйди. Омадни қарангки, меҳмонхона саҳнида ҳайрон бўлиб турган эдим, бир нотаниш киши жилмайиб ёнимга келди ва қўл бериб сўрашди. Юрагим «шиғ» этиб кетди. Маълум бўлишича...

Йўқ, бирдан айтиб қўймайин. Ўзи қора тўриқдан келган, истараси жуда-жуда иссиқ, қора қош, қора кўз!.. «Ўзимизнинг ўзбек оғайнимиз буёқларда нима қилиб адашиб юрибди», деб ҳайрон бўлдим. Ўзбекча гапирсам, тушунмади. Кўзларимиз суйишиб турибди-ю, аммо тилимиз лол. Буни қарангки, у чиндан ҳам... ўзбек экан. Бироқ ўзбекча бир сўз билмайди... Қип-қизил армани! Маълум бўлдими, бола уруш йиллари Тошкентда туғилган, асл ўзбек фарзанди. Оилада ўнинчи бола экан. Онаси уни туққан-у... ўзи ҳалок бўлган. Ота шўрлик бир этак жўжиқлар билан қолган. Шунда уларга бир арман оиласи мурувват қилади. Тошкентда яшаётган ўша эр-хотин арманларнинг фарзанди йўқ экан. Улар ўзбек қўшниси, яқиндан биродарлашиб кетган бир оиланинг боласини ўзларига фарзанд қилиб олади. Шу бўйи арманлар Ереванга, ватанига кўчиб кетган. Бола то улғайиб вояга етгунга қадар, кўнгли совумасин деб, воқеани айтишмаган, ундан сир сақлаганлар. Йигит улғайиб, дорилфунунни битирганидан кейингина (касби тоғ муҳандиси экан), сир-асрорни унга ошкор қилишган... Ўзлари шуни лозим топишган.

Рости, мен ҳанг-манг бўлиб қолдим. Қизиқ: йигит қанчалик ўзбек бўлса, шунчалик армани эди. Еки аксинча, қанчалик армани бўлса, шунчалик ўзбек. Бундоқ олганда, забон бўлмагандан кейин, қандай қилиб ўзбек бўлсин? Йўқ, у айнан, қуйма ўзбек эди! Яна шуниси қизиқки, ақли-эсини танигандан буён Ўзбекистонда бўлмаган бу инсон ўзининг ўзбеклиги билан тўлиб-тошиб, фахрланиб гапирарди. Аммо, айна вақтда, у армани эди. Арман миллатига

хос барча белгилар унинг юзига ёзилган ва у шу билан мағрур ва масрур, «янги» ота-онасини беҳад ҳурмат қиларди. Ҳурмат нимаси! Жони-дили билан севар, ўзини бошқача тасаввур ҳам эта олмасди.

* * *

Хуллас, ҳалиги ғойибдан пайдо бўлган йигитча бир нарсалар деб меҳмонхона маъмурияти билан арманча «чуғурлашганидан» кейин, у ердагилар ҳам гоҳ унга, гоҳ менга қизиқсиниб, синчковланиб қарадилар-да, мийиғларида кулишиб, менга яхши бир хона ажратдилар...

Кун пешиндан оққанда, Левон Мкртчянга сим қоқдим. «Мен фалончи бўламан, фалон иш билан келувдим...» деб энди гап бошлаган ҳам эдимки, у қайси меҳмонхонага тушганимни суриштириб қолди. «Севан»га қўнганлигимни, бу ерда яхши жойлашганимни айтувдим... Дарҳол бу ердан чиқиб, лаш-лушларим билан унинг ҳузурига боришим кераклигини уқтирди. Бари бир эмасми? Бошпана бўлса бўлди-да. Лекин ҳарчанд тихирлик қилмайин бўлмади. Чамадонимни олиб, тўғри Ереван дорилфунунига, устоднинг ишхонасига равона бўлдим. Левон ака Рус тили факультетининг декани экан. Қаёққа қараманг, гиж-ғиж арман йигит-қизлари. Арман ёшлари рус тилига жуда ихлосманд экан. Дарсда рус тилини ўрганишаркан, йўлакка ёки кўчага чиқди дегунча, нуқул ўз тилларида гапиришгани-гапиришган...

Левоннинг қабулига кирдим. Қарасам, кенг, шинам хонада олти киши ўтиришибди. Дастурхон куюқ. Ҳар хил ноз-неъматлар... Худди мен у ерга ўз ишим билан эмас, махсус меҳмонга чақирилгандай бўлиб қолдим. Хуштавозе, худди узоқ кутилган эски қадрдонлардай қаршилашди. Сўнгра гурунг бошла-

ниб кетди. Недирки мен уларнинг тилига тушунсам. Ҳар қанча сир бой бермасликка тиришсам-да... Гафур Ғулом айтганларидай, «карнай қулоғига ангайган кардай» бўлиб ўтиравердим. Кулсалар кулдим, гаплашсалар, ҳар замонда йўталиб қўяман... Онда-сонда эсларига тушиб қоламан шекилли, узрхоҳлик қилишиб, бир-икки оғиз мен билан русча гапиришиб ҳам қўйишади...

Тил соқов бўлса ҳам, дил бийрон бўлди. Самими-ят, вақтичоғлик ҳукмрон. Кайфим чоғ. Ниҳоят, тарқаладиган бўлганимизда, Мкртчян бир кишига телефон қилиб русча гап бошлади.

— Дўстим фалончи Айрапетян, ҳозир ҳузурингга тошкентлик профессор Ғайбулла Саломов боради,— деб юборса бўладими. Мен хижолат бўлиб кетдим ва пичирлаб уни тузата бошладим:

— Тақсир, мен профессор эмасман, бор-йўғи доцентман,— дедим шивирлаб.

Левон менга хўмрайиб қаради-ю, телефон трубкасини кафти билан тўсиб:

— Эҳ, ўзбегим, ўзбегим... Сен ҳозирдан бошлаб профессорсан, бўтам! — деди. Сўнгра кўзини қисиб, майин кулиб қўйди...

Гап қаёқда эканлигини тушундим. Аммо бир нарса мени лол қолдирди. У менга... ўзбекча гапирди-ку! Билсам, мактабда усмонли турк тилини ўқиган экан...

...Мана ўша машҳур «Эребуни» меҳмонхонаси қаршисида турибман. Бир вақт қарасам, меҳмонхона директори ўзи майдонга чиқиб мени кутиб турган экан. Илиқ салом-аликдан сўнг, менга бир хона беришди.

Эртаси куни бўйи иш хонасини ичидан қулфлаб, тадқиқотимни биргаликда ўқидик. Уч кунимиз шу зайлда ўтди. Алқисса, у менга каттакон, батафсил илмий хулоса ёзиб берди. Бу ҳужжат мен учун бир

умрлик шаҳодатнома бўлиб қолди. Сир бўлса ҳам айтайки, худди шу ёрлик менинг илмий тақдиримни ҳам ҳал қилди. Бунчалик оқибат, самимият, одамгарчилик, мурувватдан бошим осмонга етиб Тошкентга тўлиб-тошиб қайтдим. Шу кўйи камина домла Левон Мкртчян билан жуда қалин бўлиб кетдик. Дўстлик, садоқат деган нарсалар, худди жонли бир мавжудот сингари азиз, одамларни ҳаракатга келтирувчи, олға қараб тортувчи жозибадор буюк куч эканига имон келтирдим. Яна шуни англадимки, эҳтимол, арман дўстларимиз ҳам биз ўзбеклардан нималарнидир олишса ёмон бўлмас, аммо биз ўзбеклар улардан ўрганадиган нарсамиз кўп экан. Ўз миллатларини юксак қадрлашаркан. Ўз тарихларига доир ҳар бир парча қоғоз, ҳар бир дона тош, ҳар бир заррани ҳам чунон авайлашарканки, асти қўяверинг. Фақат бу халқни тўғри тушуниш керак...

Мисли кўрилмаган даҳшатли зилзила кўз ўнгимда гавдаланар экан, юрагим орқамга тортиб кетади... Ва бор овоз билан дегим келади:

— Омон-эсон бормисиз, арман, озарбайжон, турк биродарларим? Саховатли устодлар, дўстлар, оғанилар? Ҳеч қачон унутмайман.

Тошкент, 1988 йил, декабрь.

«УЗМА ДУСТЛИК РИШТАСИН, БОҒЛАШ ҚИЙИН...»

Пошали Усмон ўғли Алишер Навоий номидаги Самарқанд дорилфунунида олмон (немис) тили домласи. Ўзи месхети туркларидан. Месхети-ўзбек можароси чиққунга қадар мен бу йигитнинг миллати, насл-насаби, аждод-авлоди, шажарасини ўйлаб ҳам

кўрмаган эканман. Зотан, менга бунинг қандай қизиғи бор? Комил инсон бўлса бўлди-да. У ўзбек, турк, озарбайжон, олмон, рус, тожик тилларини билади. Васиқасига миллати нима деб ёзилган бўлса бордир. Аммо мен уни бусбутун ўзбек деб биламан. Шогирдларим орасида қобил, содиқ, бутунларидан бири. Бироз муддат кўришмасак, соғинишиб қоламиз. Бу солиқ инсон менинг ўз одамим. Тўқсон беш яшар дадам уни нечукдир ўзларича «Пошшо Али» деб эслайдилар. Энг кичкинтой неварам ҳам уни «амаки» деб билади. Яхши-ёмон кунларимизда, тўй-азада ҳаммавақт у биз билан бирга...

Турк Пошали «шунчаки» ўзбек эмас. У ўзбек маданияти ва адабиёти ривожига сезиларли ҳисса қўшиб келмоқда. Гётенинг дунёга машҳур «Фауст», Лессинг қаламига мансуб «Эмилия Галотти» фожиаларини, Фридрих Шиллер ва бошқа буюк адибларнинг шеърлари, масалларини назм йўлида илк дафъа бевосита олмон тилидан ўзбекчага ўгирган ҳамда уларга илмий шарҳ, луғатлар тузган. Олмонча-ўзбекча мақоллар луғати, махсус икки тилли очқичлари бор. Бизнинг маданиятимиз учун шунчалик хизмати сингган кишини сочидан то тирноғига-ча ўзбек деб айтишга тўла ҳаддим сиғади.

Беназир, мушфиқ инсон. Бир кўришдаёқ ёқтириб қоласиз. Ўз соҳаси олмоншунослик, қадимги Оврупо ва Шарқ адабиёти обидалари, ривоятлари, оғзаки халқ ижоди асарлари, Мағрибу Машриқ адабий алоқалари тарихи ҳамда турли диний таълимотлар ва оқимларни пухта билади.

Бизда, Тошкент дорилфунунида камина бошқариб келаётган таржима назарияси минбаргоҳида (кафедрасида) ҳамда жумҳуриятимиз ёзувчилар уюшмасининг таржима марказида худди шундай салоҳиятли мутахассис етишмайди. Шу боис биз уни бир неча марта бу ерга таклиф қилдик. Ҳамма ўзини

пойтахтга уради. Бироқ Пошали, қанча чорламайлик, Самарқанддан кўнгил узолмади, узолмади. Сабаби, буюк Ҳофиз «рўйи заминнинг сайқали» деб ардоқлаган Самарқанд унинг Ватани бўлиб қолган.

Дарвоқе, ватан... Пошали ва у мансуб бўлган халқ, борингики, буёқларга сурилиб келиб қолган турклар тақдирини ўйлар эканмиз, биз ўзбеклар учун ҳам бу муқаддас туйғу дардли бир жумбоққа айланиб бормоқда... Агар масаланинг ўқ илдизига чуқурроқ қарайдиган бўлсак, бу воқеалар (Фарғона, Бўка, Паркент) гарчи икки қардош-жондош халқ номи билан боғланаётган, уларнинг қўли билан содир этилаётган бўлса-да, бошқа «манфаатдор томонлар», ёвуз ниятли гуруҳларнинг ҳам қўли борлиги аниқ. Буни тушуниш учун катта ақл ҳам керак эмас.

Мен ўтган йили ёзда Самарқанд дорилфунунига давлат имтиҳон комиссиясининг раиси бўлиб борган эдим. Турган гап, ҳар галгидай, Пошалиларнинг уйига кирдим. Соғинч билан устод-шоғирд, оғанини бир-биримизнинг қучоғимизга отилдик. Лекин ўша кезлари икки миллат одамлари орасида хўрлик, зулм паймонаси тўлиб-тошганидан... ҳўнграб йиғлаб юборишдан қўрқиб, худди биз айбдорлар сингари, бир-биримизнинг юзимизга тик қарай олмадик. Ўртага унсиз таъзияга ўхшаш, қўрғошиндай оғир сукунат чўкди. Сабаби, Фарғонада бўлиб ўтган нохуш воқеалар ҳақида дув-дув гап, ҳар хил миш-мишлар тарқалиб кетган. Бунинг устига, қаёққа қараманг, месхетилар жойлашган Самарқанд, Қашқадарё вилоятларининг атроф ноҳияларида ҳам қандайдир тушуниб бўлмайдиган жазава, васваса ҳукмрон эди. Ростки, мен Пошали билан унинг рафиқасига қандай «тасалли» беришгайм сўз тополмасдим. Тилим калимага келмасди. Нима ҳам дейман? Сира гап гапга қоушмайди. Об-ҳаводан нолийн десам, аксига олиб, осмон ҳам чарақлаб турибди...

Хуллас, кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган гаплар. Ҳарчанд гапни «бурмайлик», қурғур, яна ва яна мавзу ўша кўнгилсиз ходисаларга бориб тақаларди.

— Мен, биласиз, домла, ўзбекларсиз, Ўзбекистонсиз ўзимни тасаввур эта олмайман, — дейди суҳбатдошим хомуш...

— Биладан, оғайни, биладан. Элчилик, юртчилик экан. Ҳаммаси ўтиб кетади... Ҳаммаси жойига тушади. Мана кўрасиз. Бу қандайдир англашилмовчилик, — деб мингирлайман сездирмай кўкрагимни силаб...

— Уруш йиллари бизни ўз Ватанимиздан Урта Осиёга бадарға қилдилар, — деб гапини давом эттирди у хўрсиниб. — Бизнинг ҳамқишлоқлар омадлик эканми, ўзбеклар диёрига келиб тушдик. Еш бола эдим, элас-элас эслайман. Самарқанд бекатидан Пастдарғом ноҳиясига итоп қилишди. Шу денг, ҳорғинлик ва очликданми, силлам қуриб, аравадан пастга ағанаб тушибман. Ота-онам, уруғдошларим то эс-ҳушларини йиғиб олгунча, аравакаш, ўзбек киши, отдан ирғиб тушди-да, мени ердан даст кўтариб олди. Уст-бошларимни қоқиб, бағрига босди. Сўнгра пешонамдан ўпди-ю, авайлаб аравага ўтқазиб қўйди. Биласизми, худди ўз фарзандидай бошимни силади. Аниқ ёдимда, ўша одамнинг қиёфаси: унинг кўзлари жиққа ёш эди... У оқ тортиб, ўзича худога нималар деб нола қилди-ю, жаҳл аралаш отга қамчи босди. Мен буни ҳеч қачон унутолмайман, домлажон. Агар расом бўлганимда, ўша маҳзун ҳолат, ўша меҳрибон қиёфани беш-олти яшар бола хотираси ҳамда тасаввури билан жонлантирган бўлардим...

Гап шу ерга келганда, суҳбатдошимнинг томоғига бир нарса тиқилгандай бўлди. Ўзини тутолмай, юм-юм йиғлади. Мен чўнтагимдан дастрўмолимни

олиб, билдирмай кўз ёшларимни артдим. Кўкрагим-ни алланарса сиқа бошлади...

— Бу инсоний мурувват ва ботиний ҳамдардлик-ни умрбод унутолмайман, — деб тугатди гапини Пошали.

Шу пайт денг, худди олдиндан тайинлаб қўйгандай, радио карнайидан ниҳоятда таъсирчан, дилгир нидо-қўшиқ жаранглади:

— Ази-и-и-з ода-а-а-млар!..

Ҳа, ўзбеклар билан месхети турклари бир шажа-радаги қавм. Бир дарахт танасининг шохлари. Турклар «ўзбекона» халқ эмас, балки биз ўзбеклар туркий халқмиз. Том маънода оға-инимиз. Энди тасав-вур қилинг. Бир оила фарзандлари: ота-бола, ака-ука, тоға-жиянлар бир-бирларини бехонумон қилса, қон тўкишгача бориб етса. Ахир, бу тарихимизда энг лаънатланган падаркушлик, биродаркушликнинг худди ўзгинаси эмасми? Бу қандай бедодлик!

Улуғ мутаффақкир шоир Алишер Навоий, руҳла-ри ҳозир ўз туғилган диёри Ҳиротда, ўз қабрларида ана шундай биродаркушлик шароитида нотинч ва безовта бўлиб ётган мўътабар зот, зулм тиғига қар-ши олмос қалқон кўтариб, фақат бугунги ўзбек хал-қини эмас, балки барча туркий халқларни бирла-шишга даъват этган, уларни «якқалам» қилишга жон нисор этган эдилар.

Навоий бобомизнинг қуйидаги табаррук сўзлари-га эътибор қилинг-а:

Ватан таркини бир нафас айлама,
Яна ранжу ғурбат ҳавас айлама.

Доҳиёна фикр.

Унутмайликки, салкам ярим асрдан буён Ўзбе-кистон тупроғида яшаб турган месхети турклари «ҳавас» қилиб ўз ватанини «тарк айламаган!».. Улар «ёғлиқ жой» қидириб, ўз она маконини лаънатлаган

ва ўзи ҳам тавқи лаънатга учраган, қўлида жомадон кўтариб, элма эл, юртма-юрт, шаҳарма-шаҳар кезадиган халқлардан эмас.

Месхети биродарларимиз ўз ватанидан уруш йиллари ваҳшийларча, зўрлаб ҳайдалган мазлум фуқаро. Ҳа, улар ўз юртидан қувилган шахслар, маҳалла, гуруҳ, бирон тоифадаги беш-ўнта нобакор кишилар эмас, балки бутун бир халқ!

Қайси гуноҳи учун?.. Бутун бир халқни айблайдиган «қонун» борми ўзи жаҳонда? Агар бўлса — қайси иқлим ёки қайси мазҳабда? Шахснинг шахсга қилган зулми, ўтказган ситами-ку жиноят. Бир халқнинг бошқа халқларга, эл-элатларга ўтказаетган зўравонлиги, адовати, мислсиз зуғуми-чи? Бунинг ҳам номи борми? Ахир, бу миллион ҳисса зиёд ялпи, ёпирилиб қилинган қабиҳ жиноят-ку! Биз инсон ҳуқуқи учун кураш олиб бормоқдамиз. Таҳсин ва тасанно. Аммо айрим халқлар ҳуқуқи ҳанузгача поймол қилиниб ётибди-ку...

Энг қиёмат қойим кунларда, қонли уруш йилларида бу сингари жабрдийда халқларни ўз бағрига олган, ўзи оч-яланғоч, ночор ҳолда туриб, улар билан оғзидаги бир бурда зоғора нонини бўлишиб еган, айни тангу тор йилларда шунчалик бағри кенглик қилган ўз халқим, миллатим, мазҳабим билан чексиз фахрланаман. Айнан шундай мўмин, ялангтўш, қўли қадоқ миллатга мансублигим, унинг фарзанди бўлганлигим билан ўзимни бахтиёр ҳисоблайман.

...Хўш, шунчалик экан, нега энди бугунга келиб, бундай ваҳшийликлар содир бўлмоқда? Бу нафақат аҳли исломга, балки умуман одамзодга хос нарса эмас-ку. «Уйинг куйсин!», «Уйингга ўт тушсин!», «Хонасалот бўл!» — деган гапларнинг ўзи бизда энг ёмон қарғиш. Бундай бад ният мусибатга олиб келади.

Мантиқ шуни тақозо этадики, месхети туркларининг эмас, балки уларни бехонумон этганларнинг уйига ўт тушсин! — дегинг келади. Беватан одамларнинг эмас, одамларни беватан қилган ва қилаётган, уларни мунофиқона алдаб, зўрлаб ўз еридан бошқа жойларга кўчириб юбораётганларнинг хонумонига ўт тушсин, илоҳим! Астафурилло!.. Дўст-ку дўст, душманингга ҳам раво кўрмайсан киши бундай дарбадарликни...

Яссининг кучи япалоққа етади, деган гап бор. Келиб-келиб, ўзбекнинг кучи — туркка, туркники — ўзбекка етадиган бўлибди-да. Вақти-замони келиб, бу фитнакорликнинг чуқур илдизлари очилади. Чамамда, айрим хунрез, аламзада, олчоқ гуруҳлар сувни лойқалатиб, балиқ ушламоқчи, қилар ишни қилиб қўйиб, ўзларини панага олмоқчи кўринади. Халқлар, миллатлар, элатларни бир-бирига қарши гиж-гижлатиш, улар ўртасида низо, қонли тўқнашувлар чиқашишдан манфаатдор одамлар, қайта қуришдек муаззам давр тақозоси, замон зайлини оқимга қарши йўналтиришга шай турган гуруҳлар борга ўхшайди.

Эл орасида ҳар хил гап: узоқ-ёвуқдан келган ва ўз орамиздаги «холислар» мамлакат, ҳатто жаҳон миқёсида ўзбекларни бадном этишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганликлари билиниб қолди. «Парчалаб ташла-ю, айшингни сур» қабилида. Бошқалар эса месхетиларни азалдан «ёвуз» одамлар деган фикрни сингдирмоқчи.

Аслида эса, ёвуз кучлар ҳақиқатан ҳам бор. Аммо улар бутунлай бошқа ёқда. Ер қаттиқ келса, хўкиз хўкиздан кўради, дейди халқимиз. Бу юз, минг йиллар олдин айтилган гап. Бизнинг давримизда эса, ер-ку ер, одамларнинг бағри-дили, дийдаси ҳам қотиб кетмоқда. Қарангки, урушсиз тинч яшаётган бир замонда, биз меҳр-шафқатга тобора кўпроқ

муҳтож бўлиб қолмоқдамиз. Миллатлараро муносабатлар яхшиланиши ўрнига, чигаллашиб кетди.

Бундай олганда, ҳозир ҳеч бир халққа ҳам осон тутиб бўлмайди. Бировлар ўз ватанидан бешиб, уни ташлаб чиқиб кетган. Уларнинг юзлаб, минглаб қишлоқлари ҳувиллаб ётибди. Бошқалар ўз ерига сиғишмайди. Яна кимлардир ўз она маконига қайтолмай сарсон-саргардон. Бир хил тоифа одамлар шундай аҳволга тушиб қолганки, мақол тили билан айтганда, улар — «этигим тор бўлса, дунёнинг кенглигидан нима фойда» деб доғда. Бошқалар эса «Ўз этигим кенг-мўл бўлса бас, дунёнинг торлиги чикора» деб, бўлаётган воқеаларга пинагини бузмайди...

Хуллас, ҳозир кўпчилик жумҳуриятлар учун дўппи тор келиб турган вақт. Миллий муносабатларнинг бу қадар таранглашиб кетганлиги сабаблари эндигина, аста-секин ойдинлашмоқда.

Қийшиқ мўридан тўғри тутун чиқмайди, дейди руслар. Лекин жуда узоқ йиллар мобайнида, якка-ҳокимлиқ шароитида, фақат мўримиз билан тутунимизгина эмас, балки, даҳшатлиси шундаки, ўзимиз ҳам хийла «қийшайиб» қолган эканмиз. Ҳозирги раҳбарият мамлакат ва жумҳуриятимизнинг иқтисодини ҳам, сиёсатини ҳам ростлашга астойдил ҳаркат қилишаётган экан, буни тўғри тушунмоқ лозим. Аммо ҳар қандай иншоотни ҳам бузиш осон, тузиш, тўғрилаш мушкул. Бу ҳар қандай ҳолда ҳам кураш, оғриқ билан кечадиган «ижтимоий жарроҳлик» жараёнидир.

Яна шуниси борки, узоқ йиллар мобайнида ҳаспўшлаб келинган, тўпланиб қолган бу муаммоларни, чигаллашиб кетган тугунни жиззакилик, ҳақорат, хунрезлик билан эмас, балки соғлом ақл-идрок, инсоф, бардош, тафаккур кучи билангина ечиш мумкин.

Бир нарсага ҳайрон бўлиб қолдим. Эшитишимча, Гуржистон жумҳуриятининг Олий кенгаши месхети

туркларининг ўз Ватанига қайтишларини ман этувчи фармон чиқарибди. Мен қардош гуржи халқини ҳурмат қиламан. Унинг тарихи, маданияти, тили, адабиёти, олимларини эъзозлайман. Миллий кадриятларни асраш, ўз ёзувларини сақлаб қолишда бу қардош халқдан ўрганадиган нарсаларимиз кўп. Қандайдир «мўлжал» ёхуд манзират эмас, балки самимият юзасидан айтмоқдаман бу гапни.

Бироқ анови фармонга тушунмай қолдим. Бундай миллий маҳдудлик, худбинлик ва зўравонлик сиёсати ҳеч кимни ҳеч қачон яхшиликка олиб келган эмас. Ким-ким, гуржи фуқароси буни яхши тушунса керак эди...

Бировнинг ибодатхонасига ўз ҳадисинг билан кирма, деган нақлни биламиз. Ақли расо гуржи биродарларимизга «насиҳат» қилиш ёки «маслаҳат» бериш ниятида эмасман. Нима қилиш зарур ёки нозаруригини улар ўзлари яхши биладилар. Аммо мен рад этиб бўлмайдиган бир нечта оддий ҳақиқатни эслатмоқчиман, холос.

Аввало, мешети туркларининг қароргоҳи баҳси асло ўзбекларнинг эмас, балки айнан гуржиларнинг муаммоси. Менинг халқим мамлакат тақдири учун фавқулодда оғир бир даврда бошпанасиз қолган халқларни ўз бағрига олган экан, наҳотки бу бизнинг гуноҳимиз бўлса? Бир халқ бошқа бир халқ ҳисобига «бойваччалик» қиладиган замонлар ўтди. Нега бугунги ўзбеклар билан турклар кечаги берияларнинг қабиҳ ишлари учун жабрланмоғи керак?

Очиқ гаплар очиқ айтиладиган замонлар келди. Тушуниш ҳам керак-да. Гуржи ўртоқлардан хўрланган ва асоратда қолган мешетиларни «меҳмон» сифатида қабул қилиб олиш, «олижаноблик» юзасидан ўз еридан бир қисмини уларга «ижарага» бериб туришни илтижо қиладигани йўқ ҳеч ким. Ахир, қўпол бўлса ҳам айтай: одамлар билан, наинки

одамлар, бутун бир халқ билан «савдо-сотик» қилмайдилар-ку. Йигирма биринчи аср бўсағасида-я!

Гап «меҳмон-мезбонлик» муносабатлари ҳақида эмас, балки бундан қирқ беш йил муқаддам «халқлар отаси»нинг «марҳамати» билан ўз маконидан шафқатсизларча қувиб юборилган бир халқни, ниҳоят, ўз қонуний ватанига қайтариш ҳақида бормоқда. Вассалом.

Ўзбекларда яхши гап бор: пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса — бировга ур. Қани, фармонбардор гуржи биродарлар, ўзингизни, сиз ўзингиз ватангадо қилган, эндиликда элма-эл, юртма-юрт «во ҳасрато!..» деб изғиб юрган месхети туркларининг ўрнига қўйиб кўринг-чи? Фараз қилинг, дарбадарлик — сиз ватанидан маҳрум этган туркларнинг эмас, ўзингизнинг бошингизга тушган бўлса, нима қилган бўлар эдингиз?

Месхетиларни ўйлаганда ҳар бир софдил инсоннинг юраги қонга тўлади. Беихтиёр, шундай савол кўндаланг бўлади: умуман, нима учун «алоҳида» миллий мумтозликка даъво қилувчи шахслар ёки гуруҳларнинг ўзбошимчалик билан қилган хатти-ҳаракати учун бошқа халқлар, ўзга жумҳуриятларнинг аҳолиси ҳам жабрланиши керак? Ва — қачон-гача?..

Ўзига қанчалик мушкул бўлмасин, энг оғир, долзарб йилларда том маънода валломатлик қилган ўзбекларнинг ҳам аҳволи ҳозир бошқаларникига қараганда беш баттар. Унинг ўз бош оғриғи ўзига етиб ортади. Бузилган об-ҳаво, ифлосланган сув, дабдала бўлиб ётган тарихий ва маданий обидаларимиз, териси суягига ёпишган болаларимиз, қуриётган дарёлар-у денгизимизни келиб кўринг.

Оқ, қизил, зангори ва бошқа турфа хил олтинларни, ерости ва ерусти бойликларини анойиларча ҳемирига, текин беравериби, эвазига илон пўст ташлай-

диган тухматлар, таҳқиру ҳақоратлар, нафсониятни ерга урувчи бўҳтонлар эшитиш, алданиш менинг халқимнинг ҳам тинкасини қуритди, асабларини зор қақшатди. Ўзбеклар ҳам боши чўяндан, юраги темирдан ясалган ашё эмас... Ориятли халқ. Етар.

Социализмнинг тамал тошида «бировларнинг нонини туя қилиб бериш» шarti ёзилмаган. Сўзамоллик билан иш битмайди. Дўстликми дўстлик, қардошликми қардошлик. Лекин «ҳисоблик дўст айрилмас», «андишанинг отини қўрқоқ қўйма» деган гапни ҳам унутмаслик керак. Ҳар қандай биродарлик, оға-инилик, яхши қўшничилик муносабатлари шунга асосланса, ишларимиз ёмон бўлмас, ўнглиниб кетар.

Эҳтимол, менинг мулоҳазаларимда озгина зарда, гинахонлик ҳам бордир. Балки гапларим аччиқдир. Аммо бегидр. Гап одамлар билан одамдай муомала қилиш хусусида бормоқда. Начора! Турли миллат вакиллари (биринчи галда гуржи дўстларимиз!..) бу ерга келиб, ҳақиқий аҳволни — месхетиларнинг гуриллаб ёнаётган хонадонларини, ҳалок бўлаётган ўзбек ва бошқа миллат кишиларининг бурдаланган, таҳқир қилинган жасадларини ўз кўзлари билан кўришсин! (Фурсатдан фойдаланиб, ўзбеклар ва туркий халқларга қарши навбатдаги уйдирма маъракаларни яна бошлаб юбориш учун эмас, албатта!)

Агар ҳозир биз масалани ким айбдор деган тарзда қўйсақ, бирон нарсага эришиш қийин. Бу — аввал қай бири пайдо бўлган: товуқми ёки тухумми? — деган саволга жавоб қидиришга уринишдай бир гап бўларди. Жиноятчилар, шубҳасиз, жазоланиши даркор. Лекин бош жиноятчи — жиноятни содир қилган кишими ёки жиноятчини жиноятчи қилган муҳит, ўзини панага олиб, ҳар гал сувдан қуруқ чиқаётган бағритош, бадкирдор одамларми?

Тушунамиз: содир бўлган аҳволнинг бўлак

мушкул жиҳатлари ҳам бор. Бадарға қилинган халқнинг ер-мулки, ҳовли-ҳарамлари аллақачон «ўзлашиб» кетган. Лекин бу далил бўлмайди. Сидқидилдан йиғласа, сўқир кўздан ёш келар, дейишади. Агар чин одамийлик мавқеидан туриб, инсоф билан ёндашилса, ҳал қилиб бўлмайдиган муаммо йўқ дунёда.

Ҳа, масалани «сих ҳам куймайдиган, кабоб ҳам куймайдиган» тарзда ҳал қилса бўлади.

Масала очиқ ва равшан. Месхети турклари Ўзбекистонга осмондан тушган эмас, балки Гуржистондан келишган. Бас, улар ўз Ватанига эсон-омон, ёруғ юз билан қайтиши керак. Улар бировнинг ҳисобига яшайдиган қаллоб эмас, балки ялангтўш, мард ва меҳнатсевар халқ. Ўзининг бу сифатлари билан гуржи, ўзбек ва бошқа истаган халқдан заррача қолишмайди. Умуман, одамнинг «чиқити» бўлмайди. Халқнинг «чиқити» ҳақида эса гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Биз, ўзбеклар, қатағон кунларда бошига иш тушган, ўз уйдан илон чиққан бир қардош халқни яхшилик билан кутдикми, энди дориломон замонда уни ёмон отлиқ қилиб қувиб солмайлик. Бу на рисолада, на таомилда йўқ. Биз ҳам шу оғир дамларда ўзимизни уларнинг ўрнига қўйиб кўрайлик...

Ишқи йўқ — эшак, дарди йўқ — кесак, дейдилар. Қалбида-муҳаббат, дилида-мурувват, кўнглида-ҳазрати Одамга меҳр-оқибати бўлмаган кимса инсон эмас.

Мен ҳар икки қондош-жондош халқ: ўзбеклар билан месхетилик туркларга қарата, шоир Эркин Воҳидов тили билан илтижо қилиб дейман: «Ўзма дўстлик риштасин, боғлаш қийин!..»

МУМИЁИ АСИЛ

Кимдир биров ёлкамдан оҳистагина туртиб уй-ротди ва шивирлаб деди:

— Мен профессор Шокиров бўламан. Танийсизми? Воқеани эшитдим. Ҳечқиси йўқ. Ўзим даволайман. Отдай тузалиб кетасиз.

Нега мени даволашар экан? Нима гап? Қаердаман ўзим? Профессор Шокиров ким?

Даҳшатли автомобил фалокатига учраганимни гира-шира ўйлаб топдим. Чап оёғимнинг илик суяги чўрт синган, ўнг оёғим чиққан, кўзларимга машина ойнакларининг синиқлари кирган. Ғиж-ғиж. Миям қаттиқ чайқалган. Аъзойи баданим зирқираб оғрийдди. Кўзларим хиралашиб қолган.

Ўзимнинг қирқ ёшимни бундай алфозда кутиб олишни ҳеч қачон «мўлжалламаган» эдим... Хўрлигим келди. Қаллаи саҳарлаб етиб келган улуғ табиб Одил Шокировнинг ҳаяжон аралаш сеҳрли сўзлари нашъа қилди шекилли, кўзларим жиққа ёшга тўлди.

Бу воқеанинг юз берганига (1973 йил) роппа-роса ярим йил бўлганда азоб-уқубатлар ортда қолди. Онадан қайта туғилгандай бўлдим.

Ярим йиллик таҳлика, фаолиятсизлик... Айтишга осон. Ҳаёт инсонни қанақасига имтиҳон қилмайди! Бир файласуф олимнинг гапи ёдимга тушиб кетди: баъзан шундай бўладики, кафтдай текис, кенг, равон йўлда кета туриб ҳам қоқинасан киши. Не ажаб: тўрт оёқда юриб от қоқинади-ю, инсон — икки оёқда...

* * *

Айтишадики, мўмиёи асил «ҳаёт ўсимлиги» бўлиши жень-шендан ҳам аъло экан. Мен буни ўз «тажрибам»да синаб кўрдим. Бу ажойиб шифобахш тоғ маъданини кашф қилган аждодларимиз қаршисида

бош эгаман. Тиббиёт фанлари доктори Одил Шокировнинг таърифлашига қараганда, мўмиёи асил тўрт хил бўлар экан: маъданий, инсоний, ҳажарий (тош) ва шажарий (ўсимлик). Аммо менинг тадқиқотим бошқа мўмиё, пулга сотилмас ва кўзга кўринмас, нодир ва дунёда ҳамма нарсадан ҳам беҳрак инсоний «мўмиёи асил» — одамларнинг оқибати ва садоқати хусусида. Менинг чуқур эътиқодимча, асл мўмиё — инсоннинг меҳри гиёсидир.

Дўст бошга кулфат тушганда билинади, деган ҳикмат бор. Ҳаётимда шундай аччиқ дақиқалар бўлдики, менга ҳам яна бошқатдан икки оёқда туриш насиб қилармикан, деб ўйлардим. Мана бугун қаддимни ростладим. Ўз оёқларимда маҳкам тикка турибман. Одамлар орасидаман. Бу не бахт! Аммо Сиз, профессор, мени фақатгина мўмиёи асилнинг сеҳрли кучи билан даволадим деб ўйламанг. Мени икки оёққа қўйган нарса — Сиздаги кўзга тўтиё қилиб суртса арзигулик инсоний меҳр бўлди. Буюк бобомиз Абу Али Сино айтган бўлсалар керак: табиб — дард билан дардманд ўртасида туради. Агар у — дард тарафига ўтса, дардманд ўлади, дардманд тарафига ўтса, дард ўлади. Агар Сиз ўз темир мантиқингиз, тадбир ва букилмас иродангиз билан мен тарафимда бўлмаганингизда, мен бу оғир балои ногаҳонни бар-тараф қила олмаган бўлардим.

Мўмиёи асл ҳақида ёзган рисолангизда икки мис-рани келтирибсиз:

Синса кўнгил шишаси тадбир ила бўлмас бутун,
Устихон эрмаски они рост қилса мўмиё.

Олтин сўзлар! Дардни ирода кучи билан енгса бўлади, аммо у билан қадам-бақадам келадиган руҳий азоб оғир экан. Сиз гоҳо чуқур изтироб ичида хомуш ва фаромуш ўтирган хастанинг кўзларига маъноли боқаркансиз, тасалли бериб, унинг ўша топ-

да нимани ўйлаб ўтирганини беҳато айтиб берардин-гиз. Сизнинг, домла Шокиров, хушбичим рафторингиз, беғубор табиатингизга қараб қувонар, Сиз билан фахрланардик, Сиздай одил ва саховатли бўлишга дилимизда қасамёд қилардик.

Ватан урушида жонбозлик кўрсатган бу олим маишат, фароғат, ҳордиқ нималигини ҳам унутиб юборган бўлса керак. Негаки, кўпинча дам олиш ва байрам кунлари ҳам профессор касаллар орасида бўлади. Ўз ишига бефарқ қараган шифокор билан ҳеч қачон муроса қилолмаса керак.

* * *

Бир гал «Тошкент оқшоми» рўзномасида шундай хабар босилиб чиқди: Сингапурда ўз болалари — жигаргўшаларини ўқитишга маблағ тополмаган бир муштипар бисотидаги охирги «бойлиги» — кўзини сотиш ҳақида маҳаллий рўзномалардан бирида эълон берган.

Кўзни сотиш... Кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган воқеа. Даҳшат.

Кейинчалик яна шу рўзномада «Профессор Фридмэннинг ўлдирилиши» деган тағин бир хунук воқеа ҳақида хабар қилинди. Унда АҚШдаги Колумбия университетининг шундоққина ёнгинасида машҳур халқаро ҳуқуқшунослик профессори Вольфганг Фридмэнни тўрт безори купша-кундуз куни, рўйроост чавоқлаб кетишгани, бу ҳодисани кўрган йўловчилар пинакларини ҳам бузмаганликлари ҳикоя қилинади. Бу мудҳиш воқеа ҳақида «Нью-Йорк таймс» рўзномаси ёзибди: «Ҳатто чангалзорларда яшовчилар ҳам бир-бирига катта раҳм-шафқат билан муносабатда бўладилар».

Мана шу икки хабар мени ўйлантириб қўйди.

Йўл фалокатига учраганимда дунё кўзимга қо-

ронғи эди. Бир лаҳзагина хушимга келиб қарасам, ҳаммаёғим қонга беланган, кимдир биров, уст-бошларини булғаб, мени даст кўтариб турибди. Яна кимлардир тўрт томонга чопиб юришибди. Саросима, гала-говур. Агар ўша топда одамлар ёрдамга келмасалар, ҳолим нима кечарди? Сизлар ким, қандай олижаноб кишиларсиз? Жавоб беринг! Мен сизларнинг қаршингизда ўз ҳаётим билан бурчдорман-ку, ахир! Ўша мудҳиш тунда дарҳол хабар топиб келган жонажон дўсту қадрдонларим мени бир нафас ҳам ташлаб кетишгани йўқ. Даволовчилар тонг отарга қадар тиниб-тинчишмади: очишди, тозалашди, ўлчашди, тикишди, тахтакачлашди ва ҳоказо. Эсим кирарли-чиқарли бўлиб турибди-ю, ғира-шира эшитаман: кимдир биров оғриқдан диққатимни тортиш учун атайлаб алмойи-алжойи саволлар беради, қитиқ паримга тегади, бошқа биров эса нуқул «масаланинг эстетик томонига» эътибор қилади, юз-кўзларимда чандиқ қолмаслиги ташвишида куйди-пишди бўлади. Гоҳо, оғриқ жонимдан ўтиб кетганида, «юз меникими ё сеникими!» — деб «ҳазиллашишга» менда ҳам журъат топилади. Бу аҳволга хоҳ ўл, хоҳ кул.

Кейинчалик мен бу шифокорлардан баъзи бировларнинггина номларини аранг аниқладим. Булар: Иброҳимов, Мелиев, Зиёев, Уткир Ислombeков, Карим Турсунбоев деган қўли гул жарроҳлар, шифокорлар экан. Бу муҳтарам зотларга алоҳида таъзим қиламан.

* * *

Кўз — бош миядан ташқи ёруғ оламга қарата очилган икки дарча ва инсонга берилган қўш бахтдирки, ундан жудо бўлиш мусибатини чуқур ҳис қилмоқ учун кўр бўлиш керак.

Қизиғи шундаки, фожиа ичра ақл бовар қилмай-

диган бахтли бир тасодиф рўй берган эди. Темир бигизга ўхшаш бир нарса чап қовоғим устидан тешиб ўтиб, сўнгра юқорига, қошимни ёриб чиқиб кетган эди. Во ажаб! Кўзнинг эгаси бор деб шуни айтар эканларда.

Орадан ўн кун ўтди. Ҳамон кўзларимни очолмайман. ТошМИ доценти, энг оғир дамларда мен билан доим ҳамнафас бўлиб турган қадрдон биродарим Тўхтамурод Файзуллаев кўз дўхтирини чорлаб келиб қолди. Нина Иванова деган мўртгина дўхтир қиз кўзларимни бамисоли кафтига олиб қарагандай ўбдон текширди. Сўнгра у кўзларимга кирган чангни тозалаш баҳонасида операцияни бошлади. Врачнинг буюришича, мен мижжа қоқмай, унинг кўзларига тиқилиб туришим керак эди...

* * *

Кўзим устида тиг турарди. Биргина мижжа қоқиш умрбод кўр бўлиб қолишим учун кифоя эди.

Диққатимни бир нуқтага тўплаб, ўз халоскоримнинг кўзига тикилдим: докторнинг ҳам бутун вужуди диққатга айланган эди. Меҳр икки кўзда, дейдилар. Унинг илиқ, маъсум, баҳор ҳавосидай муаттар нафаси юзим ва димоғимга урилиб турар, икки зангори кўз чап кўзимдан ниманидир қидирарди. Ниҳоят, у нафасини ичига ютиб, тигни кўзимнинг шисаси устига қўйди ва ниманидир аста-секинлик билан кавлай бошлади...

Қизнинг ҳаяжонланаётгани шундоққина кўриниб турарди: асаблари қилдай тортилган, пешонасида пайдо бўлган марварид томчилар милт-милт ялтирай бошлади. Беихтиёр, хаёлимдан шундай фикр ўтди. Бу ёшгина қизнинг айна ўйнаб-куладиган вақти экан. Бу хатарли касбни танлашга уни нима

мажбур этди? Инсонга бўлган меҳр-шафқат бўлса керак, деб ўйладим ўзимча.

...Ниҳоят, доктор кўзимдан ниманидир олди-да, секин пешонасини артди ва гўё кўзим соққаси ичидан бир хазина топгандай мамнун бўлиб, қўлимга шиша парчасини тутқазди. Гап нимада эканлиги энди аён бўлган эди.

— Бахтли одам экансиз,— деди у.— Менинг ҳам ишим ўнгидан келди.

Тоштовонга суқилган тиканни кавлаб олиш қанчалар машаққатли. Ҳолбуки, шиша тикан менинг кўзларим гавҳарига ўрнашган, уни олиш учун эса мана шу ҳакиманинг тадбири керак эди.

Юз берган воқеанинг бутун даҳшати-ю, миқтигина бу қизнинг йигирма минут ичида кўрсатган қаҳрамонлиги сирини тушуниб етган эдим.

* * *

Кўзим «мошдай» очилди. Орадан бир неча кун ўтгач олам боз аввалгидай равшан бўлиб кетди. Ушбу сатрларни ёзар эканман, сенга фикран мурожаат қиламан, Нина Иванова: кимсан ва қаердасан? Ҳойнаҳой, яна қанчадан-қанча ожиз кўзларни очиш, жароҳатларни даволаш, зулматни йўқотиш, одамларга ёруғ нур ато қилиш ташвишида юрган кўринасан? Мен ўшанда хира кўзларим билан сени дурстгина кўролмай қолибман. Иттифоқо энди кўриб қолсам, таниёлмасмиканман деган андишага бораман. Мана ўзинг даволаган кўзларим чароғон. Шу меҳр тўла қора кўзларим сенинг тиниқ осмон сингарини зангори кўзларингни қидиради. Мен сени ўз тилимизда «ҳакима» деб атайман. Қаердасан, Нина?

Одамлар: ёр-биродарлар, ошна-оғайнилар, касбдош, хизматдош, юртдош ҳамда студент шогирдларим келиб турдилар. Узоқ-ёвуқдан ҳамдардлик билдирилган илиқ хатлар олдим. Аммо шуниси таажжублики, мен ҳеч қачон ҳеч қаерда кўрмаган, танимаган, билмаган одамлар ҳам ҳол сўрагани келишди. Бу қалби кенг кишиларни «бегона» дейишга зинҳор-базинҳор тилим бормаиди! Йўқ, улар менинг жигаргўшаларим, минг йиллик қадрдон оғайниларимдан ҳам беҳрак. Шунда мен атрофимиздаги кишиларга нисбатан «бегона», «ёт» сўзларини минбаъд қўллаб бўлмаслигини ҳис қилдим.

Шундай. Номингиз меҳру вафодир, одамлар. Агар мен шоир бўлганимдами, «Одамлар» деган қасида ёзган бўлардим, бастакор бўлганимда — шу инсоний мадҳияга куй басталардим. Тантанавор, салобатли, такрорланмас, ажиб бир фалсафий куй. Бизнинг кишиларимиз дунёда энг одил, хоксор, мунис, мушфиқ ва меҳрибон инсонлардир. Шунинг учун ҳам Юлиус Фучикнинг мен учун калимаи каромат бўлиб қолган оддий, аммо бағоят маъноли мана бу сўзларини овозимни баралла қўйиб такрорлагим, куйлагим келади:

— Сизларни севаман, одамлар!

Тошкент, 1973 йил.

НЕГА ОДАМЛАР МИНГ ЙИЛ ЯШАМАЙДИ?..

Оғир юрак хасталигидан сўнг, «Қибрай» оромгоҳида дармонга кираётган эдим. У ерга борганимнинг тўртинчи куни, номозшом, безовта юрак жароҳати яна хуруж қилиб қолди. Ярим соатлар давомида

Ўлим билан юзма-юз олишишга тўғри келди. Кўзим-га ёруғ дунё қоронғилашиб кетди. Э, нимасини айта-сиз... Бунинг «нималигини» фақат бошидан ўтказган одам билади. Бошқага тушунтириш қийин. (Илоҳим ҳеч кимга кўрсатмасин)

Тасодиф дейинми ёки шундай бўлиши керакми-ди, айти шу дақиқаларда донишманд инсон ва адиб Асқад Мухторнинг ёқимтой чеҳраси кўзларимга гира-шира кўрингандай бўлди. Ҳа, кейинроқ билсам, Асқад ака айти шу дамда бошимда раҳнамо бўлиб турган экан. Ўзим ҳуш-беҳуш ётибман-у, унинг ма-сиҳий нафаси, ботиний изтироби, ташвишли саъй-ҳаракатларини юрак-юрагимдан ҳис этдим. Дўст оғир кунда билинади, дейдилар-ку. Асқад Мухтор менга оға ва устод мақомида.

...Жоним қилга илиниб турибди-ку, мени, сира-сини айтганда, етти ёт бегона бир одамни деб азоб чекаётган азиз шифокорлар, жон олиб, жон бериб, саросима ичида ёрдам кўрсатишар экан, тез ва чақ-қон ҳаракат қилишарди. Назаримда, менинг мадад-корларим ўзлари мендан... мадад кутаётгандай: ок-яктак кийган фариштамонанд дўхтирлар, лаҳза са-йин жовдираб сўрашарди: «Яхшими? Яхшими?..»

Буни қарангки, чиндан ҳам мўъжиза содир бўл-ди: аста-секин анча енгил торта бошладим...

Ҳар қандай даҳшатли зилзила ҳам санокли дақи-қаларда қиладиганини қилади. Ярим соатлик юрак-ларзони, ниҳоят, тинчиб, онадан яна бир марта қай-та туғилгандай бўлганимдан сўнг, хиёл енгил торт-дим. Шунда ранги қув ўчиб, ҳалигина лаблари асабдан титраб турган ҳамшира Наташа беихтиёр «ёрилди»:

— Мен сизни сиртингиздан алпсиз деган эдим. Ҳолбуки, мўрт экансиз. Шундай ҳам бўладими... — деб «гинахонлик» қилди ва ҳол-беҳол хонадан суд-ралганча чиқиб кетди.

Ўзим-ку бўлганимча бўлдим. Буёғи ўзимга тан. Аммо одамларни «қўрқитганимга» хижолат тортдим. Шу топда ўзимга ҳам бир нарса алам қилди.

Ҳа, алплигим ҳам, мардлигим ҳам, мўртлигим ҳам рост. Қандоқ қилай энди: мени мард қилган ҳам — одамлар, мўрт қилган ҳам — одамлар эканини одамлар билишармикан?

Билган билади, билмаган билмайди...

Менимча, одамлар ҳаммавақт ҳам ўзига «ажратилган» умрни яшамайди. Минг хил табиий офат: зилзила, сел, тошқин, кўчки, қурғоқчилик, вулқон сингари фалокатлар ўз йўлига. Кўпинча одамни одам ўлдиради. «Эрни эр қиладиган ҳам хотин, қаро ер қиладиган ҳам хотин», дейдилар. Ўз ўрнида бу тўғри. Менга қолса, мазкур мақолнинг миқёсини кенгайтириб, деган бўлардим: «Одамни одам қиладиган ҳам одам, адойи тамом қиладиган ҳам одам».

Пайти келди, айтмасам бўлмас.

Жудаям хилма-хил «ҳаётий» инқирозларнинг сандоси, ҳосиласи бўлмиш бу тангликларда менга тез ёрдамга келган жонга-жон ўнлаб фидойи шифокорлар: Малика Абдулла қизи, Амина Норқул қизи, Роҳила Холмурод қизи, Дилбар Усмон қизи, «тез ёрдамчи» врач Надежда Зарубина ва бошқаларнинг номлари дийдам устига. Миқёсини кенгроқ олсак: юзлаб ҳамкасаба дўстлар, ёзувчи ва шоирлар, олимлар, яқин-йироқдан келган ёр-биродарлар, таниш-нотаниш одамларнинг меҳр-оқибати, ҳаёт эканман, ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди.

...Эл-юрт, ватан, одамлар тақдирини ўйлаганимда, тўйиб кетган вақтларим кўп бўлади. Шунда: «Келинг азизлар. Бу дунё қанчалик кенг бўлса, биз шунчалик тор бўлмайлик, ахир. Чунки у — ёруғ жаҳон — ҳаммамизга етади. Ҳатто ортади ҳам...» дегим келади.

Бу нидони ким эшитади, ким эшитмайди ёки

эшитишни истамайди ҳам. Ким тушунади ёхуд тушунгиси келмайди...

Мана, орадан энг таҳликали ойлар ўтди... Меҳрибон одамларнинг ҳиммати, оқибати ҳақида ўйлар эканман, уларнинг — менга эмас, ўзимнинг — уларга қанчалик бурчдор эканлигим доим фикр-ёдимни чулғаб туради.

Шундай бўлиб чиқдики, мен умр бўйи, ўзимни ўзимнинг ҳаётдаги муносиб ўрнимдан маҳрум этиб келган айрим ноинсоф, олчоқ одамларга, хоҳлабми-хоҳламайми... кўмаклашдим. Одамлар эса жудаям хилма-хил. Ёвузлар, товламачилар, фирибгарлар, ялтоқлар, лақмалар, бировларнинг ҳисобига тўра бўлиб юрганлар, нонкўрлар, кўра-била халойиқни алдаб, унинг қарғишига дучор бўлаётган амалпарастлар, маънавий ва ахлоқий бузуқ кимсалар ҳар қадамда учрайди.

Бироқ ҳалол, покиза, инсоф-диёнатли, олижаноб инсонлар ҳар қалай кўпроқ деб ўйлайман. Улар ҳаммавақт эл-юртнинг назарида ва ҳисобкитобида туради...

Халқда шундай нақл бор: ёмонликни орқага ташла, яхшиликни олдинга суравер. Дунёда нима қийин — ҳалол яшаш ва одамларга холис яхшилик қилиш қийин. Қизиқ: баъзан шундай ҳам бўладики, айнан ўша яхшилик қилган одамнинг, ўзини ўнглаб олгач, оёғингдан чалади. Алам қилмай-дими?..

Бир вақтлар яқин асҳобларимиздан бўлган икки кишини, қўлидан ушлаб, ботқоқдан чиқазиб, афт-ангорини тозалаб қўйган эдим. Улар эса, кейинчалик, нима бўлди-ю, тўнини тескари кийиб олди. Одамлар орасида камина тўғрисида: «У шунчалик ожизки, бировга ёмонлик қилиш ҳам қўлидан келмайди», деган гап тарқатишибди... Бу таъна ва истеҳзо, гарчи юрагимда тош қотган бўлса-да, асли-

да, менга мукофот эди. Бу менинг мантиқим ва «ҳаракат дастурим»га жуда мос таъриф.

Умуман олганда эса, соғлом ақлга хилоф гап. Ёмонлик қилиш учун умуман ақл керак эмас. Бу ҳамманинг ҳам қўлидан келади. Энг ожиз одамнинг ҳам. Ундай десангиз, қайтага нокас одам эл бошига шундай фалокатни соладики, бунинг оқибатини юзлаб, минглаб ақли расо, зукко кишилар ҳам барта раф этиши амри маҳол. Турмушда бундай ҳоллар кам дейсизми... Кейин билсам, мен «ҳотамтойлик» қилиб, ўз ҳифзи ҳимоямга олган ўша икки нафар нобакор теги «ботқоқбоп» шахслар бўлиб чиқди. Мана, мен, панада юрган «фақирнинг» қилиб ўтирган ишим. Эҳ-ҳе, кошкийди, ўша бир жуфт маккор буқаламун мени доғда қолдирганларнинг биринчиси ва охиргиси бўлса... Гоҳида хунобим тошиб, одамзод наслига ўзимча гўё таъриф ҳам берган бўламан: «Инсон — бу адашишга, хато қилишга мойил мавжудот».

Ҳа, яхшилик қилишдан асло чарчамаслик керак. Лекин ёмонларга ёмонлик қилишдан ҳазар қилар экансан (қўл ифлос бўлади-да), яхшиликни билиб, яхшиларга яхшилик қилиш лозим.

...Мана, менда, не ажаб, ҳамон... куз кайфияти.

Одатда, куз фаслида, кишининг табиати ва хотиротида алланечук ёқимтой, сокин, рангоранг ва... баданни жунжиктирувчи изғиринли ўй-кайфиятлар, сирли туйғулар пайдо бўлади. Баъзан кимсасиз бирон жой топиб, тўйиб-тўйиб йиғлаб олгинг келади кишининг...

РАИМ ДЕВОНА

(«Хатирчи — менинг Ватаним» туркумидан)

Самарқанд вилоятининг сарҳадида Хатирчи ноҳияси жойлашган. Бизнинг Хатирчида бир вақтлар Райим девона деган киши яшарди. Илгари Шихлар қишлоғида деҳқончилик билан банд бўлиб, қовунтарвуз, бодринг, қовоқ-совоқ экиб тирикчилик қиларди. Кейинги йилларда қишлоқдаги ота-бобосидан қолган бир парча эски ҳовли-жойи ҳам пахта ерига қўшилиб кетгач, қўрғонга келиб (одамлар ҳалиям Хатирчини «қўрғон» деб айтадилар, чунки илгари, амирлик даврида, у гирди девор билан ўралган шаҳар экан), бизнинг Сув-дарвоза гузаримизда умргузаронлик қилиб яшаб қолган.

Хатирчиликларда қизиқ одат бор. Агар Расул, Худойберди, Карим, Аҳмад... десангиз, ҳеч ким танимайди. Рост-да, ҳар икки одамдан бири — Аҳмад, Муҳаммад, Карим бўлади бизда. Шу ваздан бўлса керак, вазифаси, касб-кори, бирон жисмоний нуқсонни ёки феъл-атвори, баъзан миллатига қараб ҳар бир кишининг ўз лақабими-ей, ишқилиб бошқалардан ажралиб турадиган бир «тамғаси» бўлади. Ана шу «атамасини» қўшиб айтсангиз, ким ҳақида гап бораётганлигини дарҳол биладилар. Айниқса, қариялар. Масалан: «Салом бойвачча», «Мулла Тожи», «Расул жевачи», «Худойберди михчагар», «Рашид қори», «Йўлдош совунгар», «Муқим мисгар», «Қодирқул сартарош», «Мўмин чўлоқ», «Ўктам кўр», «Зокир ғиё-ғиё», «Жаббор мошиначи», «Ҳусан тунукасоз», «Зухур чўтир», «Карим қизиқчи», «Садриддин махсум», «Ражаб новвой», «Ғиёс афғон», «Эргаш қушбон», «Пирмат косиб», «Ҳақим кучукбоз» ва ҳоказо десангиз, уларни дарров танишади.

...Олтмиш тўртинчи йилнинг ёз ойлари эди, ча-

мамда. Чилонзордаги уйимизга дадам билан онам бизларни кўргани келадиган бўлишди. Телефонда Райим девона ҳам меҳмон бўлиб келаётганини эшитиб қолдик.

Райим девона! Мийиғимда кулдим. Нега энди ўзи барвастан келган, эгнига ёзин-қишин юпқа яқтак кийиб юрадиган ниҳоятда камсуқум, ҳалим, эсиҳуши жойида бўлган бу одамни «Райим девона» дейишаркан-а?..

Кайфим беҳад чоғ бўлди. Меҳмон атои худо, дейдилар. Бизниқига кимсан Райим девона келяпти! Ишонсангиз, бундай одамни кўришнинг ўзи бир аломат, деса бўлади. Ўзиям умрида биринчи топқир пойтахтга келиши бўлса керак.

Эр-хотин роса тайёргарлик кўрдик. Мен шаҳардан қўй гўшти олиб чиқдим. Меҳмонларга юмшоққина манти қилиб берайлик...

Эртаси кун кечқурун улар етиб келишди. Райим девона барваста, чорпахил одам эмасми, эшигимиздан базўр сиғди. Эҳ, қишлоқ одами қандайдир бир бошқа-да. Беғубор. Чолнинг икки бети ял-ял, хумдонда пишган кўзадай қип-қизил. Тиниқлигини айтмайсизми!

Бир вақт чол қўлини чайдиган бўлди. Унга қўл ювадиган хонани кўрсатдим. Аксига олиб... Ҳамма гап жўмракнинг бузилиб қолганидан бошланди. Жўмракдан сув тинимсиз оқиб турарди: чак-чак-чак... Меҳмон менга томон ўгирилиб, ҳеч нарса демасди-ю, норози қиёфада йўталиб қўйди. Сўнгра ҳўмрайиб, бир нарса деб пичирлагандай бўлди. Юрагим «шув» этиб кетди. Сўнгра у қўл ювишни ҳам унутиб, апил-тапил жўмракни бурашга киришиб кетди. Наники оқаётган сувни тўхтатиб бўлса!..

Шунда: «Одамлар бу кишини бекорга «девона» демас экан-да», деган фикр хаёлимдан ўтди. Бундайлар сувдан чўчийди деб айтишарди-ёв...

Сал ўтмай чол «ташқари»га чиқишни ихтиёр қилди. Тегишли жойни кўрсатдим.

«Ташқари»дан девона бутунлай авзойи бузилиб чиқди. Юз-қўлларини ювиб, уйга бирров кирди-ю, кутилмаганда сафар жабдуқларини ҳозирлай бошлади. Аввалига буни ҳазилга йўймоқчи бўлди.

— Қўйсангиз-чи, тоға, нималар деяпсиз? Ҳозир, мана, келингиз пиширган мантини еймиз, кўк чой ичамиз. Ўзингизга алоҳида хос хона ажратиб қўйдик. Баҳузур дам олинг. Тошкентга биринчи келишингиз экан. Эртага ўзим шаҳар айлантираман...

Дадам билан онам ҳам ҳайрон. Нима жин урди бу девонани деб. Лекин ҳарчанд далолат қилмайлик, меҳмоннинг чехраси очилмади. Кетишга рухсат сўраб ялиниб туриб олди. Ниҳоят, тушундимки, чолни кузатмасам бўлмайдиган. Ҳеч нарса емай-ичмай, туз тотмай (овқатни келтиришга ҳам улгурмай қолган эдик), у кишини поездга чиқазиб қўйишга тўғри келди. Дастурхон дастурхонда, манти мантида қолиб кетди. Меҳмонни қанчалик интиқ бўлиб кутган бўлсак, шунчалик ўксиниб кузатдик...

Кейинчалик бу мисли кўрилмаган антиқа сафарнинг қизиқ тафсилотларини эшитдик.

Хатирчига бориш учун поезддан Зирабулоқ бекатида тушилади. Нарёғи атиги саккиз чақирим йўл. Райим девона эса, Зирабулоққа ҳам етмай, Каттақўрғонда поезддан тушиб, киракаш машина (такси)га чопиб борибди ва ҳайдовчидан дарҳол Хатирчига элтиб қўйишни илтижо қилибди. Каттақўрғон билан Хатирчининг ораси юз чақиримча келади. Қўйингки, чол тушмагур қўрғонга, ҳовлисига етиб бориши ҳамано, ҳайдовчи билан ҳисоб-китоб қилиш-гаям тоқати чидамай, ўзини ҳалиги, нима деймиз... ҳожатхонага урибди. Ниҳоят, у ердан чиқиб, юз-қўлини ювибди ва апил-тапил кира ҳақини тўлаб, уйига кирибди-да, юзига фотиҳа тортиб, ғоят

мамнун бир қиёфада шукроналик изҳор этибди:
— Хайрият-е!..

Бу гапларни мен чолнинг «демона»лигига йўйдим-у, ўзимча мийғимда кулиб қўя қолдим.

Орадан мана чорак аср ўтибди. Унинг вафот этиб кетганига ўн беш йиллар бўлди. Лекин яқинда мен жуда даҳшатли бир нарсани фаҳмлаб қолдим (фаросат ўлгур ҳам йигирма беш йил имиллайдими!) Билсам, Райим девона девона эмас, мен ўзим, биз ҳаммамиз... телба эканмиз!

Сабаб?

Чол бизникида «ташқари»га чиққиси келган, аммо сувга ўтиролмаган. Сувга ўтириш даҳшатли гуноҳ-ку! Е қозиюл ҳожот!..

Одамлар ўзининг норозилигини билдириш учун биноларни ёқадилар, машиналарни синдирадилар, иш ташлайдилар, қотиллик қиладилар, тош отадилар ва ҳоказо. Баъзи жойларда маъмурият бинолари ёки майдон саҳнига бориб, ўтириб оладилар. Очлик эълон қиладилар. Варақалар тарқатадилар..

Сув исрофгарчилиги, нонкўрлик, оби ҳаётни ифлос қилишга қарши Райим девона ҳам ўзича исён қилган экан. Аммо «чурқ» этиб оғиз очмаган. Гапиргандан нима фойда? Ким тушунади? Устингдан куладилар. Отинг «демона», «телба»га чиқади, шу!

Алҳазар! Табиатни булғаш кўлами бутун ер юзи бўйлаб шу қадар кенгайиб кетдики... Биргина Тошкентнинг ўзида ҳар куни бутун бир дарёнинг суви исроф бўлса керак! Бу кетишда бизга дарёи Нилнинг суви ҳам етмайди... Орол денгизининг қуриётганига сираям ажабланмаса бўлади. Биз шундай бир юҳога айланиб кетдикки, наинки Орол, Шимоллий муз океанининг суви ҳам кор қилмаса керак!

Райим девона. Руҳингиз оғримасин, отагинам. Мени, бизнинг авлодни кечиринг. Ўйлаб кетаман: бизда ҳозир шундай ўйлайдиган, шундай яшайдиган «демона»лардан неча нафар қолдйикин?..

Биз қачондан бошлаб дуойи хайр ва дуойи бад, савоб ва гуноҳ, шаръий ва ношаръий, жоиз ва номатлуб, ҳалол ва ҳаромни унута бошладик экан? Биз узлуксиз вақт оқимининг қайси нуқтасидан бошлаб ўз аждодимизнинг покиза маънавий ҳаёт тарзидан узила бошладик? Қайси йил, қайси кун, қайси соат ва дақиқадан бошлаб инсон ҳаётининг маънавий тиргаги бўлмиш ота-боболаримизни инкор эта бошладик, улар устидан кула бошладик, тарихимизни унута бошладик, тилимизни таҳқир ботқоғига улоқтира бошладик, бутун вужудимиз билан боғлиқ аждодларимизга шак келтира бошладик?..

Кўзим кеч очилди. Жуда-жуда кеч!

ТАЪЗИМ

(Профессор Улуғ Турсун хотирасига)

Биз жамиятда тутган мавқеимиз, имтиёзли вазифамиз, ёрқин йўлимиз ва бўлак қувончли воқеалар, саналар, ютуқ, ғалабаларимизни нишонлар эканмиз, аксари ҳолларда, шуларнинг ҳаммасига қандай қилиб, кимлар ёки нималар туфайли эришганимиз хусусида ўз-ўзимизга ҳисоб бермаймиз. Гўё шундай бўлиши керак, деб тушунамиз.

Мен айтмоқчи бўлган нарса, эҳтимол, хусусий гапдир, шахсий кечинма, таассурот, хотирадир, ҳолос. Бироқ, мавзу яхши одамларнинг ибратли ҳаётидан бўлгани сабабли, жамият ва шахс, устодлар ва шогирдлар, улуғлар ва ушоқлар ҳамда одамийлик ҳақидаги фикр, мулоҳазаларни эл-юртим билан баҳам кўришни лозим топдим.

1971 йил 21 июнь кунини эрталаб уйқудан дилим хуфтон бўлиб уйғондим. Кўнглим ғаш. Тунги туш

кайфиятимга қаттиқ таъсир қилган кўринади. Тушимда бундан бир неча йиллар муқаддам вафот этган таниқли журналист, мураббий Аҳмаджон Ёқубов билан гаплашиб турибман... Унинг нуруний, ёқимтой сиймоси шундоққина кўз ўнгимда. Чуқур хўрсиндим. Упкам тўлди...

Менда сўз билан тушунтириш қийин бўлган рухий ҳолат юз берган эди. Кундалик ташвишлар бутунлай унутилди. Хаёлга чўмдим. Замину осмон, ҳисобсиз сайёралар, дарёлар, дов-дарахтлар, тоғ-тошлар, дашту саҳролар, борлиқнинг абадийлиги қаршисида ялт этиб ёниб, лип этиб сўнадиган юлдуз сингари одамзоднинг бир лаҳзалик умри, ана шу фурсат ичида ҳам қанчадан-қанча эзгулик яратишга улгуриш, ҳадсиз-ҳисобсиз ташвишлар, яхшилик ва ёмонлик, гўзаллик ва бадбахтлик, сахийлик ва бахиллик, тараққиёт ва инқироз ва ҳоказолар ҳақида ўйлаб кетдим.

Дардингни ҳаммага ҳам айтавермайсан, зеро, ҳамма ҳам сени тушунавермайди. Устознинг қабрини зиёрат қилмаганимга анча вақт бўлибди. Шунақа. Биз ҳаммавақт бандмиз, катта режалар тузамиз, муҳим топшириқларни бажарамиз. Лекин маврид ва бемаврид, катта ва кичик, керакли ва кераксиз зиёфат ва зиёфатчаларга боришга вақт топилади. Чойхона паловлар, қўланса ароқлар...

Тўй-ҳашам, таваллуд кунларини нишонлаш, тананалар яхши нарса, керак, аммо йўқлик оламига кетган марҳумнинг хотирасини эслаш учун ҳафсала билан қабристон сари йўл олган кимсани кам учратасан киши. Марҳумларнинг олижаноб ишлари, рўёбга чиққан ёки чиқмаган ният-мақсадлари, орзу-истаклари, хотираларини ёд этиш — тирикларнинг бурчи. Инсон — ҳаёт эканлигида, камолот ва парвозда, шод-хуррамлик ва тўкислик палласидагина эмас, балки, вақти-соати келиб, таназулга юз тутганида,

бандаликни бажо келтирганида, қазо қилганида ҳам — инсон, бинобарин, у ҳаммавақт иззат-икром, ихлос-эътиқод ва ҳурматга лойиқ.

Ота-онанг ўлса ўлсин, ота-онангни кўрганлар ўлмасин, деган гап бор. Содиқлик, ихлосмандлик, инсонни эъзозлаш — қонимизга сингиб кетган азалий анъана. Марҳумнинг еттиси, йигирмаси, қирқи, йили деган маъракалар ҳам, аслида, инсон хотирасига бўлган ҳурматдан келиб чиққан.

...Шундай ўй-хаёллар билан бормоқдаман. Мени кечиринг, Аҳмаджон ака, Сиз йўқсиз, кейинги беш йил ичида бошимдан кўп савдолар ўтди. Сочимнинг оқлари кўпайди. Улғайиш даврининг ўзига хос қийинчиликлари. Бошқаларга қандайлигини билмайман, аммо менга Сиз қанчалик етишмаётганингизни кошкийди билсангиз...

Менда рўй берган оғир руҳий кечинмаларнинг сири эртаси куни — 22 июнда аён бўлди: не кўз билан кўрайки, «Совет Ўзбекистони» газетасида Улуғ Тошмуҳаммадович Турсунов — устод, ажойиб тилшунос олим, Самарқанд дорилфунуни профессори, фан ва маданий қурилишнинг таниқли арбоби вафот этгани хабар қилинган эди.

Қариндошлари учун — Улуғ ака, шогирд ва касбдошлари учун — Улуғ домла, тенгқур дўстлари учун — Улуғ, расмий мурожаатларда — профессор Улуғ Турсун номи билан машҳур бўлган бу улуғ зот Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг шогирдларидан, академик Қори Ниёзийнинг сафдоши эди.

Улуғ Турсун Самарқанд тилшунослик мактабининг асосчиси, унинг ўзбек тилшунослиги бўйича чиқазган дарслик ва ўқув қўлланмалари бор, тил тарихи, шевашунослик, қиёсий грамматика ва ата-мачилик соҳасида хизмати катта. Аммо бу ўринда кўпроқ унинг устод ва саҳий қалб эгасига хос юксак одабийлик фазилатлари хусусида гапириш жоиз.

Яхши одам бўла туриб, олим бўлмаслик ёхуд, яхши олим бўла туриб, одам бўлмаслик ҳам мумкин. Дейдиларки, олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин.

Олимлар борки, яккабош — булар илмнинг муайян бир тармоғи бўйича чуқур тадқиқотлар олиб бориб, жиддий ютуқларни қўлга киритадилар, шуҳрат топадилар. Аммо бундайлар ўзларидан кейин ҳеч қандай насаб қолдирмай, абадий тоқ ўтадиган сўққабош бўйдоқ кишиларга ўхшайди.

Яна олимлар борки, улар ўзлари фанни ривожлантириш билан бирга, кўплаб шогирдлар тарбиялайдилар, фанда мактаб яратадилар. Бу эса олимдан ҳаддан ташқари кўп вақт, куч ва ғайрат сарфлашни талаб қилади.

Профессор Улуғ Турсун кўз юмди, аммо орқасида минглаб шогирдлари қолди. Булар орасида унинг қирқ шогирди, қирқта ўғил-қиз — фан номзоди ва фан докторидир. Қирқовлон олим — уларнинг ҳар бири учун, ҳар бири билан бирга ва ҳар гал устоднинг барабар ҳаяжонланиши, изтироб чекиши, асаб бузилиши, қон босимининг кўтарилиши... демакдир.

Албатта, бу айни вақтда, олимнинг қирқ марта ўз ҳалол меҳнати самарасидан қониқиши, гоёларининг рўёбга чиқиши, ғурури, қирқ тантана, қирқ ғалаба ва отахонга омадли шогирдларнинг қирқ таъзими ҳам демакдир.

Профессор Улуғ Турсун агар ана шу қирқ шогирдга сарфлаган вақти ва ғайрати ўрнига яна бир диссертация, беш-олтита китоб ёзса, булар ҳозиргача яратган етмишдан ортиқ мақола, рисола, доклад ва дарсликлари билан сарҳисоб бўлиб, унга янада юксакроқ илмий даража, унвон ва мартабалар келтириши муқаррарлигини яхши билар эди. Аммо бу ўринда унинг ёрқин сиймосида ажойиб бир тарзда уйғунлашган олим-тадқиқотчиликдан кўра олим-одамийлик баланд келди.

Қўқон маърифатпарвар зиёлиларининг баркамол вакили, профессор Улуғ Турсун бутун олимлик йўли бор-йўғи: ўрта мактаб — олий ўқув юрти — аспирантурадан иборат бўлган ёки илм масканига унинг орқа эшигидан кирган фан номзоди эмас, балки садоқат васиқасини Улуғ Ватан урушининг қонли жанг майдонидан олиб қайтган, сўнгра Ўзбекистон Давлат дорилфунунида, қилични қаламга алмаштириб, қайноқ илмий фаолиятини ўзининг эски «коржомаси» (шинели) билан бошлаган бардам, етук, донишманд олим эдим.

Шунинг учун жумҳуриятимизда фанни ташкил қилиш ва ривожлантириш, маҳаллий ёшлар орасидан кўплаб юқори малакали мутахассислар тайёрлаш борасидаги улкан хизматлари учун унга профессор (1957) ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби деган юксак ва фахрли илмий унвонлар берилди. 1969 йилда ЎзССР Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг илмий кенгаши олим тайёрлаган докторлик ишини қизғин маъқуллади. Афсуски, сурункасига давом этган оғир бетоблик унинг бу сўнгги эзгу ниятини барбод қилди.

Мен профессор Улуғ Турсунни тақдирим иншо қилинаётган икки ўринда айниқса яхши эслайман — ҳар икки ҳолатда ҳам тақдирим таҳлика остида эди.

Китобнинг биринчи фаслида, 1966 йилда, Москвада, Олий тафтиш комиссияси (ВАК)да номзодлик диссертациямни хатм қилганимда бўлган воқеани айтган эдим. Маълум бўлдики, ўзим беҳабар, домла илмий ишимнинг қиммати ва менинг иқтидорим ҳақида Москвага ёзма ижобий тақриз юборган экан. Улуғ Тошмуҳаммад ўғлини атоқли рус туркшунос олимлари Н. А. Баскаков, В. М. Насилов, Л. В. Севортян, К. К. Юдахин, В. В. Решетов ва бошқалар яхши билишар, уни сидқидил ҳурмат қили-

шар эди. Мен ўшанда чуқур ҳаяжон ичида қолгандим. Раҳбар, ҳомий ва яхши одам нима эканлигини ана шунда билиб олдим. Улуғ домланинг камтарин, меҳрибон, маъсум сиймоси қалбимда абадий нақшланиб қолди.

Иккинчи ҳодиса 1969 йилнинг охирларида рўй берди. Мен, тақдир тақозоси билан, Алишер Навоий номидаги Самарқанд дорилфунунига ишга бориб қолдим. Бир донишманднинг таъбири билан айтганда, равон йўлдан бора туриб ҳам қоқилиш мумкин эканлигини умримда биринчи марта ўз тақдиримда синаб кўрдим. Агар мендан: дунёда энг мушкул нарса нима? — деб сўрашса, мен: тўғрилигингга жумлаи мўмин иқрор бўлган ҳолда, ўзингнинг эгри эмаслигингни исботлашдир, деб жавоб берган бўлардим.

Ҳаёт мени имтиҳон қиларди. Бу шундай фавқуллода имтиҳон эдики, уни олдиндан, махсус буюриб ҳам ташкил қилиш қийин эди. Бу аҳволни бировнинг тушуниши учун ўша одамнинг ўзи ҳам, қачонлардир, худди шундай воқеаларни бошидан ўтказган бўлиши керак.

Бу ҳол икки ой давом этди. Кунлардан бирида ўзбек тилшунослиги минбаргоҳи мудирини Улуғ Турсун мени ўз ҳузурига чақиртирдилар. (Домла шаҳардаги жумҳурият касалхонасида оғир бетоб бўлиб ётган эди.) Унинг ёнига борганимда, ўзи жон олиб жон бериб ётибди-ю, тагин болаларча соддадиллик билан менга ғамхўрлик қиларди. У мени, мен эса уни юпатишга сўз тополмасдик. Бу — инсон боласига ҳеч қандай далил ва исботсиз, шаксиз ва шубҳасиз, сўзсиз ва мутлақ ишонишнинг энг баланд нуқтаси эди. Ўшанда у жисман мажруҳ, мен эса руҳан хаста — ҳар иккаламиз ҳам бетоб эдик. Бу тахлит самимий илтифот ва чинакам оталарча ғамхўрликни ҳазм қилолмадим: ўпкам тўлди, кўзимда ёш айланди, домла ҳам, билдирмасликка ҳаракат қилиб, ёт-

ган жойида юзини тескари ўғирди ва кўз ёшларини энг учи билан арта бошлади...

Эй биз, баъзан ғўр, ношуд, ноқобил, ношукур ва номехрибон шогирдлар, қўлга ўргатилмаган асов тойлар сингари, олис йўл босиб, узоқ манзиллардан ҳорғин келаётган устодларимизнинг оғирини энгил қилиш ўрнига, уларга ташвиш устига ташвиш орттиришигина биламиз, холос.

Самарқанд дорилфунуни бир неча йиллар ичида баркамол олимлар: Абдурахмон Саъдий, ака-ука Мусо Мўмин ва Иброҳим Мўмин, Воҳид Абдулла, Иосиф Куклес, Яков Зунделович, Проскуряков, Чекаев, Улуғ Турсун, Юлия Авалиани, Ориф Икром, Юсуф Пўлат, Василий Ларцев, Леонид Ройзензон, Алиасқаров, Исмат Раҳмат, Ислом Усмондан жудо бўлди. Дорилфунунда дунёга ва мамлакатга таниқли табиётшунос алломалар бор, аммо профессор Проскуряков энди йўқ. Бу ерда ҳар доно муаррихлар борки, аммо профессор Алиасқаров энди йўқ. Қуёш физикаси билан шуғулланувчилар кам дейсизми, аммо катта ва сахий қалб эгаси, файласуф-аллома, шоир-олим Мусо Мўмин энди йўқ. Ҳар бурро дилшунос ва тилшунослар борки... Аммо дилкаш, сахий, соддадил Ҳамдам Бердиёр билан одамохун, катта ақл эгаси ва соҳиби тадбир Ориф Икром қани?..

Жанговар шунқор гвардиячи майор, профессор Улуғ Турсун — улуғ инсон эди.

Йўқотилган ҳамма нарсанинг ўрнини тўлдирса бўлади, аммо дунёдан абадий кўз юмган бу табаррук устозлар, фозилларнинг йўқлиги ҳаммавақт билинади.

Дейдиларки, келажак, тараққиёт, истиқбол — ёшларники. Бу тўғри. Лекин давримизнинг файзи, фанимизнинг қалби, маданиятимизнинг тўри, мияларимизнинг мағзи — сизлар билан, эй нуроний устозлар! Сизлар олтмишга, етмишга, юзга... кираве-

ринглар, бахтимизга доим саломат бўлаверинглар, биз бу табаррук саналарни нишонлайверайлик. Бироқ, ҳар галги ана шундай маросимлардан сўнг, биз ўз кекса, донишманд, зарбдор устозларимизнинг бундан кейинги тақдирига яна ҳам ҳушёрроқ ва сергакроқ бўлайлик, токи улар томонидан дилни хун қиладиган бемаврид ишлар бўлмасин.

РҶШНОЛИК ЕХУД КЕЧИККАН ЧЕЧАКЛАР

Дов-дарахтлар сокин бўларди, гар довуллар эсмаса.

Рус мақоли.

Она билан ота ўз боласини суяди, гўдак ҳам ота-онасига талпинади. Ажаб... Лекин бу ҳайратомуз гап эмас. Негаки, ҳайвонлар ҳам ўз кичкинтойларини, жўжиқлари эса ўз ота-оналарини яхши кўрадилар. Чинакам мўъжиза, қон-қариндош бўлмаган ҳолда, бошқаларга кўнгил қўйиш, жон-дилдан ардоқлаш, бир-бирларини эъозлашдадир. Бу фазилат эса фақат инсонга хос (Н. В. Гоголь. «Тарас Бульба»дан).

Инсон боласи онадан туғилибдики, ўз-ўзидан одам бўлиб кетавермайди. Эсини таниб, кимлигини билиб, ҳаётдан ўрнини топган ҳар бир кимсанинг тақдирида ўзгаларнинг ҳам иштироки бор. О, бўлганда қандоқ! Ҳар биримизнинг одамийлик зуваламизда ўнлаб, юзлаб кишилар, борингки, бутун жамият иштирок этади...

Эллигинчи йилларнинг охирларида «Фан ва турмуш» журнали атрофида уюшган бир гуруҳ навқирон илмий кучлар орасидан кейинчалик таниқли жамоат арбоблари, олим ва ноширлар етишиб чиқди. Чунончи, академик, риёзиёт фанлари доктори Раҳим Бекжонов, жумҳуриятда хизмат кўрсатган фан арбо-

би, фалсафа фанлари доктори, профессор Саид Шермухамедов, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзолари, фалсафа фанлари доктори, профессор Мўбин Баратов, тарих фанлари доктори Аҳад Муҳаммаджонов ҳамда хизмат кўрсатган фан арбоби, иқтисод фанлари доктори, профессор Қодир Хотамов, фалсафа фанлари доктори, профессор Наим Ғойибов, филология фанлари номзодлари Наримон Ҳотамов, Сайди Умиров, иқтисод фанлари номзоди Марям Баратова ва бошқа юзлаб кишилар Аҳмаджон Ёқубовнинг меҳри гиёсидан баҳраманд бўлган эдилар.

Аҳмаджон ака... Академик, профессор, арбоб, лауреат эмас эди у. Бундай унвонларга мушарраф бўлишга унинг вақти бўлмади.

1956 йилнинг куз фасли эди. Мен Ўзбек давлат дорилфунунини тугатгач, жумҳурият Фанлар академиясининг нашриётига муҳаррир этиб тайинландим. Олим Усмон менга дастгирлик қилди. Худди шу вақтда Аҳмаджон Ёқубов деган киши ҳам нашриётга муҳаррир бўлиб келди. Мен — тинч, дориломон ҳаёт бағридан, Хизрнинг қўйнидан тушгандай, дорилфунундан академия даргоҳига йўлланма олганман. Ҳали ҳаётни «қидлаб» кўрмаганман. Аҳмаджон ака — ўн беш йиллик қамоқдан, Магадан, Қозғистон сурғунидан келган. Биз бутунлай бошқа-бошқа одамлар эдик. Ёдимда, ўша кезлари бу «сирли» ва «хатарнок» киши тўғрисида ҳар хил миш-мишлар тарқала бошлади. Бунинг устига, нашриётнинг ўша вақтлардаги директори Жуманиёз Шарипов билан Аҳмаджон Ёқубов ўртасида кескин ихтилоф келиб чиқди...

А. Ёқубов 1900 йилда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида таваллуд топди. Аввал эски мактабда таҳсил кўрди, кейинчалик рус-тузем мактабида ўқиди. 1919 — 1923 йилларда шаҳар мактаб-

ларида муаллимлик қилди, саводсизликни тугатиш юзасидан ўқитувчилар тайёрлаш кечки курсларида ишлади. 1922 йили комсомол сафига кирди. 1923 — 1924 йилларда Туркистон Марказий Ижроия қўмитасида техник котиблик вазифасида ишлади. «Туркистон» рўзномасида қатнашиб турди.

1924 йили Хоразм жумҳуриятига ишга сафарбар этилди. У ерда Хоразм коммунистик ёшлар уюшмаси бюросининг аъзоси қилиб сайланди ҳамда комсомол Марказқўмининг сиёсий-маориф бўлими мудирлиги вазифасига тайинланди. Айни вақтда у «Инқилоб қуёши» жумҳурият рўзномаси таҳрир ҳайъатининг аъзоси, комсомол саҳифасининг муҳаррири, Тошкентда чиқиб турган «Туркистон» рўзномасининг Хоразм жумҳурияти бўйича махсус муҳбири, халқ маорифи сиёсий маърифат бўлимининг мудирлиги вазифаларида фаолият кўрсатди. Шундай қилиб, у бир вақтнинг ўзида ўндан ортиқ вазифани уддалади.

1924 йилда, доҳий В. И. Лениннинг вафоти кунлари, Коммунистик фирқа даъвати билан А. Ёқубов ВКП(б) сафига аъзоликка номзод бўлди. Бу вақтда Аҳмаджон 24 яшар навқирон йигит эди.

Аҳмаджон Ёқубов 1925 йилда «Қизил Ўзбекистон» рўзномаси таҳририятига қақирилди. Бу ерда у 1927 йилгача бўлим мудирлиги бўлиб хизмат қилди. Бир йил мобайнида таҳририят ҳузуридаги рўзнома ходимлари тайёрлаш кечки ўқуви мудирлигини, матбуот ходимлари бўлмаси бюро раисининг ўринбосари вазифаларини ҳам бажарди.

Аҳмаджон Ёқубов 1926 йили фирқа ҳақиқий аъзолигига ўтказилди. 1927 йилга келиб, «Озод Бухоро» рўзномасининг масъул муҳаррирлиги вазифасига тайинланди. У 1929 йил март ойигача шу вазифада ишларкан, айни паллада Бухоро округ фирқа қўмитасининг матбуот бўлими мудирлиги ҳамда Бухоро ва Зарафшон округ фирқа қўмитаси бюро аъзоси

сифатида хизмат қилди. Турли комиссиялар, жамиятлар, уюшмаларни бошқарди.

1929 йил март ойидан бошлаб А. Ёқубов Самарқанд «Янги қишлоқ» журналини ташкил этди, ўзи унинг масъул котиби бўлиб ишлади. 1929 — 1930 йилларда Самарқанддаги оқшомги радио-жарида ҳам Аҳмадjon аканинг таҳрири асосида эшитириш олиб борар эди.

1931 йили А. Ёқубов Совет Иттифоқи Телеграф Агентлиги (ТАСС) Ўрта Осиё бўлимига бошлиқ этиб тайинланди. 1934 йил 1 январдан бошлаб мазкур бўлим Ўзбекистон Телеграф Агентлигига айлантирилди ва Ёқубов унинг биринчи бошлиғи бўлди. 1934 йил 1 апрелда Ленинграддаги Шарқшунослик институти ҳузурида ташкил этилган марксизм-ленинизм асосчиларининг асарлари таржимонлари ва муҳаррирлари тайёрлаш ўқувига жўнатилди. Кейинчалик «Совет педагогикаси» журналининг масъул котиби (1936—1937), Ўз КП(б) МҚ қошидаги Марксизм-ленинизм институти филиалида муҳаррир-таржимон (1937—1938), ЎзФАН қошида чиқадиган «Социалистик фан ва турмуш», «Ахборотлар» журналларида масъул котиб вазифаларида хизмат қилди (1938 — 1941)...

1956 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг қарорига мувофиқ Аҳмадjon Ёқубовнинг зиммасига ўн беш йил мобайнида чиқмай қолган «Социалистик фан ва турмуш» журналини («Фан ва турмуш» номи билан) янгидан тиклаб, нашр этиш вазифаси юкланди. Аҳмадjon ака яна масъул котиблик вазифасига тайин этилди.

1959 йил апрель ойидан умрининг охиригача (1964) А. Ёқубов «Фан» нашриётининг директори вазифасида ишлади.

Мен Аҳмадҷон ака билан 1956 йилда Фанлар академиясида учрашганимда, у киши Қозоғистон ССР Оқмўла вилоятининг Шўртонди овулидан сургундан келган эди. Камина ўшанда гарчи донишманд қаршисида кафтда турган парранда боласидай палапон эсам-да, тез орада биз ота-боладай, устод-шоғирд бўлиб кетдик. Назаримда, унинг ҳар бир ҳаракатида, ҳатто сукутида ҳам маъно бор эди. Мен бу нуроний, теран фикрли инсон сиймосида катта ҳаёт тажрибаси мужассамланганини чуқур ҳис этдим. Бора-бора орамизда ёш тафовути ҳам йўқолгандай бўлди. Ич-ичимдан унга ҳавас қилардим.

Одам дунёдан кўз юмганидан сўнг, орадан йиллар ўтиб, номи фаромуш бўла боради. Нима ҳам дердик. Бу табиий ҳол. Лекин ўз халқини деб жон нисор қилган Аҳмадҷон Ёқубов сингари зотларнинг эса вафотларидан кейин инсоний кадр-қимматлари тобора ортиб борар экан...

Ўзбекистон Марказий Давлат архивида «Р — 2493» рақамли жамғарма (фонд)да А. Ёқубовнинг ҳаёти ва фаолиятига доир ҳужжатлар сақланади. Мен араб, рус алифбосида битилган минглаб ранги ўнгиб, сарғайиб кетган қоғозлар, маълумотномалар, гувоҳномалар, шаҳодатномалар, қарорлар, буйруқлар, фармойишлар, ёзишмалар, тилхатлар, тавсияномалар, ёрлиқларни титкилаганимда устознинг бегубор ёшлик йиллари, жўшқин ва мураккаб балоғат даври, кексалик палласидаги қиёфаси кўз ўнгимда кино лентасидай бирма-бир ўта бошлади. Уриниб қолган ҳужжатларни авайлаб варақлар эканман, уларнинг мазмунидан лол бўлиб, худди гуноҳкор сингари, лабларим пичирларди: «Кечиринг, эссиз, билмабман...» Сеҳрли қоғозлар орасида шундайлари ҳам борки, уларни ўқиб бу инсон учун ҳам эзиласан, ҳам гурурланиб кетасан киши.

«ВКП(б) Марказий Қўмитасининг муолажа комиссиясига. Ушбуни тақдим этувчи киши ВКП(б) аъзолигига номзод, собиқ ишчи-мухбир, республика «Қизил Ўзбекистон» рўзномаси таҳририятининг қишлоқ хўжалиги ва ишчи-деҳқон мухбирлари бўлимлари мудирлигига тавсия этилган ўртоқ Еқубов Аҳмаджон, 26 ёшда (илова қилинган врачлар комиссияси ҳужжатида қўйилган диагнозга биноан) оғир... юрак касалига чалинган, Қримнинг жанубий соҳилидаги шифохоналарда даволанишга муҳтож. Ўртоқ Еқубовни ўтмишда фаол ишчи-деҳқон мухбири ва ҳозирда ғайратли рўзнома ходими сифатида танийдиган «Правда» таҳририяти муолажа комиссиясидан бу кишини Қримда Марказий Қўмита ҳисобига даволашни сўрайди.

«Правда» секретари: М. Ульянова».

В. И. Лениннинг синглиси, «Правда» рўзномасининг масъул котибаси Мария Ильинична Ульянова, Ўзқўмфирқа Марказқўмининг биринчи котиби Акмал Икромовнинг назарига тушган коммунист Аҳмаджон Еқубов билан уч йил бирга ишлаб, саккиз йил мобайнида мулоқотда бўлибман-у, ундаги бу қадар жозибадор куч, маънавий поклик, инсоний файз, одамохунликнинг туб илдизини ўз вақтида илғаб ололмабман, буни дурустроқ мушоҳада қилиб кўрмабман. Зотан, ёнмаёن бирга хизмат қилаётган, сен бажараётган оддий юмуш билан банд бўлган кишидан, ҳамкасаба шеригингдан «Сиз кимсиз?» деб сўрамайсан-ку, одам. Ўзи эса ўтмишдаги хизматларини пеш қилганлигини сира-сира билмайман. Кейин маълум бўлдики, ўлкамизда Совет ҳокимиятини ўрнатиш, халқимизни маърифатли қилишда онгли фирқа раҳбари, матбуот ходими, ўқитувчи, таржимон, муҳаррир, ношир, қомусчи, фан тарғиботчиси ва ташкилотчиси сифатида жонбозлик кўрсатган, ба-

ланд мартабали хизмат лавозимларининг биронтасида ҳам ҳеч қачон ўз ҳузур-ҳаловатини мутлақо ўйламаган бу фидойи, камсуқум инсон ҳақида билганларим мазкур архив жамғармасидаги далиллар олдида ҳеч гап эмас экан...

* * *

Муҳандис янги асбоб кашф қилади, табиб дардга шифо топади, селекционер аъло нав яратади. Олим ўз иқтидори, заковати, тажрибаларини илмий китобларида баён этади. Ҳар бири ўз ўрнида муборак. Лекин ижтимоий ҳаёт тадқиқи, одамшунослик соҳасида, маданият бобида бундай ихтирони рўёбга чиқазиш амри маҳол. Файласуф, бастакор, адиб, актёр бунёд этган янгилик — руҳ озиғи, маънавий ғизо. Шулар қаторида ношир, муҳаррир, мухбир, шарҳловчи, таржимоннинг ҳам хизмати катта. Шундоқки, ўз соҳасининг устаси бўлган бу мутахассислар иштирокисиз сиёсатдоннинг сўзи оммага етмаган, муҳандис, агроном, олим очган янгилик китобий тус олмаган, матбуот ёки нашриёт орқали рўёбга чиқмаган бўларди.

Фараз қилайлик, Аҳмаджон Ёқубовнинг ўзбек матбуотида мақола, хабар, таржима, таҳрир шаклида эълон қилинган муҳим илмий, ижтимоий-сиёсий мазмундаги барча публицистик ихтироларига гувоҳнома бериладиган бўлганда, бу сон-саноксиз ишларнинг миқёси, мазмуни ва салмоғини аниқлашнинг иложи бўлармиди? Йўқ. Чунки унинг бутун онгли фаолияти, куч-ғайрати, ақл-идроки маҳсули «Туркистон», «Қизил Ўзбекистон», «Озод Бухоро», «Колхоз йўли» рўзномалари, «Янги қишлоқ», «Совет педагогикаси», «Социалистик фан ва турмуш» («Фан ва турмуш») журналларининг мингларча саҳифаларида сочилиб ётибди, Ўздавнашр, «Фан», фирқавий

адабиёт нашриётлари, Телеграф агентлиги ва радио тармоқлари эшиттиришларида қолиб кетган...

Аммо улар ўз вақтида қиладиган ишини қилган!

Ўзбекистон Давлат нашриёти муҳаррир Аҳмаджон Ёқубовнинг уч йил мобайнида (1931 — 1934) 80 номдаги 450 босма табоқ китобни таҳрирдан чиқарганлиги ҳақида шаҳодат берган. Бу ҳар бири ўн босма табоқдан иборат 45 та илмий асар деган сўз!

«Социалистик фан ва турмуш» журналининг масъул муҳаррири М. Исломовнинг ёзишича, А. Ёқубов таҳририятда масъул котиб ҳамда адабий муҳаррир бўлиб ишлаган. «Бажараётган хизматининг хусусиятига кўра, — деб хабар беради М. Исломов, — ўртоқ Ёқубов доимо илмий, техникавий ва социалиқтисодий асарлар устида иш олиб боради. У мақолаларни фақат таржима қилиб, уларга адабий сайқал берибгина қолмай, бир қанча билим соҳалари бўйича янги илмий-техникавий терминлар излаб топаш ва саралаш юзасидан жиддий илмий ишни амалга оширади»...

Ўзбекистон Телеграф агентлигининг ташкил қилиниши, «Фан ва турмуш» журналининг қайта нашр этила бошлаши, биринчи Ўзбек Совет қомуси яратишга киришиш ва бошқа кўплаб улкан ташаббуслар Аҳмаджон Ёқубовнинг номи билан боғлиқ.

Ариқни бир киши қазийди, сувини минг киши ичади, дейдилар. Аҳмаджон Ёқубов ўзига ишониб топширилган қайси соҳада, қандай вазифада хизмат қилмасин, ҳамма жойда ариқ қазиб сув чиқазди...

Аммо қуритган эмас!

Аҳмаджон Ёқубов умрининг сўнгги палласида, етти-саккиз йил мобайнида, «мурод-мақсадига етди», деса бўлади. Ҳаёт шонида, хайрият, бирон кўнгилсиз ҳодиса рўй бермади.

Бироқ мени ўртаб юборган нарса бошқа! Тасаввур қилинг: энг чароғон, энг чигал, мудҳиш даврда ўз

халқини озод кўриш, уни саводхон, маданиятли, маърифатли қилиш йўлида жонини тиккан, умр бўйи отдай тер тўкиб ишлаган бир инсон ўзининг айна қирчиллама 41 ёшида, гўё меҳнатига «мукофот» тариқасида... ҳибсга олинади, узоқ қамоқ жазосига ҳукм қилинади, 56 ёшида, ўн беш йиллик шафқатсиз тутқунлик муддатини пок-покиза ўтаб бўлгандан сўнг озод этилиб, 64 ёшида вафот этади.

Аҳмаджон Ёқубов таржимаи ҳолининг чизгилари икки тахта қоғозга жо бўлади. Аммо унинг қалби ёруғ дунёга сиғмайди. Ижозат этинг, ўқувчим, яна ортга қайтай. Вақт уринтириб қўйган архив қоғозларини энтикиб ва ўксиниб варақлар эканман, бир тийрак инсоннинг талпиниб турган қалби масъуд, таҳликали ва машъум йилларнинг қанотида собит ва терак баргидай титраб кечганини кўрдим. Униқиб кетган қоғозларнинг бетида, сўниб бораётган шамдай, тирик жоннинг кўзларидан сириқиб томган аламли ёшларнинг доғини кўриб, у билан қўшилишиб йиғлаганман...

Юқорида «биз бутунлай бошқа-бошқа одамлар эдик», дедим. Ҳақиқатан ҳам, мен сурункасига ўн беш йил «сталинизм» руҳида тарбияланган миллионларнинг бири бўлсам, Аҳмаджон Ёқубов сурункасига ўн беш йил унинг шахсига сиғинишнинг захмини чеккан эди. Бироқ, бу инсон ўзини муносиб бир тарзда тута билиши, маданияти, одоби, одамлар билан муомаласидаги баъзи жиҳатлар мени ҳайрон қолдирган.

Албатта, аччиқ ҳаёт уни «мулла» қилиб қўйган бўлиши турган гап. Ўз ҳаётидан чурқ этиб нолиганини эслолмайман. Бироқ деярли узлуксиз тамаки чекар, ўтган аламли кунларини эслашга кўп-да ҳуши йўқ эди.

Бахтим шунда эдики, тақдир мени ўз меҳнат фаолиятимнинг биринчи кунларидаёқ, сўз билан иш-

лашдек бағоят масъулиятли, кишидан ҳар қандай қийин вазиятда ҳам фақат тўғрилик ва ҳалолликни талаб қиладиган мафкура жабҳасида Аҳмаджон Ёқубовдай мўътабар бир инсон билан учраштирди. Бировни таниш-билиш учун у билан бир пуд туз ейиш керак, деган ҳикмат бор русда. Мен бу одам билан салкам ўн йил ҳамнафас бўлиб яшадим. Ва имон келтирдимки, у сочидан то тирноғигача софдил ва доно бир инсон эди. Мен у билан бирга икки ҳаёт мактабини, икки дорилфунунни хатм қилдим. Ўз мактабим, ўз дорилфунуним билан бирга, бамисоли Аҳмаджон Ёқубовнинг ҳаёт мактаби ва унинг дорилфунунини таҳсил кўрдим.

Тасодиф деб айтийинми, қонуниятми ёки тақдирми, мен, бир навниҳолнинг ўттиз икки йил муқаддам Тошкентдай шаҳри азимга келиб, бу ерда палак отиб, туп ёзишимга Сулаймон Азимов раҳнамолик қилган. Кейин билсам, у таниқли фирқа ва давлат арбоби бўлган, шахсга сиғиниш даврида таъқибга учраган экан. Олтмишинчи йилларда, илмий ишларим боисидан довдираб қолганимда, жабрдийда, зоҳматкаш, профессор Ҳамид Сулаймон кунимга яраган. Ўша йилларда у бизнинг Хатирчидаги хонадонимизда ҳам бўлган. У кунларни ҳеч қачон унутмайман.

Баъзан ўйлаб қоламан: қандай қилиб мен бу уч нафар алп инсонга дуч келдим экан деб. Сабаби, улар мен сингари жуда кўплаб ёшлар киёфасида ўзларининг бевақт жувонмарг бўлган, бесару сомон йўқолган навқирон даврини, баайни ўзларини топган, бизга катта умид боғлаган бўлсалар ажабмас.

Бир нарса мени ҳайратга солади. Ўттизинчи ва эллингинчи йилларнинг маҳбуслари, мен билган ўзбек зиёлилари, ёзувчилари, шоирлари, журналистлар ҳечам тузум ғанимлари эмас, балки шахсга қуллуқ қилишнинг, қабоҳатнинг, ёвузлик ва мунофиқликнинг душманлари эдилар. Уларнинг аксарияти

руҳан бардам, фикран теран, қалбан тоза одамлар эди. Улар озодликка чиққандан сўнг, аламларини ичига ютдилар, бир вақтлар ўзларига туҳмат қилган фосиқ шахслардан ўч олиш пайига тушмадилар. Аммо атрофдагилар, биз, ҳаммамиз уларни тушуна олдикми? Яхши биламан, ноҳақ жабр кўрганлар эмас, қайтага ўша қабиҳ шахслар уларга ўз манфур муносабатларини ўзгартирмади.

Ҳа, ўзгартирмади!..

Бир куни рўзнома ва журналлар сотиладиган дўконча ёнида тўхтаб, ул-бул нарсаларни титкилаб турувдим, қўлида «Фан ва турмуш» журналини олиб варақлаётган нотаниш бир киши менга гап қотди:

— Бу зап журнал-да, биродар. Янги сонини кўргандирсиз?

Атайин, пинагимни бузмагандай, лоқайд жавоб қилдим:

— Йўқ...

— Наҳотки?

— Улгурганим йўқ, — тегажоқлик қилиб, жўрттага қўшиб қўйдим: — Мени бу журнал унчалик қизиқтирмайди...

— Кўп нарсадан маҳрум бўлибсиз!.. — деди нотаниш одам ва ғудуранди: — Сизни туппа-тузук ўқимишли одам десам...

Кутилмаганда гапнинг бундай «бурилиб кетишидан» нафсим оғриса-да, сир бой бермадим. Қошки ўша нотаниш билсайдики, бу ахир, Аҳмаджон аканинг журнали! Қошки у билсайдики, бу «зап журнал»ни, орадан чорак аср ўтгач, янгидан таъсис этиш учун Амаджон Ёқубов деган бир жонсарақ инсон қанчалар қон ютганини! Билмайди-да!..

...Аҳмаджон Ёқубов озодликка чиққач, етим қолган жонажон журнални қайта чиқаришга киришди. Бироқ эллигинчи йилларда академиямизнинг наш-

риёти (ҳозирги «Фан») молиявий тарафдан жуда тўкилиб қолганди. Янги журналнинг чиқиши айрим раҳбарларга яна бир «даҳмаза», «боқимонда» юк бўлиб туюлди. Аҳмаджон аканинг тўнғич фарзанди — «Фан ва турмуш»нинг биринчи сони 1957 йилда академиянинг суҳсурдай президенти Ҳабиб Муҳаммадович Абдуллаевнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигида дунёга келди. (Буни кўпчилик билмайди!) Орадан кўп-да ўтмай маълум бўлдики, журнал моддий зарар келтириш у ёқда турсин, нашриёт сарф-харажатларининг жуда катта ҳиссасини қоплайдиган, мўмай маблағ келтирадиган матбуот қуролига айланди.

Ўзбек тилида қомус яратишнинг биринчи ташаббускори ҳам халқимизнинг ардоқли фарзанди Ҳабиб Абдуллаев эди. Ўша вақтларда айрим «илғор» мутахассислар орасида: бизда илмий атамачилик яхши ишланмаган, шунинг учун ўзбек тилида қомус тартиб бериш мумкин эмас, деган фикрларни «ташиб юрганлар» ҳам бор эди. Аммо академиянинг ўша даврдаги раёсати, айниқса, Қори-Ниёзий, Иброҳим Мўминов, Обид Содиқов, В. П. Шчеглов, Музаффар Ҳомидхонов, Ёлқин Тўрақулов ва бошқаларнинг иродаси билан Ўзбек Қомуси яратиш иши жадал бошлаб юборилди. Бу ўн тўрт жилддан иборат улкан нашрнинг дастлабки лойиҳаларини ҳам Ҳоди Зариф, Нурилло Муродовлар билан биргаликда Аҳмаджон Ёқубов чизган, унинг тамал тошини қўйган. Едимда: илк миллий совет қомусимиз ҳақидаги биринчи мақолани ҳам у ёзган, бу мақола «Фан ва турмуш»да босилиб чиққан эди.

Ўзбек фани, маданиятининг катта арбоблари Қори-Ниёзий, Ҳабиб Абдуллаев ва Иброҳим Мўминов учун «Аҳмаджон ака айтган» деган оддий жумла кўп ишларда ҳар қандай мўътабар манба ва далилдан аъло эди...

Ўн беш йил мобайнида (1941 — 1956) жумҳурия-тимиз, халқимиз ҳаётидан буткул узилиб яшаган бир инсон яна ўз жонажон диёри, эл-юрти, оиласи бағрига қайтиб (бу орада унга дахлдор яқин одамларнинг ҳаётида, тақдирларида қанчадан-қанча му-сибатлар содир бўлганини эсламай қўя қолайлик), ўзини ўнглаб, халқининг маънавий камолоти йўлида каттакон ишларни амалга ошириш учун кишида метин қалб, битмас-туганмас куч-қувват, ирода бў-лиши керак. Унда буларнинг барчаси муҳайё эди.

Лекин... Аҳмаджон ака чекаётган тамакининг ту-туни кўз ўнгимизда кун сайин қуюқлашарди... У юрагини тез-тез чангаллайдиган «одат» чиқазди. Зотан, бу одам ҳордиқ нималигини мутлақо билмас, тинимсиз изланар, ўрганар, ҳаёт билан барабар қа-дам ташлашга жон-жаҳди билан уринар, ёзар эди... Бепоен мамлакатнинг энг совуқ минтақаси — Мага-дан музликларидан — Қозоғистоннинг совуқ 55 да-ражагача кўтариладиган жойига, у ердан — яна Ўз-бекистонга «ташланган» бани инсон қандай иқлимга мослашсин? Эҳтимол, бадан табиий иқлимга мосла-шар ҳам. Одам гулдан нозик, темирдан қаттиқ. Би-роқ руҳий ҳолатнинг ҳар гал янги инсоний иқлимга кўникиши... Айтишга осон!

Аҳмаджон ака шунчалик зийрак ва тийрак эди-ки, гўё одамлар — унинг олдида эмас, у — одамлар-нинг олдида бирон гуноҳ иш қилиб қўйгандай сезар-ди ўзини. Оилани қўмсаш... Дийдорини кўрарга ин-тиқ бўлиб, якка-ёлғиз ўғлини бағрига босолмай дунёдан ноумид бўлиб кўз юмган онайизор соғинчи... Ўғли билан қизининг айни ўсмирлик ва балоғат ёшида бошларини силай олмагани... Икки жаҳон овораси бўлиб қолган рафиқаси Зулайҳо опанинг аччиқ қисмати... Ниҳоят, дўзахий азоб-уқубатлардан

сўнг янги кишилар: келин ва куёвлар олдидаги қандайдир ўнғайсизлик... Нотабийй, ноодатий қайноталик бурчи...

Нимасини айтасиз!.. Мураккаб, чигал ҳаёт илмининг бу синовларини сўз билан тушунтириш қийин. Бошидан ўтказган одамгина билади.

Ҳайратомуз бир гап. Агар биров бировни отса, чавақласа, зўрласа ҳақорат қилса — жиноят. Бироқ... унинг устидан маломатлар ёғдириб, тухматлар уюштириб, уни оиласи, бола-чақаси билан қўшиб маънавий ўлимга, наинки маънавий, баъзан том маънодаги даҳшатли ногаҳоний ва муаллақ ажалга маҳкум этса, уларга битмас-туганмас иснод келтирса-чи?.. Неча минглаб кишиларнинг ёстиғи қуриса, нечук бўлиб соғ-омон қолганлари элига, юртига қайтгандан кейин ҳам уларга яна кўҳна ва янги ғанимлар томонидан ҳуружлар уюштирилса, бу зулм эмасми? Тамом шафқатсиз, ноинсоний бир бедодлик-ку! Дейдиларки, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Элбек, Фитрат, Усмон Носир, Аъзам Айюб, Санжар Сиддиқ, Отажон Ҳошим, Назир Тўрақулов, Лазиз Азиззода, Мирзакалон Исмоилий, Шухрат, Мақсуд Шайхзода, Саид Аҳмад, Шукурулло, Тўхтасин Жалолов ва бошқа ўнлаб ўзбек адиблари ва олимларининг қувғин қилиниши, таъқиб этилишида васваса қилган, ҳар хил тухматлар уюштирган ва ҳозир ҳам ўзининг ўша эски, чиркин «қарашларидан» қайтмаган айрим шахсларнинг номи маълум қилинса, гўё бу фосиқларнинг обрўси тўкилиб қолармиш. Обрў? Қанақа обрў? Уларда оддий одамийлик, инсоф ва шафқатдан асар йўқ-ку, обрў нима қилсин! Жуда ғалати мантиқ: бировларнинг ёстиғи қуриса, хонавайрон бўлса, оиласи бузилса, бола-чақалари кўчага дайдиб кетса — майли, ифвогарларнинг... обрўси тўкилмасин?! Бу мантиқда мантиқ борми ўзи?

Виз ифвогарона қабиҳликларга қарши шундай

иғвогарона ҳаракатлар қилиш тарафдори эмасмиз. Асло. У замонлар қайтиб келмасин. Минбаъд! Вазият кишининг ўзидан ҳам зўрроқ, дейдилар. Ер қаттиқ келса, ҳўкиз ҳўкиздан кўради. Аммо адолат шуни тақозо этадики, ҳар қандай қабоҳатнинг ҳам жазоси бўлиши лозим. Жиноят бежазо қолмаслиги керак. Халқ, адабий ва илмий жамоатчилик лоақал уларнинг номларини билиб қўйсин. Акс ҳолда ошкоралик деганимиз қаёққа боради? «Одоб» сақлаб, сукут қилиб турсак, мишмишлар кўпаяверади, ҳамма-ҳаммадан шубҳаланаверади... Бу орада ҳалол одамларнинг номи ҳам булғаланиши ҳеч гапмас. Менимча, ғалврини сувдан кўтариш вақти етди.

Ахир, профессор Ҳамид Сулаймоннинг ҳаётига зомин бўлганлар, бутун умр бўйи тўплаган маънавий сармоясини, илмий ва инсоний жасоратининг гулини энг оғир дамларда ўғирлаган кишиларни ҳамма билади-ку! Баъзан бундай ишлар узок ўттизинчи йилларда эмас, балки бизнинг авлодимиз кўз ўнгида ҳам юз бериб турганди. Нега кенг жамоатчилик фикридан бундай баттол шахсларни «муҳофаза» қилишимиз керак? «Мавтул олим — мавтул олам», дейди араблар. Бу: «Олим кетди — олам кетди», дегани.

Олим кетди — олам кетди...

Сўнгги илтижо. Аҳмаджон Ёқубов Тошкентдаги Жангобнинг шундоқ биқинида, Собир Раҳимов сарраҳаси, Қизил майдон кўчасининг 37-ҳовлисида туғилган. Агар у ҳаёт бўлганида, 1990 йилда 90 ёшга кирган бўлар эди... Умрининг сўнгги йилларида Чилонзор районида яшади. Қайноқ меҳнат фаолияти, Тошкентдан ташқари, Самарқанд, Бухоро, Урганч шаҳарларида кечган. Емон бўлмасди, агар шу шаҳарлар ижроқўмларининг мутасадди кишилари кўча, мактаб, майдон ёки хиёбонларга, илм-фан ташкилотчиси, жанговар журналист, таржимон ва ношир-

нинг табаррук исмини берсалар. Яна нима ҳам қила олардик? Унутмайликки, биз, тириклар, фақат тириклар олдида эмас, марҳумлар олдида ҳам бир умр бурчдормиз.

Бир умр!

Инсонни инсон қилган нарса — бу унинг фақат бугунги камолоти, эртанги истиқболи, келажак авлодлар олдидаги масъулияти ҳиссигина эмас. Инсонни инсон қилган нарса ўтмиш, мозий идроки, аждодлар олдидаги бурчдорлик, ворисийлик ҳамда, қанчалик аламли бўлмасин, ўзининг барча қоронғи, баъзан эҳтимол, жирканч, чигал, зиддиятли ва шу билан бирга, шарафли, ибратли, фараҳли ва масъул мазмун-мундарижаси билан буюк донишманд тарихдан сабоқ олиш, ҳар қандай мураккаб ёки мудҳиш шароитда ҳам унга содиқ қолиш туйғусидир.

Халқни тарих туғади, тарихни халқ яратади.

Ҳар иккаласига ҳам хиёнат қилиш ҳуқуқи ҳеч кимга берилмаган.

Ҳар иккаласига шак келтириб бўлмайди. Асло.

...Аҳмаджон Ёқубовнинг ҳаёти айтилмаган дард, куйланмаган муножот, ёзилмаган дoston...

Бизни узоқ вақт ўзига интиқ ва мунтазир қилиб қўйган, ташна ва нондай азиз ошқораликка таҳсин ва тасанно!

...Мана, қўлимда бир кучоқ гул, бошим ҳам, тиззаларим букик, устоднинг қабри ёнида чўкиб турибман. Бу ерда сирли бир сукунат ҳукмрон. Э-э, гул унга энди — чикора! Йўқ, гул — унга эмас, менга... Ўзимга таскин. Дардли ва аламли нафсониятимга бир тасалли. Бу — совуқ лоқайдлигимиз, эҳтимол, бизнинг кечиккан шафқатимиз, ҳаддан ташқари кеч қийналган виждонимиз, вақтида изҳор этилмаган меҳр-оқибатимиз, қотган дийдамиздан дув тўкилмаган дурлар рамзи...

Кечиккан чечаклар...

ЧАМАН ИЧИНДА БИР ГУЛ...

1989 йил мен учун оғир йил бўлди. Айна саратон жазирамасида оғир юрак хасталигига йўлиқдим. Бетоблик давомида тўрт марта юз берган тангликнинг истаган бирида ҳаётдан кўз юмишимга кўзим етган эди. Минг қатла шукрки, ҳар гал, энг сўнгги дамда, ҳаёт ўлимдан устун келарди.

Кўзим тириклигидан мамнун, ғаламис одамлардан чеккан азоб-уқубатларимдан озурда, дўстларнинг садоқатидан кўнглим тўқ, ғаним ва ҳасадгўйларнинг разолатидан ҳафсалам пир ҳолда жон олиб, жон бериб, ўт билан сув ўртасида тўлғонар эканман, мана бу савол ва муаммолар менга тинчлик бермасди: нега дунё бу қадар кенг ва бунчалик тор, норасо, паст-баланд? Нега одамлар мунофиқлик қиладилар? Бани одамнинг зуваласига меҳр-муҳаббат билан бирга ёвузлик ва шафқатсизлик, тўғрилиқ билан бўҳтон, саховат билан зиқналиқлар қўшиб йўғрилишининг боиси нимада? Бир-биримизнинг кўзимизга қараб туриб алдашга нима мажбур қилади бизни? Нега бировларнинг ер-мулкига кўз олайтирамиз, уларнинг юртига бостириб кириб, топтаймиз, бегуноҳ одамларнинг қонини тўкамиз ва буни... «ватанпарварлик» деб атаймиз? Агар ватанга садоқат ва байналмилал туйғу шу бўлса, босқинчилик, хиёнат, макр-ҳийла деб нимани тушуниш керак?..

Э, бу саволларнинг чеки йўқ.

...Ана шундай дардли, изтиробли саволлар бошимга ёғилиб турган кезларда (бу муаммолар мавҳум эмас, ҳар бирининг ортида аниқ воқеалар: умр бўйи қувғин, кўчманчилик, маҳрумлик, камситиш, ғараз, муҳтожлик, нафсониятга тегишлар, хат

орқали пинҳона ёки юзма-юз туриб ёғдирилган таҳдид, таадди, ҳақоратлар уюлиб ётади...) радио карнайидан ғоят ажиб бир дилбар ашуланинг куйлари қулоғимга чалинди.

Чаман ичинда бир гул, гул бир ён, чаман бир ён,
Сарви санавбармидир? Соч бир ён, суман бир ён,
Сахар, субҳи содиқда мушк бир ён, мужгон бир ён,
Тун пардасин тортса гар, ой бир ён, осмон бир ён.

Ҳовлининг қоқ ўртасида, худди сеҳрланган дево-на янглиғ, таққа тўхтаб қолдим. Идроким ғир-ғир эсаётган майин шаббода, дарахт баргларининг «шитир-шитири», қушларнинг «чуғур-чуғур»ини ҳам ўша куй, ўша тарона, ўша силсабил овоз тўлқинларидан рашк қила бошлади... О, тугамасайди, тугамасайди!.. деб илтижо қилардим ўзимга ўзим.

Ўзим шифохонанинг ҳаётга қайтариш (реанимация) бўлмасида ҳуш-беҳуш ётибман-у, ҳалиги дилни эркаловчи куйлар қулоғимдан кетмайди. Гўё шу тарона, шу ҳаётбахш куй мени ўлим чангалидан сақлаб қоладиган бир малҳамдай туюлди. Мен, шу ўринда, тингловчи сифатида, ўзим билан боғлиқ бир гапни айтмоқчиман.

Муҳтарам мусоҳиб. Сиз, бир шоир таъбири билан айтганда, «менга таниш ва нотаниш дунёда» яшаётган биродари азиз! Кафтларингизни иякка тираб бир ўйлаб кўринг-а. Баъзан шундай бўладики, бирон ҳид, таъм, овоз, манзара ёки бошқа қандайдир сезги Сизга шу қадар таниш ва яқин бўладики, уни беихтиёр ўз ҳаётингизда кечган аллақайси одамга, кўнгилли ёки нохуш воқеага нисбат берасиз. Гўё ёшлик чоғларига қайтгандай, кимнидир кўргандай, нимадандир рози ёки пушаймон бўлгандай бўласиз. Олайлик, бир шарпа, гул ёки гиёҳнинг ҳиди, тасодифан кўзга чалинган чехрами, ногаҳонда Сизга ниманидир ёхуд кимнидир эслатади, руҳингиз, кайфи-

ятингиз, авзойингизни ўзгартиради. Буни сўз билан тушунтириб ҳам бўлмайди. Кишининг руҳий ҳолати билан боғлиқ нарса. Ахир, ҳеч бир сабабсиз, ўзингиздан ўзингиз нимадандир ёки нима учундир, дилгир, маҳзун ёки шод-хуррам, қушдай енгил бўлиб юрасиз-ку. Аммо, нимадан шундай бўлишини ҳам-мавақт ҳам айтиб беролмайсиз. Баъзан буни тушга йўясиз. Тўғри, туш ҳам руҳий ҳолат. Аммо туш ҳам ҳушёрликда, яъни уйғоқликдаги кечинмаларнинг давоми ёки бунинг тамомила бошқа, баъзан алмойи-алжойи, ақл бовар қилмайдиган шаклдаги бир жил-васидир...

Шундай бир манзарани эсланг. Мудҳиш уруш йиллари. Жанг олмонлар тупроғига кўчган. Буёқда жон олиб, жон берилиб ётибди-ю, кекса гуржи аскар Махарадзе тасодифан тоқзорга кириб қолиб, кайфияти батамом ўзгариб кетади. Ўзининг юрти Кахегияни эслайди. Ҳа, эсингизга тушди: «Солдат отаси» фильмидан. Дарвоқе, Махарадзе овозини беназир санъат соҳиби Шукур Бурҳон жуда дўндириб ўгирган эди!.. Қария гуржи аскарлари теги деҳқон эмасми, шу топда жангу жадални ҳам унутиб юборади. Кўҳна соҳибкор боғни пайҳон қилиш осон, аммо уни барпо этиш учун кишининг юрак-бағри доғ бўлишини билади.

Халқ бежиз айтмайди-да:

Боғни боқсанг боғ бўлур,
Ботмон даҳсар ёғ бўлур.
Боқимсиз боғ тоғ бўлур,
Юрак-бағринг доғ бўлур.

Топталган, баҳорнинг илк шабадасида энди ғунча оча бошлаган ёш ток новдаларини, худди янги туғилган гўдакдай, силаб-сийпалар экан, ўзининг гуржи тилида ғуссали оҳангда алланималар деб ғудиранади, ўз она тилида алланечук тушуниксиз,

лекин ёқимли хиргойи қила бошлайди... Чунки Махарадзе учун она табиат, бутун борлиқ — умуминсоний, аммо душманлик рамзи эмас. Қўшиқ эса тириклик, ҳаёт тимсоли.

Дарҳақиқат, қўшиғини тинглаб, ҳар бир халқнинг узоқ ўтмиши, тарихи, осор-атиқалари, ғамандуҳлари, мудҳиш ва ёруғ кунлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Халқ орасида «кимнинг аравасига ўтирсанг, ўшанинг жирини жирлайсан», деган гап бор. Афсуски, бизда ўзининг аравасида ўтирганда ҳам, бировнинг жирини жирлайдиганлар кўп бўлди. Ҳар хил мукофот, унвон, лавозим, имтиёзларга учдилар. Халқнинг назаридан қолишдан чўчимадилар. Чин инсон, агар у халқ куйчиси бўлса, кимнинг аравасига ўтирган бўлмасин, бировларнинг эмас, ўз ногорасига ўйнасин, ўз жирини жирласин.

Гапни энди тўхтаган жойидан бошлайлик.

...Тахминан, олтмишинчи йилларнинг бошлари, эҳтимол, 1962 йил бўлса керак. Ушанда биз Шайхонтовурда турар эдик. Бир куни болаларни айлан-тириб келиш учун Пушкин истироҳат боғига бордик. Иттифоқо, мен болаларга бирон луқма ёки ширинлик олиш учун емакхонага (буфетга) кирдим. Калинин майдоидаги ресторан ёнида, ҳозирги чойхона ўрнида буфет бўларди. Шундоқ киришимни билман, Миртемир домлага дуч келдим. Ўйлашимча, у киши жиндай сархушроқ эдилар. Домла худди мени кутиб тургандай, қўлимдан ушладилар-да, «кетдик» дедилар. Уйга бориб чойлашамиз, отамлашамиз.

Мен ҳанг-манг бўлиб қолдим. Кеч қорая бошлаган, ташқарида болалар кутиб турибди. Ҳарчанд узрхоҳлик қилсам ҳам, қарасам, оқсоқол шоирнинг қандайдир кўнгли чўкадигандай. Беихтиёр, болалар-

ни уйга жўнатиб юбордим-у, домла билан у кишининг ҳовлиларига жўнадик.

Шунда мен учун ҳайратомуз бир воқеа юз берди. Ҳовлига қадам қўйишимиз билан домла мени бутунлай унутиб юбордилар-у, қош қорайган бир паллада, қўлларига гулқайчи олиб, атиргулларнинг шох-буталарини қирқишга тушиб кетдилар.... Мен ҳайрон бўлиб, ҳовли саҳнида тик турганча туриб қолдим.

Орадан алламаҳал фурсат ўтди. Ниҳоят, мен хонадон соҳибининг ёдларига тушдим шекилли, кўзлари жикқа ёш, гулзордан истиқболимга ниҳоятда ҳориган кўйи кела бошладилар. Мен бу ерда қандай сир-асрор борлигидан донг қотиб, лол-ҳайрон серрайиб турардим. Шунда домла, худди бирон яқин кишиси тўсатдан ҳалок бўлган мотамсаро одамдек, мени бағриларига олиб, овоз чиқариб йиғлай бошладилар...

Чўпон бўлиб туғилсам, бўлмасмиди, Ғайбулло,
Меров бўлиб туғилсам, бўлмасмиди, Ғайбулло,
Бу норасо дунёда бош кўтариб юрганча,
Соқов бўлиб туғилсам, бўлмасмиди, Ғайбулло...

Миртемир оғанинг руҳий ҳолати шундай эдики, худди ўзи жонсиз бир гавда-ю, ўзига ўзи марсия айтаётган марҳумни эслатар эди... Тамоман тарвумим қўлтиғимдан тушди. Отахон шоирга нима деб таскин беришни, тасалли айтишни билмайман. Ўзим бир толибул илм (аспирант) бўлсам, қаёқдан ҳам билай, шундай улкан шоир, эл, халқ, юрт ардоқлаган мутафаккирнинг бошида чўнг мусибат, оғир кулфат бўлишини, ҳаммага ҳам айтиб бўлмайдиган ғам-ҳасрат юрагини кемириб ётганини. Фақат афсусланганим шундаки, ўша марсияни секингина ёзиб олмаганман. Аттанг.

Хуллас, ҳайрон-лол, сарсон-саргашта бўлиб, ниҳоятда сўник бир кайфиятда, ўзим ҳам ўпкам тўлиб,

кўзда аламли ёш билан қутлуғ хонадондан чиқиб кетдим...

Энди ўйласам, биз, ҳозир, во ҳасрато, қанисан, «қайта қуриш», «янгича тафаккур», «ошкоралик» деб ҳар кўча, ҳар муюлишда излаб юрган муаммоларнинг зил-замбил юки ўша вақтлардаёқ Миртемирнинг икки елкасидан тегирмон тошидай босиб ётган экан.

Мана энди муддао равшан бўлди. Чамаси, орадан уч кам ўттиз йил ўтгандан кейин устод Миртемирнинг ўша тунда дилини эзган ҳасрат менинг ҳам дилимга келиб инган, вужудимни эзган бўлса ажаб эмас.

Кунларнинг бирида мен ўзим учун ҳайратомуз бўлган бу ҳолатни сўзлаб берарканман, Абдунаби Бойқўзиев деган бир қадрдон укахомимиз жумбоқнинг сирини жуда усталик билан таҳлил қилди. У менинг руҳий ҳолатимни ўзимга тушунтириб бергандай бўлди. Минг чандон тўғри: шеър ўзи гоят таъсирчан, куй беғубор, хонанданинг овози тиниқ. Бунинг устига менинг, яъни тингловчининг ўзимдан ўзга ҳеч кимга маълум бўлмаган шахсий руҳий кечинмам ҳам мудроқ ҳолатдан уйғонган. Чунончи, шеър ва қўшиқдаги гул билан чаман менга, «онгсиз» бир тарзда, яъни беихтиёр (!..), пири комил шоиримиз Миртемирнинг серфайз ҳовлисидаги ўша-ўша гулзор, ўша-ўша чаманзорни эслатган экан.

Бошқача айтганда, шеърий тимсол билан мусиқий рамз ҳаётий борлиққа, ишора қилган. Аслидаку, аксинча бўлади: ҳаётдан — ижодга ўтилади. Бу ерда эса... ижоддан — ҳаётга қараб борилган. Қандайдир кўп босқичли, билвоситали, мураккаб акс таъсир ҳодисаси рўй берган.

Санъат асари, бу хоҳ сўз санъати (адабий асар), хоҳ мусиқий наво (куй), хоҳ ижрочи (хонанда) маҳорати бўлсин, аввало, боя айтганимиздай, яхлит ва

зиддиятли жараён. Шоир ўз шеърига куй басталай билмаслиги, бастакор эса шеър ёза олмаслиги, ўзи басталаган куйни ижро эта олмаслиги мумкин. Хонанда бўлса шеър ёзиш қўлидан келмаслигидан ташқари, ажабмаски, куй басталашни ҳам эплолмас. (Бирон янги тайёрани яратган кашшоф — муҳандис уни ўзи, учувчи ўрнида, бошқара олмагани сингари. Бу ишни синовчи-учувчи эплайди.)

Ҳа-да: шоир — шеър ёзади, бастакор — куй басталайди, хонанда — уни ижро этади, тингловчи — мириқади. Аммо булардан ҳар бирининг ўз «дарди» бор. Шоир — бастакор — хонанда — тингловчи силсиласида энг кам «юк» тингловчининг зиммасига тушади. Зеро, у захмат чекмайди, балки тайёр илҳом маҳсулини «истеъмол» қилади, холос...

Аслида эса, мириқиш ҳам... ўзига хос меҳнат! Тўғрироғи, бунинг учун кишида нозик дид, савия, идрокдан ташқари, яна «баъзи нарсалар» ҳам керак. Бу: қалб ёлқини. Таъбир жоиз бўлса, мусиқа билан яшай олиш лозим. Зеро, ҳар қандай ижод маҳсули ҳам ўз қадрини топганда, инсон шуури ва дилида ўзлагандагина оммалашади, самара беради.

Миртемирнинг бир ўзи ҳам гул, ҳам чаман эди.

УМР МАНЗАРЛАРИ

(Китобга хотима)

Ҳаётдаги биринчи муаллимим, устозим — пири бадавлат, беш кам юз ёшга кирган отам Тожи Салом бўладилар. (Эл-юрт улуғлари дадамни «Мулла Тожи» деб билади...) Масканим Самарқанд билан Бухоро амирлигининг дучлашган чегараси — қадимий Миёнкол. Эҳтимол, бу менинг хатимдан ҳам сезилиб турса керак.

Ҳаётда жуда кўп одамлардан рўшнолик кўрдим. Улардан бу китобда номлари тилга олинмаган мўътабар кишилар қаторида Сарвар Азимов, Саид Шермухаммадов, Асил Рашидовлар оиласига таъзим қиламан. Матёқуб Қўшжонов, Эрик Каримов, Бахтиёр Назаров, Барот Бойқобил, Наримон Ҳотамов, Тўхта Бобоев, Роберт Шагинян, Нуриддин Шукуров, Полвон Азизов ва барча дорилфунундош ҳамкасабаларимга бурчдорман...

Башарти, мабодо, ҳаётда қандайдир бирон қоладиган иш қилишга улгурган бўлсам, бу — ўзбек назарий таржимачилиги мактаби, таҳрир амалиёти билан биринчи ўзбек миллий совет қомусидир. Таржима, Таҳрир ва Қомус. (Афсуски, ҳаётимда чуқур из қолдирган, ёшлигимнинг илиги сарфланган, ҳам Бахтим, ҳам юрагимнинг Жароҳати бўлмиш қомус ҳақида бу ерда ҳеч гап айтолмадим. Бу менинг «қалб дафтарим» бўлиб қолади.)

Ҳаётда бирон кишига қарши курашдимми? Йўқ. Тарбиям изн бермади.— Нечук? — дейсиз.— Тараққиёт курашсиз бўлмайди-ку? Ҳа, курашдим. Аммо «бирон кишига қарши» эмас. Жоҳил одамларга қарши кураш бефойда, самарасиз ва кераксиз нарса. Жаҳолатга қарши курашдим. Ҳар гал воқеа-

ходисаларнинг илдизига қарашга ҳаракат қилдим. Менга халал берган одамларни йўлимдан суриб ташлашга интилмадим. Аксинча, улардан ҳам кўп нарсани ўргандим. Чунончи, айрим фосиқ, мурасасиз мухолифларим нимаики қилган бўлса, ўшани қилиш керак эмаслигини билиб бордим...

Мен ушбу китобимни бағишлаган икки нуроний оқсоқол, марҳум Қутбиддин Муҳиддин ўғли билан марҳум Фузаил Исломоўғли ҳақида. Ҳар иккаловлари ҳам тирик қомус эдилар. Домла Қутбиддин Эшон жабрийда, ўттиз еттинчи йилларнинг ноҳақ қувғинидан қайтганларидан сўнг, кексайиб қолганларига, сиҳатлари йўқлигига қарамай, Алишер Навоий асарлари асосида тузилган «Санглох» луғати мавзuida филология фанлари номзоди илмий даражасини хатм қилган эдилар. Тасаввуф билағони, нозик ашъорфаҳм, «Қуръон»шориҳи, тўрт жилддан иборат Навоий асарлари изоҳли луғатининг тузувчиси бўлган бу аллома «Хамса» юзасидан алоҳида, махсус луғат туздилар. Академик-шоир Ғафур Ғулом у кишига собит ихлосманд бўлганлари кўпчиликка маълум.

Домла Фузаил Махсум ҳам узоқ йиллик — таъқиб, хорижий ҳижратдан қайтганларидан сўнг маърифат иши, таржимонлик ва илмий тадқиқотчилик билан шуғулландилар. (В. Яннинг «Чингизхон» романи ва яна аллақанча асарлар у кишининг таржималарида чоп этилган.) Шарқ тарихи, араб ва форс илми, маданияти ҳамда ўзбеклар, тожиклар, уйғурлар ҳаётидан ул муҳтарам афандининг билмаган нарсалари жуда кам эди. Тарих, фалсафа, адабиёт, жўғрофия, табобат ҳамда доришуносликда моҳир, кўп манбалардан хабардор эдилар.

Жумҳуриятда қомусчилик ҳаракатини бошлаганимизгаям чорак аср тўлди. Энди ошкор қилсам бўлар. Каминанинг аввал бошдан мақсади, Қомус

йўриғида, шовқин-суронсиз, «индамасдан» ўлкамиз тарихини чуқур ўрганиш, миллий маданиятимиз манбаларининг кўзини очиш, ўтмиш билан ҳозирги авлод ўртасида ҳосил қилинган ўпқонни баргараф этиш, она тилимиз атрофида қад-кўтарган «хитой деворларини» олиб ташлаш, катта луғат маданияти барпо қилишга эришишдан иборат эди. Бунинг учун бизга юқорида номлари тилга олинган улуғ зотлардан камида эллик-олтмиш нафарининг бошларини қовуштириш лозим эди. Афсуски, оқим бутунлай бошқа ёққа қараб кетди...

Бу мен учун буюк армон бўлиб қолди. Мана энди... Топинг уларни!

Жумҳуриятимизнинг ҳозирги оқсоқоли халқимизнинг маиший ва маънавий аҳволини тубдан яхшилаш йўлида куюнчаклик қилиб, бунинг учун ҳозир ёши элликдан ошган раҳбарлар шошилиши кераклигини дангал айтди. Хайрият! Бу гапни кейинги олти-етти йил ичида эшитмаган эдик. Тўғри-да: катта одам катта ишларни қилсин, майда-чуйда юмушларни ушоқ, ношуд одамлар ҳам қилаверади.

Мен миқёсни муқаррар кенгайтирган бўлардим: ўз халқининг қорига ярашни истаган ҳар бир инсон, у хоҳ ўн санқиз яшар йигит, хоҳ етмиш яшар мўйсафид бўлсин, ўз онгли ҳаётининг бир дақиқасини ҳам майда-чуйда ишларга исроф қилмай, ўзини бусбутун ана шу улуғ мақсадга: эзгуликка, одамларнинг оғирини енгил қилишга сафарбар этмоғи лозим.

Езган китобимни тугал дея оламанми? Йўқ. Аввало, ўзим тугал эмасман. Чунки ҳаёт тугал эмасда. Ҳеч қачон тугал бўлмайди ҳам. Бу қонуният. Ана шу нотугал ҳаётки ўзининг нурли ва соя томонлари, гўзаллиги ва зиддиятлари билан ҳеч бир рисолага сиғмаётган экан, эҳтимол, «Мен сув ичган дарёлар»ни давом эттиришга ҳозирданоқ киришаверсаммикан?..

МУНДАРИЖА

Муқаддима ўрнида	5
I ФАСЛ. Ҳайлар ва мушоҳадалар	12
II ФАСЛ. Одамлар ва муносабатлар	76
III ФАСЛ. Мантиқ барчага баробар	114
IV ФАСЛ. Муҳаббат фарзанди	152
V ФАСЛ. Тафаккур ва тил	186
VI ФАСЛ. Жилғалар ва дарёлар	206
Умр манзаралари. (Китобга хотима)	268

ИЛМИЙ-ОММАБОП АДАБИЁТ

На узбекском языке

ГАЙБУЛЛА САЛЯМОВ

РЕКИ, КОТОРЫЕ Я ПЬЮ ВОДУ

Муҳаррирлар М. Илёсова, Э. Абдурахмонов

Рассом М. Одилов

Расмлар муҳаррири Р. Зуфаров

Техн. муҳаррир Ж. Нодирова

Мусаххех Н. Мамадалиева

ИБ № 2874

Босмахонага берилди 21.06.90. Босишга рухсат этилди 5.12.90. Формати 70×108¹/₃₂. 2-босма қоғозга «Бодони» гарнитурда офсет босма усулида босилди. Босма листи 8,5. Шартли босма листи 11,90. Нашр листи 11,71. Шарт. кр. отт. 12,25. Тиражи 30.000. Буюртма 3689. Шартнома 65—90.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти. Тошкент 700113. Чилонзор райони, 8-квартал. Қатортол кўчаси. 60.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент, «Правда» кўчаси, 41.